

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ
«БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ» КАФЕДРАСИ**

К. Б. Уразов, Н. У. Худайбердиев

СОЛИҚЛАР ВА ТЎЛОВЛАР АУДИТИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

САМАРҚАНД - 2012

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

«БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ» КАФЕДРАСИ

К. Б. Уразов, Н. У. Худайбердиев

**СОЛИҚЛАР ВА ТЎЛОВЛАР
АУДИТИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРГА
АСОСЛАНГАН КЎРГАЗМАЛИ МАЪРУЗА
МАТНЛАРИ ТЎПЛАМИ**

САМАРҚАНД - 2012

65.9(2)26
4683

Уразов К.Б., Н.У. Худайбердиев. Солиқлар ва тўловлар аудитининг хусусиятлари. Заминавий педагогик технологияларга асосланган кўргазмали маъруза матнлари тўплами. - СамИСИ, 2012. - 300 бет.

Такризчилар:

иктисод фанлари номзоди, профессор Р.А. Абдуллаев
иктисод фанлари номзоди, доцент А.И. Аликулов

Мазкур кўргазмали маъруза матнлари тўплами «Солиқлар ва тўловлар аудитининг хусусиятлари» фанининг ўқув дастури асосида тайёрланган. Унда солиқлар ва тўловлар аудитининг назарий, ташкилий-ҳуқуқий асослари, шунингдек аудиторлик текширувининг услубий жиҳатлари, унинг натижаларини расмийлаштириш ва амалиётга тадбиқ этиш усуллари очиқ берилган.

Олий ўқув юрларида 5А 340902 «Аудит» мутахассислиги бўйича магистратурада таълим олаётган талабалар учун мўлжалланган.

Кўргазмали маъруза матнлари тўплами Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги «Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора тadbирлари тўғрисида»ги № ПҚ-1533-сонли қарори 2-илоvasи 7-бандида кўрсатиб ўтилган вазифалардан келиб чиқиб, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2011 йил 15 октябрдаги № 87-01/1-166 модемограммасида белгилаб берилган ўқув-услубий мажмуалар намунавий таркиби ҳамда ТДИУ қошидаги «Таълимда инновацион технологиялар» маркази томонидан яратилган лойиҳаларга таянилган ҳолда тайёрланган.


«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедрасининг
2011 йил 30 ноябрдаги йиғилишида муҳокама
қилинган ва тасдиқланган (4-сонли баён)

Институт Илмий кенгашининг 2011 йил 30 декабрдаги йиғилиши
қарори билан ўқув жараёнида қўллаш ва нашр этишга тавсия этилган
(5-сон баённома)

@ К.Б.Уразов, Н.У. Худайбердиев, СамИСИ, 2012.

МУНДАРИЖА

№	Мавзу номи	Бет
	Кириш	4
1.	«Солиқ ва тўловлар аудитининг хусусиятлари» фанининг предмети ва методи	5
2.	Солиқ ва тўловлар аудитининг меъёрий-ҳукукий, ташкилий ва ахборот таъминоти	18
3.	Оборотдан олинadиган солиқларнинг аудити	37
4.	Харажатларга киритилadиган солиқларнинг аудити	74
5.	Фойдадан олинadиган солиқларнинг аудити	116
6.	Соддалаштирилган солиқ тўловларининг аудити	151
7.	Ходимлардан ундириладиган даромад солиги ва тўлов манбаида ушланадиган бошқа солиқларнинг аудити	207
8.	Давлатнинг мақсадли фондларига ажратмалар ва тўловларнинг аудити	239
9.	Солиқ имтиёзлари ва солиқлар бўйича молиявий санкцияларнинг аудити	266
10.	Солиқ ва тўловлар аудити натижаларини умумлаштириш, расмийлаштириш ва тадбиқ этиш	280
11.	Фойдаланишга тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати	286



КИРИШ

Республикамизда бозор муносабатларига асосланган иктисодиётнинг борган сари равнақ топиб бориши билан аудиторлик хизматларига бўлган талаб ҳам табора ошиб бормокда. Бу, ўз навбатида, республикамизда мустакиллик йилларида вужудга келган ва аудиторлик хизматларига ихтисослашган аудиторлик ташкилотлари фаолиятини тубдан яхшилашни, улар самарадорлигини янада оширишни, ушбу соҳа субъектларини юқори назарий билимларга ва амалий кўникмаларга эга бўлган аудиторлар билан таъминлашни, мос равишда, бу талабларга жавоб бера оладиган аудиторларни тайёрлашни объектив зарурат қилиб қўймоқда.

Бозор муносабатларига асосланган иктисодиёт шароитида аудиторларга хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг ҳолис экспертлари сифатида бизнеснинг барча соҳа ва жабҳаларига оид билим ва малака зарур. Чунончи, аудиторлар республикамизнинг солиқ қонунчилиги ҳужжатлари талабларини, ҳар бир солиқ ва тўловни ҳисоблаш, бюджетга ўтказиб бериш, уларга доир имтиёзлар ва бошқа жиҳатларни аудиторлик текширувини режалаштириш ҳамда ўтказиш тартиблари бўйича чуқур билимга эга бўлишлари лозим. «Аудит» мутахассислиги бўйича магистрларни тайёрлаш ўқув режасида кўзда тутилган «Солиқлар ва тўловлар аудитининг хусусиятлари» фанининг асосий мақсади бўлажак аудиторларга айнан ушбу билимларни беришга қаратилгандир.

«Солиқлар ва тўловлар аудитининг хусусиятлари» фанининг ўқув дастури асосида тайёрланган мазкур кўргазмали маъруза матнлари тўпламида солиқлар ва тўловлар аудитининг назарий, ташкилий-ҳуқуқий асослари, шунингдек аудиторлик текширувининг услубий жиҳатлари, унинг натижаларини расмийлаштириш ва амалиётга тадбиқ этиш усуллари очиб берилган. Кўргазмали маъруза матнлари тўплами Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги «Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора тadbирлари тўғрисида»ги № ПК-1533-сонли қарори 2-илоvasи 7-бандида кўрсатиб ўтилган вазифалардан келиб чиқиб, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2011 йил 15 октябрдаги № 87-01/1-166 модемограммасида белгилаб берилган ўқув-услубий мажмуалар намунавий таркиби ҳамда ТДИУ қошидаги «Таълимда инновацион технологиялар» маркази томонидан яратилган лойиҳаларга таянилган ҳолда тайёрланган.

Мазкур ўқув-услубий иш олий ўқув юртлирида 5А 340902 «Аудит» мутахассислиги бўйича магистратурада таълим олаётган талабалар учун мўлжалланган. Ундан бошқа мутахассисликлар бўйича таълим олаётган магистрантлар, илмий тадқиқотчилар, ўқитувчилар ва амалиёт ходимлари ҳам фойдаланишлари мумкин.

1-маъруза	“СОЛИҚ ВА ТЎЛОВЛАР АУДИТИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ ” ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА МЕТОДИ
-----------	---

МАЪРУЗА ТЕХНОЛОГИЯСИ

Ўқув соати: 2 соат	Талабалар сони: 20 та
Ўқув машғулоти шакли: Ахборотли маъруза	
Маъруза режаси: 1. Солиқ ва тўловлар аудитининг заруратлари, мақсади ва вазифалари. 2. Солиқ ва тўловлар аудитининг махсус фан ва амалий фаолият сифатидаги предмети ва объектлари 3. Солиқ ва тўловлар аудитининг тамойиллари, методи ва унда қўлланиладиган усуллар	
Ўқув машғулоти натижаси: <i>Магистрантларга солиқ ва тўловлар аудитининг зарурати, мақсади, вазифалари, унинг фан ва амалий фаолият сифатидаги предмети, методи, усуллари, тамойиллари тўғрисида тушунчалар бериши</i>	
Педагогик вазифалар: Солиқ ва тўловлар аудитининг зарурати, мақсади, вазифалари, унинг фан ва амалий фаолият сифатидаги предмети, методи, усуллари, тамойилларни тушунтириш	Ўқув фаолияти натижалари: Талабалар солиқ ва тўловлар аудитининг зарурати, мақсади, вазифалари, унинг фан ва амалий фаолият сифатидаги предмети, методи, усуллари, тамойилларни билиб оладилар.
Ўқитиш воситалари: <i>видеопроектор, доска.</i>	
Ўқитиш усуллари: <i>Тушунтириш, ақлий ҳужум.</i>	
Ўқитиш шакллари: <i>Коллектив иш</i>	
Ўқитиш шариоити: <i>Техник воситалар билан таъминланган аудитория.</i>	
Мониторинг ва баҳолаш: <i>Оғзаки, тест савол-жавоблари.</i>	

1. СОЛИҚ ВА ТЎЛОВЛАР АУДИТИНИНГ ЗАРУРАТИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Солиқлар ва тўловлар корхона ва ташкилотларда ўтказиладиган комплекс аудиторлик текширувининг энг муҳим ва ўта масъулиятли объектларидан ҳисобланади. Бу объектлар тўғрисидаги ахборотларнинг реаллигини аниқламасдан туриб корхонанинг молиявий ҳисоботини тўғри тузилганлигига аудиторлик ҳулосасини бериб бўлмайди.

Солиқлар ва тўловлар аудитини ўтказиш учун аудиторлар республикаимизнинг солиқ қонунчилиги ҳужжатларини, авваламбор, Солиқ кодексини, унда белгиланган тартиб-қоидаларни жуда чуқур ва яхши билишлари лозим.

Республикаимизнинг 2007 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-136-сон Қонуни билан тасдиқланган ҳамда 2008 йил 1 январдан амалга киритилган Солиқ кодексда солиқлар ва тўловларнинг таърифлари, турлари, уларни ҳисоблаш ва бюджетга ўтказиб бериш ҳамда барча бошқа тартиб-қоидалари белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ (12-модда):

солиқлар – бу муайян миқдорларда ундириладиган, мунтазам, қайтариб берилмайдиган ва беғараз хусусиятга эга бўлган, бюджетга йўналтириладиган мажбурий пул тўловларидир.

бошқа мажбурий тўловлар - бу ушбу Кодексда белгиланган давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий пул тўловлари, божхона тўловлари, шунингдек ваколатли органлар ҳамда мансабдор шахслар томонидан юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни тўловчиларга нисбатан амалга ошириш учун, шу жумладан муайян ҳуқуқларни ёки лицензиялар ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларни бериш учун тўланиши лозим бўлган йиғимлар, давлат божи.


Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ (23-модда) республикаимизда амалда бўлган солиқлар ва барча бошқа мажбурий тўловлар қуйидаги 2 та гуруҳга бўлинган ҳамда улар таркибига қуйидагилар киритилган (1-расмга қаранг).

Солиқ кодексда назарда тутилган барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар республика бюджетига ва маҳаллий бюджетга тўланадиган солиқларга бўлинади (2-расмга қаранг).


Солиқ кодексда назарда тутилган барча умумбелгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бевосита (тўғри) ва билвосита (эгри) солиқлар сирасига киради.

Бевосита (тўғри) солиқлар деганда бевосита хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисобот йилидаги якуний молиявий натижаларига, яъни соф фойдаси ёки зарарига тўғридан тўғри таъсир кўрсатадиган солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар тушунилади.

Билвосита (эгри) солиқлар деганда бевосита хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисобот йилидаги якуний молиявий натижаларига, яъни соф фойдаси ёки зарарига тўғридан тўғри таъсир кўрсатмайдиган солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар тушунилади.




1-расм. Ўзбекистон Республикасида қўлланилаётган солиқлар ва тўловларнинг турлари




2-расм. Ўзбекистон Республикасида республика бюджетига ва маҳаллий бюджетга тўланаётган солиқлар ва тўловларнинг турлари

Республикамиз Солиқ кодексида назарда тутилган умумбелгиланган ҳамда солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибида тўланадиган бевосита (тўғри) ва билвосита (эгри) солиқлар таркибига қуйидагилар киради (3-расмга қаранг).



3-расм. Ўзбекистон Республикасида қўлланилаётган бевосита (тўғри) ва билвосита (эгри) солиқлар ва тўловларнинг таркиби

Корхоналар томонидан тўланадиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни бухгалтерия ҳисоби счётаида акс эттирилишига кўра тўғри гурухлаш ҳам аудитда муҳим ўрин тутади. Ушбу белгиси бўйича барча солиқлар ва тўловлар қуйидаги турларга бўлинади (4-расм).



4-расм. Ўзбекистон Республикасида қўлланилаётган солиқлар ва тўловларнинг бухгалтерия ҳисобида акс эттирилишига кўра таснифи

Олинадиган счётлар (4010 «Харидорлардан олинадиган счётлар» ва бошқалар) ҳамда 5010 «Касса» 5710 «Йўлдаги пуллар» счётлари таркибига киритилган солиқлар)



1. Акциз солиғи
2. ҚҚС
3. Жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ.

Харажатга киритиладиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ёки 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счётига олиб бориладиган солиқлар ва мажбурий тўловлар



1. Мол-мулк солиғи;
2. Ер солиғи
3. Ягона ер солиғи;
4. Қатъий белгиланган солиқлар;
5. Айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим.
6. Ижтимоий жамғармаларга мажбурий тўловлар:
 - *ягона ижтимоий тўлов;
 - *бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар;
7. Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар;
8. Давлат умуммиллий дастурларини амалга ошириш жамғармаларига мажбурий ажратмалар
9. Давлат божи;
10. Божхона тўловлари

Корхона даромади (фойдаси)дан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ёки 9810 «Фойданинг ишлатилиши» счётига олиб бориладиган солиқлар



1. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи;
2. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи;
3. Ягона солиқ тўлови.

Ходимлар даромадидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ёки 6710 «Ходимлар билан ҳисоб-китоблар» счётига олиб бориладиган солиқлар ва мажбурий ўшланмалар



1. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи
2. Фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари

Инвестор ва таъсисчилар даромадидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ёки 6610 «Таъсисчиларга дивидендлар бўйича қарзлар» счётига олиб бориладиган солиқ ва тўловлар

Корхона даромади (фойдаси)дан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар (9810 «Фойданинг ишлатилиши» счётига олиб бориладиган солиқлар)



1. Дивиденд солиғи
2. Норезидент солиғи

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР ГУРУҲЛАРИ



1. Юридик шахслар (резидент ва норезидент шахслар):

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилган, ўз мулкида, хўжалик юртишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, мушакил балансига ёки сметасига эга бўлган, ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларга эга бўла оладиган ҳамда уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот;

чет давлатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилган чет эл ташкилоти;

Ўзбекистон Республикасининг, чет давлатнинг қонун ҳужжатларига ёки халқаро шартномага мувофиқ ташкил этилган халқаро ташкилот.

2. Жисмоний шахслар (резидент ва норезидентлар шахслар) - Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет давлатлар фуқаролари, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар жисмоний шахслар.

Солиқлар ва тўловлар аудити - бу ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан тўланадиган солиқлар ва тўловларни солиқ қонунчилиги талабларида амалга оширилганлиги ҳамда улар тўғрисидаги ахборотларни молиявий ҳисоб ва ҳисоботда тўғри акс эттирилганлигини ҳолис аудиторлик таъкилоти томонидан тузилган шартнома асосида экспертиза қилиш усули.

СОЛИҚ ВА ТЎЛОВЛАР АУДИТИГА БЎЛГАН ЗАРУРАТЛАР

- Солиқларнинг муҳим давлат аҳамиятига моликлиги;
- Солиқларнинг қорхоналарнинг муҳим мажбуриятлардан бири эканлиги;
- Солиқлардан қочишга солиқ тўловчида моддий нафнинг борлиги;
- Солиқлардан билмасдан қочиш сабабли жиноий, молиявий ва маъмурий жаъзога тортилиш хавфининг борлиги;
- Солиқлар қонунчилиги талабларининг узок муддатли эмаслиги ва тез ўзгарувчанлиги;
- Солиқ солиш қонунчилиги ҳужжатларини чуқур билмаслик ва уларни тўғри тушунмаслик;
- Солиқ ҳисоб-қитобларининг турли кўрсаткичларга боғлиқлиги ва бу кўрсаткичларнинг кўплиги;
- Солиқ ҳисоб-қитобларининг мураккаблиги;
- Солиқ ҳисоб-қитоблари талабларига молиявий ҳисобнинг тўлиқ бўйсиндирилмаганлиги;
- Ахборот танқислиги;
- Ахборотларни тўғри шакллантиришнинг автоматик тизимларини яратилмаганлиги ва бошқалар.

СОЛИҚ ВА ТЎЛОВЛАР АУДИТИНИНГ МАҚСАДИ

бу ҳўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳисоботида солиқлар ва тўловлар тўғрисида ахборотларни тўғри акс эттирилганлигини аниқлаш учун керакли исботу-далилларни йиғиш.

СОЛИҚ ВА ТЎЛОВЛАР АУДИТИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

- Солиқ тўловчи мақомини тўғри аниқланганлигини текшириш
- Солиқ режимининг тўғри танланганлигини текшириш
- Солиқлар ва тўловлар турларидан тўғри фойдаланилаётганликни текшириш
- Солиқлар ва тўловлар турларини тўғри ҳисобланганлигини текшириш
- Солиқлар ва тўловлар турларини ўз вақтида тўланганлигини текшириш
- Солиқлар ва тўловлар турлари бўйича қарздорликларни ҳисоб ва ҳисоботда тўғри акс эттирилганлигини текшириш
- Солиқлар ва тўловлар турлари бўйича солиқ имтиёзларини тўғри ҳисобланганлиги ва улардан тўғри фойдаланилаётганликни текшириш
- Солиқлар ва тўловлар турлари бўйича молиявий санкцияларни ҳисоб ва ҳисоботда ўз вақтида ва тўғри акс эттирилганлигини текшириш
- Солиқлар ва тўловлар турларини динамик ва статик жиҳатдан таҳлил қилиш
- Солиқлар ва тўловларга ижобий ва салбий таъсир ўрсатаётган омилларни аниқлаш
- Солиқлар ва тўловлар турлари самарасини аниқлаш ва уни оширишнинг ички имкониятларини кўрсатиш
- Солиқлар ва тўловлар ҳисоби ва ҳисоботини такомиллаштиришга қаратилган аудиторлик тавсияларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни тадбиқ қилинишига эришиш

2.СОЛИҚ ВА ТЎЛОВЛАР АУДИТИНИНГ МАХСУС ФАН ВА АМАЛИЙ ФАОЛИЯТ СИФАТИДАГИ ПРЕДМЕТИ ВА ОБЪЕКТЛАРИ

Солиқ ва тўловлар аудитининг предмети - бу ҳўжалик юритувчи субъектларнинг бюджет ва бюджетдан ташқари давлатнинг мақсадли фондлари билан солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича молиявий муносабатлари йиғиндисидан иборат.

СОЛИҚ ВА ТЎЛОВЛАР АУДИТИНИНГ ОБЪЕКТЛАРИ

– бу барча солиқлар ва тўловлар бўйича:

Солиқ солиш объекти - солиқ тўловчида солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов ҳисоблаб чиқарилиши ва (ёки) тўланиши юзасидан мажбурият келириб чиқарувчи мол-мулк, ҳаракат, ҳаракат натижаси

Солиқ солинадиган база - солиқ солиш объектининг солиқ ёки бошқа мажбурий тўловнинг ставкаси татбикан белгиланган кўрсаткичлардаги киймат, миқдор, физик ва бошқа тавсифлари.

Ставка - солиқ солинадиган базанинг ўлчов бирлигига нисбатан ҳисобланадиган фоизлардаги ёки мутлақ суммадаги миқдори

Ҳисоблаб чиқариш тартиби - солиқ даври учун солиқ солинадиган базадан, ставкадан, шунингдек имтиёзлар мавжуд бўлса, шу имтиёзлардан келиб чиқиб, солиқ ва бошқа мажбурий тўлов суммасини ҳисоблаш қоидалари.

Солиқ даври - у тугаганидан кейин солиқ солинадиган база аниқланадиган ҳамда солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов суммаси ҳисоблаб чиқариладиган давр.

Солиқ ҳисоботини тақдим этиш тартиби - солиқ тўловчи томонидан солиқ идорасига солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов бўйича ҳисоботни белгиланган шаклда ва муддатда тақдим этиш

Тўлаш тартиби -солиқ тўловчи томонидан жорий давр учун ҳисобланган солиқ ёки бошқа мажбурий тўловлар суммасини белгиланган муддатларда солиқ идораси счётига ўтказиб бериш

Дебиторлик қарзлар - солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов бўйича солиқ органига уларнинг солиқ ёки бошқа мажбурий тўловлар ҳисоботида кўрсатилган суммасидан кўп тўланган қисми

Кредиторлик қарзлар - солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов бўйича солиқ органига уларнинг солиқ ёки бошқа мажбурий тўловлар ҳисоботида кўрсатилган суммасидан кам тўланган қисми


Солиқ имтиёзлари- Солиқ Кодексида, бошқа қонунларда ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида назарда тутилган, бошқа солиқ тўловчиларга нисбатан айрим тоифадаги солиқ тўловчиларга бериладиган афзалликлар, шу жумладан солиқ ва (ёки) бошқа мажбурий тўлов тўламаслик ёхуд уларни камроқ миқдорда тўлаш имконияти

Молиявий санкциялар - Солиқ қонунчилиги талабларини бузганлик учун тўлашга ҳисобланган пеня ва жарималар

Солиқ ва тўловлар ҳисоб-китоблари - Солиқ қонунчилигида белгиланган ҳисобот шакллари

Солиқ ва тўловларга доир бухгалтерия бошланғич ҳужжатлари ва ҳисоботлари - солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни ҳисобланиши, тўланиши, улар бўйича қаздорлик суммалари, молиявий санкциялар, имтиёзлар ва бошқа ахборотларни ташувчи бошланғич ҳужжатлар, ҳисоб регистрлари ва молиявий ҳисобот шакллари


3. СОЛИҚ ВА ТЎЛОВЛАР АУДИТИНИНГ ТАМОЙИЛЛАРИ, МЕТОДИ ВА УНДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН УСУЛЛАР



СОЛИҚ ВА ТЎЛОВЛАР АУДИТИНИНГ ХУСУСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

Мустақиллик тамойили	- солиқ ва тўловларни мустақил тарзда ташқи ва ички таъзиқларсиз текшириш
Холислик тамойили	- солиқ ва тўловларни холис текшириш, яъни унда бир томоннинг нафи, бошқа томоннинг зарари умуман мақсад бўлиши мумкин эмас
Эркинлик тамойили	- солиқ ва тўловларнинг текшириш усулларини эркин танлаш
Профессионал малакалилик тамойили	- солиқ ва тўловларни профессионал малакали асосда текшириш
Махфийлик тамойили	- солиқ ва тўловларни текшириш натижалари тўғрисидаги ахборотларни сир сақлаш ва бошқаларга етказмаслик

СОЛИҚ ВА ТЎЛОВЛАР АУДИТИ МЕТОДИНИ ТАШКИЛ ҚИЛУВЧИ УСУЛЛАР



ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

№

455746


2-маъруза	СОЛИҚ ВА ТЎЛОВЛАР АУДИТИНИНГ МЕЎЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ, ТАШКИЛИЙ ВА АХБОРОТ ТАЪМИНОТИ
-----------	--

МАЪРУЗА ТЕХНОЛОГИЯСИ

Ўқув соати: 2 соат	Талабалар сони: 20 та
Ўқув машғулоти шакли: Ахборотли маъруза	
Маъруза режаси: 1. Солиқ ва тўловлар аудитининг меъёрий-ҳуқуқий таъминоти 2. Солиқ ва тўловлар аудитининг ташкилий таъминоти 3. Солиқ ва тўловлар аудитининг ахборот таъминоти	
Ўқув машғулотининг мақсади: талабаларга солиқ ва тўловлар аудитининг меъёрий-ҳуқуқий, ташкилий ва ахборот таъминоти тўғрисида тушунчалар бериш	
Педагогик вазифалар: солиқ ва тўловлар аудитининг меъёрий-ҳуқуқий, ташкилий ва ахборот таъминотини тушунтириш.	Ўқув фаолляти натижалари: солиқ ва тўловлар аудитининг меъёрий-ҳуқуқий, ташкилий ва ахборот таъминотини билиб оладишлар.
Ўқитиш воситалари: видеопроектор, доска.	
Ўқитиш усуллари: Тушунтириш, ақлий ҳужум.	
Ўқитиш шакллари: Коллектив иш	
Ўқитиш шaroити: Техник воситалар билан таъминланган аудитория.	
Мониторинг ва баҳолаш: Оғзаки, тест савол-жавоблари.	

1.СОЛИҚ ВА ТЎЛОВЛАР АУДИТИНИНГ МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАЪМИНОТИ

Солиқ ва тўловлар аудитини тартибга солиб турувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ўзининг иерархик тизимига эга. Бу иерархик тизимни куйидаги 4 та даражага ажратиш мумкин.



5-расм. Солиқ ва тўловлар аудитини тартибга солиб турувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ўзининг иерархик тизимига эга

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОЛИҚ КОДЕКСИНИНГ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИ

УМУМИЙ ҚИСМ (I-IV бўлимлар, 1-18-боблар, 1-125-моддалар)
МАХСУС ҚИСМ (V-XXI бўлимлар, 19-64-боблар, 126-392-моддалар)

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ТЎҒРИСИДА ҚОНУН

Республикаимизнинг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида қонуни» 1996 йил 30 августда қабул қилинган. У 24 та моддадан иборат.

Модда тартиб рақами	Модда номи
1	Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари
2	Бухгалтерия ҳисобининг мақсади ва вазифалари
3	Бухгалтерия ҳисоби субъектлари
4	Бухгалтерия ҳисоби объектлари
5	Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тартибга солиш
6	Бухгалтерия ҳисобининг асосий қоидалари
7	Бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш
8	Имзо ҳукуки
9	Бошланғич ҳисоб ҳужжатлари
10	Бухгалтерия ҳисоби регистрлари
11	Активлар ва мажбуриятларни инвентаризация қилиш
12	Активлар ва мажбуриятларни баҳолаш
13	Даромадлар ва харажатларни ҳисобга олиш
14	Хусусий капитални ҳисобга олиш
15	Гаровни ҳисобга олиш
16	Молиявий ҳисобот
17	Умумлаштирилган молиявий ҳисобот
18	Молиявий ҳисоботнинг ҳисобот даври
19	Молиявий ҳисоботни тақдим этиш
20	Молиявий ҳисоботни эълон қилиш
21	Тугатиш вақтида молиявий ҳисобот
22	Бухгалтерия ахборотининг махфийлиги
23	Бухгалтерия ҳужжатларини сақлаш
24	Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ

I. Умумий стандартлар

Молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим қилиш концепцияси

II. Ҳисобот стандартлари

БҲҲС-1 Молиявий ҳисоботни тақдим қилиш

БҲҲС-7 Пул маблаглари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот

БҲҲС-8 Даврдаги соф фойда, фундаментал хатолар ва ҳисоб сисъатидаги ўзгаришлар

БҲҲС-10 Ҳисобот санасидан кейинги ходисалар

БҲҲС-30 Банклар ва бошқа аналогик муассасалар молиявий ҳисоботларидаги ахборотлар тавсифи.

БҲҲС-14 Сегментлаш ҳисоботи

БҲҲС-26 Пенсия таъминоти (пенсия режалари) дастурлари бўйича ҳисоб ва ҳисобот

БҲҲС-29 Гиперинфляция шароитида молиявий ҳисобот

БҲҲС-34 Оралик молиявий ҳисобот

БҲҲС-34 Тугалланаётган фаолият

БҲҲС-15 Баҳолар ўзгариши таъсирини аке эттирувчи ахборотлар

БҲҲС-21 Валюта курслари ўзгаришининг таъсири

БҲҲС-24 Боғлиқ томонлар тўғрисида ахборотлар тавсифи

БҲҲС-33 Акцияларга фойда

БҲҲС-27 Йигма молиявий ҳисобот ва шўъба компанияларда сармоялар ҳисоби

БҲҲС-31 Қўшма корхоналарда иштирок этиш тўғрисида молиявий ҳисобот

III. Махсус стандартлар

БҲҲС-2 Захиралар

БҲҲС-16 Асосий воситалар

БҲҲС-40 Сармояли мулк

БҲҲС-38 Номоддий активлар

БҲҲС-36 Активларнинг кадрсизланиши

БҲҲС-12 Фойда солиғи ҳисоби

БҲҲС-37 Резервлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар

БҲҲС-17 Ижара

БҲҲС-19 Ходимларни рағбарлантириш

БҲҲС-18 Тушумлар

БҲҲС-11 Қурилишдаги битимлар

БҲҲС-20 Давлат субсидиялари ҳисоби ва давлат ёрдами тўғрисидаги ахборотлар тавсифи

БҲҲС-23 Қарзлар бўйича харажатлар

БҲҲС-32 Молиявий инструментлар: ахборотларни очиклаш ва тақдим қилиш

БҲҲС-39 Молиявий инструментлар: тан олиш ва баҳолаш

БҲҲС-22 Компанияларни бирлаштириш

БҲҲС-28 Ассоциациялашган компанияларда сармоялар ҳисоби

БҲҲС-41 Қишлоқ хўжалиғи


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ
МИЛЛИЙ СТАНДАРТЛАРИ**

Бухгалтерия Ҳисоби Миллий Стандартлари (БҲМС)	Кучга кириш санаси
Молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим қилишнинг концептуал асослари	14.08.1998
№1 БҲМС Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот	14.08.1998
№2 БҲМС Асосий хўжалик фаолияти даромадлари	26.08.1998
№3 БҲМС Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот	26.08.1998
№4 БҲМС Товар-моддий захиралар	28.08.1998
№5 БҲМС Асосий воситалар ҳисоби	23.08.1998
№6 БҲМС Ижара ҳисоби	02.07.2004
№7 БҲМС Номоддий активлар	20.09.1998
№8 БҲМС Консолидацияланган молиявий ҳисобот ва шўъба хўжалик жамиятларида сармоялар ҳисоби	28.12.1998
№9 БҲМС Пул оқими тўғрисидаги ҳисобот	04.11.1998
№10 БҲМС Давлат субсидиялари ҳисоби ва давлат ёрдамлари тавсифи	03.12.1998
№11 БҲМС Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари харажатлари	28.12.1998
№12 БҲМС Молиявий инвестициялар ҳисоби	16.01.1999
№14 БҲМС Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот	17.04.2004
№15 БҲМС Бухгалтерия баланси	20.03.2003
№16 БҲМС Олдиндан кўра билинмаган ҳолатлар ва бухгалтерия балансини тузиш санасидан кейинги хўжалик фаолиятида юз берган ҳодисалар	23.12.1998
№17 БҲМС Капитал қурилишда пудрат шартномалари	23.12.1999
№19 БҲМС Инвентаризацияни ташкил қилиш ва ўтказиш	2.11.1999
№20 БҲМС Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳисобни юритиш ва ҳисоботни тузишнинг ихчамлаштирилган тартиби тўғрисида	24.01.2000
№21 БҲМС Хўжалик субъектлари молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йуриқнома	23.10.2002
№22 БҲМС Хорижий валютада ифодаланган активлар ва мажбуриятлар ҳисоби	31.05.2004
№23 БҲМС Қайта ташкил этишни амалга оширишда молиявий ҳисоботни шакллантириш	12.04.2005

**СОЛИҚ ВА ТЎЛОВЛАР АУДИТИДА АМАЛ ҚИЛИНИШИ МАЖБУРИЙ
ТЕКШИРИЛАДИГАН МУҲИМ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИГА ОИД
НИЗОМЛАР, ЙЎРИҚНОМАЛАР ВА БОШҚА МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР**

№	Низом ва йўриқнома номи	Тасдиқланган Сана
1	Хўжалик юритувчи субъектлар-экспортёрлар томонидан амортизацияни ўрнатилган меъёрдан камрок ҳисоблаш тартиби тўғрисида ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМ	2009 йил 5 феврал, № 1897
2	Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айлануви тўғрисида НИЗОМ	14.01.2004 й. N 1297
3	Ташкилотлар ва муассасалар томонидан ўз ходимларидан коммунал хизматлар учун ҳақни иш ҳақидан ушлаб қолишқўринишида қабул қилиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ	15.05.2001 й., № 1031
4	1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни хар йили қайта баҳолашни ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ	2002 йил 4 декабрь №1192
5	Молиявий ҳисобот шакллари тўлдириш бўйича ҚОИДАЛАР	24.01.2003 й. № 1209
6	Асосий воситаларни балансдан чиқариш тартиби тўғрисида НИЗОМ (Янги таҳрирда)	2004 йил 29 август, № да 1401
7	Номоддий активларни балансдан чиқариш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ	2006 йил 14 январь, № 1539
8	Инвентаризация жараёнида аниқланган мол-мулк камомати ва ортиқчасинингбухгалтерия ҳисоби тартиби тўғрисидаги НИЗОМ	2004 йил 6 апрель, № 1334
9	Товар-моддий бойликларни олишга ишончномалар бериш ва уларни ишончномалар бўйича бериш тартиби тўғрисида НИЗОМ	20.12.2003 й. N 1245-1
10	Бухгалтерия ҳисобида ижара операцияларини акс эттириш тартиби тўғрисида НИЗОМ	2009 йил 1 июнь, № 1961
11	Юридик шахсларга солиқлар, божхона ва мажбурий тўловларни бюджетга тўлаш бўйича берилган имтиёزلарни расмийлаштириш ва бухгалтерлик ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисида НИЗОМ (янги таҳрирда)	02.04.2005 й. N 1463

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ БЎЙИЧА КОРХОНАЛАРНИНГ ИЧКИ МЕЎЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАРИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА ҚОНУНИ

Республикаимизнинг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида қонуни» 2000 йил 26 майда қабул қилинган. У 29 та моддадан иборат.

- 1-модда. Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари
- 2-модда. Аудиторлик фаолияти
- 2-1-модда. Аудиторлик фаолиятининг асосий принциплари
- 3-модда. Аудитор
- 4-модда. Аудитор ёрдамчиси
- 5-модда. Аудиторлик ташкилоти
- 6-модда. Аудиторлик ташкилотининг ҳуқуқлари
- 7-модда. Аудиторлик ташкилотининг мажбуриятлари
- 8-модда. Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги
- 9-модда. Аудиторлик текшируви
- 10-модда. Мажбурий аудиторлик текшируви
- 11-модда. Ташаббус тарзидаги аудиторлик текшируви
- 12-модда. Хўжалик юритувчи субъектнинг аудиторлик текшируви ўтказилаётгандаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари
- 13-модда. Аудиторлик текширувининг буюртмачиси
- 14-модда. Аудиторлик фаолиятига аралашишга йўл қўймаслик
- 15-модда. Назорат қилувчи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ташаббусига кўри аудиторлик текширувларини ўтказиш
- 16-модда. Аудиторлик текшируви ўтказишдаги чекловлар
- 17-модда. Аудиторлик ташкилотларининг профессионал хизматлари
- 18-модда. Аудиторлик ҳисоботи
- 19-модда. Аудиторлик ҳулосаси
- 20-модда. Қасддан сохта тузилган аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик ҳулосаси
- 21-модда. Аудиторлик фаолиятини лицензиялаш
- 22-модда. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш
- 23-модда. Лицензиянинг амал қилишини тугатиш
- 24-модда. Лицензияни бекор қилиш
- 25-модда. Аудитор малака сертификатининг амал қилишини тугатиш
- 26-модда. Аудитор малака сертификатини бекор қилиш
- 27-модда. Аудиторларнинг республика жамоат бирлашмаси
- 28-модда. Низоларни ҳал этиш
- 29-модда. Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

АХСларни гуруҳларга ажратиш негизига асосан аудиторлик фаолиятининг умумий масалалари, ташкилий масалалари, алоҳида объектларни текшириш ҳамда аудиторлик текширувлари натижаларини расмийлаштириш тартиблари асос қилиб олинади. Бинобарин АХСларнинг ҳар бир гуруҳи ўз ичига аниқ йўналишдаги стандартларни олади. Чунончи, аудитнинг *умумий стандартларига* қуйидагилар киради:

- *Аудитнинг асосий тамойиллари;
- *Молиявий ҳисоботлар аудитининг мақсади ва ҳажми;
- *Аудитни ўтказишга розилик ҳақида аудиторлик ташкилотининг ҳатмажбурияти.

Аудитнинг *ички стандартларига* қуйидагилар киради:

- *Аудитни режалаштириш;
- *Аудиторлик исботлаш;
- *Аудитни ҳужжатлаштириш;
- *Аудит давомида бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимини ўрганиш ва баҳолаш;
- *Бухгалтерия ҳисоботида ўзгаришлар бўлганида аудиторнинг ҳатти-ҳаракати;
- *Эксперт хизматида фойдаланиш;
- *Аудиторлик танлови;
- *Аудит ўтказиш натижалари бўйича иктисодий субъект раҳбарига аудиторнинг ёзма ахбороти.

Аудиторлик фаолияти бўйича *ҳисоботи стандартларига* қуйидагилар киради:

- *Молиявий ҳисоботни текширганлиги ҳусусида аудиторлик ҳисоботи;
- *Бухгалтерия ҳисоботи тўғрисида аудиторлик хулосасини тузиш тартиби;
- *Аудиторлик хулосасини имзолаш санаси ва бухгалтерия ҳисоботи тузилган ва тақдим қилингандан кейинги санадан юз берадиган воқеаларни акс эттириш.

Аудиторлик фаолияти бўйича *махсус стандартларга* қуйидагилар киради:

- *Банк аудити бўйича махсус стандартлар;
- *Сугўрта фаолияти аудити бўйича махсус стандартлар;
- *Божхона аудити бўйича махсус стандартлар.

Аудитнинг халқаро стандартлари норматив ҳужжатлар сифатида қуйидаги реквизитлардан ташкил топади:

- стандарт номери,
- амалга киритилиш санаси,
- стандартнинг қўлланиш соҳаси,
- стандарт мазмуни (муаммони таҳлил қилиш тартиби ва бошқалар).

АХСлар тартиб рақамини белгилашда уч хонали сонлар асос қилиб олинган. Махсус чоп этилган тўпламларда АХСлар қуйидагича кодификациялаштирилган.

Аудитнинг халқаро стандартлари

АХСнинг коди	АХСнинг номи
100-ХАС	Халқаро аудит стандартларининг концептуал асослари
110-ХАС	Терминлар глоссарийси
200-ХАС	Молиявий ҳисоботлар аудитининг мақсади ва уни тартибга солувчи асосий тамойиллар
210-ХАС	Аудит ўтказиш тўғрисидаги келишув хати
220-ХАС	Аудит сифатини назорат қилиш»
230-ХАС	Ҳужжатлаштириш
240-ХАС	Алдаш ва хато
250-ХАС	Молиявий ҳисобот аудити бўйича қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни кўриб чиқиш
300-ХАС	Аудитни режалаштириш
320-ХАС	Бизнес билан танишиш
400-ХАС	Таваккалчиликни ва ички назорат тизимини баҳолаш
401-ХАС	«Компьютер ахборот тизими шароитида аудит
402-ХАС	Хизмат кўрсатувчи ташкилотлар хизматларидан фойдаланувчи субъектлар аудитига доир саволлар
500-ХАС	Аудиторлик далиллари
501-ХАС	Аудиторлик далиллари – аниқ моддаларга тааллуқли қўшимча саволлар
510-ХАС	Дастлабки молиявий ҳисобот аудитида бошланғич қолдиқлар бўйича аудиторнинг маъсулияти
520-ХАС	Тахлилий амаллар
530-ХАС	Аудиторлик танлаш ва тестлашнинг бошқа танлаш амаллари
540-ХАС	Ҳисоб баҳолашларнинг аудити
550-ХАС	Манфаатдор томонлар
560-ХАС	Келгуси давр молиявий маълумотларини ўрганиш
570-ХАС	Узлуксиз фаолият
580-ХАС	Субъект раҳбариятига тушунтириш бериш
600-ХАС	Бошқа аудиторлар иш натижаларидан фойдаланиш
610-ХАС	Ички аудит хизмати ишини кўриб чиқиш
620-ХАС	Эксперт хизматидан фойдаланиш
700-ХАС	Молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик ҳулосаси
710-ХАС	Такқосланадиган кўрсаткичлар
720-ХАС	Текширилган молиявий ҳисоботларда бошқа ахборотлар
800-ХАС	Махсус мақсаддаги аудит шартномаси бўйича аудиторлик ҳисобот
810-ХАС	Истиқболли молиявий маълумотларни текшириш»
910-ХАС	Молиявий ҳисоботнинг шарҳи бўйича келишув
920-ХАС	Молиявий ҳисоботга тааллуқли амалларни бажариш бўйича келишув
930-ХАС	Молиявий маълумотларнинг компиляцияси бўйича келишув

**Ўзбекистон Республикасининг аудиторлик фаолияти миллий стандартлари
(АФМС)**

№	Стандартнинг № ва номи	Ўз. Р. МВ тасликлаган сана ва №	Ўз. Р. А В да рўйхатга олинган сана ва №	Кучга кирган сана
1	3-сон АФМС «Аудитни режалаштириш»	14.10. 1999 №54	10.11. 1999 №837	01. 01. 2000
2	5-сон АФМС «Аудитор ишнинг сифатини назорат қилиш»	04.08. 1999 №62	03.09. 1999 №811	01. 01. 2000
3	6- сон АФМС «Аудитни ҳужжатлаштириш»	04.08. 1999 №61	03.09 1999 №812	01. 01. 2000
4	9-сон АФМС «Жиддийлик ва аудиторлик rischi»	04.08. 1999 №63	03.09. 1999 №813	01. 01. 2000
5	10-сон АФМС «Молиявий ҳисобот таркибидаги бошка ахборотлар»	09.09. 1999 №75	23.09. 1999 №822	01. 01. 2000
6	11-сон АФМС «Маълумотларни компьютерда ишлаш (МКИ) шароитида аудит ўтказиш»	09.09. 1999 №76	23.09. 1999 №823	01. 01. 2000
7	13-сон АФМС «Тахлилий амаллар»	04.08. 1999 №64	03.09. 1999 №814	01. 01. 2000
8	14-сон АФМС «Аудиторлик танлаш»	27.07. 1999 №59	03.09. 1999 №815	01. 01. 2000
9	16-сон АФМС «Эксперт ишидан фойдаланиш»	27.07. 1999 №60	03.09. 1999 №816	01. 01. 2000
10	24-сон АФМС «Молиявий ҳисоботнинг бузиб кўрсатилганлиги аниқланганида аудиторлик ташкилотининг иш тугиши»	31.05. 2001 №49	30.06. 2001 №1045	10. 07. 2001
11	25- сон АФМС «Аудиторлик текшируви ўтказилишида норматив ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этилишини текшириш»	27.01.2003 №14	28.02.2003 №1223	10.03.2003
12	31-сон АФМС «Хўжалик юритувчи субъект фаолияти (бизнеси) билан танишиш»	30. 05. 2001 №48	21.06. 2001 № 1043	01. 07. 2001
13	50- сон АФМС «Аудиторлик далиллар»	03.04. 2002 № 48	18.04. 2002 № 1128	29. 04. 2002
14	55- сон АФМС «Ўзаро боглик шахслар ўртасидаги битимлар бўйича аудиторлик далилларини олиш босқичлари»	27.01.2003. №15	3.03.2003. №1224	10.03.2003
15	56- сон АФМС «Молиявий ҳисобот тузилганидан кейинги ҳодисалар»	9.04.2003. №54	23.04.2003. №12	23.04.2003.
16	60- сон АФМС «Бошка аудитор иши натижаларидан фойдаланиш»	27.01.2003. №16	20.02.2003. №1221	2.03. 2003
17	70- сон АФМС «Аудиторлик ҳисоботи ва молиявий ҳисобот ҳақидаги аудиторлик ҳулосаси»	14.02. 2001 №20	10.03. 2001й №1016	20. 03. 2001
18	80-сон АФМС «Махсус масалани текшириш натижалари бўйича аудитор ҳисоботи»	27.01.2003. №13	19.02.2003. №1220	1.03.2003
19	90- сон АФМС «Аудиторлик ташкилотларининг профессионал хизматлари»	14 феврал 2001 №19	10. 03. 2001 №1017	21. 03. 2001

2.СОЛИҚ ВА ТЎЛОВЛАР АУДИТИНИНГ ТАШКИЛИЙ ТАЪМИНОТИ

Солиқ ва тўловлар аудитининг ташкилий таъминоти ўз ичига қуйидаги ишларни олади.

Аудитни режалаштиришга доир ишлар
Аудитни ўтказишга доир ишлар
Аудит натижаларини умумлаштиришга доир ишлар
Аудит натижаларини тадбиқ этишга доир ишлар

Ушбу ишларнинг мазмун-моҳияти, уларни бажариш кетма-кетлигига кўра солиқлар ва тўловлар аудитини 4 босқичга ажратиш мумкин.

СОЛИҚ ВА ТЎЛОВЛАР АУДИТИНИНГ БОСҚИЧЛАРИ

Босқич	Босқичнинг номи ва унда амалга ошириладиган ишлар
1-босқич. Аудитни режалаш- тириш босқичи.	Ушбу босқичда аудит ўтказувчи субъектнинг ёзма буюртмаси қабул қилинади: аудит ўтказувчи субъект, унинг ҳисоб ва ҳисоботининг, шу жумладан солиқлар ва тўловлар ҳисобининг дастлабки ҳолати ўрганилади, улар бўйича иш ҳажми ва қиймати, аудиторлик ҳатарининг даражаси белгиланади; аудит ўтказувчи субъект номига солиқлар ва тўловлар аудитини ўтказиш мажбуриятини олиш тўғрисида розилик хати тайёрланади, ушбу хатда солиқ ва тўловлар аудитини ўтказиш бўйича шартлар, жумладан аудиторлик ҳатари даражаси, иш ҳажми ва қиймати, кўрсатилади; солиқлар ва тўловлар аудитини ўтказиш тўғрисида шартнома тузилади; солиқ ва тўловлар аудитининг режаси ва дастури тузилади, аудиторлар ўртасида функционал мажбуриятлар ўзаро тақсимланади, уларга ёрдамчилар белгиланади.
2-босқич. Аудиторлик текширувини ўтказиш босқичи	Ушбу босқичда тасдиқланган дастурга мувофиқ солиқ ва тўловлар танланган усуллар асосида текширишдан ўтказилади
3-босқич. Аудиторлик текшируви натижаларини жамлаш ва расмийлаштири ш босқичи.	Ушбу босқичда аудиторлик текшируви маълумотлари (исботлари) ҳар бир соли ва тўлов тури бўйича жамланади. Маълумотлар (исботлар) жадваллар кўринишида жамланади. Барча маълумотлар (исботлар) жамлангач, ёзма аудиторлик ҳисоботи тайёрланади. Аудиторлик ҳисоботида барча камчиликлар кўрсатилади ва уларни бартараф этиш бўйича тавсиялар берилади.
4-босқич. Аудиторлик текшируви натижаларини тадбиқ этиш босқичи.	Ушбу босқичда солиқ ва тўловлар аудиторлик текшируви натижалари муҳокама этилади, аниқланган четланишлар бўйича тузатишлар, қайта ҳисоб-китоблар амалга оширилади. Тузатилган ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаси берилади.

**Солиқ ва тўловлар бўйича аудиторлик текширувини ўтказишнинг
намунавий умумий режаси**

Аудитнинг умумий режаси
Текшириладиган ташкилот
Аудит даври киши-соатлар миқдори
Аудиторлик гуруҳининг раҳбари
Аудиторлик гуруҳининг таркиби
Режалаштирилган аудиторлик риски
Режалаштирилган жиддийлик даражаси

№	Режалаштирилган ишлар турлари	Ўтказиш даври	Бажа- рувчи	Эслатма
1	Мижоз фаолияти ҳамда солиқ ва тўловлари билан танишиш			
2	Корхонада ички назорат тизимини баҳолаш			
3	Солиқ ва тўловлар бўйича аудиторлик далилларини тўплаш			
4	Солиқ ва тўловлар бўйича жиддийлик ва хатари (таваккалчилиги) даражасини аниқлаш			
5	Солиқ ва тўловлар бўйича аудиторлик танлови усулларини белгилаш			
6	Солиқ ва тўловлар бўйича аудит дастурини тузиш			
7	Солиқ ва тўловлар аудитини бевосита ўтказиш жараёни (дастурни бажариш)			
8	Бажарилган ишлар натижаларини таҳлил қилиш, барча оралик ва умумий ҳужжатларни тайёрлаш			
9	Текширув натижаларини мијозга тақдим этиш ва ҳ.к.			

Аудиторлик ташкилоти раҳбари
Аудиторлик гуруҳининг раҳбари

Фаннинг мақсадидан келиб чиқиб, солиқ ва тўловлар бўйича аудиторлик текшируви режаси корхоналар томонидан тўланадиган барча солиқлар ва тўловлар бўйича алоҳида –алоҳида тузилади. Ушбу режаларда ҳар бир солиқ ва тўловлар бўйича аудиторлик далилларини тўплаш усуллари, жиддийлик ва риск даражалари, аудиторлик танлови усулларини белгиланади

АУДИТ ДАСТУРИ

Текширилаётган ташкилот _____
 Аудит даври _____
 Киши-соатлар сони _____
 Аудиторлик гуруҳи раҳбари _____
 Аудиторлик гуруҳи таркиби _____
 Режалаштирилаётган аудиторлик хатари _____
 Режалаштирилаётган жиддийлик даражаси _____

N	Аудит бўлимлари бўйича аудиторлик тадбирлари руйхати	Ўтказиш даври	Бажарувчи	Аудиторнинг иш хужжатлари	Изохлар

Аудиторлик ташкилоти раҳбари

Аудиторлик гуруҳи раҳбари

Фаннинг максадидан келиб чикиб, солиқ ва тўловлар бўйича аудиторлик текшируви дастури корхоналар томонидан тўланадиган барча солиқлар ва тўловлар бўйича алоҳида—алоҳида тузилади. Ушбу дастурда ҳар бир солиқ ва тўловлар бўйича солиқ солинадиган база, солиқ ставкаси, солиқни ҳисоблаб чиқариш тартиби, солиқ даври, солиқ ҳисоботини тақдим этиш ва уни тўлаш тартиби, солиқ бўйича дебиторлик ёки кредиторлик қарз, солиқ имтиёзлари, молиявий санкциялар, солиқ ва тўловларга доир бухгалтерия бошланғич хужжатлари ва ҳисоботларини текширишга қаратилган амаллар, уларни бажарувчи аудиторлар ва уларнинг ёрдамчилари, амалларни бажариш натижасида шакллантириладиган аудиторнинг иш хужжатлари белгиланади.

Жиддийлик – бу солиқ ва тўлов тури бўйича молиявий ҳисоботни бузишни ифодаловчи энг юқори киймат ёки нисбий кўрсаткичдир. Ушбу кўрсаткич кийматидан ёки даражасидан бошлаб, ҳисоботнинг малакали фойдаланувчиси унинг асосида тўғри хулосалар чиқариш ва тўғри қарорлар қабул қилишга қодир бўлмай қолади.

Аудиторлик хатари (таваккалчилиги) – бу аудиторларнинг ўзларига боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги бўйича аудиторлик хулосасини беришда йўл қўйиши мумкин бўлган хатоларининг баҳоланган миқдори. Ушбу хатоларнинг миқдори, одатда, фоизларда ифодаланади, уни сўмларда ҳам ифодалаш мумкин. Аудиторлик хатарининг даражаси аудитор томонидан дастлабки кузатувни ўтказиш вақтида аниқланади.

Аудиторлик хатари (таваккалчилиги)нинг умумий даражаси
куйидагича ҳисоб-китоб қилинади:

$$AR = IR * CR * DR$$

Бу ерда: AR (audit risk) – умумий аудиторлик хатарининг даражаси, яъни молиявий ҳисоботга нотўғри хулоса бериш эҳтимоли;

IR (inherent risk) – ички хўжалик хатарининг даражаси, яъни ҳисобдаги хатолар эҳтимоли;

CR (control risk) – назорат тизими хатари даражаси, яъни ички назорат тизимининг самарасизлик эҳтимоли;

DR (detection risk) - хатоларни топа олмасликдан вужудга келадиган хатар даражаси, яъни хатони топа олмаслик эҳтимоли

Ички хўжалик хатари (IR) деганда хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботида ишончсизликни туғдирадиган ички хўжалик омилларидан вужудга келадиган хатар тушунилади. Бундай хатар, масалан, бош бухгалтерни ёки бухгалтерларни ҳисобот йилида кўп маротаба ўзгартирилганлигидан, уларни малакасини пастлигидан, меъёрий ҳужжатлар билан таъминланганлигининг паст даражасидан, бухгалтерия ходимлари ўртасида функционал мажбуриятларни таъсирчанлигидан, иш жараёнларидаги доимий узилишлар ва ходимларнинг мажбурий лўшима таътиллarga чиқариб юборилганлигидан, иш ҳақини ўз вақтида берилмаётганлигидан, сотиш ҳажмини ўтган йилларга нисбатан камайганлигидан ва бошқа ҳоллардан келиб чиқади. Ушбу хатарни аудитор қанчалик паст даражада белгиласа, у шунчалик хулоса қилишда кўп хатога йўл қўйиши мумкин, бу билан у ўзининг умумий аудиторлик хатари даражасини кам белгиланган ҳисобланади. Ички хўжалик хатари даражаси қанчалик юқори деб белгиланса, аудиторлик исботини талаб қиладиган далилларни йиғиш сони шунчалик кўп бўлиши лозим. Фақатгина аудиторлик исботини кўп йиғиб, аудитор ўз хатосини минимумга етказиши мумкин.

Нazorat тизими хатари (CR) – бу аудиторнинг корхонада мавжуд ички назорат тизимининг мавжуд ҳолатига, унинг таъсирчанлигига берган баҳосидан келиб чиқадиган хатар. Ички назорат тизимининг мавжудлиги, унинг ҳақиқатда қучли таъсирининг борлиги, самарали фаолият кўрсатаётганлиги аудиторнинг хулосада кам хато қилишининг муҳим омили ҳисобланади. Назорат тизими хатарини паст даражада белгиланиши, албатта, аудитор томонидан йиғиладиган исботлар сонини камайишига олиб келади, бу ўз навбатида аудиторнинг умумий аудиторлик хатарини ошишига сабабчи бўлади.

Хатоларни топа олмасликдан вужудга келадиган хатар (DR) деганда аудитор томонидан ўтказилган аудиторлик теширувида мавжуд хатоларни топа олмаганлигидан келиб чиқадиган хатар тушунилади. Аудитор исбот ва далилларни қанчалик кам тўпласа, ушбу хатарнинг даражаси шунчалик юқори бўлади, мос равишда аудиторнинг умумий аудиторлик хатари даражаси ҳам шунчалик юқори бўлади. Аудитор исбот ва далилларни қанчалик кўп тўпласа,

хатоларни топа олмасликдан вужудга келадиган унинг хатари шунчалик паст бўлади.

Мисол. Айтийлик аудитор дастлабки кузатишда фойда солиғи ҳисоб-китоби бўйича хатар даражаларини тахминан қуйидагича баҳолади: IR – 80 %, CR – 70%, AR – 1 %.

Ушбу ҳолда $DR = 0,01 / 0,8 * 0,7 = 0,018$, яъни умумий аудиторлик хатари ўртача 1,8 % ни ташкил этади. Айтийлик, корхона ўртача бир йилда 10 млн. сўм миқдорида фойда солиғи тўловчи деб ҳисобласак, аудиторнинг текшириш олдидан белгиланган умумий хатари ушбу солиқни текширишда 180 минг сўмгача хатога йўл қўйиш эҳтимолини билдиради. Демак, DR – хатони топа олмаслик эҳтимоли қанчалик катта бўлса, нотўғри хулоса бериш эҳтимоли шунчалик бекори бўлади. IR ва CR даражаларини аудитор қанчалик катта белгиласа, яъни уларга қанчалик кўп ишончсизлик билан қараб, исботлар сонини оширса, AR нинг белгиланган даражаси 1 фоиздан ошмаса, хатони тоғимаслик эҳтимоли шунчалик кам бўлади, бу - ишончли аудиторлик хулосасига эришиш мумкин дегани.

Аудиторлик хатарларининг турлари бир-бирлари билан узвий боғлиқ ҳисобланади. Уларнинг даражаларини тўғри баҳолаш аудитор томонидан тўйлаши лозим бўлган исбот ва далилларнинг сонини, яъни унинг иш ҳажминини, тўғри аниқлашга имкон беради. Солиқлар ва тўловлар бўйича аудиторлик исботи сонларининг аудиторлик хатари турлари даражаси билан алоқаларини қуйидагича ифодалаш мумкин:



Умумий аудиторлик хатари (AR)	Ички хўжалик хатари (IR)	Назорат тизими хатари (CR)	Хатоларни тоғимаслик хатари (DR)	Зарур бўлган исботлар сони
Юқори	Паст	Паст	Юқори	Кам
Паст	Паст	Паст	Ўртача	Ўрта
Паст	Юқори	Юқори	Паст	Кўп
Ўртача	Ўртача	Ўртача	Ўртача	Ўрта
Юқори	Паст	Ўртача	Ўртача	Ўрта




**СОЛИҚ ВА ТЎЛОВЛАР БЎЙИЧА АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВЛАРИ
НАТИЖАЛАРИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ**

**Солиқ ва тўловларни текшириш натижаларини ифодаловчи таҳлилий
жадвал шакли**

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Корхона ҳисоботи бўйича	Аудит текшируви бўйича	Чегланиш (+,-)



3.СОЛИҚ ВА ТЎЛОВЛАР АУДИТИНИНГ АХБОРОТ ТАЪМИНОТИ



3-маъруза	ОБОРОТДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚЛАРНИНГ АУДИТИ
------------------	---

МАЪРУЗА ТЕХНОЛОГИЯСИ

Ўқув соати: 2 соат	Талабалар сони: 20 та
Ўқув машғулоти шакли: Ахборотли маъруза	
Маъруза режаси: 1. Акциз солиғи 2. ҚҚС аудити 3. Транспорт воситалари учун ёқилғи истеъмоли солиғининг аудити	
Ўқув машғулотининг мақсади: <i>Магистрантларга оборотдан олинадиган солиқларни аудит қилиш тартиби тўғрисида тушуинчалар бериш.</i>	
Педагогик вазифалар: оборотдан олинадиган солиқларни аудит қилиш тартибини очиқ бериш	Ўқув фаолияти натижалари: оборотдан олинадиган солиқларни аудит қилиш тартибини билиб оладилар
Ўқитиш воситалари: видеопроектор, доска.	
Ўқитиш усуллари: Тушунтириш, ақлий ҳужум.	
Ўқитиш шакллари: Коллектив иш	
Ўқитиш шароити: Техник воситалар билан таъминланган аудитория.	
Мониторинг ва баҳолаш: Оғзаки, тест савол-жавоблари.	

1. АКЦИЗ СОЛИҒИНИНГ АУДИТИ

Акциз солиғи аудитининг асосий вазифаси бўлиб республикаимиз Солик кодексига ҳамда Президентимиз фармонлари ва қарорлари билан тасдиқланган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган қуйидаги тартиб-қоидаларга риоя қилинганлигини, шунингдек ушбу солиқга доир кўрсаткичларни ҳисоб ва ҳисоботда тўғри акс эттирилганлигини аниқлаш ҳисобланади.

Солик тўловчилар. Республикаимизнинг Солик кодексига мувофиқ (229-модда) акциз солиғини тўловчилари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

*Ўзбекистон Республикаси ҳудудида акциз солиғи солинадиган товарларни (акциз тўланадиган товарларни) ишлаб чиқарувчилар;

*Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига акциз тўланадиган товарларни импорт қилувчилар;

*оддий ширкат акциз тўланадиган товар ишлаб чиқарган тақдирда, оддий ширкат шартномасининг оддий ширкат ишларини юритиш зиммасига юклатилган шериги (иштирокчиси).

Акциз тўланадиган товарларнинг айрим турлари бўйича акциз тўланадиган товарлар ишлаб чиқарувчи бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига биноан акциз солиғини тўловчи этиб белгиланиши мумкин.

Солик объектлари. Республикаимизнинг Солик кодексига мувофиқ (230-модда) қуйидаги операциялар акциз солиғи солинадиган объектдир:

1) акциз тўланадиган товарларни реализация қилиш, шу жумладан:

товарни сотиш (жўнатиш);

гаров билан таъминланган мажбурият бажарилмаган тақдирда, гаровга қўйилган акциз тўланадиган товарларни гаровга қўювчи томонидан топшириш;

акциз тўланадиган товарларни бепул топшириш;

акциз тўланадиган товарларни иш берувчи томонидан иш ҳақи ҳисобига ёлланган ходимга қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда топшириш ёки ҳисобланган дивидендлар ҳисобига юридик шахснинг муассисига (иштирокчисига) топшириш;

акциз тўланадиган товарларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа товарларга (ишларга, хизматларга) айирбошлаш учун топшириш;

2) акциз тўланадиган товарларни юридик шахснинг устав фондига (устав капиталига) ҳисса ёки пай бадали тарикасида ёхуд оддий ширкат шартномаси бўйича шерикнинг (иштирокчининг) ҳиссаси сифатида топшириш;

3) акциз тўланадиган товарларни юридик шахснинг иштирокчисига (муассисига) у юридик шахс таркибидан чиққан (чиқиб кетган) тақдирда ёки юридик шахс қайта ташкил этилганлиги, тугатилганлиги (банкротлиги) муносабати билан топшириш, шунингдек оддий ширкат шартномаси доирасида ишлаб чиқарилган акциз тўланадиган товарларни мазкур шартнома шеригига (иштирокчисига) унинг шартнома иштирокчилари умумий мулкдаги мол-мулкдан улуши ажратиб берилган ёки бундай мол-мулк тақсимланган тақдирда топшириш;

4) акциз тўланадиган товарларни улуш қўшиш асосида қайта ишлашга топшириш, шунингдек улуш қўшиш асосида ҳам ашё ва материалларни, шу жумладан акциз тўланадиган ҳам ашё ва материалларни қайта ишлаш махсули бўлган акциз тўланадиган товарларни ишлаб чиқарувчи томонидан қайта ишлашга берилган ҳам ашё ва материалларнинг мулкдорига топшириш;

5) ишлаб чиқарилган ва (ёки) казиб олинган акциз тўланадиган товарларни ўз эҳтиёжлари учун топшириш;

6) акциз тўланадиган товарларни Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига импорт қилиш.

Қуйидагиларга акциз солиғи солинмайди:

1) акциз тўланадиган товарларни уларнинг ишлаб чиқарувчилари томонидан экспортга реализация қилишга, бундан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган акциз тўланадиган товарларнинг айрим турлари мустасно;

2) кейинчалик Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан олиб чиқиб кетилиши шарти билан "божхона ҳудудига қайта ишлаш" божхона режимига жойлаштирилган товарлардан ишлаб чиқарилган қайта ишлаш махсули бўлган акциз тўланадиган товарларни топширишга;

3) Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда инсонпарварлик ёрдами сифатида;

давлатлар, ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар томонидан хайрия ёрдами мақсадида, шу жумладан техник кўмак кўрсатиш мақсадида;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бўйича халқаро ва чет эл ҳукумат молия ташкилотлари томонидан берилган заёмлар (кредитлар) маблағлари ҳисобига, шунингдек грантлар ҳисобига юридик шахслар томонидан олиб қилинган, акциз тўланадиган товарларни импорт қилишга;

4) акциз тўланадиган товарларни Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига акциз солиғи солинмайдиган товарларни олиб кириш нормалари доирасида жисмоний шахслар томонидан импорт қилишга. Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига акциз солиғи солинмайдиган товарларни жисмоний шахслар томонидан олиб кириш нормаларининг энг юқори чегараси қонун ҳужжатларида белгиланади

5) ваколатли давлат органининг ёзма тасдиғи мавжуд бўлган тақдирда, телекоммуникациялар операторлари ва тезкор-кидирув тадбирлари тизимининг техник воситаларини сертификатлаштириш бўйича махсус орган томонидан олинадиган тезкор-кидирув тадбирлари тизими техник воситаларини импорт қилишга.

Акциз тўланадиган товарлар олувчига жўнатилган (топширилган) кун, агар Солиқ кодексида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, акциз тўланадиган товарларга доир солиқ солинадиган операциялар амалга оширилган сана ҳисобланади. Гаровга қўйилган акциз тўланадиган товарлар гаровга қўювчи томонидан топширилган тақдирда, гаров нарсасига бўлган мулк ҳукуқи ўтган сана гаровга қўювчи учун реализация қилиш обороти амалга оширилган сана ҳисобланади. Импорт қилинган акциз тўланадиган товарлар божхона

расмийлаштирувидан ўтказилган сана уларга доир операция амалга оширилган санадир.

Солиққа тортиладиган база. Республикамизнинг Солиқ кодексига мувофиқ (232-модда) акциз солиғи бўйича солиқ солинадиган база бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

*акциз солиғининг ставкалари мутлақ суммада (қатъий) белгиланган акциз тўланадиган товарлар бўйича - акциз тўланадиган товарларнинг натурала ифодаланган ҳажми;

*акциз солиғининг ставкалари фонизларда (адвалор) белгиланган ишлаб чиқарилаётган акциз тўланадиган товарлар бўйича, агар Солиқ кодексига бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса - реализация қилинган акциз тўланадиган товарларнинг акциз солиғи ҳамда қўшилган қиймат солиғи киритилмаган қиймати;

*иш ҳақи ҳисобига, ҳисоблаб чиқарилган дивидендлар ҳисобига, бепул ёки бошқа товарларга (ишларга, хизматларга) айирбошлаш учун бериладиган акциз тўланадиган товарлар бўйича, шунингдек товарлар таннархидан паст нархларда реализация қилинган тақдирда - солиқ тўловчи товарларни топшириш пайтида унинг ҳақиқий таннархидан кам бўлмаган даражада белгиладиган нарх асосида ҳисобланган қиймат;

*қайта ишлашга берилган хом ашё ва материаллардан ишлаб чиқарилган акциз тўланадиган товарлар бўйича - солиқ солинадиган база акциз тўланадиган товарларни ишлаб чиқаришга доир ишлар қиймати ҳамда қайта ишлашга берилган хом ашё ва материаллар қиймати.

"Женерал Моторс Ўзбекистон" ЁАЖ томонидан ишлаб чиқарилган автомобилларни дилерлар томонидан республика ичида сотишда акциз солиғи бўйича солиқ солинадиган база бўлиб, дилернинг комиссиян мукофотини чегириб ташлаган ҳолдаги сотиш қиймати ҳисобланади.

Солиқ солинадиган базага тузатиш киритиш. Республикамизнинг Солиқ кодексига мувофиқ (233-модда) акциз солиғи бўйича солиқ солинадиган базага қуйидаги ҳолларда солиқ тўловчида тузатиш киритилади:

товарлар тўлиқ ёки қисман қайтарилганда;

битим шартлари ўзгартирилганда;

баҳолар ўзгарганда, сотиб олувчи сийловдан (скидкадан) фойдаланганда.

Солиқ солинадиган базага ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган тузатишни киритиш бир йиллик муддат доирасида, кафолат муддати белгиланган товарлар бўйича эса кафолат муддати доирасида амалга оширилади.

Солиқ солинадиган базага тузатиш киритиш ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларига мувофиқ янги ҳисобварақ-фактура ёки ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳол юз берганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинadиган даромадга ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолларда тузатиш киритиш кўрсатилган ҳоллар юз берган солиқ даврида амалга оширилади.

Акциз тўланадиган товарлар экспортини тасдиқловчи ҳужжатлар куйидагилардир:

экспорт қилинадиган акциз тўланадиган товарларни етказиб бериш учун тузилган контракт;

товарларни экспорт режимида чиқаришни амалга оширувчи божхона органининг белгиси қўйилган божхона юк декларацияси;

Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидаги ўтказиш пунктида жойлашган божхона органининг товарлар тайинланган мамлакатга жўнатирилганини тасдиқловчи белгиси қўйилган товарга илова қилинадиган ҳужжатлар.

Акциз тўланадиган товарлар рўйхати ва акциз солиғи ставкалари. Республикаимизнинг Солиқ кодексига мувофиқ (235-модда) акциз солиғи тўланадиган товарлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланади. Акциз солиғи ставкалари товарнинг қийматига нисбатан фоизларда (адвалор) ва (ёки) натурада ифодаланган ўлчов бирлигига мутлақ суммада (катъий) белгиланади. Чунончи, республикаимизда ишлаб чиқарилаётган акциз тўланадиган товарлар рўйхати ва улар бўйича акциз солиғи ставкалари 2012 йил учун куйидагича белгиланган.

**2012 йил учун Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган
акциз солиғига тортиладиган товарларга нисбатан акциз солиғи
СТАВКАЛАРИ**

<i>Товарлар номи</i>	<i>Солиқ ставкаси</i>	
	<i>акциз солиғи ва ҚҚСни ҳисобга олмаган ҳолда сотилган товарлар қийматига нисбатан фоизларда</i>	<i>бир ўлчов бирлигига сўмда</i>
1. Этил спирти (1 дал учун)		2 636
2. Вино (1 дал тайёр маҳсулот учун) (1)		4 981
3. Коньяк, арок ва бошқа алкоғолли маҳсулотлар (1 дал тайёр маҳсулот учун) (1)		21 800*
4. Пиво (1 дал тайёр маҳсулот учун) (1)		2 587
5. Ўсимлик (пахта) ёғи (1 тонна учун) (1):		
озик-овкат ёғи (саломас ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган ёғ ва "Ўзбекистон" ёғидан ташқари)		723 690
техник мой (кислота миқдори 0,3 мг КОН/г дан юқори, озик-овкат маҳсулотлари таркибига қўшишга яроқсиз бўлган)		398 090
6. Сигареталар (1 минг дона учун) (1):		
Филътрли		10 739
филътрсиз, папирослар		5 183

7. Заргарлик буюмлари	25	
8. "Женерал Моторс Ўзбекистон" ЁАЖ ишлаб чиқарган автомобиллар (2)	29	
9. Кумушдан ишланган ошхона анжомлари	11	
10. Қимматбаҳо металллар (2)		
11. Нефть маҳсулотлари (1):		
Аи-80 бензини	40%, бироқ камида 321 430 сўм/тонна	
Аи-91, Аи-92, Аи-93 бензини	40%, бироқ камида 353 430 сўм/тонна	
Аи-95 бензини	40%, бироқ камида 408 890 сўм/тонна	
дизель ёқилғиси	34%, бироқ камида 273 400 сўм/тонна	
ЭКО дизель ёқилғиси	34%, бироқ камида 284 250 сўм/тонна	
авиакеросин	9%, бироқ камида 50 580 сўм/тонна	
дизель ёқи карбюратор (инжектор) двигателлари учун мотор мойи	25%, бироқ камида 207 000 сўм/тонна	
12. Табиий газ (аҳолига сотиладиган табиий газ ҳажмларидан ташқари), шу жумладан, экспорт (2)	25	
13. Ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан сотиладиган суюлтирилган газ ("Ўзтрансгаз" АҚ минтақалараро унитар корхоналари томонидан аҳолига сотиладиган газ ҳажми бундан мустасно), шу жумладан, экспорт (2)	26	
14. Пахта толаси (3)		

*) Ҳажмий улуғида этил спирти 40 фоиздан кўп бўлган коньяк, ароқ ва бошқа алкоғолли маҳсулотларга акциз солиғи ставкаси 1 дал тайёр маҳсулот учун 35 921 сўм миқдориди белгиланади.

Изоҳлар:

1. Қатъий миқдорларда белгиланган акциз солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиғи томонидан нархларнинг динамикаси ҳамда маҳсулотнинг сотилиш ҳажмидан келиб чиққан ҳолда йил мобайнида қайта кўриб чиқишнинг мумкин.

2. "Женерал Моторс Ўзбекистон" ЁАЖ автомобиллари, табиий ва суюлтирилган газ, қимматбаҳо металллар, шунингдек чакана савдо тармоғида сотиладиган тилладан ишланган заргарлик буюмларига акциз солиғини тўловчилар ва уни тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиғи томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган ҳолда белгиланади.

3. Пахта толасининг ички нархлари (реализация бўйича харажатларни ҳисобга олган ҳолда) ва уни реализация қилишнинг ҳақиқий нархи ўртасидаги ижобий фарқ пахта тозалаш корхоналарининг маҳсул ҳисоб рақамида жамланади ва 50 фоизгача бўлган миқдорда - кейинчалик бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга йўналтирилган ҳолда кредиторлик қарзини сўндириш учун пахтачилик фермер хўжалиқларига, қолган қисми - "Ўзпахтасаноат" уюшмаси корхоналарининг бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар олдидидаги қарзини сўндиришга йўналтирилади.

Солиқни ҳисоблаб чиқариш тартиби. Акциз солиғини ҳисоблаб чиқариш Солиқ кодексига мувофиқ (232-модда) аниқланадиган солиқ солинадиган базадан ва акциз солиғининг белгиланган ставкаларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$S = H \cdot \frac{A}{100 + A}$$

Бу ерда: **S** - акциз солиғи суммаси; **H** - солиқ солиш базаси; **A** - акциз солиғи ставкаси.

Солиқдан чегирма. Юкоридаги формула орқали ҳисоблаб чиқарилган акциз солиғининг суммаси Солиқ кодексига мувофиқ (237-модда) қуйидаги чегирма суммасига камайтирилади.

*акциз тўланадиган товарлар олинаётганда ёки Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига импорт қилинаётганда, агар мазкур товарлардан кейинчалик акциз тўланадиган товарлар ишлаб чиқариш учун хом ашё сифатида фойдаланилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига тўланган акциз солиғи суммаси чегириб ташланади;

Акциз тўланадиган товар (хом ашё) етказиб берувчилар мазкур товар (хом ашё) бўйича акциз солиғи суммасини ҳисобварақ-фактурада ажратиб кўрсатишлари керак. Олинаётган акциз тўланадиган товар (хом ашё) бўйича акциз солиғи суммаси ҳисобварақ-фактурада ажратиб кўрсатилмаган бўлса, акциз солиғининг мазкур суммаси чегириб ташланмайди.

Чегирма солиқ даврида реализация қилинган акциз тўланадиган товарлар ҳажмига тўғри келадиган акциз тўланадиган товар (хом ашё) ҳажмидан келиб чиққан ҳолда аниқланган акциз солиғининг ҳисобварақ-фактурада ёки божхона юк декларациясида кўрсатилган суммасига нисбатан амалга оширилади.

237- моддада белгиланган қоидалар қайта ишлашга берилган хом ашё ва материаллардан тайёрланган акциз тўланадиган товарлар топширилаётганда ҳам қайта ишлашга берилган акциз тўланадиган хом ашё ва материалларнинг мулкдори акциз солиғи тўлаганлигини тасдиқлаши шarti билан қўлланилади.

Солиқ даври. Акциз солиғи бўйича солиқ даври қуйидагилардир:

микрофирмалар ва кичик корхоналар учун - йил чораги;

микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар учун - бир ой.

Ҳисоб-китобни тақдим этиш тартиби. Акциз солиғининг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига:

акциз солиғи тўловчилар бўлган микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан - йилнинг ҳар чорагида солиқ давридан кейинги ойнинг 25-қунидан кечиктирмай;

микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар томонидан - ҳар ойда солиқ давридан кейинги ойнинг 25-қунидан кечиктирмай тақдим этилади.

Солиқ тўлаш тартиби. Солиқ кодексига мувофиқ (240-модда) унинг 236 ва 237-моддаларига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган акциз солиғи суммаси бюджетга қуйидаги муддатларда тўланади:

жорий ойнинг 13-кунидан кечиктирмай - жорий ойнинг биринчи ўн кунлиги учун;

жорий ойнинг 23-кунидан кечиктирмай - жорий ойнинг иккинчи ўн кунлиги учун;


келгуси ойнинг 3-кунидан кечиктирмай - ҳисобот ойнинг қолган кунлари учун.

Импорт қилинадиган товарлар бўйича акциз солиғини тўлаш божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда амалга оширилади.

Акциз маркалари билан тамғаланиши лозим бўлган импорт қилинадиган акциз тўланадиган товарлар бўйича акциз солиғи акциз маркалари олингунига қадар тўланади.

Акциз тўланадиган товарларни акциз маркалари билан тамғалаш. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқариладиган, шунингдек унинг божхона ҳудудига импорт қилинадиган тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда акциз маркалари билан тамғаланиши шарт.

Юқоридаги тартиб-қоидаларга тўлиқ амал қилинаётганликни аниқлаш учун акциз солиғи аудитини қуйидаги кетма-кетликда ўтказиш мақсадга мувофиқдир.



_____корхонаси бўйича _____йилда акцизли товарларнинг
сотиш ҳажми

Бир нечта акцизли товарларни соғувчи корхоналарда юқоридаги шаклда ҳар бир акцизли товар тури бўйича тузилган жадваллар асосида махсус куйидаги йиғма жадвални тузиш лозим.

Ақпизлн товарлар	Жамп сотилш кийматп	Шундан ҚҚС	ҚҚСспз сотилш кийматп	Ақпиз солтлгп		Ақпиз солтлқспз сотилш кийматп
				Ставка	Сумма	
Жамп						

_____ корхонаси бўйича _____ йилда акциз солиғини текшириш
натijasи

45

Акциз солигини ҳисобот даврлари бўйича тўлаш тартибига риоя этилганлигини аниқлаш учун қуйидаги шаклдаги аудиторлик иш ҳужжатини тузиш мумкин:

_____ корхонаси бўйича _____ йилда акциз солигини тўлаш тартибига риоя этишнинг ҳолати

Ойлар	Тўлаш муддатлари	Тўланиши лозим бўлган сумма	Ҳақиқатда тўланган сумма	Четланиш (+,-)
Январь	13-қундан кечиктирмай			
	23-қундан кечиктирмай			
	Кейинги ойнинг 3-қундан кечиктирмай			
	Жами			
Февраль				
	Шу қаби блшка ойлар			
Жами йил бўйича				

Акциз солиғи бўйича дебиторлик ёки кредиторлик қарзларни текшириш учун юқоридаги ишчи ҳужжатлар асосида қуйидаги тахлилий жадвални тузиш мақсадга мувофиқ.

_____ корхонасида _____ йилда дебиторлик ёки кредиторлик қарзларни текшириш натижалари

Кўрсаткичлар	Давр бошига қолдиқ		Даврдаги оборот		Давр охирига қолдиқ	
	Дт	Кт	Дт	Кт	Дт	Кт
Корхона бўйича						
Аудит текшируви бўйича						
Четланиш						

Акциз солиғига доир бошланғич ҳужжатларни, бухгалтерия ёзувларини, уларда суммаларни тўғри акс эттирилганлигини текшириш натижаларини ҳам турли реестрлар (аудиторнинг иш ҳужжатлари) кўринишида расмийлаштириш мумкин. Чунончи, бошланғич ҳужжатларда аниқланган камчиликларни қуйидагича расмийлаштириш мумкин:

Акциз солиғига доир бошланғич ҳужжатларда аниқланган камчиликлар реестри

№	Ҳужжат		Камчиликлар (бандлар билан санаб берилади)
	№	Сана	

Акциз солиғига доир бухгалтерия ёзувларидаги камчиликларни қуйидагича расмийлашгириш мумкин:

Акциз солиғига доир бухгалтерия ёзувларидаги камчиликлар реестри

№	Ҳужжатлар		Ёзув берилган		Берилиши керак эди	
	№	Сана	Дебет	Кредит	Дебет	Кредит

Акциз солиғи бўйича аудиторлик хатари ушбу солиқнинг асосий элементларидаги четланишлар ва хатоликларни топмасликда ёки тўғри бўлган маълумотларни нотўғри деб расмийлаштирилганлигида ҳисобланади. Ушбу хатарни камайтириш учун қуйидагиларга амал қилиш ўта муҳимдир:

*акциз солиғига оид исботу-далилларни кўпроқ тўплаш;

*бу солиқ бўйича танлаб текширишга йўл қўймаслик;

*текширув натижаларини аудиторлик ҳисоботида атрофлича очиб бериш.

2.ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ АУДИТИ

ҚҚС аудитининг асосий вазифаси бўлиб республикаимиз Солиқ кодексига ҳамда Президентимиз фармонлари ва қарорлари билан тасдиқланган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган қуйидаги тартиб-қоидаларга риоя қилинганликини, шунингдек ушбу солиқга доир кўрсаткичларни ҳисоб ва ҳисоботда тўғри акс эттирилганлигини аниқлаш ҳисобланади.

Солиқ тўловчилар. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ ҚҚСни тўловчилар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

1) солиқ солинадиган оборотларга эга бўлган юридик шахслар, агар ушбу кодексда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса;

2) Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан амалга оширилаётган солиқ солинадиган оборотлар учун қўшилган қиймат солиғи тўлаш бўйича мажбурият юклатиладиган юридик шахслар;

3) товарларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилувчи юридик ва жисмоний шахслар, ўз эҳтиёжлари учун божсиз олиб кириш нормалари доирасида товарлар олиб қирувчи жисмоний шахслар бундан мустасно;

4) оддий ширкат солиқ солинадиган оборотларни амалга ошираётганда зиммасига унинг ишларини юритиш юклатилган (ишончли шахс) оддий ширкат шартномасининг шериги (иштирокчиси).

Қуйидагилар қўшилган қиймат солиғи тўловчилари бўлиб ҳисобланмайди:

- нотижорат ташкилотлар, бундан тadbиркорлик фаолияти доирасида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш оборотлари мустасно;

- агар Солиқ Кодексининг XX бўлимида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, Солиқ Кодексига мувофиқ солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби назарда тутилган юридик шахслар.

Ягона солиқ тўловини тўловчилар бўлган юридик шахслар солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига йилнинг навбатдаги чораги бошлангунига қадар бир ойдан кечиктирмасдан, янги ташкил этилаётган ягона солиқ тўловини тўловчилар бўлган юридик шахслар эса фаолият бошлангунига қадар тақдим этиладиган ёзма билдиришга асосан ихтиёрий асосда қўшилган қиймат солиғини тўлаши мумкин.

Солиқ солиш объекти. ҚҚС бўйича солиқ солиш объекти бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- солиқ солинадиган оборот;
- солиқ солинадиган импорт.

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти деб қуйидагилар эътироф этилади:

1) мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқини ўтказиш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш, шу жумладан:

- товарни ва бошқа мол-мулкни жўнатиш (сотиш);
- устав фондига (устав капиталига) қўшилган ҳисса;
- мол-мулкни бепул бериш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш), шу

жумладан юридик шахс ходимларига уларнинг мазкур юридик шахс фаолияти билан боғлиқ бўлмаган шахсий эҳтиёжлари учун мол-мулкни бепул бериш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш);

- қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа товарларга (ишларга, хизматларга) алмаштириш учун мол-мулкни бериш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш);

- қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ходимга иш ҳақи ҳисобига ёки муассисга (иштирокчига) дивидендлар тўлаш ҳисобига мол-мулк бериш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш);

- гаров билан таъминланган мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда, гаровга қўювчи томонидан гаров нарсасини бериш;

- заём шартномалари асосида товар-моддий захираларни бериш;

2) битта юридик шахснинг бир таркибий бўлинмаси томонидан бошқа таркибий бўлинмасига, агар таркибий бўлинмалар Солиқ Кодексига мувофиқ мустакил солиқ тўловчилар бўлса, мол-мулкни бериш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш;

3) мол-мулкни молия ижарасига (шу жумладан лизингга) бериш;

4) тўловни бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан товарни жўнатиш;

5) мол-мулкни оператив ижарага бериш;

6) интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқни ўтказиш ёки улардан фойдаланиш ҳуқуқини бериш.

Қуйидагилар товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти бўлмайди:

1) солиқ тўловчининг харажатлари сифатида қараладиган унинг ўз эҳтиёжлари учун товар бериш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш, Солиқ Кодексининг 147-моддасига мувофиқ юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини ҳисоблаб чиқаришда чегирилмайдиган харажатлар бундан мустасно;

2) битта юридик шахснинг бир таркибий бўлинмаси томонидан бошқа таркибий бўлинмасига ишлаб чиқариш эҳтиёжлари (завод ички обороти) учун, агар таркибий бўлинмалар Солиқ Кодексига мувофик мустақил солиқ тўловчилар бўлмаса, мол-мулк берилиши, ишлар бажарилиши, хизматлар кўрсатилиши;

3) солиқ тўловчининг ўз эҳтиёжлари учун ўз кучи билан қурилиш, монтаж, қурилиш-монтаж ишларини бажариши;

4) гаров кийматига эга бўлган қайтариладиган тарани, шу жумладан шиша идишни жўнатиш. Қайтариладиган тара маҳсулот солиб жўнатиш, киймати ушбу маҳсулот кийматига киритилмайдиган ҳамда шу маҳсулотни етказиб бериш учун тузилган шартномада (контрактда) белгиланган шартларда ва муддатларда маҳсулот етказиб берувчига қайтарилиши лозим бўлган тарадир. Агар тара белгиланган муддатда қайтарилмаса, бундай тарани бериш солиқ солинадиган оборотга киритилади;

5) юридик шахснинг иштирокчиси (муассиси) муассислар (иштирокчилар) таркибидан чиққанда (чикиб кетганда), шу жумладан тугатилганлик (банкротлик) ёки қайта ташкил этилганлик муносабати билан чиққанда (чикиб кетганда) унга дастлабки ҳисса доирасида мол-мулкни бериш, шунингдек оддий ширкат шартномаси бўйича шерикка (иштирокчига) унинг мазкур шартнома бўйича шериклари (иштирокчилари) умумий мулкида бўлган улуши қайтарилаётганда ёки бундай мол-мулк тақсимланганда мол-мулкни бериш;

6) тугалланмаган қурилишнинг асосий воситалари, номоддий активлари ва объектларини бепул асосда бериш;

7) банкларнинг мол-мулкни ўз филиалларига бериши;

8) оддий ширкат шартномаси бўйича шерикнинг (иштирокчининг) улуши сифатида товарларни (ишларни, хизматларни), бошқа мол-мулк ва мулкый ҳуқуқларни бериш;

9) товарларни ва бошқа мол-мулкни қайта ишлаш асосида бериш;

10) ишончли бошқарув шартномаси асосида мол-мулкни мулкдордан ишончли бошқарувчига бериш;

11) ишончли бошқарув шартномаси тугатилган тақдирда, мол-мулкни мулкдорга бериш;

12) объект кийматини ижарага берувчи (лизингга берувчи) оладиган ижара (лизинг) тўловининг бир қисми тарзида коплаш.

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти солиқ солинадиган оборотдир, бундан қуйидагилар мустасно:

- Солиқ Кодексининг 208, 209 ва 210-моддаларига мувофик қўшилган киймат солигидан озод қилинган оборот;

- реализация қилинган жойи Ўзбекистон Республикаси бўлмаган оборот.

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш жойи Солиқ Кодексининг 202-моддасига мувофик белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси норезиденти томонидан Ўзбекистон Республикаси резиденти учун бажариладиган ишлар ва кўрсатиладиган хизматлар мазкур ишларни, хизматларни оловчининг солиқ солинадиган оборотида Солиқ Кодексининг 207-моддасида белгиланган тартибда киритилади.

Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб кириладиган товарлар солиқ солинадиган импортдир, Солиқ Кодексининг 211-моддасига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган товарлар бундан мустасно.

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш оборотларига, агар уларни реализация қилиш жойи Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўлса, қўшилган қиймат солиғи солинади.

Қуйидаги шартлар ёхуд улардан бири мавжуд бўлган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди товарларни реализация қилиш жойи деб эътироф этилади:

- товар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турган бўлса ва битим натижасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига чиқарилмайдиган бўлса (юклав жўнатилмайдиган ва ташилмайдиган бўлса);

- жўнатиш ёки ташиш бошланган пайтда товар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турган бўлса.

Қуйидаги ҳолларда Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ишларни, хизматларни реализация қилиш жойи деб эътироф этилади, агар:

- 1) ишлар, хизматлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган кўчмас мулк билан боғлиқ бўлса. Бундай ишлар, хизматлар жумласига, хусусан, қурилиш, монтаж, қурилиш-монтаж, ишга тушириш-созлаш, таъмирлаш, реставрация қилиш, кўкаламзорлаштириш ишлари, шунингдек кўчмас мулкни ижарага бериш қиради;

- 2) ишлар, хизматлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган кўчар мулк (транспорт воситалари бундан мустасно) билан боғлиқ бўлса;

- 3) хизматлар ҳақиқатда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туризм, маданият, санъат, таълим, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кўрсатиладиган бўлса;

- 4) ишларни, хизматларни сотиб олувчи фаолиятини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширадиган бўлса. Ишларни (хизматларни) сотиб олувчи юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилганлиги асосида, бундай асос бўлмаган тақдирда эса, юридик шахснинг таъсис ҳужжатларида кўрсатилган жой, юридик шахснинг доимий фаолият кўрсатадиган ижро этувчи органи жойлашган ер, агар ишлар (хизматлар) муайян доимий муассаса орқали бажарилган (кўрсатилган) бўлса, ушбу доимий муассаса жойлашган ер асосида Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида ҳақиқатда ҳозир бўлиб турган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг ҳудуди сотиб олувчининг фаолияти амалга ошириладиган жой ҳисобланади. Ушбу банднинг қоидалари қуйидаги ҳолларда қўлланилади:

- интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқ ўтказилган ёки улардан фойдаланиш ҳуқуқи берилганда;

- маслаҳат бериш, аудиторлик, юридик (адвокатлик), бухгалтерлик, реклама, инжиниринг хизматлари, шунингдек ахборотга ишлов бериш хизматлари кўрсатилганда. Инжиниринг хизматлари жумласига маҳсулотни (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқариш ва реализация қилиш жараёнига тайёргарлик, саноат, кишлок хўжалиги ва бошқа объектлар қурилиши ҳамда улардан фойдаланилишга тайёргарлик бўйича муҳандислик-маслаҳат бериш

йўсинидаги хизматлар, лойиҳалаш олди ва лойиҳалаш хизматлари (техник-инженерий асосларни, лойиҳа-конструкторлик ечимларини тайёрлаш ва бошқа шунга ўхшаш хизматлар) киради. Ахборотга ишлов бериш хизматлари жумласига ахборот массивларини тўплаш ва умумлаштириш, тизимлаштириш ҳамда бу ахборотга ишлов бериш натижаларини фойдаланувчилар тасарруфига тақдим этиш хизматлари киради;

- ходимлар бериш агар ходимлар сотиб олувчи ўз фаолиятини амалга ошираётган жойда ишлаётган бўлса;

- кўчар мулк ижарага берилганда, транспорт воситалари бундан мустасно;

- товарларни (ишларни, хизматларни) олиш бўйича воситачи (ишончли шахс), шунингдек ушбу қисмда назарда тутилган хизматларни амалга ошириш учун шартноманинг (контрактнинг) асосий иштирокчиси номидан жалб этувчи шахс хизматлари кўрсатилганда;

- чет эллик алоқа операторлари томонидан алоқа хизматлари кўрсатилганда;

5) ушбу модда учинчи қисмининг 1–4-бандларида назарда тутилмаган ишларни бажараётган, хизматларни кўрсатаётган шахснинг тадбиркорлик ёки ҳар қандай бошқа фаолияти Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширилса. Ишларни бажараётган, хизматлар кўрсатаётган юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилганлиги асосида, бундай асос бўлмаган тақдирда эса, юридик шахснинг таъсис ҳужжатларида кўрсатилган жой, юридик шахснинг доимий фаолият кўрсатадиган ижро этувчи органи жойлашган ер, агар ишлар (хизматлар) бу доимий муассаса орқали бажарилган бўлса, мазкур доимий муассаса жойлашган ер асосида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳақиқатда ҳозир бўлиб турган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг ҳудуди ушбу фаолият амалга ошириладиган жой ҳисобланади.

Агар ишларни, хизматларни реализация қилиш бошқа асосий ишларни, хизматларни реализация қилишга нисбатан ёрдамчи хусусиятга эга бўлса, асосий ишлар, хизматлар реализация қилинган жой ёрдамчи реализация қилиш жойи сифатида эътироф этилади.

Товарлар жўнатиш (берилган) кун, агар ушбу модданинг учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, товарларни реализация қилиш обороти амалга оширилган санадир.

Агар товарларни жўнатиш амалга оширилмаса, товарга бўлган мулк ҳуқуқи олувчига ўтказилган кун реализация қилиш обороти амалга оширилган санадир.

Гаровга қўйилган мол-мулк (товар) гаровга қўювчи томонидан топширилганда гаров нарсасига бўлган мулк ҳуқуқи ўтказилган сана гаровга қўювчи учун реализация қилиш обороти амалга оширилган санадир.

Юридик шахснинг ходимларига уларнинг мазкур юридик шахсдаги фаолияти билан боғлиқ бўлмаган шахсий эҳтиёжлари учун иш ҳақи ҳисобига, шу жумладан бепул товарлар берилганда, ишлар бажарилганда, хизматлар кўрсатилганда товар берилган, ишлар бажарилган, хизматлар кўрсатилган ҳамда ҳисобварақ-фактура ва (ёки) ишлар бажарилгани, хизматлар

кўрсатилгани фактини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар расмийлаштирилган кун оборот амалга оширилган санадир.

Тара шартномада назарда тутилган муддатда қайтарилмаса, бу тарани қайтариш учун белгиланган сана қайтарилиши лозим бўлган таранинг реализация қилиш обороти амалга оширилган санадир.

Ишларни, хизматларни реализация қилиш обороти амалга оширилган сана қуйидаги шартлардан бири бажарилганда бошланади:

- ҳисобварақ-фактура ёзиб берилганда;
- ишлар бажарилганлиги, хизматлар кўрсатилганлиги фактини тасдиқловчи ҳужжатлар расмийлаштирилганда. Ушбу қисм қоидалари бошланиши бир ҳисобот даврига, тамомланиши эса бошқа ҳисобот даврига тўғри келадиган ишларга, хизматларга нисбатан ҳам қўлланилади.

Ишлар, хизматлар доимий (узлуксиз) асосда реализация қилинган тақдирда, ҳисобварақ-фактура ёзилган сана ишларни, хизматларни реализация қилиш обороти амалга оширилган санадир.

Шартноманинг (контрактнинг) амал қилиши даврида ишларни, хизматларни олувчи уларнинг натижаларидан ўз ишлаб чиқариш фаолиятида доимий асосда фойдаланиши мумкин бўлган тақдирда, доимий (узлуксиз) асосда реализация қилиш ишлар бажарилганлигини, хизматлар кўрсатилганлигини аниқлатади.

Ишлар, хизматлар Ўзбекистон Республикаси норезидентидан олинган тақдирда, ишлар, хизматлар олинганлиги тўғрисидаги ҳужжат расмийлаштирилган сана оборот амалга оширилган санадир.

Солиқ солинадиган база. ҚКС бўйича солиқ солинадиган база реализация қилинадиган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қиймати асосида, унга қўшилган қиймат солиғини киритмаган ҳолда белгиланади.

Товарлар (ишлар, хизматлар) таннархидан ёки товарлар олинган нархдан (товарни олиш билан боғлиқ харажатлар ҳам ҳисобга олинган ҳолда) паст нархларда реализация қилинган тақдирда, шунингдек товарлар (ишлар, хизматлар) бепул берилганда солиқ солиш мақсадлари учун солиқ солинадиган база товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) таннархидан ёки товарлар олинган нархдан (товарни олиш билан боғлиқ харажатлар ҳисобга олинган ҳолда) келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Товарлар қайта ишлашга берилган хом ашё ва материаллардан тайёрланган тақдирда, солиқ солинадиган база қўшилган қиймат солиғини киритмаган ҳолда уларни қайта ишлаш хизматларининг қиймати асосида, акциз тўланадиган товарлар бўйича эса, уларни қайта ишлаш хизматлари қиймати асосида, Солиқ Кодексининг 224-моддасига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган акциз солиғини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Қурилиш, қурилиш-монтаж ва таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиха-кидирув ва илмий ишлар, хизматлар бўйича, шунингдек объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда қуришда шартномавий нархлардан келиб чиққан ҳолда ҳисоб-китоб ҳужжатлари ҳақ тўлаш учун тақдим этилган, бажарилган ва буюртмачи томонидан тасдиқланган ишларнинг, хизматларнинг қўшилган қиймат солиғи киритилмаган қиймати солиқ солинадиган базадир.

Пудрат ёки иккиламчи пудрат ташкилотлари томонидан объектлар қуриш учун қурилиш пудрати шартномаси тузилган тақдирда, бажарилган ва тасдиқланган ишларнинг пудратчи (ёрдмчи пудратчи) ва буюртмачининг солиқ солиш мақсадида реализация қилинган деб ҳисобланадиган материаллари қиймати киритилган, ушбу бўлимда белгиланган тартибда қўшилган қиймат солиғи ҳисобланган қиймат солиқ солинадиган базадир.

Қурилиш-монтаж, таъмирлаш ва таъмирлаш-қурилиш ишларини бажариш учун шартнома тузилганда, агар шартномага биноан бу ишларни материаллар билан таъминлаш вазифаси буюртмачининг зиммасида бўлса, ушбу материалларга бўлган мулк ҳукуқи буюртмачининг ўзида сақланиб қолган тақдирда, бажарилган ҳамда тасдиқланган ишларнинг буюртмачи материалларининг қиймати киритилмаган қиймати солиқ солинадиган базадир.

Қўшилган қиймат солиғи тўловчилар бўлган савдо корхоналари импорт қилган товарлар реализация қилинган тақдирда, солиқ солинадиган база реализация қилинаётган товарларнинг қўшилган қиймат солиғи киритилмаган қийматидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Бунда солиқ солинадиган база мазкур товар импорт қилинганда қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинган қийматдан паст бўлиши мумкин эмас.

Акциз тўланадиган товарлар бўйича солиқ солинадиган базага акциз солиғининг суммаси киритилади.

Асосий воситалар ва номоддий активлар реализация қилинган тақдирда, солиқ солинадиган база қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳам ўз ичига оладиган, уларнинг реализация қилиш нархи билан қолдиқ қиймати ўртасидаги ижобий фарқ сифатида белгиланади.

Мол-мулк молия ижарасига, шу жумладан лизингга берилган тақдирда, солиқ солинадиган база қўшилган қиймат солиғи суммасини ўз ичига оладиган, чиқиб кетаётган актив қиймати билан унинг баланс (қолдиқ) қиймати ўртасидаги ижобий фарқ сифатида белгиланади.

Тугалланмаган қурилиш объекти реализация қилинган тақдирда, солиқ солинадиган база қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳам ўз ичига оладиган, тугалланмаган қурилиш объектини реализация қилиш нархи билан баланс қиймати ўртасидаги ижобий фарқ сифатида белгиланади.

Транспорт экспедицияси шартномаси бўйича хизматлар кўрсатилган тақдирда, экспедиторнинг солиқ солинадиган базаси қўшилган қиймат солиғини ҳам ўз ичига оладиган, мукофот тарикасида олинishi лозим бўлган суммадан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Воситачилик шартномаси, топшириқ ёки воситачилик хизматлари кўрсатиш бўйича бошқа шартнома асосида ўзга шахснинг манфаатларини кўзлаб хизматлар кўрсатилган тақдирда, қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ солинадиган база қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳам ўз ичига оладиган, кўрсатилган хизмат учун пул мукофоти (фоиз) тарикасида олинishi лозим бўлган суммадан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Воситачилик шартномасига, топшириққа биноан ишончли шахс ёки комитент Ўзбекистон Республикасининг норезиденти бўлган тақдирда, солиқ солинадиган база реализация қилинаётган товарларнинг қўшилган қиймат

солиғи қўшилмаган қийматидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Бунда солиқ солинадиган база мазкур товар импорт қилинганида қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинган қийматдан паст бўлиши мумкин эмас.

Гаровга қўювчи гаров мол-мулкни гаров билан таъминланган мажбуриятни бажариш ҳисобига топширган тақдирда, гаровга қўювчининг солиқ солинадиган обороти миқдори гаровга олувчи томонидан реализация қилинган мол-мулк қийматидан келиб чиққан, бироқ қўшилган қиймат солиғини қўшмаган ҳолда мазкур гаровга қўйилган мол-мулкка олинган заём маблағлари суммасидан кам бўлмаган миқдорда белгиланади. Гаровга топширилган асосий воситалар, номоддий активлар ва қурилиш тугалланмаган объектлар бўйича гаровга қўювчининг солиқ солинадиган базаси қўшилган қиймат солиғини ҳам ўз ичига оладиган, уларнинг реализация қилиш нархи билан баланс (қолдик) қиймати ўртасидаги ижобий фарқдан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Қайтариладиган тара солиқ солинадиган оборотга киритилган тақдирда, тара белгиланган муддатда қайтарилмаса, солиқ солинадиган база мазкур таранинг қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳам ўз ичига оладиган гаров қиймати асосида белгиланади.

Солиқ солинадиган базага тузатишлар киритиш. Солиқ тўловчининг солиқ солинадиган базасига қуйидаги ҳолларда тузатиш киритилади:

- 1) товарлар тўлиқ ёки қисман қайтарилганда;
- 2) битим шартлари ўзгарганда;
- 3) нархлар ўзгарганда, сотиб олувчи сийловдан (скидкадан) фойдаланганда;
- 4) бажарилган ишлардан, кўрсатилган хизматлардан воз кечилганда.

Солиқ солинадиган базага ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган тузатишни киритиш бир йиллик муддат ичида, кафолат муддати белгиланган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича эса, кафолат муддати доирасида амалга оширилади.

Ушбу моддага мувофиқ солиқ солинадиган базага тузатиш киритиш қўшимча ҳисобварақ-фактура ёки ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳоллар юз берганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Товар (иш, хизмат)ларни импорт бўйича солиқ солиш базаси. Товарларни импорт қилишда солиқ солинадиган базага товарларнинг божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланадиган божхона қиймати, шунингдек Ўзбекистон Республикасига товарларни импорт қилишда тўланиши лозим бўлган акциз солиғининг, божхона божларининг суммалари киради.

Ўзбекистон Республикаси норезиденти томонидан тақдим этилган ишлар, хизматлар, агар уларнинг реализация қилиш жойи Ўзбекистон Республикаси бўлса ва Солиқ Кодексига мувофиқ уларга қўшилган қиймат солиғи солиниши керак бўлса, ишларни, хизматларни олувчи Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчисининг солиқ солинадиган оборотидир.

Ишлар, хизматларни олувчида солиқ солинадиган база ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган Ўзбекистон Республикаси норезидентига тўланиши лозим бўлган суммадан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасидаги

манбалардан олинган даромад бўйича тўлов манбаида ушлаб қолиниши лозим бўлган солиқ суммаси чегириб ташланмаган ҳолда белгиланади.

Қўшилган қиймат солиғидан қуйидаги реализация қилиш оборотлари озод этилади:

1) давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда бошқа ваколатли ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган, давлат бож ва йиғимлар ундириладиган хизматлар (ҳаракатлар);

2) мактабгача таълим муассасаларида болаларни тарбиялашга доир хизматлар;

3) беморлар ва кексаларни парвариш қилишга доир хизматлар;

4) дафн этиш бюрolari ва кабристонларнинг маросим хизматлари, диний ашёларни реализация қилиш, диний ташкилотлар ҳамда бирлашмаларнинг удумлар ва маросимлар ўтказишга доир хизматлари;

5) протез-ортопедия буюмлари, ногиронлар учун мўлжалланган инвентарлар, шу жумладан уларни ишлаб чиқарувчилар томонидан реализация қилинаётган буюмлар ва инвентарлар, шунингдек ногиронларга кўрсатилаётган ортопедик протезлаш хизматлари, протез-ортопедия буюмлари ва ногиронлар учун мўлжалланган инвентарларни таъмирлаш ҳамда улардан фойдаланишга доир ишлар бўйича хизматлар;

6) даволаш муассасалари ҳузуридаги даволаш-ишлаб чиқариш устaxonаларининг мазкур муассасалар томонидан реализация қилинадиган маҳсулотлари;

7) почта маркалари (коллекция қилинадиганларидан ташқари), маркали откриткалар, конвертлар;

8) алоқа ташкилотларининг пенсия ва нафақалар тўлаш бўйича хизматлари;

9) бюджет маблағлари ҳисобидан бажариладиган илмий-тадқиқот ва инновация ишлари. Ушбу имтиёзни олиш учун тегишли молия органининг бюджетдан маблағлар ажратиш тўғрисидаги ҳулосаси асосидир;

10) шаҳар йўловчилар транспортининг хизматлари (таксидан, шу жумладан йўналишли таксидан ташқари), шунингдек темир йўл ва умумий фойдаланишдаги автомобиль транспортида (таксидан, шу жумладан йўналишли таксидан ташқари) шаҳар атрофидаги йўналишларда йўловчилар ташиш хизматлари. Шаҳар йўловчилар транспортининг хизматлари жумласига йўловчилар ташиш бўйича автомобиль ва электр транспорти билан шаҳар доирасида муайян йўналишлар бўйича қатнов жадвалига биноан кўрсатиладиган хизматлар киради. Ушбу банднинг қоидалари умумий фойдаланишдаги шаҳар йўловчилар ташиш транспорти ёки темир йўл ва автомобиль транспортида ходимларни ишдан ва (ёки) ишга ташиш бўйича хизматларга, юридик ва жисмоний шахслар буюртмалари асосида шаҳар атрофида тadbирлар ўтказиш учун ташиш бўйича хизматларга нисбатан ҳам татбиқ этилади;

11) олий, ўрта, ўрта махсус, касб-хунаар ўқув юртларида, шунингдек кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш билан шуғулланувчи ташкилотларда таълим беришнинг ҳақ эвазига ўқитишга доир қисми бўйича хизматлар;

12) ваколатли давлат органига саклаб туриш учун топширилган кимматбаҳо металлар;

13) тиббий (ветеринария) хизматлари, косметология хизматлари бундан мустасно, шунингдек дори воситалари ва тиббий (ветеринария) буюмлари, шу жумладан уларни ишлаб чиқарувчилар томонидан реализация қилинаётган шундай воситалар ва буюмлар. Ушбу банднинг қоидаларини қўллаш мақсадларида:

- тиббий хизматлар жумласига тиббий ёрдам хизматлари ва санитария хизмати кўрсатиш, диагностика, профилактика ва даволаш хизматлари, гомеопатик, стоматологик хизматлар, тиш протезлари тайёрлаш бўлимлари ва кабинетлари, наркология амбулаториялари, ҳайдовчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш комиссиялари, дезинфекция станциялари, санитария ва эпидемияга қарши кураш йўналишидаги лабораториялар ҳамда бўлинмалар, бошқа тиббий ҳамда тиббий-санитария йўналишидаги муассасалар томонидан кўрсатиладиган хизматлар қиради;

- ветеринария хизматлари жумласига ҳайвонларни (чорва моллар, паррандалар, мўйнали ва бошқа ҳайвонларни, балиқлар, асалариларни, ҳайвонот боғларидаги, тажрибахоналардаги ва бошқа шу кабилардаги жониворларни) касалликлардан муҳофаза қилиш ва уларни даволаш, ишлаб чиқариш ва аҳолининг яхши сифатли чорвачилик маҳсулотига бўлган эҳтиёжларини қондириш, одамларнинг ҳайвонларга ва инсонга хос касалликларга чалинишининг олдини олиш, шунингдек атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг ветеринария-санитария муаммоларини ҳал этиш тадбирлари қиради;

14) чет эл ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш юзасидан бевосита Ўзбекистон Республикаси аэропортларида ва Ўзбекистон Республикасининг ҳаво бўшлиғида амалга ошириладиган хизматлар, шу жумладан аэронавигация хизмати;

15) санаторий-курорт, соғломлаштириш, туристик-экскурсия хизматлари ва болалар дам олиш оромгоҳларининг хизматлари, шунингдек жисмоний тарбия ва спорт муассасаларининг тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган хизматлари. Ушбу бандни қўллаш мақсадида:

- санаторий-курорт ва соғломлаштириш хизматлари, шунингдек болалар дам олиш оромгоҳларининг хизматлари жумласига йўлланмалар ёки жойсиз даволаниш учун берилган ҳужжат билан расмийлаштирилган санаторий-курорт ва соғломлаштириш хизматлари, болалар оромгоҳларининг хизматлари қиради. Санаторий-курорт ва соғломлаштириш ташкилотлари дам олувчиларга кўрсатадиган йўлланманинг (жойсиз даволаниш учун берилган ҳужжатнинг) қийматига қирмайдиган хизматларга ҳам қўшилган қиймат солиғи солинмайди;

- туристик-экскурсия хизматлари жумласига сафар таркибида назарда тутилган туристик хизматлар кўрсатиш учун йўлланманинг (ваучернинг) қийматига киритилган барча туристик-экскурсия хизматлари қиради. Барча туристик-экскурсия хизматлари туристик хизматлар кўрсатиш шартномасида белгиланган транспортда хизмат кўрсатишдан, яшаб туришга, овқатланишга

доир хизматлардан, экскурсия хизмати, маданий, спорт дастурларини ташкил этиш хизматлари ва бошқа хизматлардан иборат бўлади;

- жисмоний тарбия ва спорт муассасаларининг хизматлари жумласига спорт иншоотларида спорт мусобақалари, байрамлари, спорт-томоша тadbирлари, спорт иншоотларида ўтказиладиган календарь ва матч учрашувлари, спорт турлари бўйича ўқув гуруҳлари ҳамда командаларида, соғломлаштириш, умумжисмоний тайёргарлик, соғломлаштириш йўналишидаги, чиникиш, сузиш, соғломлаштириш мақсадидаги югуриш ва юриш, атлетика, ритмика ва даволаш гимнастикаси мактаблари ҳамда клубларида жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари ўтказиш бўйича, спорт иншоотларига катновчиларга билетларнинг (абонементларнинг) кийматида назарда тутилган спорт-техника асбоб-ускуналарини, тренажёрларни, инвентарларни, спорт уст-бошларини бериб туриш бўйича хизматлар ҳамда бошқа хизматлар қиради;

16) давлат мулкани хусусийлаштириш тартибида реализация қилинаётган мол-мулк;

17) гидрометеорология ва аэрология ишлари;

18) геология ва топография ишлари;

19) босма маҳсулотлар, шунингдек босма маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни реализация қилиш билан боғлиқ тахририй, матбаа ва ноширлик ишлари (хизматлари). Ушбу бандни қўллаш мақсадида:

- босма маҳсулотлар жумласига китоблар, газеталар, журналлар, маълумотномалар, рисоалар, альбомлар, плакатлар, буклетлар, откриткалар, дафтарлар, расм ва чизмачилик альбомлари, бланкалар ҳамда бошқа босма маҳсулотлар қиради;

- тахририй, матбаа ва ноширлик ишлари (хизматлари) жумласига макет тайёрлаш, компьютер графикаси, саҳифалаш, оригинал макетлар тайёрлаш, муковалаш, ададларни тайёрлаш, реклама мурожаатларини қабул қилиб олиш, расмийлаштириш ва нашрларда жойлаштириш, ранг бериш, юридик ва жисмоний шахсларни ахборот билан таъминлаш, ахборот тўплаш ҳамда уни қайта ишлаш, матиларни таржима қилиш ишлари, магнит ва қоғоз нусхаларда почта алоқаси ҳамда Интернет орқали реализация қилиш, шунингдек конун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа турдаги тахририй, матбаа ва ноширлик ишлари қиради. Алохида ва узил-кесил ишлар (хизматлар) тарзида амалга ошириладиган, матбаа маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳамда уни реализация қилиш билан боғлиқ бўлмаган тахририй, матбаа ва ноширлик ишларига (хизматларига) қўшилган қиймат солиғи солинади;

20) Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг, унинг таркибига кирувчи корхоналар ва ташкилотларнинг ҳамда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг асосий фаолиятига доир маҳсулот ва хизматлар;

21) Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан экспорт қилинаётган товарларни ташиниш, юклаш, тушириш, қайта юклаш, экспедиция қилишга доир хизматлар, ишлар;

22) ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, «Нуроний» жамғармаси ва «Ўзбекистон чернобилчилари» ассоциацияси мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида 50 фоизини ногиронлар ташкил этувчи юридик

шахслар томонидан ишлаб чиқарилаётган товарлар (ишлар, хизматлар), бундан воситачилик, савдо, тайёрлов, таъминот-сотиш фаолиятини амалга ошириш бўйича реализация қилиш оборотлари мустасно;

23) Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бўйича халқаро ва чет эл ҳукумат молия ташкилотлари томонидан берилган қарзлар (кредитлар) юридик шахслар оладиган, шунингдек грантлар ҳисобига олинган товарлар (ишлар, хизматлар);

24) уй-жой фондини сақлаш ва таъмирлаш юзасидан аҳолига кўрсатилаётган хизматлар. Уй-жой фондини сақлаш ва таъмирлаш юзасидан кўрсатиладиган хизматлар жумласига санитария тозалаш, лифт хўжаликлари, умумий фойдаланишдаги антенналарни ўрнатиш ҳамда уларни тасарруф этиш бўйича хўжаликлар, ер ресурслари ва давлат кадастри, уй-жой фондидан фойдаланиш, уни сақлаш ва таъмирлаш бошқармалари ҳамда бўлимларининг бевосита аҳоли томонидан ҳақ тўланадиган хизматлари, шу жумладан ушбу хизматларга хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари орқали ҳақ тўлаш қиради;

25) аҳолини электр энергияси билан таъминлаш;

26) ваколатли давлат органининг ихтисослашган экспертиза бўлинмалари ўтказадиган экологик экспертиза хизматлари;

27) давлат тилини ва давлат тилида иш юритишни ўргатиш хизматлари;

28) ўзи етиштирган кишлоқ хўжалиги маҳсулотли;

29) ички ишлар органлари ҳузуридаги кўриклов бўлинмалари хизматлари;

30) устав фондига (устав капиталига) ҳисса ёки пай бадали сифатида бериладиган асосий воситалар, номоддий активлар ва тугалланмаган қурилиш объектлари;

31) бюджет маблағлари ҳисобидан бажариладиган ер-кадастр, ер тузиш, тупроқ ва геоботаника ишлари;

32) давлат резервининг товар-моддий захиралари, улар янгиланаётганда;

33) телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг техника воситалари, шунингдек мазкур воситалардан фойдаланишга ва уларга хизмат кўрсатишга доир хизматлар;

34) инвестор ва давлат мулкни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи ўртасида тузилган шартномага биноан инвестиция мажбуриятлари сифатида топширилаётган мол-мулк;

35) китоб маҳсулотлари, мактаб ўқув қуроллари ва кўرғазмали кўлланмаларининг, дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг улгуржи савдоси.

Кўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган молиявий хизматлар жумласига қуйидагилар қиради:

1) кредитлар, заёмлар бўйича фоизларни ҳисоблаб чиқариш ва ундириш, кредитлар, заёмлар бериш, кафилликлар (кафолатлар), шу жумладан банк кафолатлари бериш;

2) депозитлар қабул қилиш, юридик ва жисмоний шахсларнинг банк ҳисобварақларини, шу жумладан вакил банкларда ҳисобварақларини очиш ва юритиш;

3) тўловлар, ўтказмалар, қарз мажбуриятлари, чеклар ва тўлов воситалари билан боғлиқ операциялар, инкассо бўйича операциялар;

4) миллий валюта ва чет эл валютаси билан боғлиқ операциялар, нумизматика мақсадларида фойдаланиладиганлари бундан мустасно;

5) юридик ва жисмоний шахсларнинг кимматли қоғозлар депозит-хисобварақларини, шу жумладан вакил депозитарийларини очиш ҳамда юритиш;

6) кимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар ва бошқа кимматли қоғозлар) билан боғлиқ операциялар. Кимматли қоғозлар билан боғлиқ операциялар жумласига кимматли қоғозларни сақлаш, кимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқни ҳисобга олиш, кимматли қоғозларни ўтказиш ҳамда кимматли қоғозлар реестрини юритиш бўйича операциялар, кимматли қоғозлар савдосини ташкил этиш бўйича операциялар қиради, уларни тайёрлаш бўйича хизматлар бундан мустасно;

7) кимматли қоғозларни, юридик шахсларнинг устав фондидаги (устав капиталдаги) улушларни (пайларни) реализация қилиш;

8) клиринг операциялари;

9) аккредитивлар очиш ва уларга хизмат кўрсатиш;

10) пул маблағларини конвертация қилиш бўйича операциялар;

11) чет эл валютаси билан айирбошлаш операцияларини ташкил этиш;

12) касса операциялари (банкнот ва тангаларни қабул қилиб олиш, бериш, қайта ҳисоблаб чиқиш, майдалаб бериш, алмаштириш, саралаш ва сақлаш);

13) молиявий ижара (лизинг) шартномасининг ижарага берувчининг (лизингга берувчининг) фойз тарикасидаги даромадига тегишли қисми бўйича хизматлар кўрсатиш;

14) форфейтинг ва факторинг операциялари;

15) ломбард операциялари (гаровга қўйилган мол-мулкка қисқа муддатли кредитлар бериш);

16) жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларининг обороти.

Солиқ ставкаси. Қўшилган қиймат солиғи ставкаси 20% миқдориди белгиланган.

Солиқ даври. Календарь йил ҚҚС учун солиқ давридир.

Ҳисобот даври. Ҳисобот даври қуйидагилардир:

- қўшилган қиймат солиғи тўлайдиган микрофирмалар ва кичик корхоналар учун – йил чораги;

- микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар учун – бир ой.

Бюджетга тўланадиган ҚҚСни ҳисоблаб чиқариш. Бюджетга тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғининг суммаси сотишдан олинган ҚҚС суммасидан таъминотчиларга хом-ашё ва материаллар, иш ва хизматларни сотиб олишда тўланган ҚҚС суммасини, бошқача айтганда қамайтиришга олиб бориладиган ҚҚС суммасини айириш йўли билан топилади, яъни:

$$\text{ҚҚСб.т.} = \text{ҚҚСс} - \text{ҚҚСк}$$

Бу ерда: **ҚҚСб.т.** – бюджетга тўланадиган ҚҚС;

ҚҚСс – сотишдан олинган ҚҚС;

ҚҚСк – қамайтиришга олиб бориладиган ҚҚС.

Махсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан олинадиган қўшилган қиймат солиғи солиқ солинадиган база ва белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда қуйидагича ҳисоблаб чиқарилади.

* Товар (иш, хизмат)лар қўшилган қиймат солиғини ўз ичига олмаган нархлар ва тарифлар бўйича сотилганида:

$$C_{\text{ККС}} = C_{\text{Тоб}} * CC/100$$

Бунда: $C_{\text{ККС}}$ – истеъмолчилардан ундириладиган солиқ суммаси;

$C_{\text{Тоб}}$ - солиққа тортиладиган оборот;

CC — қўшилган қиймат солиғи ставкаси.

*Товар (иш, хизмат)лар қўшилган қиймат солиғини ўз ичига олган нархлар ва тарифлар бўйича сотилганида:

$$C_{\text{ККС}} = T_{\text{к}} * CC/(CC+100)$$

бунда: $T_{\text{к}}$ —қўшилган қиймат солиғи ҳам ҳисобга олинган товар (иш, хизмат)лар қиймати.

Қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган товар (иш, хизмат)ларни сотадиган корхоналар эркин (шартномавий) нарх ва тарифга қўшилган қиймат солиғи суммасини қўшмайдилар.

Олинган ишлар, хизматлар учун ҳақ тўлаш чет эл валютасида амалга оширилган тақдирда, солиқ солинадиган оборот бу оборот амалга оширилган санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича миллий валютада қайта ҳисоблаб чиқилади.

Хом-ашё ва материалларни сотиб олувчи корхоналар уларнинг қийматини мол етказиб берувчиларга қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олиб тўлайдилар. Мол етказиб берувчи харидордан олган қийматдан бюджетга солиқни тўлайди. Қўшилган қиймат солиғи тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати Солиқ Кодексининг 218-моддасига мувофиқ солиқ суммасини ҳисобга олиш ҳуқуқини беради.

Мисол: Корхона таъминотчиларга улардан сотиб олинган материаллар, кўрсатилган хизматлар учун қўшилган қиймат солиғини 5000 минг сўм миқдорида тўлади. Махсулот сотиш ҳажми (ҚҚСсиз) 50000 минг сўм, дейлик. Ушбу махсулотни сотишда қўйиладиган ҚҚС суммаси 10000 минг сўм (50000*20 %). Бюджетга тўланадиган қўшилган қиймат солиғи юқоридаги мисолда 5000 минг сўмни (10000-5000) ташкил қилади.

Қўшилган қиймат солиғига тортиладиган ва тортилмайдиган сотувчи, ишларни бажарувчи ва хизматларни кўрсатувчи корхоналар ушбу товарлар (ишлар, хизматлар)ни оладиган шахсларга ҳисобварақ-фактураларни тақдим этишлари шарт. Бунда қўшилган қиймат солиғи тўловчилари ҳисобланмайдиган, шунингдек бу солиққа тортилмайдиган товар (иш, хизмат)ларни сотувчи корхоналар ҳисобварақ-фактурада қўшилган қиймат солиғи суммасини кўрсатмасликлари ва «Қўшилган қиймат солиғисиз» деган белгили муҳрни қўйишлари (ёки ёзувни ёзишлари) лозим.

ҚҚСга тортиладиган ва тортилмайдиган оборотларга эга шахслар, шунингдек ҚҚС бўйича 0 ставкали оборотга эга шахсларда камайтиришга олиб бориладиган ҚҚС суммаси, мос равишда, ҚҚСга тортиладиган ва ҚҚСга тортилмайдиган оборотларнинг жами оборотдаги ҳиссасига мутаносиб равишда

хисоб-китоб қилинади. Бунда ҚҚСга тортилмайдиган оборотнинг жами оборотдаги хиссасига тўғри келувчи таъминотчиларга тўланган ҚҚС суммаси камайтиришга олиб борилмайди, аксинча олинган товарлар (бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар) таннархига киритилади. ҚҚСга 20 %лик ставкада тортиладиган оборот ва ҚҚСга 0 фонзли ставкада тортиладиган оборот хиссасига тўғри келувчи таъминотчиларга тўланган ҚҚС суммаси камайтиришга тўлиқ олиб борилади.

Мисол. туристик-мехмонхонанинг жами соф тушуми 1600 млн. сўм, шундан ҚҚСга тортилмайдиган туристик хизматлардан олинган соф тушуми 1200 млн. сўм, ҚҚСга тортиладиган бошқа хизматлардан тушум (ҚҚС билан) 480 млн. сўм, ҚҚСсиз 400 минг сўм, таъминотчиларга тўланган ҚҚС суммаси ҳисобот даврда 50 млн. сўм, дейлик. Ушбу ҳолатда бюджетга тўланадиган ҚҚС суммаси қуйидагича топилади:

1. ҚҚСга тортилмайдиган туристик хизматлардан олинган соф тушумнинг жами соф тушумдаги хиссаси – 75 % ($1200/1600 \cdot 100\%$);

2. ҚҚСга тортиладиган бошқа хизматлардан олинган соф тушумнинг жами соф тушумдаги хиссаси – 25 % ($400/1600 \cdot 100\%$);

3. Камайтиришга олиб бориладиган ҚҚС суммаси – 12,50 млн сўм ($50 \cdot 25/100\%$)

4. Корхона харажатларига (туристик хизматлар таннархига) олиб бориладиган ҚҚС суммаси – 37,5 млн. сўм ($50 - 12,5$).

5. Бюджетга тўланадиган ҚҚС суммаси 67,5 млн. сўм ($80,0 - 12,5$)

Қўшилган қиймат солиғининг хисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобда турган жойдаги давлат солиқ хизмати органларига ортиб боровчи якун билан:

- қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлган микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан – йилнинг ҳар чорағида ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топширилган муддатда;

- микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар томонидан -- ҳар ойда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса – йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади.

Қўшилган қиймат солиғининг хисоб-китоблари билан бир вақтда солиқ даври мобайнида олинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича ҳисобварақ-фактуралар реестри тақдим этилади. Ҳисобварақ-фактуралар реестрининг шакли Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланади.

Қўшилган қиймат солиғини бюджетга тўлаш Солиқ Кодексининг 225-моддасига мувофиқ қўшилган қиймат солиғи ҳисоб-китобларини тақдим этиш учун белгиланган кундан кечиктирмай амалга оширилади.

Импорт қилинадиган товарлар бўйича қўшилган қиймат солиғини бюджетга тўлаш божхона расмийлаштирувига қадар ёки божхона расмийлаштируви вақтида амалга оширилади.

Солиқ бўйича ўтган ой учун тўлов суммаси энг кам иш ҳақининг эллик баравари миқдоридан ошган корхоналар охириги ойлик ҳисоб-китобга қўра

бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммасининг иккидан бири миқдорида жорий тўловларни тўлайди (хисобот ойининг 20-куни ва хисобот ойидан кейинги ойининг 5-кунида), сўнгра сотиш бўйича ҳақиқий айланмалардан келиб чиқиб, хисобот ойидан кейинги ойининг 15-кунига қадар қайта ҳисоб-китоб қилинади.


Агар корхона махсулот (иш, хизмат)ларни барқарор бўлмаган тарзда ишлаб чиқарадиган бўлса ёки корхонада навбатдаги ҳисоб даврида солиқ солинадиган оборот мавжуд бўлмаса, унда улар тўловларни ҳисоблашнинг биринчи муддатигача бу ҳақда давлат солиқ хизмати органларига ёзма равишда хабар бериши лозим.

Навбатдаги хисобот даврида мқлжалланган оборот камайган ҳолда тўловларнинг ҳисобланиши баён қилинган оборот ва тўланиши мўлжалланган солиқ суммаси асосида амалга оширилади.

Янгидан ташкил қилинган корхоналар, шунингдек, илгари тўловчи бўлмаган корхоналар фаолиятининг биринчи ойи учун солиқни амалдаги оборот асосида тўлайдилар. Фаолиятнинг кейинги ойларида қўшилган қиймат солиғи умумий белгиланган тартибда ҳисобланади ва тўланади.

Корхона солиқлар ва йиғимлар суммаларини ортиқча тўлаган ҳолда ҳамда солиқлар ва йиғимлар бўйича қарзи бўлмаган ҳолда бундай суммалар навбатдаги тўловлар ҳисобида ўтказилади ёки тўловчининг ёзма аризаси олинган кундан бошлаб 30 (китиз) кун муддатда солиқ идораси томонидан солиқ тўловчига қайтарилади.

ҚҚС аудитининг кетма-кетлиги. Юқоридаги тартиб-қоидаларга тўлиқ амал қилинаётганлиқни аниқлаш учун ҚҚС аудитини қуйидаги кетма-кетликда ўтказиш мақсадга мувофиқдир.



Юкоридаги тартиблардан кўриниб турибдики, ҚҚС бўйича бюджет олдидаги қарз тўланадиган ҚҚС суммасидан иборат бўлади. Бу кўрсаткич, ўз навбатида иккита омилга боғлиқдир: (1) сотишдан олинган ҚҚС суммасига ва (2) камайтиришга олиб борилган ҚҚС суммасига. Демак, аудит текширувида, дастлаб, сотилган маҳсулот (иш, хизмат)лардан олинган ҚҚС суммасининг реал топилганлиги текширилиши лозим. Бунинг учун аудиторлик текширувида барча ҚҚСга тортиладиган маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг ҳар бир тури бўйича қуйидаги тахлилий жадвал кўринишидаги аудиторнинг иш ҳужжатини тузиш лозим.

_____ корхонаси бўйича _____ йилда сотишдан олинган ҚҚС суммаси

Счёт – фактура		Қимга сотилган	Жами сотиш қиймати	Шундан ҚҚС	ҚҚСсиз сотиш қиймати
№	Сана				
1	2.01.11	«Сабр» МЧЖ	1200000	200000	1000000
2	2.01.11	«Замон» ХФ	2400000	400000	2000000
		Шу каби бошқа счёт-фактуралар бўйича			
Жами			6000000000	1000000000	5000000000

Бир қанча сотиш турларини амалга оширувчи корхоналарда юкоридаги шаклда ҳар бир сотиш тури бўйича тузилган жадваллар асосида махсус қуйидаги йиғма жадвални тузиш фойдадан холи бўлмайди.

_____ корхонаси бўйича _____ йилда сотишдан олинган ҚҚС бўйича йиғма маълумотлар

Сотиш тури	Жами сотиш қиймати	Шундан ҚҚС	ҚҚСсиз сотиш қиймати	Сотиш таннархи	Сотишдан олинган ялпи фойда
1	2	3	4	5	6
1.Экспорт ва 0 ставкада сотиш ҳажми	1000000000	-	1000000000	850000000	150000000
2.Таннархдан юкори баҳода сотиш ҳажми	3600000000	600000000	3000000000	2500000000	500000000
3.Таннархдан паст баҳода сотиш ҳажми	560000000	98000000	462000000	490000000	-28000000
4. ҚҚСдан озод этилган маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотиш ҳажми	840000000	0	840000000	714000000	126000000
Жами	6000000000	698000000	5302000000	4554000000	748000000

Изоҳ: (1) товар (иш, хизмат)лар таннархидан паст ҳолда сотилганда 3-устунчадаги сотишдан ҚҚС суммаси 5-устунчадаги сотиш таннархи суммасига нисбатан аниқланиши лозим; (2) 0 ставкали солиқ тўланадиган ҳамда солиққа тортилмайдиган товарлар, иш ва хизматлар бўйича 3-устунчада ҚҚС суммаси кўрсатилмайди.

Юқоридаги жадвалнинг 3-устунидаги йиғма суммани бухгалтерия ҳисобида Кредит 6410 «ҚҚС бўйича қарздорлик» счёти ҳамда Дебет 4010 ва бошқа сотишни ифодаловчи ёзувлар суммалари йиғиндиси билан таккослаш, шунингдек ҚҚС ҳисоб-китобининг сотишдан олинган ҚҚС суммаси билан солиштириш корхона ҳисоби ва ҳисоботида ушбу кўрсаткични реал акс эттирилганлигини ёки унда қанчалик четланиш мавжудлигини кўрсатади.

Аудитнинг кейинги босқичида қайта текширишга олиб бориладиган ҚҚС суммасининг реаллиги текширилади. Бунинг учун, дастлаб, таъминотчиларга тўланган барча ҚҚС суммаси тегишли ҳужжатлар асосида йиғиб чиқилиши лозим. Аудит текшируви натижасида қуйидаги ишчи ҳужжатни тузиш мақсадга мувофиқ.

_____ корхонаси бўйича _____ йилда қайта текширишга олиб
бориладиган ҚҚС суммаси реестри

Счёт – фактура		Қиммат нима учун ҳисобланган ва тўланган	Ҳами тўлов суммаси	Шун- дан ҚҚС	ҚҚСиз тўлов суммаси
№	Сана				
1	2	3	4	5	6
4	4.0.11				
		Ҳами			

Юқоридаги жадвалнинг 5-устунидаги йиғма суммани бухгалтерия ҳисобида Дебет 6410 «ҚҚС бўйича қарздорлик» счёти ҳамда Кредит 4410 «ҚҚС бўйича бўнақ тўловлар» счётидаги ёзувлар суммалари йиғиндиси билан таккослаш, шунингдек ҚҚС ҳисоб-китобининг қайта текширишга олиб борилган ҚҚС суммаси билан солиштириш корхона ҳисоби ва ҳисоботида ушбу кўрсаткични реал акс эттирилганлигини ёки унда қанчалик четланиш мавжудлигини кўрсатади.

Аудитнинг кейинги босқичида сотишдан олинган ҚҚС ва қайта текширишга олиб борилган ҚҚС ҳисоб-китоблари бўйича тузилган юқоридаги шаклдаги аудиторларнинг иш ҳужжатлари маълумотлари асосида бюджетга тўланиши лозим бўлган ҚҚС суммасининг реаллигига баҳо берилади. Бунинг учун ҚҚС ҳисоб-китоби маълумотларини корхона ҳамда аудит текшируви маълумотлари ўзаро таккосланади. Ушбу маълумотларни ўзида мужассамлаштирувчи аудиторлик иш ҳужжати қуйида келтирилган.

_____ корхонаси бўйича _____ йилда ҚҚС ҳисоб-китобини
текшириш натижаси

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Корхона маълумоти бўйича	Аудит текшируви бўйича	Четланиш
1. Сотишдан олинган ҚҚС				
2. Қайта текширишга олиб борилган ҚҚС				
3. Бюджетга тўланадиган ҚҚС				

Кўриниб турибдики, юқоридаги аудиторнинг иш ҳужжати корхонада ҚҚС бўйича ҳисоб-китоблари тўғри қилинганлигини ёки ундаги мавжуд четланишларни ўзида мужассамлаштирган. Ушбу маълумотлар тегишли қарорларни, чунончи ҚҚС ҳисоб-китобини қайта топшириш, ҳисоб ва ҳисобот маълумотларига тузатишлар киритиш бўйича қарорларни қабул қилишга асос бўлади..

ҚҚСни ҳисобот даврлари бўйича тўлаш тартибига риоя этилганлигини, унга доир молиявий санкциялар, дебиторлик ёки кредиторлик қарзларни тўғри ҳисобланганлиги ҳамда ҳисоб ва ҳисоботда реал акс этирилганлигини, бошланғич ҳужжатларни, бухгалтерия ёзувларини, уларда суммаларни тўғри акс этирилганлигини текшириш учун худди акциз солиғи бўйича келтирилган шаклдаги аудиторлик иш ҳужжатини тузиш лозим..

ҚҚС бўйича аудиторлик хатари ушбу солиқнинг асосий элементларидаги четланишлар ва хатоликларни топмасликда ёки тўғри бўлган маълумотларни нотўғри деб расмийлаштирилганлигида ҳисобланади. Ушбу хатарни камайтириш учун қуйидагиларга амал қилиш ўта муҳимдир:

*ҚҚС доир кўрсаткичларга оид исботу-далилларни кўпроқ тўплаш;

*бу солиқ бўйича танлаб текширишга йўл қўймаслик;

*текширув натижаларини аудиторлик ҳисоботида атрофлича очиб бериш.

3. ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ УЧУН ЁҚИЛГҲ ИСТЕЪМОЛИ СОЛИҒИНИНГ АУДИТИ

2002 йил 1 январдан бошлаб республикамызда жисмоний шахсларга бензин, дизель ёқилғиси ва суюқлаштирилган газлар нақд пулға, охириги йилларда эса яна пластик карточкалар орқали транспорт солиғи ўрнига жорий этилган ёқилғи истеъмоли учун ундириладиган солиқ билан сотиладиган бўлди. Ушбу солиқ аудитининг асосий вазифаси бўлиб республикамыз Солиқ кодексида ҳамда Президентимиз фармонлари ва қарорлари билан тасдиқланган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган қуйидаги тартиб-қоидаларга риоя қилинганлиғни, шунингдек ушбу солиқга доир кўрсаткичларни ҳисоб ва ҳисоботда тўғри акс этирилганлиғини аниқлаш ҳисобланади.

Солиқ тўловчилар. Жисмоний шахсларга транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газни чакана реализация қилишни амалға оширувчи юридик шахслар жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқни тўловчилар бўлиб ҳисобланадилар.

Солиқ солиш объекти. Жисмоний шахсларга транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газни чакана реализация қилиш солиқ солиш объектидир.

Солиқ солинадиган база. Жисмоний шахсларга транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газнинг натура ҳолидаги реализация қилинган ҳажми солиқ солинадиган базадир.

Солиқ даври. Солиқ даври қуйидагилардир:

микрофирмалар ва кичик қорхоналар учун - йил чорағи;

микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солик тўловчилар учун - бир ой.

Солиқни ҳисоблаб чиқариш, солиқ ҳисоб-китобларини тақдим этиш ва солиқ тўлаш тартиби. Жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёнилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган юридик шахслар учун жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёнилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ
ҲИСОБ-КИТОБИ

Кўрсаткичлар	Сатр коди	ҳисобот даври (ой)			
		Ҳамаи	шу жумладан		
			1- ўн кунлик	2- ўн кунлик	3- ўн кунлик
Сотишнинг ҳақиқий ҳажми:	010				
бензин (литрларда)	0101				
дизель ёнилғиси (литрларда)	0102				
газ (кг ларда)	0103				
Жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёнилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ ставкаси, сўмларда:	020				
бензин бўйича	0201				
дизель ёнилғиси бўйича	0202				
газ бўйича	0203				
Жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёнилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқнинг ҳисобланган суммаси жами	030				
шу жумладан:					
бензин бўйича (0101-сатр x 0201-сатр)	0301				
дизель ёнилғиси бўйича (0102-сатр x 0202-сатр)	0302				
газ бўйича (0103-сатр x 0203-сатр)	0303				
Ҳисобот даври учун бюджетга тўланган ўн кунлик тўловлар бўйича жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёнилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ суммаси жами	040				
шу жумладан:					
бензин бўйича	0401				
дизель ёнилғиси бўйича	0402				
газ бўйича	0403				
Жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёнилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ суммаси жами (030- сатр 040-сатр)	050				
кўшимча тўлашга	0501				
Камайтиришга	0502				

Микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирадиган юридик шахслар учун жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёнилгиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солик ХИСОБ-КИТОБИ

Кўрсаткичлар	Сатр коди	жами	шу жумладан								
			1 ой			2 ой			3 ой		
			1- ўн кун-лик	2- ўн кун-лик	3- ўн кун-лик	1- ўн кун-лик	2- ўн кун-лик	3- ўн кун-лик	1- ўн кун-лик	2- ўн кун-лик	3- ўн кун-лик
Соғишнинг ҳақиқий ҳажми:	010										
бензин (литрларда)	0101										
дизель ёнилгиси (литрларда)	0102										
газ (кг.ларда)	0103										
Жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёнилгиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солик ставкаси, сўмларда:	020										
бензин бўйича	0201										
дизель ёнилгиси бўйича	0202										
газ бўйича	0203										
Жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёнилгиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган соликнинг ҳисобланган суммаси жами	030										
шу жумладан:											
бензин бўйича (0101-сатр х 0201-сатр)	0301										
дизель ёнилгиси бўйича (0102-сатр х 0202-сатр)	0302										
газ бўйича (0103-сатр х 0203-сатр)	0303										
Ҳисобот даври учун бюджетга тўланган ўн кунлик тўловлар бўйича жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёнилгиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солик суммаси жами	040										
шу жумладан:											
бензин бўйича	0401										
дизель ёнилгиси бўйича	0402										
газ бўйича	0403										
Жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёнилгиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солик суммаси жами (030-сатр 040-сатр)	050										
кўшимча тўлашга	0501										
Камайтиришга	0502										

Жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёкилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солик суммаси чакана нархга қўшимча равишда белгиланади, сотиб олувчига бериладиган чекда алоҳида каторда кўрсатилади ҳамда жисмоний шахслардан реализация қилинаётган бензин, дизель ёкилғиси ва газ учун маблагларни олиш билан бир вақтда ундирилади.

Жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёкилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган соликнинг жорий ўн кунлик тўловлар ҳисобга олинган ҳолдаги ҳисоб-китоби ёкилғи қуйиш шохобчаси жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига:

микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан йилнинг ҳар чорагида, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда;

микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига қирмайдиган солиқ тўловчилар томонидан ҳар ойда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда тақдим этилади.

Жисмоний шахсларнинг транспорт воситаларига бензин, дизель ёкилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган соликни тўлаш жисмоний шахсларга транспорт воситалари учун бензин, дизель ёкилғиси ва газ чакана реализация қилинган ойнинг ўн кунлиги тугаганидан кейинги учинчи кунидан кечиктирмай, ёкилғи қуйиш шохобчаси жойлашган ерда ҳар ўн кунда амалга оширилади.

Жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёкилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқнинг ставкаси. Ушбу солиқ ставкасининг чегаравий миқдори Республика Президентининг ҳар йилги давлат бюджети параметрларини тасдиқлаш тўғрисидаги қарори асосида белгиланади. Чунончи, 2012 йил учун ушбу ставкалар қуйидагича белгиланган.

Маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг ЧЕГАРАЛАНГАН СТАВКАЛАРИ

N	Солиқлар ва йиғимларнинг турлари	Чегараланган ставкалар
1.	Қуйидагиларнинг истеъмоли учун жисмоний шахслардан ундириладиган солиқ:*	
	транспорт воситалари учун бензин, дизель ёкилғиси	1 литр учун 200 сўм
	транспорт воситалари учун суюлтирилган газ	1 литр учун 165 сўм
	транспорт воситалари учун сиқилган газ	1 куб метр учун 200 сўм

АЁҚШларда ёкилғи истеъмоли учун солиқ ҳисобининг хусусиятлари. АЁҚШларда ёкилғиларнинг ҳисоби уларнинг сотиш баҳоларида (истеъмол солиғисиз) юритилади. Ёкилғининг истеъмол солиғисиз топилган сотиш баҳоси ва унинг сотиб олиш баҳоси ўртасидаги фарқ савдо устамасини ташкил

килади. АЁҚШларда ёкилғининг сотилиши назорат касса аппаратлари ва товар чекларида кайд этилади. Ушбу чекларда сотилган ёкилғининг микдори, жами сотиш қиймати, шу жумладан сотишда харидордан олинган ёкилғи истеъмоли учун солиқ суммаси кўрсатилади.

Ушбу хусусиятлар АЁҚШда ёкилғи кирими, унинг сотилиши, сотишдан олинган жами тушум, сотилган ёкилғига тўғри келадиغان истеъмол солиғи, ягона солиқ тўлови, сотиш таннарни ва сотилган товарларга тўғри келадиغان савдо устамалари ҳисобини юритишда ўзига хос хусусиятлар борлигидан дарак беради. Бу хусусиятларни қуйидаги мисол асосида кўриб чиқамиз.

Мисол: АЁҚШ 10000 литр А-80 бензинни сотиб олди, 1 литр бензиннинг сотиш баҳоси истеъмол солиғи билан бирга 1605 сўм, истеъмол солиғисиз сотиш баҳоси 1430 сўм, сотиб олиш нархи 1190 сўм, бу бензин тўлиқ сотилган, дейлик. 1 литр А-80 бензинга тўғри келадиغان савдо устамаси суммаси 240 сўмни (1430-1190) ташкил этади.

Юқорида келтирилган маълумотларга кўра АЁҚШда ёкилғининг киримига қуйидагича ёзувлар қилинади:

1. Сотиб олиш қиймати, яъни 11900000 сўмга:

Дебет 2920 «Чакана савдодаги товарлар» 11900000

Кредит 6010 «Таъминотчиларга тўланадиган счётлар» 11900000.

2. Ёқилғига қўйилган савдо устамасига, яъни 2400000 сўмга 10000 (1430-1190):*

Дебет 2920 «Чакана савдодаги товарлар» 2400000

Кредит 2980 «Савдо устамалари» 2400000.

Касса аппарати кўрсаткичлари ёки товар чеклари асосида АЁҚШларда сотишдан олинган соф тушум, шунингдек сотишда олинган ёкилғи истеъмоли солиғи ҳисобда қуйидагича акс эттирилади:

• Сотишдан олинган соф савдо тушуми суммасига

Дебет 5010 «Касса» 14300000

Кредит 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар» - 14300000

• Сотилган ёқилғига тўғри келадиغان солиқ суммасига

Дебет 5010 «Касса» -1750000

Кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар» 1750000

АЁҚШларда истеъмол солиғи айириб ташлангандан кейин қолган савдо тушуми ягона солиқ тўловига тортилади. АҚШнинг жойлашган жойи ва хизмат кўрсатаётган ҳудудидаги аҳоли сонига кўра ягона солиқ тўлови белгиланган ставкада ҳисобланади. Мисол учун, ушбу солиқ ставкаси 3 фоиз, дейлик. Бу ҳолда АЁҚШнинг ёқилғи сотишдан олган соф тушумидан тўлайдиган ягона солиқ тўлови суммаси 429000 сўмни (14300000*3%) ташкил этади. Ушбу солиқ суммаси юқорида келтирилган тартибдагидек, **Дебет 9810 «Даромад (фойда)дан солиқлар бўйича харажатлар» Кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар»** ёзув билан ҳисобда акс эттирилади.

АЁҚШларда ёқилғи истеъмоли учун солиқ ва ягона солиқ тўловининг бюджетга ўтказиб берилишига бухгалтерияда қуйидагича ёзув берилади:

Дебет 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар» (солиқ тури)

Кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти».

АЁҚШларда сотилган ёкилғи сотиш баҳосида (истеъмол солиғисиз) моддий жавобгар шахс бўйнидан чиқарилади ва унга қўйидагича ёзув қилинади:

Дебет 9120 «Сотилган товарларнинг таннархи» 14300000

Кредит 2920 «Чакана савдодаги товарлар» 14300000

Сотилган ёкилғининг таннархи 9120 «Сотилган товарларнинг таннархи» счётининг дебетида тўпланган суммадан ушбу счётининг кредитига олиб борилган сотилган товарларга тўғри келадиган савдо устамасини (бизнинг мисолимизда 2400000 сўм) айириш орқали топилади. Савдо устамасининг ҳисобдан чиқарилиши қўйидагича счётларда акс эттирилади:

Дебет 2980 «Савдо устамалари» 2400000.

Кредит 9120 «Сотилган товарларнинг таннархи» 2400000

Демак, жами сотилган сотилган ёкилғининг таннархи бизнинг мисолимизда 11900000 сўмни (14300000-2400000) ташкил этади.

Ҳисобот даври охирида ёкилғининг сотилишидан олинган соф тушум ва сотиш таннархи якуний молиявий натижалар счётига ўтказилади ва уларга қўйидагича ёзувлар қилинади:

**ёкилғини сотишдан олинган соф савдо тушумини молиявий натижалар счётига ўтказилишига:*

Дебет 9020 «Товарларни сотилишидан олинган даромадлар» 14300000

Кредит 9910 «Охириги молиявий натижа» 14300000.

**сотиш таннархини молиявий натижалар счётига ўтказилишига:*

Дебет 9910 «Охириги молиявий натижа» 11900000


Кредит 9120 «Сотилган товарларнинг таннархи» 11900000

Ёкилғини сотишдан олинган фойда суммаси соф савдо тушумидан сотиш таннархини айиришдан кейин қолган суммадан иборат бўлади. Бизнинг мисолимизда у 2400000 сўмни ташкил қилади (14300000- 11900000).

АЁҚШ бўйича моддий жавобгар шахс куннинг охирида товарлар (ёкилғи) ҳаракати бўйича товар ҳисоботини тузади. Ушбу ҳисоботда товарларнинг бош қолдиғи, кирими, чиқими, охириги қолдиғи миқдор ва пул ифодасида кўрсатилади.

Юқоридаги тартиб–қоидаларга тўлиқ амал қилинаётганликни аниқлаш учун жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёкилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ аудитини қўйидаги кетма-кетликда ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

**ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИГА БЕНЗИН,
ДИЗЕЛЬ ЁҚИЛҒИСИ ВА ГАЗ ИШЛАТГАНЛИК УЧУН ОЛИНАДИГАН
СОЛИҚ АУДИТИНИНГ КЕТМА-КЕТЛИГИ**



Жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ суммаси, юқорида келтирилган тартиблардан кўриниб турибдики, асосан иккита омилга боғлиқ: (1) солиқ солиш базасига ва (2) солиқ ставкасига. Демак, аудит текширувида, дастлаб, ушбу солиқ бўйича унинг солиқ солиш базаси ҳисобланган жисмоний шахсларга транспорт воситалари учун сотилган бензин, дизель ёқилғиси ва газнинг миқдорини реал топилганлиги текширилиши лозим. Бунинг учун транспорт воситаларига ишлатиладиган ҳамда солиқ ставкалари бўйича бири-биридан фарқ қиладиган бензин, дизель ёқилғиси ва газ бўйича қуйидаги тахлилий жадвал кўринишидаги аудиторнинг иш ҳужжатини тузиш фойдалан холи бўлмайди.

**АЁҚШ бўйича жисмоний шахсларга транспорт воситалари учун
мўлжалланган бензин, дизель ёкилғиси ва газнинг ҳаракатининг
миқдорий кўрсаткичлари
(ҳар бир тури бўйича алоҳида-алоҳида)**

Ойлар	Бош қолдик, литр	Кирим, литр	Жами заҳира, литр	Нобуд- гарчи- лик, литр	Сотилган, Литр	Охириги қолдик, Литр
Январь						
Февраль						
....						
Жами йил бўйича						

Жадвалдан кўриниб турибдики, жисмоний шахсларга транспорт учун сотилган бензин, дизель ёкилғиси ва газнинг ҳақиқий миқдори уларнинг бевосита меъёрдаги ва меъёрдан ортик йўқотишларга олиб борилган миқдорига боғлиқ. Ушбу миқдорни ҳамда мос равишда сотилган ёкилғи миқдорини реал топилганлигини топиш қуйидаги амалларни ўтказиш лозим.

1. Ёкилғининг давр охиридаги реал қолдиғини инвентаризация йўли билан топиш.

2. Ёкилғининг меъёрдаги ва меъёрдан ортик йўқотишларга олиб борилган миқдорини асосли эканлигини аниклаш.

3. Сотилган деб тан олинishi лозим бўлган ёкилғи миқдорини товар баланси формуласи асосида қуйидагича ҳисоблаш:

$$C = B_k + K - Ч - O_k$$

Бу ерда: **С**- сотиш миқдори; **Бк** – давр бошидаги миқдор; **К**- кирим қилинган миқдор; **Ч** – чиқимга олиб борилган меъёрдаги ва меъёрдан ортик йўқотишлар миқдори; **Ок** - давр охиридаги миқдор

4. Аудит текширувида аниқланган маълумотлар ва корхона маълумотларини ўзаро таққослаш йўли билан сотилган деб тан олинishi лозим бўлган ёкилғи миқдоридаги четланишни аниклаш. Бунинг учун қуйидаги жадвални (ишчи хужжатни) тузиш ҳам мумкин.

**АЁҚШ бўйича жисмоний шахсларга транспорт воситалари учун
мўлжалланган бензин, дизель ёкилғиси ва газнинг ҳаракати
миқдорий кўрсаткичларининг таққослама ҳолати
(ҳар бир тури бўйича алоҳида-алоҳида)**

Кўрсаткичлар	Бош қолдик, литр	Кирим, Литр	Жами заҳира, литр	Нобуд- гарчи- лик, литр	Сотилган, литр	Охириги қолдик, Литр
Корхона бўйича						
Аудит бўйича						
Четланиш						

5. Сотилган деб тан олинishi лозим бўлган ёкилги микдоридаги четланишни 1 бирлик ёкилгини сотиш бўйича белгиланган солик ставкага кўпайтириш йўли билан ушбу солик бўйича йўл қўйилган четланиш суммасини топиш. Ушбу четланишнинг солик ҳисоб-китобининг юқорида келтирилган шаклида қўшимча устунчалар очиб кўрсатиш мумкин бўлади.

Кўриниб турибдики, юқоридаги аудиторнинг иш ҳужжатлари корхонада жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёкилгиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солик бўйича ҳисоб-китоблари тўғри қилинганлигини ёки ундаги мавжуд четланишларни ўзида мужассамлаштирган. Ушбу маълумотлар тегишли қарорларни, чунончи жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёкилгиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солик ҳисоб-китобини қайта топшириш, ҳисоб ва ҳисобот маълумотларига тузатишлар киритиш бўйича қарорларни қабул қилишга асос бўлади..

Жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёкилгиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган соликни ҳисобот даврлари бўйича тўлаш тартибига риоя этилганлигини, унга доир молиявий санкциялар, дебиторлик ёки кредиторлик қарзларни тўғри ҳисобланганлиги ҳамда ҳисоб ва ҳисоботда реал акс этирилганлигини, бошланғич ҳужжатларни, бухгалтерия ёзувларини, уларда суммаларни тўғри акс этирилганлигини текшириш учун худди акциз солиғи ҳамда ҚҚС солиғи бўйича келтирилган шакллардаги аудиторлик иш ҳужжатларини тузиш лозим..

Жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёкилгиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солик бўйича аудиторлик хатари ушбу соликнинг асосий элементларидаги четланишлар ва хатоликларни топмасликда ёки тўғри бўлган маълумотларни нотўғри деб расмийлаштирилганлигида ҳисобланади. Ушбу хатарни камайтириш учун қуйидагиларга амал қилиш ўта муҳимдир:

* жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёкилгиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган соликка доир кўрсаткичларга оид исботу-далилларни кўпроқ тўплаш;

*бу солик бўйича танлаб текширишга йўл қўймаслик;

*текширув натижаларини аудиторлик ҳисоботида атрофлича очиб бериш.

4-маъруза	ХАРАЖАТЛАРГА КИРИТИЛАДИГАН СОЛИҚЛАРНИНГ АУДИТИ
-----------	---

МАЪРУЗА ТЕХНОЛОГИЯСИ

Ўқув соати: 2 соат	Талабалар сони: 20 та
Ўқув машғулоти шакли: Ахборотли маъруза	
Маъруза режаси: 1. Мол-мулк солиғи аудити 2. Ер солиғи аудити. 3. Ер қазридан фойдаланганлик учун солиқнинг аудити 4. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг аудити	
Ўқув машғулоти нинг мақсади: <i>Магистрантларга харажатларга киритиладиган солиқларни аудит қилиш тартиби тўғрисида тушунчалар бериш.</i>	
Педагогик вазифалар: харажатларга киритиладиган солиқларни аудит қилиш тартибини тушунтириш.	Ўқув фаолияти натижалари: Талабалар харажатларга киритиладиган солиқларни аудит қилиш тартиби тўғрисида тушунчаларни билиб оладилар
Ўқитиш воситалари: <i>видеопроектор, доска.</i>	
Ўқитиш усуллари: <i>Тушунтириш, ақлий ҳужум.</i>	
Ўқитиш шакллари: <i>Коллектив иш</i>	
Ўқитиш шаронти: <i>Техник воситалар билан таъминланган аудитория.</i>	
Мониторинг ва баҳолаш: <i>Оғзаки, тест савол-жавоблари.</i>	

1. МОЛ-МУЛК СОЛИҒИ АУДИТИ

Мол-мулк солиғи аудитининг асосий вазифаси бўлиб республикаимиз Солиқ кодексига ҳамда Президентимиз фармонлари ва қарорлари билан тасдиқланган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган қуйидаги тартиб-қоидаларга риоя қилинганлиқни, шунингдек ушбу солиқга доир кўрсаткичларни ҳисоб ва ҳисоботда тўғри акс эттирилганлигини аниқлаш ҳисобланади.

Солиқ тўловчилар. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ (265-модда) мол-мулкга солинадиган солиқни тўловчилар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

*Ўзбекистон Республикаси ҳудудига солиқ солинадиган мол-мулкка эга бўлган юридик шахслар - Ўзбекистон Республикасининг резидентлари;

*агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ўз мулкида кўчмас мулкка эга бўлган юридик шахслар - Ўзбекистон Республикасининг норезидентларидир. Агар кўчмас мулк мулкдорининг жойлашган ерини аниқлаш имкони бўлмаса, бу мол-мулк қайси шахснинг эгаллигида ва (ёки) фойдаланишида бўлса, шу шахс солиқ тўловчидир. Ўзбекистон Республикаси норезидентининг фаолияти Солиқ кодексининг 20-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасидаги доимий муассаса орқали амалга ошириладиган фаолият деб эътироф этилади.

Қуйидагилар юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўловчилар бўлмайди:

*нотижорат ташкилотлар. Нотижорат ташкилотлар тадбиркорлик фаолиятини амалга оширган тақдирда, ушбу бўлимда назарда тутилган тартибда юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўловчилардир;

*Солиқ кодексига мувофиқ солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби назарда тутилган юридик шахслар.

Солиқ солиш объекти. Қуйидаги мол-мулк солиқ солиш объектидир:

1) асосий воситалар, шу жумладан молиявий ижара (лизинг) шартномаси бўйича олинган асосий воситалар;

2) номоддий активлар;

3) тугалланмаган қурилиш объектлари. Тугалланмаган қурилиш объектлари жумласига муайян қурилиш объектига доир лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган норматив муддатда, агар қурилишнинг норматив муддати белгиланмаган бўлса, қурилиш бошланганидан эътиборан йигирма тўрт ой ичида қурилиши тугалланмаган объектлар қиради;

4) белгиланган муддатда ишга туширилмаган асбоб-ускуналар. Белгиланган муддатда ишга туширилмаган асбоб-ускуналар жумласига монтаж қилиниши талаб этиладиган ҳамда реконструкция ва (ёки) модернизация қилинаётган объектларда лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган муддатларга мувофиқ капитал қўйилмалар ҳисобига ишга тушириладиган асбоб-ускуналар

киради. Лойиха-смета ҳужжатларида асбоб-ускуналарни ишга тушириш муддатлари бўлмаган тақдирда, буюртмачи сифатида иш кўраётган юридик шахснинг раҳбари томонидан тасдиқланган муддатлар солиқ солиш объектини белгилаш учун қабул қилинади, лекин бу муддатлар асбоб-ускуналар монтаж қилишга топширилган пайтдан эътиборан бир йилдан кўп бўлмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари учун қуйидагилар солиқ солиш объектидир:

Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ доимий муассаса фаолияти билан боғлиқ қайси асосий воситалар бўйича ҳисоб юритаётган бўлса, ўша асосий воситалар;

ушбу доимий муассаса фаолияти билан боғлиқ бўлмаган, мазкур норезидентларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган кўчмас мулк.

Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга оширмайдиган Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган, уларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган кўчмас мулк солиқ солиш объектидир. Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган Ўзбекистон Республикасининг норезиденти томонидан мулк қилиб олинган (реализация қилинган) кўчмас мулк объекти тўғрисидаги маълумотларни ушбу объектлар жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органига рўйхатдан ўтказилганидан кейин ўн кун ичида маълум қилиши шарт.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ мулк қилиб олинган ер участкалари ва (ёки) номоддий активлар таркибида ҳисобга олинadиган улардан фойдаланиш ҳуқуқи солиқ солиш объекти сифатида қаралмайди.

Солиқ солинадиган база. Солиқ солинадиган база қуйидагилардир:

асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича - асосий воситалар ва номоддий активларнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати. Асосий воситалар ва номоддий активларнинг қолдиқ қиймати ушбу мол-мулкнинг бошланғич (тикланиш) қиймати билан солиқ тўловчининг ҳисоб сиёсатида белгиланган усуллардан фойдаланилган ҳолда ҳисоблаб чиқилган амортизация хажми ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади;

норматив (белгиланган) муддатда тугалланмаган қурилиш объектилари ва ишга туширилмаган асбоб-ускуналар бўйича - тугалланмаган қурилишнинг ва ўрнатилмаган асбоб-ускуналарнинг ўртача йиллик қиймати.

Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг кўчмас мулк объектларига нисбатан ушбу мол-мулкнинг ўртача йиллик қиймати солиқ солинадиган базадир.

Солиқ солинадиган базани белгилаш тартиби. Солиқ солиш объектларининг ўртача йиллик қолдиқ қиймати (ўртача йиллик қиймат) ҳисобот давридаги ҳар бир ойнинг охириги кундаги ҳолатга кўра солиқ солиш объектларининг қолдиқ қийматларини (ўртача йиллик қийматларини) қўшишдан олинган сумманинг ўн иккидан бир қисми сифатида ортиб борувчи яқун билан аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг кўчмас мулк объектлари бўйича солиқ солинадиган база мазкур объектларга бўлган мулк ҳукукини тасдиқловчи ҳужжатларда кўрсатилган қиймат асосида аниқланади.

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўловчи томонидан юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўлаш назарда тутилмаган фаолият турлари амалга оширилган тақдирда, солиқ солинадиган база солиқ солинадиган ва солиқ солинмайдиган мол-мулк ҳисобини алоҳида-алоҳида юритиш асосида аниқланади. Алоҳида-алоҳида ҳисоб юритиш имконияти бўлмаган тақдирда, солиқ солинадиган база фаолиятдан олинадиган соф тушумнинг умумий ҳажмида юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўлаш назарда тутилган соф тушумнинг солиштирма салмоғидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Имтиёзлар. Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ҳисоблаб чиқарилаётганда солиқ солинадиган база қуйидагиларнинг ўртача йиллик қолдиқ қийматига (ўртача йиллик қийматига) камайтирилади:

1) уй-жой-коммунал хўжалиги объектларининг. Уй-жой-коммунал хўжалиги объектларига қуйидагилар қиради: уй-жой фонди, водопровод тармоқлари (сув чиқариш иншоотлари билан), канализация тармоқлари (тозалаш иншоотлари билан), газ ва иссиқликни тақсимлаш тармоқлари (улардаги иншоотлар билан), коммунал-маиший эҳтиёжлар учун қозонхоналар (шу жумладан асбоб-ускуналар);

2) маданият ва санъат, таълим, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт, ижтимоий таъминот соҳасига қирадиган ижтимоий-маданий соҳа объектларининг;

3) юридик шахсларнинг маданият муассасалари, мактабгача ва умумтаълим ўқув муассасалари эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган мол-мулкнинг;

4) қишлоқ хўжалиги (ўсимликшунослик, чорвачилик, балиқчилик) маҳсулотларини етиштириш ва сақлаш учун фойдаланиладиган қишлоқ хўжалиги қорхоналари балансида бўлган мол-мулкнинг;

5) сугориш ва коллектор-дренаж тармоқлари объектларининг;

6) алоқа йўлдошларининг;

7) табиатни муҳофаза қилиш ва санитария-тозалаш мақсадлари, ёнғин хавфсизлиги учун фойдаланиладиган объектларнинг. Объектларни табиатни муҳофаза қилиш, санитария-тозалаш мақсадлари ва ёнғин хавфсизлиги учун фойдаланиладиган объектларга киритиш тегишли табиатни муҳофаза қилиш ёки давлат ёнғин назорати органининг маълумотномаси асосида амалга оширилади;

8) умумий фойдаланишдаги темир йўллар ва автомобиль йўллари, магистраль трубопроводлар, алоқа ва электр узатиш линияларининг, шунингдек ушбу объектларнинг ажралмас технологик қисми бўлган иншоотларнинг;

9) консервация қилиниши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинган асосий ишлаб чиқариш фондларининг;

10) лизингга олинган мол-мулкнинг, лизинг шартномаси амал қиладиган муддатга;

11) солиқ тўловчининг балансида бўлган ҳамда тадбиркорлик фаолиятида фойдаланилмаётган, фуқаро муҳофазаси ва сафарбарлик аҳамиятига молик объектларнинг;

12) шаҳар ва шаҳар атрофидаги йўналишларда йўловчилар ташийдиган шаҳар йўловчилар транспорти ташкилотлари транспорт воситаларининг (автобуслар, трамвайлар, троллейбуслар, метрополитен поездлари);

13) тузилган шартномаларга мувофиқ юридик шахснинг буюртмаси бўйича ишлар бажариш учун касаначиларга бепул фойдаланишга берилган асбоб-ускуналарнинг (фойдаланиш даврига);

14) телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирлари тизими техник воситаларининг;

15) ишлаб чиқаришга янги жорий этилган янги технологик жихозларнинг, беш йиллик муддатга. Янги технологик жихозлар олинган (импорт қилинган) пайтдан эътиборан уч йил ичида реализация қилинган ёки бепул берилган тақдирда, мазкур имтиёзнинг амал қилиши мол-мулк солиғини тўлаш мажбуриятлари имтиёз қўлланиладиган бутун давр учун тикланган ҳолда, бекор қилинади.

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқдан қуйидагилар озод қилинади:

1) соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ҳамда ижтимоий таъминот, таълим, маданият ва санъат ташкилотлари;

2) уй-жой-коммунал хўжалиги ва бошқа умумфуқаровий аҳамиятга молик шаҳар хўжалиги корхоналари. Уй-жой-коммунал ва бошқа умумфуқаровий аҳамиятга молик шаҳар хўжаликлари жумласига уй-жой фондини бевосита бошқариш, сақлаш ҳамда ундан фойдаланишни амалга оширувчи ташкилотлар, санитария тозалаш ва йиғиштириш, ободонлаштириш ва қўаламзорлаштириш, шаҳарлар ҳамда шаҳарчаларни ташқи ёритиш, водопровод сув олиш иншоотларидан, тақсимланадиган тармоқлардан (тозаловчи иншоотлари билан) фойдаланиш ва сувни тақсимлаш, канализация тармоқларидан фойдаланиш (тозалаш иншоотлари билан), газ тақсимланадиган тармоқлардан фойдаланиш ҳамда газни тақсимлаш, қозонхона, иссиқлик тақсимланадиган тармоқлардан фойдаланиш ва коммунал-маиший эҳтиёжларга ҳамда аҳолига иссиқликни тақсимлашни бевосита амалга оширувчи ташкилотлар, хизмат биноларининг хўжалик бошқармалари, ўт ўчириш командалари, уй-жой-коммунал хўжалигининг хўжалик бошқармалари, уй-жой-коммунал хўжалиги ва шаҳар хўжалигининг умумфуқаровий аҳамиятга молик бошқа корхоналари қиради;

3) ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, "Нуроний" жамғармаси ва "Ўзбекистон чернобилчилари" ассоциацияси мулкда бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида 50 фоизини ногиронлар, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийлари ташкил этадиган юридик шахслар, бундан савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар мустасно. Ушбу имтиёзни олиш ҳуқуқи белгиланаётганда ходимларнинг умумий сонига штатда бўлган ходимлар қиритилади;

4) янги ташкил этилган корхоналар - давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан икки йил мобайнида. Мазкур имтиёз қайта ташкил этилган

юридик шахслар негизда ташкил этилган корхоналарга, шунингдек бошқа корхоналар ҳудудида шу корхоналардан ижарага олинган асбоб-ускуналардан фойдаланган ҳолда ўз фаолиятини амалга ошираётган юридик шахсларга нисбатан қўлланилмайди;

5) ихтиёрий тугатилаётган тadbиркорлик субъектларини - юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилинган кундан эътиборан. Ихтиёрий тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таомили тўхтатилган ва фаолият қайта тикланган тақдирда, ушбу имтиёз қўлланилмайди ҳамда солиқ суммаси имтиёз қўлланилган бутун давр учун тўлиқ миқдорда ундирилади.

Солиқ даври. Календарь йил солиқ давридир.

Ҳисобот даври. Йил чораги ҳисобот давридир.

Солиқни ҳисоблаб чиқариш, солиқ ҳисоб-китобларини тақдим этиш ва солиқни тўлаш тартиби. Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш солиқ тўловчи - Ўзбекистон Республикасининг резиденти томонидан ҳисоблаб чиқарилган солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Солиқ даври мобайнида солиқ тўловчилар ҳар ойда жорий тўловларни тўлайдилар, микрофирмалар ва кичик корхоналар бундан мустасно. Жорий тўловлар суммаси тегишли йил учун мол-мулкнинг ўртача йиллик қолдиқ қийматидан (ўртача йиллик қийматдан) ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилган юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ йиллик суммасининг ўн иккидан бир қисми миқдорида белгиланади. Жорий тўловлар миқдорини ҳисоблаб чиқариш учун солиқ тўловчи солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига белгиланган шаклдаги маълумотномани жорий йилнинг 10 январига тақдим этади

Бюджетга жорий тўловларни тўлаш ҳар ойнинг 10-кунидан кечиктирмай амалга оширилади.

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқнинг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ортиб боровчи якун билан йилнинг ҳар чорагида ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда тақдим этилади.

Тўланиши лозим бўлган, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ суммаси ҳисоб-китобларни топшириш учун белгиланган кундан кечиктирмай бюджетга ўтказилади.

Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари бўйича юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда қуйидаги тартибда давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг норезиденти доимий муассасанинг солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига солиқ солинадиган мажбур мол-мулк тўғрисидаги маълумотномани ҳисобот йилидан

кейинги йилнинг 25 январидан кечиктирмай тақдим этиши шарт. Тақдим этилган маълумотнома асосида давлат солиқ хизмати органи юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ суммаси ҳисоб-китобини ўн кун ичида амалга оширади ва тўлов хабарномасини ёзади.

Ўзбекистон Республикасининг кўчмас мулк жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органлари Ўзбекистон Республикасининг кўчмас мулкка эга бўлган норезидентларига солиқ тўловчидан ёки кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органдан олинган маълумотлар асосида тўлов хабарномасини ёзади.

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари томонидан йилда бир марта солиқ ҳисоботи давридан кейинги йилнинг 15 февралидан кечиктирмасдан тўланиши керак.

Солиқ ставкаси. Ушбу солиқ ставкасининг чегаравий миқдори Республика Президентининг ҳар йилги давлат бюджети параметрларини тасдиқлаш тўғрисидаги қарори асосида белгиланади. Чунончи, 2012 йил учун ушбу ставкаси солиққа тортиладиган базага нисбатан 3,5 % миқдорида белгиланган. Меъёрий муддатларда ўрнатилмаган ускуналар учун мол-мулк солиғи икки барабар ставка миқдорида тўланади.


Солиқ ставкасига тузатишлар. Ўзи ишлаб чиқарган товарлар (ишлар, хизматлар) экспортининг эркин алмаштириладиган валютадаги улуши қуйидаги миқдорларни ташкил этадиган экспортчи корхоналар учун солиқ ставкаси:


*сотишнинг умумий ҳажмида 15 фоиздан 30 фоизгача бўлганда - белгиланган ставка 30%га пасайтирилади;

*сотишнинг умумий ҳажмида 30 фоиз ва ундан юқори - белгиланган ставка 50%га пасайтирилади;

Белгиланган (меъёрий) муддатларда ишга туширилмаган, тугалланмаган қурилиш ва ускуналар қийматига пасайтирилган ставкалар қўлланилмайди.

Республикаимиз Солиқ кодексида ва бошқа меъёрий ҳужжатларида келтирилган юқоридаги тартиб-қоидаларга тўлиқ амал қилинаётганлигини аниқлаш мол-мулк солиғи аудитини қуйидаги кетма-кетликда ўтказишни тақозо этади.





Бюджетга тўланадиган мол-мулк солиғи суммаси, кўриниб турибдики, асосан иккита омилга боғлиқ: (1) солиқ солиш базасига ва (2) солиқ ставкасига. Демак, аудит текширувида, мол-мулк солиғига бевосита таъсир кўрсатувчи ушбу омиллар миқдорини реал топилганлиги ўта муҳим роль ўйнайди. Бу вазифани бажариш учун, дастлаб, «Мол-мулк солиғи ҳисоб-китоби» ҳамда унга қилинадиган 6 та иловада келтирилган маълумотларнинг реаллиги бирма-бир текшириб чиқилиши лозим. Ушбу иловалар қуйида келтирилган.

**Солик солинадиган объектларнинг ўртача йиллик
қолдик қиймати (ўртача йиллик қиймати)
ҲИСОБ-КИТОБИ**

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Охириги кун ҳолатига:															
		я н в а р ь	ф е в р а л ь	1-чорак учун (қолдик) қиймат (3-уст + 4-уст + 5-уст)/12	а п р е л ь	и ю н ь	1-ярим йиллик учун ўртача (қолдик) қиймат (3-уст + 4-уст + 5-уст + 7-уст + 8-уст + 9-уст)/12	и ю л ь	а в г у с т	с е н т я б р ь	9 ойлик ўртача (қолдик) қиймат (3-уст + 4-уст + 5-уст + 7-уст + 8-уст + 9-уст + 11-уст + 12-уст + 13- уст)/12	о к т я б р ь	н о я б р ь	д е к а б р ь	ўртача йиллик (қолдик) қиймат 3-уст + 4-уст + 5-уст + 7-уст + 8-уст + 9-уст + 11-уст + 12-уст + 13-уст + 15-уст + 16-уст + 17-уст)/12		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18
Асосий воситалар:																	
Бошлангич (тиклаш) қиймати Бухгалтерия балансининг 010- сатри	010				X				x				x				X
Эскириш суммаси Бухгалтерия балансининг 011- сатри	020				X				x				x				X
Қолдик (баланс) қиймати (010-сатр 020-сатр)	030																
Номоддий активлар:																	
Бошлангич қиймати - Бухгалтерия балансининг 020- сатри	040				X				x				x				X
Амортизация суммаси - Бухгалтерия балансининг 021- сатри	050				X				x				x				X
Қолдик (баланс) қиймати (040-сатр 050-сатр)	060																
Асосий воситалар ва номоддий активларнинг қолдик қиймати - жами (030-сатр + 060- сатр)	070																

[illegible]

2-илова

**Норматив муддатларда ишга туширилмаган, қурилиши тугалланмаган
объектларнинг рўйхати**

Қурилмыш тугалланмаган объектнинг номи	Объект қурилишига доир лойиха-смета ҳужжатларида белгиланган норматив муддат	Объектнинг тушириш муддати	Норматив муддатларда тугалланмаган қурилиш қиймати

3-илова

**Белгиланган муддатда ишга туширилмаган асбоб-ускуналар
РЎЙХАТИ**

Ўрнатилмаган асбоб-ускуналар ном	Асбоб- ускуналарнинг келиб тушган санаси	Асбоб-ускуналарнинг лойиҳа-смета хужжатларига асосан ўрнатилиш мuddати, ёки Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси билан belгиланган мuddат	Belгиланган muddатда нига туширилмаган асбоб-ускуна Қиймати
--	---	---	---

Солиқ солинмайдиган мол-мулк РЎЙХАТИ

Солиқ солинмайдиган мол-мулк	Сатр коди	Мол-мулкнинг ўрғача йиллик қолдиқ қиймати
Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича солиқ солинадиган базанинг камайтирилиши (020-сатр + 030-сатр)	010	
Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ жами:	020	
уй-жой коммунал хўжалиги объектлари	0201	
ижтимоий-маданий соҳа объектлари	0202	
юридик шахсларнинг маданият муассасалари, мактабгача ва умумтаълим ўқув муассасалари эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган мол-мулки	0203	
кишлоқ хўжалиги (ўсимликшўнослик, чорвачилик, балиқчилик) маҳсулотларини етиштириш ва сақлаш учун фойдаланиладиган кишлоқ хўжалиги қорхоналари балансида бўлган мол-мулк	0204	
сугориш ва коллектор-дренаж тармоқлари объектлари	0205	
алока йўлдошлари	0206	
табиатни муҳофаза қилиш ва санитария-тозалаш мақсадлари, ёнгин хавфсизлиги учун фойдаланиладиган объектлар	0208	
умумий фойдаланишдаги темир йўллар ва автомобиль йўллари, магистрал трубопроводлар, алока ва электр узатиш линиялари, шунингдек ушбу объектларнинг ажралмас технологик қисми бўлган иншоотлар	0209	
консервация қилиниши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинган ишлаб чиқариш асосий воситалари	02010	
лизингга олинган мол-мулк, лизинг шартномаси амал қиладиган муддатга	02011	
солиқ бўловчининг балансида бўлган ва тадбиркорлик фаолиятида фойдаланилмайдиган фуқаро муҳофазаси ва сафарбарлик аҳамиятига эга моллик объектлар	02012	
шаҳар ва шаҳар атрофидаги йўналишларда йўловчилар ташийдиган шаҳар йўловчилар транспорти ташкилотларининг транспорт воситалари (автобуслар, трамвайлар, троллейбуслар, метрополитен поездлари)	02013	

**Маҳаллийлаштирилаётган маҳсулот ишлаб чиқариш учун
фойдаланиладиган мол-мулк ҲИСОБ-КИТОБИ**

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Сумма
Товарлар (ишлар, хизматлар)ни реализация қилишдан соф тушум ("Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот" 2-сон шакlining 010-сатри)	010	
шу жумладан, маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотдан тушум	020	
Маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотнинг реализация қилишдан соф тушумдаги улуши, %да (020-сатр / 010-сатр x 100)	030	
Фақат маҳаллийлаштирилаётган маҳсулот ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган асосий ишлаб чиқариш воситаларининг ўртача йиллик қолдиқ қиймати	040	
Маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотни ишлаб чиқариш учун ҳам, бошқа маҳсулотни ишлаб чиқариш учун ҳам фойдаланиладиган асосий ишлаб чиқариш воситаларининг ўртача йиллик қолдиқ қиймати	050	
шу жумладан, маҳаллийлаштирилаётган маҳсулот ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган (030-сатр x 050-сатр)	060	
Маҳаллийлаштирилаётган маҳсулот ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган асосий ишлаб чиқариш воситаларининг жами ўртача йиллик қолдиқ қиймати (040-сатр + 060-сатр)	070	

**Экспорт улушига боғлиқ ҳолда мол-мулк
солиғи ставкасига тузатиш киритиш**

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Сумма
Товарлар (ишлар, хизматлар)ни реализация қилишдан соф тушум ("Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот" 2-сон шакlining 010-сатри)	010	
шу жумладан:		
ўзи ишлаб чиқарган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг эркин алмаштириладиган валюта (ЭАВ)га экспорт қилишдан, шу жумладан:	020	
ўзи ишлаб чиқарган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг эркин алмаштириладиган валюта (ЭАВ)га экспорт қилишдан (ушбу иловага берилган изоҳда кўрсатилган ҳолда) хом ашё товарларини ҳисобга олмаган ҳолда)*	030	
Товарлар (ишлар, хизматлар)ни реализация қилишдан соф тушумда ўзи ишлаб чиқарган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг эркин алмаштириладиган валюта (ЭАВ)га экспорт тушумининг улуши, %да (030-сатр/010-сатр x 100)	040	
Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқнинг ставкаси, %да	050	
Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқнинг тузатилган ставкаси, %да	060	

**) Агар айрим хом ашё товарлари бўйича қонун билан белгиланган имтиёзлар мавжуд бўлса, у ҳолда улар бўйича имтиёзлар норматив-ҳуқуқий ҳужжатни кўрсатган ҳолда қўлланилади.*

6-иловани тўлдиришда реализациянинг умумий ҳажми деганда барча фаолият турларидан олинган соф тушум суммаси тушунилади. Бунда экспорт улуши ўсиб боровчи якун билан белгиланади.

Экспорт улушини ҳисоблаб чиқаришда ўзи ишлаб чиқарган хом ашё товарларини - пахта толаси, ип калава, пахта линти, хом нефть, газ конденсати, нефть маҳсулотлари, табиий газ, электр энергияси, қимматбаҳо. рангли ва қора металллар, рангли ва қора металллар прокати, парчалари ва чиқиндиларини реализация қилишдаги экспорт ҳажми ҳисобга олинмайди.

Мол-мулк солиғининг экспорт улушига боғлиқ ҳолда тузатиш киритилган ставкасини савдо-воситачилик корхоналари амалга оширмайдилар;

Агар, мол-мулк солиғининг ставкасига солиқ тўловчи экспорт улушига боғлиқ ҳолда тузатиш киритмаса, у ҳолда 060-сатрда 050-сатрдаги юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи учун белгиланган ставка кўрсатилади.

Мол-мулк солиғи ҳисоб-китобига иловалар маълумотлари реаллигини текшириш солиқ объекти ҳисобланган асосий воситалар, номоддий активлар, тугалланмаган капитал қуйилмалар ҳамда муддатида ўрнатилмаган жиҳозлар каби активларнинг, шунингдек асосий воситалар ва номоддий активлар эскириши ҳисоби учун очилган синтетик ва аналитик счётлар, улар кирими ва чиқимиға гувоҳлик берувчи бошланғич ҳужжатлар маълумотларига асосан амалга оширилади. Аудиторлик текширувида аниқланган реал маълумотлар ва уларнинг корхона маълумотларидан четланишлари юқоридаги иловаларға қўшимча тарзда киритиладиган устунчаларда кўрсатилади.

Мол-мулк солиғи ҳисоб-китобига иловалар маълумотлари текширувидан сўнг аниқланган текширув маълумотлари ушбу солиқ ҳисоб-китобининг белгиланган шаклиға аудитор томонидан қўшимча киритиладиган устунчаға ўтказилади. Шунингдек, алоҳида очиладиган устунчада корхона маълумотлари ва текширув маълумотлари ўртасидаги мувофиқлик ёки четланишлар кўрсатилади. Ушбу мазмунда тузиладиган аудиторнинг иш ҳужжати қуйида келтирилган. Бундай жадваллар кўринишида тайёрланган аудиторнинг иш ҳужжатлари мол-мулк солиғидаги четланишни нима эвазига юз берганлигини аниқлашға имкон беради.

**Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солик
ҲИСОБ-КИТОБИ**

Кўрсаткичлар	Сатр код	Сумма		
		Корхона бўйича	Аудит бўйича	Ўқталани ш (+,-)
Асосий воситалар, шу билан биргаликда молдавий ижара (лизинг) шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг ва солик солинадиган номоддий активларнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати - <i>Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ҳисоб-китобида 1- илованинг 070-сатри</i>	010			
Солиқ солинадиган базанинг камайтирилиши - <i>Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ҳисоб-китобида 4-илованинг 010-сатри</i>	020			
<i>Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаш учун солиқ солинадиган база (010-сатр 020-сатр)</i>	030			
Белгиланган солиқ ставкаси, %	040			
Ўзатишган ставка, % - <i>Юридик шахсларнинг мол- мулкига солинадиган солиқ ҳисоб-китобида 6- илованинг 060-сатри</i>	050			
Солиқ суммаси (030-сатр x 040-сатр, ёки 050-сатр)	060			
Норматив муддатда тугалланмаган қурилиш объектларнинг ўртача йиллик қиймати <i>Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ҳисоб-китобида 1-илованинг 080-сатри</i>	070			
Солиқ ставкаси, %да	080			
Солиқ суммаси (070-сатр x 080-сатр)	090			
Белгиланган муддатда ишга туширилмаган ускуналарнинг ўртача йиллик қиймати <i>Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ҳисоб-китобида 1-илованинг 090-сатри</i>	100			
Солиқ ставкаси, %да	110			
Солиқ суммаси (100-сатр x 110-сатр)	120			
<i>Бюджетга тўланадиган юридик шахсларнинг мол- мулкига солинадиган солиқ суммаси (060-сатр + 090-сатр + 120-сатр)</i>	130			
Ўтган ҳисобот даври учун ҳисоб-китоб бўйича ҳисобланган юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ суммаси	140			
Қўшимча тўлашга	150			
Камайтиришга	160			

Мол-мулк солиғи суммаси корхоналарнинг харажатларига киритилади ва у орқали фойда солиғига ҳам таъсир кўрсатади. Ушбу солиқни кўп ҳисобланганлиги чунончи фойда солиғи ва ободонлаштириш солиғини кам ҳисобланишига ва, аксинча, мол-мулк солиғини кам ҳисобланганлиги эса юқоридаги фойдадан солиқларни кўп ҳисобланишига олиб келади. Шу боис ҳам, мол-мулк солиғининг ҳисобланиши лозим бўлган реал суммаси топилагач, аудиторларнинг муҳим вазифаси бўлиб унинг корхоналар харажатларига (9430 «Бошқа операцион харажатлар» счётига) олиб борилган суммасига тузатиш киритиш ҳисобланади.

Мол-мулк солиғини ҳисобот даврлари бўйича тўлаш тартибига риоя этилганлигини, унга донр молиявий санкциялар, дебиторлик ёки кредиторлик қарзларни тўғри ҳисобланганлиги ҳамда ҳисоб ва ҳисоботда реал акс эттирилганлигини, бошланғич ҳужжатларни, бухгалтерия ёзувларини, уларда суммаларни тўғри акс эттирилганлигини текшириш учун худди бошқа солиқлар сингари юқорида келтирилган шакллардаги аудиторлик иш ҳужжатларини тузиш лозим..

Мол-мулк солиғи бўйича аудиторлик хатари ушбу солиқнинг асосий элементларидаги четланишлар ва хатоликларни топмасликда ёки тўғри бўлган маълумотларни нотўғри деб расмийлаштирилганлигида ҳисобланади. Ушбу хатарни камайтириш учун қуйидагиларга амал қилиш ўта муҳимдир:

- * мол-мулк солиғи базасини аниқлашга асос бўладиган кўрсаткичларга оид исботу-далилларни тўлиқ тўплаш, бу кўрсаткичларни танлаб текширишга йўл қўймаслик;

- *солиқ ставкаларини солиққа тортиладиган объект турлари бўйича тўғри қўлланилганлигига тўлиқ иқдор бўлиш;

- *солиқ ставкасини камайтиришга асос бўлувчи кўрсаткичларнинг тўғри топирилганлигига тўлиқ иқдор бўлиш;

- *текширув натижаларини аудиторлик ҳисоботида атрофлича очиқ бериш.

2. ЕР СОЛИҒИ АУДИТИ.

Ер участкаларидан фойдаланганлик учун бюджетга тўловлар ер солиғи ёки ер учун ижара ҳақи тарикасида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ижарага берилган ер участкалари учун тўланадиган ижара ҳақи ер солиғига тенглаштирилади. Ер участкаларини ижарага олган юридик шахсларга юридик шахслардан олинадиган ер солиғи ставкалари, юридик шахслардан олинадиган ер солиғини тўловчилар учун белгиланган имтиёзлар, солиқни ҳисоблаб чиқариш, солиқ ҳисоб-китобларини тақдим этиш ва солиқни тўлаш тартиби татбиқ этилади.

Юридик шахслар мулк ҳуқуқи, эғалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида фойдаланиладиган ер участкалари учун ер солиғи тўлайдилар.

Солиқ тўловчилар. Мулк ҳуқуқи, эғалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлган юридик шахслар, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари ер солиғини тўловчиларидир.

Кўчмас мулк ижарага берилган тақдирда, ижарага берувчи ер солиғини тўловчи бўлади.

Ер участкасидан бир нечта юридик шахс биргаликда фойдаланган тақдирда, ҳар бир юридик шахс ер участкасининг фойдаланилаётган майдонидаги ўз улуши учун ер солиғини тўловчидир.

Қуйидагилар ер солиғини тўловчилар бўлмайдилар:

нотижорат ташкилотлар. Тадбиркорлик фаолияти амалга оширилган тақдирда, нотижорат ташкилотлар тадбиркорлик фаолиятида фойдаланилган ер участкалари бўйича ушбу бўлимда назарда тутилган тартибда ер солиғи тўловчилар бўлади;

ушбу Кодексга мувофиқ солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби назарда тутилган юридик шахслар, агар ушбу Кодекснинг XX бўлимида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса.

Солиқ солиш объекти. Мулк ҳуқуқи, эғалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида юридик шахсларда бўлган ер участкалари солиқ солиш объектидир.

Қуйидагиларга солиқ солиш объекти сифатида қаралмайди:

аҳоли пунктларининг умумий фойдаланишдаги ерлари. Аҳоли пунктларининг умумий фойдаланишдаги ерлари жумласига қуйидагилар қиради:

майдонлар, кўчалар, тор кўчалар, йўللар, суғориш тармоғи, соҳил бўйи ерлари ва бошқа шу каби ерлар;

аҳолининг маданий-маиший эҳтиёжларини қондириш ва дам олиши учун фойдаланиладиган ерлар (дарахтзорлар, боғлар, сайилгоҳлар, хиёбонлар, шунингдек ариқ тармоқлари эгаллаган ерлар);

коммунал-маиший ерлар (кабристонлар, чикиндиларни зарарсизлантириш ва уларни утилизация қилиш жойлари ва бошқа шу каби жойлар); захира ерлар.

Солиқ солинадиган база. Ер участкасининг Солиқ кодекси 282-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ солиқ солинмайдиган ер участкалари майдонлари чегириб ташланган ҳолдаги умумий майдони солиқ солинадиган база ҳисобланади.

Қайси ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи, эғалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи йил мобайнида солиқ тўловчига ўтган бўлса, ўша ер участкалари учун солиқ солинадиган база ер участкаларига тегишли ҳуқуқ вужудга келганидан кейинги ойдан эътиборан ҳисоблаб чиқарилади. Ер участкасининг майдони қамайтирилган тақдирда, солиқ солинадиган база ер участкаси майдони қамайтирилган ойдан эътиборан қамайтирилади.

Юридик шахсларда ер солиғи бўйича имтиёз ҳуқуқлари вужудга келган тақдирда, солиқ солинадиган база ушбу ҳуқуқ вужудга келган ойдан эътиборан қамайтирилади. Ер солиғи бўйича имтиёз ҳуқуқи бекор қилинган тақдирда, солиқ солинадиган база ушбу ҳуқуқ бекор қилинганидан кейинги ойдан эътиборан ҳисоблаб чиқарилади (қўпайтирилади).

Имтиёзлар. Ер солиғи тўлашдан қуйидагилар озод қилинади:

1) маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ташкилотлари - ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни амалга оширишда фойдаланадиган ер участкалари учун;

2) ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, "Нуроний" жамғармаси ва "Ўзбекистон чернотилчилари" ассоциацияси мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида 50 фоизини ногиронлар, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийлари ташкил қилган юридик шахслар, бундан савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар мустасно. Мазкур имтиёзни олиш ҳуқуқи белгиланаётганда ходимларнинг умумий сонига штатда бўлган ходимлар киритилади;

3) янги ташкил этилган деҳқон хўжаликлари - давлат рўйхатидан ўтказилган ойдан эътиборан икки йилга;

4) ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъектлари - юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилинган кундан эътиборан. Ихтиёрий тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таъмили тўхтатилган ва фаолият қайтадан бошланган тақдирда, ушбу имтиёз қўлланилмайди ҳамда солиқ суммаси имтиёз қўлланилган бутун давр учун тўлиқ миқдорда ундирилади.

Солиқ солинмайдиган ер участкалари жумласига қуйидаги ерлар қиради:

1) боғдорчилик, узумчилик ёки полизчилик ширкатларининг умумий фойдаланишдаги (кириш йўллари, суғориш ариқлари, коллекторлар ва умумий фойдаланишдаги бошқа ерлар), жамоа гаражларининг ерлари;

2) муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ерлари, бундан хўжалик фаолияти юритилаётган ерлар мустасно. Муҳофаза этиладиган табиий

худудларнинг ерлари жумласига давлат кўриқхоналарининг, комплекс (ландшафт) буюртма кўриқхоналарининг, табиат боғларининг, давлат табиат ёдгорликларининг, буюртма кўриқхоналарининг (овчилик хўжаликларида ташкил этиладиган буюртма кўриқхоналари бундан мустасно), табиий питомникларнинг ер участкалари киради;

3) соғломлаштириш аҳамиятига молик ерлар (хўжалик фаолияти юритилаётган ерлар бундан мустасно) - тегишли муассасалар ва ташкилотларга белгиланган тартибда доимий фойдаланишга берилган, профилактика ва даволаш ишларини ташкил этиш учун қулай табиий шифобахш омилларга эга бўлган ер участкалари;

4) рекреация аҳамиятига молик ерлар (хўжалик фаолияти юритилаётган ерлар бундан мустасно) - аҳолининг оммавий дам олиши ва туризмини ташкил этиш учун тегишли муассасалар ҳамда ташкилотларга берилган ерлар;

5) тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар (хўжалик фаолияти юритилаётган ерлар бундан мустасно) - тегишли муассасалар ва ташкилотларга доимий фойдаланишга берилган тарихий-маданий кўриқхоналар, хотира боғлари, сағаналар, археология ёдгорликлари, тарих ва маданият ёдгорликлари эгаллаган ерлар;

6) сув фонди ерлари. Сув фонди ерлари жумласига сув хавзалари (дарёлар, кўллар, сув омборлари ва бошқа шу кабилар), гидротехника ва бошқа сув хўжалиги иншоотлари эгаллаган ерлар, шунингдек сув хўжалиги эҳтиёжлари учун юридик шахсларга белгиланган тартибда берилган сув хавзалари ҳамда бошқа сув объектлари сохиллари бўйлаб ажратилган минтақа ерлари киради;

7) электр узатиш линиялари, уларнинг подстанциялари ва иншоотлари эгаллаган ерлар;

8) умумдавлат алоқа линиялари (хаво ва кабелли алоқа линиялари, тиргакли линиялар ва радиофикациялар, ер ости кабелли линиялари, уларни билдирувчи сигналли ва ҳаракатсиз белгилар, радиореле алоқа линиялари, кабелли телефон канализациялари, ер устидаги ва ер остидаги хизмат кўрсатилмайдиган кучайтиргич пунктлари, таксимлагич шкафлар, ерга улаш контури қутилари ҳамда бошқа алоқа иншоотлари) эгаллаган ерлар;

9) маданият, таълим ва соғлиқни сақлаш объектлари эгаллаган ерлар;

10) умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари эгаллаган ерлар;

11) умумий фойдаланишдаги темир йўллар, шу жумладан тупрок кўтармаси, суний иншоотлар, линия-йўл бинолари, темир йўл алоқаси ҳамда электр таъминоти қурилмалари, иншоотлар ва йўл қурилмаларидан иборат темир йўллар станциялари ҳамда саралаш жойлари, шунингдек белгиланган тартибда темир йўл транспорти корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига доимий ёки вақтинчалик фойдаланишга берилган ихота дарахтзорлари эгаллаган ерлар;

12) шаҳар электр транспорти йўллари ва метрополитен линиялари, шу жумладан жамоат транспорти бекатлари ва метрополитен станциялари ҳамда уларнинг иншоотлари эгаллаган ерлар;

13) спорт ва жисмоний тарбия-соғломлаштириш мажмуалари, оналар ва болаларнинг дам олиш ҳамда соғломлаштириш жойлари, дам олиш уйлари ҳамда ўқув-машқ базалари эгаллаган ерлар;

14) аҳоли пунктларининг сув таъминоти ва канализация иншоотлари; магистрал сув қувурлари, водопровод тармоқлари, канализация коллекторлари ва уларнинг иншоотлари, насос станциялари, сув олиш ва тозалаш иншоотлари, водопровод ва канализация тармоқларидаги кузатиш кудуклари ва дюкерлари, сув босими ҳосил қиладиган миноралар ҳамда шунга ўхшаш иншоотлар эгаллаган ерлар;

15) магистрал нефть ва газ қувурлари, шу жумладан компрессор, насос станциялари, ёнғинга қарши ва аварияга қарши станциялар, трубопроводларни катодли химоялаш станциялари уларни тармоққа улаш узеллари билан, трубопроводларни тозалаш қурилмалари ҳамда шунга ўхшаш иншоотлар эгаллаган ерлар;

16) магистрал иссиқлик трассалари, шу жумладан насос (қўпайтирувчи, камайтирувчи, аралаштирувчи, дренаж) станциялари, иссиқ сув таъминотининг иссиқликни ҳисобга олиш ва назорат қилиш асбоблари, иситкичлари, циркуляция насослари ҳамда шунга ўхшаш иншоотлар эгаллаган ерлар;

17) самолётларнинг учиб-қўниш майдонлари, ерда бошқариш йўлчалари ва тўхташ жойлари, фуқаро авиацияси аэропортларининг радионавигация ва электр-ёритиш ускуналари эгаллаган ерлар;

18) Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурига киритилган объектлар қурилиши учун ажратилган ерлар, норматив қурилиш муддати даврида;

19) консервацияга қўйилиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинган объектлар эгаллаган ерлар, уларнинг консервацияси даврида;

20) гидрометеорология ва гидрогеология станциялари ҳамда постлари эгаллаган ерлар;

21) юридик шахс балансида бўлган ва ҳўжалик фаолиятида фойдаланилмайдиган фуқаро муҳофазаси ҳамда сафарбарлик аҳамиятига молик алоҳида жойлашган объектлар эгаллаган ерлар;

22) ихота ўрмон дарахтзорлари эгаллаган ерлар. Ихота ўрмон дарахтзорлари жумласига қуйидагилар қиради: ўрмонларнинг дарёлар, қўллар, сув омборлари ва бошқа сув объектлари соҳиллари бўйлаб ўтган тақиқланган минтақалари; ўрмонларнинг овланадиган қимматли балиқлар увилдирик сочадиган жойларни муҳофаза қилувчи тақиқланган минтақалари; эрозиядан сақлайдиган ўрмонлар; ўрмонларнинг темир йўллар ва автомобиль йўллари ёқалаб ўтган ихота минтақалари; чўл ва чала чўл зоналаридаги ўрмонлар; шаҳар ўрмонлари ва ўрмон-боғлари; шаҳарлар, бошқа аҳоли пунктлари ва саноат марказларининг кўкаламзорлаштирилган зоналари атрофидаги ўрмонлар; сув таъминоти манбаларини санитария жихатидан муҳофаза қилиш зоналаридаги ўрмонлар; курорт табиий ҳудудларни санитария жихатидан муҳофаза қилиш теграсидаги ўрмонлар; алоҳида қимматга эга бўлган ўрмонлар; илмий ёки тарихий аҳамиятга эга бўлган ўрмонлар;

23) кишлоқ хўжалиги мақсадлари учун янги ўзлаштирилаётган ерлар, уларни ўзлаштириш ишлари бажариладиган даврда ва улар ўзлаштирилган вақтдан эътиборан беш йил мобайнида;

24) мелиорация ишлари амалга оширилаётган мавжуд суғориладиган ерлар, ишлар бошланганидан эътиборан беш йил муддатга;

25) янги барпо этилётган боғлар, токзорлар ва тутзорлар эгаллаган ерлар, дарахтларнинг қатор ораларидан кишлоқ хўжалиги экинларини экиш учун фойдаланилишидан қатъи назар, уч йил муддатга. Кузда ўтказилган янги кўчатлар учун бериладиган имтиёз муддатини ҳисоблаб чиқариш кейинги йилнинг 1 январидан эътиборан бошланади, баҳорда ўтказилган кўчатлар учун эса жорий солиқ даврининг 1 январидан эътиборан бошланади;

26) илмий ташкилотларнинг кишлоқ хўжалиги аҳамиятига молик ва ўрмон фондидаги ерлари, кишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги соҳасидаги илмий-тадқиқот ташкилотлари ҳамда ўқув юртларига қарашли тажриба, экспериментал ва ўқув-тажриба хўжаликларининг бевосита илмий ҳамда ўқув мақсадлари учун фойдаланиладиган ерлари. Ушбу бандга мувофиқ илмий тажрибалар, экспериментал ишлар, янги навларнинг селекцияси ўтказилиши учун ҳамда мавзулари тасдиқланган бошқа илмий ва ўқув мақсадлари учун фойдаланиладиган экинлар ҳамда дарахтзорлар эгаллаган ер участкалари солиқ тўлашдан озод қилинади.

Белгиланган мақсадда бевосита фойдаланилмаётган ер участкаларига ушбу моддада белгиланган имтиёзлар татбиқ этилмайди.

Солиқ ставкасини қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари. Ер участкаси мулкдорининг, ер эгаси, ердан фойдаланувчи ёки ижарачининг айби билан кишлоқ хўжалиги ерларининг сифати ёмонлашган (бонитет балли пасайган) тақдирда, ер солиғи ернинг сифати ёмонлашганига қадар белгиланган ставкалар бўйича юридик шахслар томонидан тўланади.

Шаҳарлар ва шаҳарчаларнинг маъмурий чегараларида жойлашган кишлоқ хўжалиги аҳамиятига молик ерлар учун ер солиғи кишлоқ хўжалиги ерлари учун белгиланган ставкаларнинг икки баравари миқдорида тўланади.

Ушбу солиқ ставкасининг чегаравий миқдори юқоридаги хусусиятлар эътиборга олинган ҳолда Республика Президентининг ҳар йилги давлат бюджети параметрларини тасдиқлаш тўғрисидаги қарори асосида белгиланади.

Солиқ даври. Календарь йил солиқ давридир.

Ҳисобот даври. Календарь йил ҳисобот давридир.

Солиқни ҳисоблаб чиқариш ва солиқ ҳисоб-китобларини тақдим этиш тартиби. Ер солиғи ҳар бир солиқ даврининг 1 январига бўлган ҳолатга кўра ҳисоблаб чиқарилади ва ер солиғининг ҳисоб-китоби ер участкаси жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органига ҳисобот йилининг 15 февралига қадар тақдим этилади.

Ер солиғини ҳисоблаб чиқариш Солиқ кодекснинг 281-моддасига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Солиқ солинадиган базада (ҳисобланган солиқ суммасида) солиқ даври мобайнида ўзгариш бўлганда юридик шахслар бир ойлик муддат ичида давлат

солиқ хизмати органига ер солиғининг аниқлаштирилган ҳисоб-китобини тақдим этиши шарт.

Солиқ даври мобайнида кишлоқ хўжалиги экинларининг умумий майдонида ва таркибида ўзгаришлар юз берган ягона ер солиғини тўлашга ўтмаган кишлоқ хўжалиги корхоналари ер солиғининг аниқлаштирилган ҳисоб-китобини давлат солиқ хизмати органига жорий йилнинг 1 декабрига қадар тақдим этади.

Солиқ тўлаш тартиби. Ер солиғини тўлаш, агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, юридик шахслар томонидан йилнинг ҳар чорағида, йил чорағи иккинчи ойининг 15-қунига қадар тенг улушларда амалга оширилади.

Ҳисобот даври учун ер солиғи тўлашнинг белгиланган муддатидан кейин мажбуриятлар юзага келганда, ушбу суммани тўлаш мажбуриятлар юзага келган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай амалга оширилади.

Ягона ер солиғи тўлашга ўтмаган кишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан ер солиғини тўлаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:


ҳисобот йилининг 1 июлига қадар - йиллик солиқ суммасининг 20 фоизи;


ҳисобот йилининг 1 сентябрига қадар - йиллик солиқ суммасининг 30 фоизи;

ҳисобот йилининг 1 декабрига қадар - солиқнинг қолган суммаси.

Республикаимиз Солиқ кодексига ва бошқа меъёрий ҳужжатларида келтирилган юқоридаги тартиб-қоидаларга тўлиқ амал қилинаётганлигини аниқлаш ер солиғи аудитининг асосий вазифалари ҳисобланади. Ушбу вазифаларни тўлиқ ва тўғри адо этиш учун ер солиғи аудитини қуйидаги кетма-кетликда ўтказиш мақсадга мувофиқдир (кейинги бетга қаранг).

Бюджетга тўланадиган ер солиғи суммаси, кўриниб турибдики, асосан иккита омилга боғлиқ: (1) солиқ солиш базасига ва (2) солиқ ставкасига. Демак, аудит текширувида, ер солиғига бевосита таъсир кўрсатувчи ушбу омиллар миқдорини реал топилганлиги ўта муҳим роль ўйнайди. Бу вазифани бажариш учун, дастлаб, «Ер солиғи ҳисоб-китоби» ҳамда унга қилинадиган 2 та иловада келтирилган маълумотларнинг реаллиги бирма-бир текшириб чиқилиши лозим. Ушбу солиқнинг ҳисоб-китоби ва унга иловалар кишлоқ хўжалиги аҳамиятига молик бўлмаган ерлар учун ҳамда кишлоқ хўжалиги аҳамиятига молик бўлган ерлар учун махсус шаклларда тузилади. Уларнинг шакллари қуйида келтирилган.





**Жорий солиқ даврининг 1 январдаги ҳолат бўйича
кишлоқ хўжалиги аҳамиятига молик бўлмаган
ерлар учун тўланадиган ер солиғи
ҲИСОБ-КИТОБИ**

Кўрсаткичлар	Сатр код	Ўлчов бирлиги	Ер майдони	Сумма
Ер участкасининг умумий майдони, Мазкур ҳисоб-китобга 1-илованинг 010 сатр 3-устуни ёки 020 сатр 3-устуни	010	га		X
Солиқ солинмайдиган ер майдони - Мазкур ҳисоб-китобга 1-илованинг 010 сатр 4-устуни ёки 020 сатр 4-устуни	020	га		X
Солиқ солинадиган база Мазкур ҳисоб-китобга 1-илованинг 010 сатр 5-устуни ёки 020 сатр 5-устуни	030	га		X
Ил учун бюджетга тўланиши лозим бўлган жами солиқ суммаси Мазкур ҳисоб-китобга 1-илованинг 010 сатр 7-устуни ёки 020 сатр 7-устуни	040	сўм	x	
Шу жумладан:				
I чорак учун 15 февралгача	0401	сўм	x	
II чорак учун 15 майгача	0402	сўм	x	
III чорак учун 15 августгача	0403	сўм	x	
IV чорак учун 15 ноябргача	0404	сўм	x	

**Солиқ тўловчининг ер участкалари тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

Ер участкаси жойлашган жой	Сатр коди	Ер майdonи, га	Солиқ солинмайдиган ер участкалари, га (Қишлоқ хўжалиги аҳоиятига молик бўлмаган ерлар учун тўланадиган ер солиғи хисоб-китобининг 2-илоvasи 010-сатр)	Солиқ солина- диган база, га (3-устун 4-устун)	Солиқ ставкаси 1 га учун, сўм	Солиқ суммаси (5-устун х 6-устун)
1	2	3	4	5	6	7
Юридик шахс жойлашган жойи бўйича жами:	010					
	0101					
	0102					
	0103					
	0104					
	0105					
Ер участкаси жойлашган жойи бўйича жами:	020					
	0201					
	0202					
	0203					
	0204					
	0205					

Солиқ солинмайдиган ерлар

Солиқ солинмайдиган ерлар	Сатр коди	Майдон, га
Солиқ солинмайдиган ерлар (020-сатр + 030-сатр)	010	
Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ - жами	020	
шу жумладан:		
	0201	
	0202	
	0203	
	0204	
	0205	
	0206	
	0207	
	0208	
Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ солиқ солинмайдиган ерлар – жами	030	
шу жумладан:		
	0301	
	0302	
	0303	
	0304	
	0305	

**Жорий солиқ даврининг 1 январдаги ҳолати бўйича
қишлоқ хўжалиги аҳамиятига молик ерлар
учун тўланадиган ер солиғи
ҲИСОБ-КИТОБИ**

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Майдони, га	Юридик шахслардан олинадиган ер солиғининг 1 га учун ставкаси, сўм	Юридик шахслар- дан олинадиган ер солиғининг суммаси
Жами ерлар - Мазкур ҳисоб-китобнинг 1- илова 010-сатри ёки 020-сатри	010			
шу жумладан:				
Сўғорилладиган жамоя қишлоқ хўжалиги ерлари - жами:	011			
1-класс (0-10 балл)	0111			
2-класс (11-20 балл)	0112			
3-класс (21-30 балл)	0113			
4-класс (31-40 балл)	0114			
5-класс (41-50 балл)	0115			
6-класс (51-60 балл)	0116			
7-класс (61-70 балл)	0117			
8-класс (71-80 балл)	0118			
9-класс (81-90 балл)	0119			
10-класс (91-100 балл)	0120			
Баҳоланмаган ерлар	0121			
Лалмикор эквизорлар, қўриқ ерлар ва сўғорилмайдиган қўл йилдик дарахтлар жами:	013			
текислик (ёғинлар билан таъминланмаган) зонада	0131			
текислик-тепалик (ёғинлар билан ярим таъминланган) зонада	0132			
тоғ олди ва тоғли (ёғинлар билан таъминланган) зоналарда	0133			
Сўғорилмайдиган пичанзорлар ва яйловлар жами:	014			
"Чўл" минтақасида	0141			
"Адир" минтақасида	0142			
"Тоғ" минтақасида	0143			

**Солиқ тўловчининг ер участкалари тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

Ер участкалари жойлашган жойи	Сатр коди	Ер участкалари майдони (га)
Юридик шахснинг солиқ бўйича ҳисобда олиш жойидаги ер участкалари жами	010	
Шу жумладан:		
	0101	
	0102	
	0103	
	0104	
	0105	
Юридик шахснинг солиқ бўйича ҳисобда олиш жойидан ташқаридаги ер участкалари жами	020	
Шу жумладан:		
	0201	
	0202	
	0203	
	0204	
	0205	

Солиқ солинмайдиган ерлар

Солиқ солинмайдиган ерлар	Сатр коди	Ер майдони, га	Юридик шахслардан олинмайдиган ер солиғининг I га учун ставкаси, сўм	Юридик шахслардан олинмайдиган ер солиғининг Суммаси
Солиқ солинмайдиган ерлар (020-сатр + 030-сатр)	010			
Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ жами	020			
шу жумладан:				
	0201			
	0202			
	0203			
	0204			
	0205			
	0206			
	0207			
	0208			
Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ солиқ солинмайдиган ерлар – жами	030			
шу жумладан:				
	0301			
	0302			
	0303			
	0304			
	0305			

Ер солиғи ҳисоб-китобига иловалар маълумотлари реаллигини текшириш солиқ объекти ҳисобланган ер майдонларига эғалик қилишга гувоҳлик берувчи кадастр ҳужжатлари маълумотларига асосан амалга оширилади. Аудиторлик текширувида аниқланган реал маълумотлар ва уларнинг қорхона маълумотларидан четланишлари юқоридаги иловаларга қўшимча тарзда киритиладиган устунчаларда кўрсатилади.

Ер солиғи ҳисоб-китобига иловалар маълумотлари текширувидан сўнг аниқланган текширув маълумотлари ушбу солиқ ҳисоб-китобининг белгиланган шаклига аудитор томонидан қўшимча киритиладиган устунчага ўтказилади. Шунингдек, алоҳида очиладиган устунчада қорхона маълумотлари ва текширув маълумотлари ўртасидаги мувофиқлик ёки четланишлар кўрсатилади. Ушбу мазмунда тузиладиган аудиторнинг иш ҳужжати ер солиғидаги четланишни нима эвазига юз берганлигини аниқлашга имкон беради.

Ер солиғи ҳам худди мол-мулк солиғи сингари қорхоналарнинг харажатларига киритилади ва у орқали фойдадан солиқларга ҳам таъсир кўрсатади. Ушбу солиқни кўп ҳисобланганлиги фойдадан солиқларни кам ҳисобланишига ва, аксинча, унинг кам ҳисобланганлиги эса фойдадан солиқларни кўп ҳисобланишига олиб келади. Шу боис ҳам, ер солиғининг ҳисобланиши лозим бўлган реал суммаси топишч, аудиторларнинг муҳим вазифаси бўлиб унинг қорхоналар харажатларига (9430 «Бошқа операцион харажатлар» счётига) олиб борилган суммасига тузатиш киритиш ҳисобланади.

Ер солиғини ҳисобот даврлари бўйича тўлаш тартибига риоя этилганлигини, унга доир молиявий санкциялар, дебиторлик ёки кредиторлик қарзларни тўғри ҳисобланганлиги ҳамда ҳисоб ва ҳисоботда реал акс эттирилганлигини, бошланғич ҳужжатларни, бухгалтерия ёзувларини, уларда суммаларни тўғри акс эттирилганлигини текшириш учун худди бошқа солиқлар сингари юқорида келтирилган шакллардаги аудиторлик иш ҳужжатларини тузиш лозим.

Ер солиғи бўйича аудиторлик хатари ушбу солиқнинг асосий элементларидаги четланишлар ва хатоликларни топмасликда ёки тўғри бўлган маълумотларни нотўғри деб расмийлаштирилганлигида ҳисобланади. Ушбу хатарни камайтириш учун қуйидагиларга амал қилиш ўта муҳимдир:

* ер солиғи базасини аниқлашга асос бўладиган кўрсаткичларга оид исботу-далилларни тўлиқ тўплаш, бу кўрсаткичларни танлаб текширишга йўл қўймаслик;

*солиқ ставкаларини солиққа тортиладиган объект турлари бўйича тўғри қўлланилганлигига тўлиқ иқдор бўлиш;

*текширув натижаларини аудиторлик ҳисоботида атрофлича очиб бериш.

3. ЕР ҚАҒРИДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН СОЛИҚНИНГ АУДИТИ

Ер қағридан фойдаланганлик учун солиқ аудитининг асосий вазифаси бўлиб республикамиз Солиқ кодексига ҳамда Президентимиз фармонлари ва қарорлари билан тасдиқланган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган куйидаги тартиб-қоидаларга риоя қилинганлиқни, шунингдек ушбу солиқга доир кўрсаткичларни ҳисоб ва ҳисоботда тўғри акс эттирилганлигини аниқлаш ҳисобланади.

Солиқ тўловчилар. Ер қағридан фойдаланганлик учун солиқни тўловчилар куйидагилардир:

ер қағридан фойдали қазилмаларни қавлаб олаётган, минерал хом ашёдан ва (ёки) техноген минерал ҳосилалардан фойдали компонентларни ажратиб олаётган ер қағридан фойдаланувчилар;

фойдали қазилмалардан фойдали компонентларни ажратиб олган ҳолда уларни қайта ишлашни амалга ошираётган ер қағридан фойдаланувчилар.

Солиқ солиш объекти. Қавлаб олинган (ажратиб олинган) тайёр маҳсулотнинг ҳажми ер қағридан фойдаланганлик учун солиқ солиш объектидир. Тайёр маҳсулотлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан белгиланади.

Ер қағридан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси белгиланган ва реализация қилиш ёки топшириш, шу жумладан бепул бериш, шунингдек маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида ўз истеъмоли ва бошқа эҳтиёжлари учун мўлжалланган фойдали қазилма (фойдали компонент) тайёр маҳсулот деб эътироф этилади.

Солиқ солиш объекти тайёр маҳсулотнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида аниқланади.

Углеводородлар учун солиқ солиш объекти куйидагилардир:

саноат йўсинида дастлабки қайта ишловдан ўтказилган қавлаб олинган углеводородлар, шу жумладан қўшилиб чиқадиغان фойдали қазилмалар ва фойдали компонентлар;

углеводородларни қайта ишлаш жараёнида ажратиб олинган, лекин олинган қавлаб олинганда ва қайта ишланганда қайта ишланадиган фойдали қазилмалар таркибида тайёр маҳсулот сифатида солиқ солинмаган фойдали компонентлар.

Қатламдаги босимни саклаб туриш ва (ёки) углеводородларни тугал технологик жараён доирасида ажратиб олиш учун маҳсулдор қатламга қайта қайтаб киритиладиган табиий газ ҳажми солиқ солиш объекти бўлмайди.

Ажратиб олинган қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар, шу жумладан техноген минерал ҳосилалардан ажратиб олинган қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар учун солиқ солиш объектидир.

Ушбу модданинг олтинчи қисмида кўрсатилганлардан ташқари, қуйидагилар қаттиқ фойдали қазилмалар бўйича солиқ солиш объектидир:

қавлаб олинган (шу жумладан қўшилиб чиқадиغان) фойдали қазилмалар;

фойдали казилмалардан, минерал хом ашёдан, техноген минерал хосилалардан ажратиб олинган фойдали компонентлар.

Солиқ тўловчиларга берилган ер участкалари доирасида кавлаб олинган ҳамда ўзининг хўжалик ва рўзгор эҳтиёжлари учун фойдаланилган кенг тарқалган фойдали казилмалар солиқ солиш объекти бўлмайди.

Кенг тарқалган фойдали казилмалар рўйхати конун ҳужжатлари билан белгиланади.

Солиқ солинадиган база. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш учун, агар ушбу модданинг олтинчи қисмида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, кавлаб олинган (ажратиб олинган) тайёр маҳсулот ҳажмининг ҳисобот даври учун ўртача олинган реализация қилиш баҳосида ҳисоблаб чиқилган қиймати солиқ солинадиган базадир.

Ҳисобот даври учун ўртача олинган реализация қилиш баҳоси ҳар бир кавлаб олинган (ажратиб олинган) тайёр маҳсулот бўйича алоҳида, пулда ифодаланган реализация қилиш ҳажмларини (қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғини чегирган ҳолда) натурада ифодаланган реализация қилиш ҳажмига бўлиш орқали аниқланади.

Ҳисобот даврида тайёр маҳсулот реализация қилинмаган бўлса, солиқ солинадиган база реализация қилиш амалга оширилган охириги ҳисобот даврида тайёр маҳсулотни реализация қилишнинг ўртача олинган баҳосидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Тайёр маҳсулот умуман реализация қилинмаган тақдирда, солиқ солинадиган база ҳисобот даврида мазкур фойдали казилмаларни кавлаб олишнинг (ажратиб олишнинг) ишлаб чиқариш таннархидан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Бунда солиқ тўловчи реализация қилиш амалга оширилган ўша ҳисобот даврида ҳисобланган ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ суммасига ҳисобот даврида таркиб топган ўртача олинган баҳодан келиб чиққан ҳолда кейинги тузатишни киритиши шарт.

Тайёр маҳсулот таннархидан наст баҳода реализация қилинган ёки топширилган тақдирда ўртача олинган баҳони ҳисоб-китоб қилиш учун таннарх қабул қилинади, лекин у декларация қилинаётган баҳолардан юқори бўлмаслиги керак.

Тайёр маҳсулот (тайёр маҳсулотнинг бир қисми) бошқа тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш учун хом ашё бўлган ёки тайёр маҳсулот (қайта ишлаб ҳосил қилинган маҳсулот) ўзининг ишлаб чиқариш ёки хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланилган ҳолларда бундай маҳсулот учун солиқ солинадиган база кавлаб олинган (ажратиб олинган) тайёр маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Солиқ даври. Календарь йил солиқ давридир.

Ҳисобот даври. Ҳисобот даври куйидагилардир: микрофирмалар ва кичик корхоналар учун - йил чорағи; микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар учун - бир ой;

Солиқ ставкалари. Ушбу солиқ ставкасининг чегаравий миқдори юқоридаги хусусиятлар эътиборга олинган ҳолда Республика Президентининг ҳар

Йилги давлат бюджети параметрларини тасдиклаш тўғрисидаги қарори асосида белгиланади.

**2012 йил учун ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ
СТАВКАЛАРИ**

<i>Солиқ солинадиган объект номи</i>	<i>Солиқ ставкаси, солиқ солинадиган базага нисбатан %да</i>
1. Асосий ва қўшимча фойдали қазилмалар қавлаб олинниши учун	
Энергия манбалари:	
Табиий газ	30,0
Утилизация қилинган табиий газ	9,0*
Ер остидан қавлаб олинган газ	2,6
Ностабил газ конденсати	20,0
Нефть	20,0
Қўмир	4,0
Рангли ва ноёб металллар:	
Тозаланган мис	8,1
Молибденли саноат маҳсулот	4,0
Концентратданган кўргошин	4,0
Металл рух	4,0
Вольфрам концентрати	10,4
Уран	10,0**
Асл металллар:	
Олтин	5,0
Қумуш	8,0
Қимматбаҳо, ярим қимматбаҳо ва зеб-зийнат учун тошлар ҳам ашёси	24,0
Қора металллар:	
Темир	4,0
Кон-қимё ҳам ашёси:	
Тош туз (овқатга ишлатиладиган)	3,5
Калий тузи	3,5
Натрий сульфати	3,5
Фосфоритлар (графитларга)	5,0
Карбонат ҳам ашёси (оҳактошлар, доломитлар)	3,5
Глауконит	3,5
Минерал пигментлар	4,8
Кон-руда ҳам ашёси:	
Главик шпатли концентрат	21,2
Табиий графит	8,0
Иккиламчи бойитилмаган қулранг каолин	7,9
Кварц-дала шпати ҳам ашёси	6,5

Шиша хом ашёси	3,0
Бентонитли гил	4,8
Тальк ва тальк тоши	4,0
Талькомагнезит	4,0
Минерал бўёқлар	5,7
Воллостанит	4,0
Асбест	4,0
Минерал тола ишлаб чиқариш учун базальт	4,0
Барит концентрати	4,0
Металлургия учун норуда хом ашё:	
Ўтга чидамли, кийин эрувчан, қолиплаш гили	4,0
Оҳактошлар, доломитлар	4,0
Кварц ва кварцитлар	6,5
Қолиплаш кумлари	4,0
Вермикулит	4,0
Норуда қурилиш материаллари:	
Цемент хом ашёси	3,5
Табиий безактошдан блоклар	3,5
Мармар ушоғи	3,8
Гипс тоши, ганч	5,3
Керамзит хом ашёси	3,5
Гипст-черепица хом ашёси (кумоксимон, лёссимон жинелар, зичловчи сифатида лёсслар, кумлар ва бошқалар)	3,5
Гипс ва ангидрит	4,0
Арраланадиган, харсангтош ва шағал учун тошлар	3,8
Қурилиш кумлари	4,0
Тош-шағал аралашмаси, шағал аралашмаси, майда тошлар, шағал	4,0
Кумтошлар	3,5
Чиганок оҳактош	3,5
Сланецлар	3,5
Бошка кенг тарқалган фойдали қазилмалар (мергеллар, аргелитлар, амвритлар ва бошқалар)	3,5
2. Техноген минерал хосилалардан ажратиб олинган фойдали қазилмалар	Асосий фойдали қазилмани қавлаб олганлик учун ставканинг 30%и

*) Белгиланган ставка бўйича ер қатъидан фойдаланганлик учун солиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси белгилagan тартибда утилизация қилинган табиий газни реализация қиладиган корхона томонидан тўланади.

**) "Навоий КМК" ДҚ урани қавлаб олганлик бўйича ер қатъидан фойдаланганлик учун солиқни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги белгилagan тартибда тўлайди.

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш, ҳисоб-китобларни тақдим этиш ва тўлаш тартиби. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқнинг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига қуйидаги муддатларда тақдим этилади:


микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан - йилнинг ҳар чорагида, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда;

микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар томонидан - ҳар ойда, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда;

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни тўлаш ҳисоб-китобни тақдим этиш муддатида кечиктирмай амалга оширилади.

Республикамиз Солиқ кодексига ва бошқа меъёрий ҳужжатларида келтирилган юқоридаги тартиб-қоидаларга тўлиқ амал қилинаётганлиқни аниқлаш вазифаси ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ аудитини қуйида келтирилган кетма-кетликда ўтказишни тақозо этади.

ЕР ҚАЪРИДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН СОЛИҚ АУДИТИНИНГ КЕТМА-КЕТЛИГИ



Бюджетга тўланадиган ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ суммаси, кўриниб турибдики, асосан иккита омилга боғлиқ: (1) солиқ солиш базасига ва (2) солиқ ставкасига. Демак, аудит текширувида, ер қаъридан фойдаланганлик учун соликка бевосита таъсир кўрсатувчи ушбу омиллар микдорини реал топилганлиги ўта муҳим роль ўйнайди. Бу вазифани бажариш учун, дастлаб, «Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ҳисоб-китоби» ҳамда унга қилинадиган иловада келтирилган маълумотларнинг реаллиги бирма-бир текшириб чиқилиши лозим. Ушбу солиқнинг ҳисоб-китоби ва унга илова махсус шакллари тузилади. Уларнинг шакллари қуйида келтирилган.

**Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ
ҲИСОБ-КИТОБИ**

Тайёр маҳсулотлар номи	Солиқ солинадиган база (Ҳисоб-китоб иловасининг 090-устуни)	Солиқ ставкаси, %	Ер қаъридан фойдаланганлик учун ҳисобланган солиқ суммаси	Ер қаъридан фойдаланганлик солиғининг олдинги ҳисобот даври ҳисоб-китобида ҳисобланган солиқ суммаси (олдинги ҳисоб-китобнинг 040-устуни)	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ суммаси (040-устун - 050-устун)	
					қўшимча тўлашга	камайтиришга
010	020	030	040	050	060	070

**Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ҳисоб-китобига
ИЛОВА**

Тайёр маҳсулотлар номи	Қазиб олиш ҳажми, т, куб. м			Сотиш ҳажми			Ўз эҳтиёжи учун ишлатилган тайёр маҳсулотнинг таннарихи	Солиқ солинадиган база		
	жами	шу жумладан		натурада ифода-лан- ган сотиш ҳажми (т, куб. м)	пулда Ифода- лан- ган сотиш ҳажми (сўм)	ўртача сотиш баҳоси (060-устун / 050-устун)		Жами	шу жумладан	
		сотиш учун	ўз эҳтиёжи учун						реализа- ция қилиш учун	ўз эҳтиё- жи учун
010	020	030	040	050	060	070	080	090	100	110

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ҳисоб-китобига илова маълумотлари реаллигини текшириш солиқ объекти ҳисобланган ҳар бир маҳсулот бўйича уларнинг қазиб олинган ҳажми, сотиш ҳажминини натурал ва пул бирликларида ифода-ланган микдорларига гувоҳлик берувчи бошланғич ҳужжатлар ва ҳисоботлар маълумотларига асосан амалга оширилади.

Аудиторлик текширувида аниқланган реал маълумотлар ва уларнинг корхона маълумотларидан четланишлари юқоридаги иловаларга қўшимча тарзда киритиладиган сатрларда кўрсатилади.

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ҳисоб-китобига илова маълумотлари текширувидан сўнг аниқланган текширув маълумотлари ушбу солиқ ҳисоб-китобининг белгиланган шаклига аудитор томонидан қўшимча киритиладиган сатрларга ўтказилади. Шунингдек, алоҳида очиладиган сатрларда корхона маълумотлари ва текширув маълумотлари ўртасидаги мувофиқлик ёки четланишлар кўрсатилади. Ушбу мазмунда тузиладиган аудиторнинг иш ҳужжати ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқдаги четланишни нима эвазига юз берганлигини аниқлашга имкон беради.

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ корхоналарнинг харажатларига киритилади ва у орқали фойдадан ундириладига солиқларга ҳам таъсир кўрсатади. Ушбу солиқни кўп ҳисобланганлиги фойдадан ундириладиган фойда солиғи ҳамда ободонлаштириш ва инфраструктурани ривожлантириш солиғини кам ҳисобланишига ва, аксинча, унинг кам ҳисобланганлиги эса фойдадан ундириладиган юқоридаги солиқларни кўп ҳисобланишига олиб келади. Шу боис ҳам, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқнинг ҳисобланиши лозим бўлган реал суммаси топилгач, аудиторларнинг муҳим вазифаси бўлиб бу четланишларни корхоналар харажатларига (9430 «Бошқа операцион харажатлар» счётига) олиб борилган суммасига тузатиш ҳисобланади.

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни ҳисобот даврлари бўйича тўлаш тартибига риоя этилганлигини, унга доир молиявий санкциялар, дебиторлик ёки кредиторлик карзларни тўғри ҳисобланганлиги ҳамда ҳисоб ва ҳисоботда реал акс эттирилганлигини, бошланғич ҳужжатларни, бухгалтерия ёзувларини, уларда суммаларни тўғри акс эттирилганлигини текшириш учун ҳудди бошқа солиқлар сингари юқорида келтирилган шакллардаги аудиторлик иш ҳужжатларини тузиш лозим.

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича аудиторлик хатари ушбу солиқнинг асосий элементларидаги четланишлар ва хатоликларни топмасликда ёки тўғри бўлган маълумотларни нотўғри деб расмийлаштирилганлигида ҳисобланади. Ушбу хатарни камайтириш учун куйидагиларга амал қилиш ўта муҳимдир:

- * ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ базасини аниқлашга асос бўладиган кўрсаткичларга оид исботу-далилларни тўлиқ тўплаш, бу кўрсаткичларни танлаб текширишга йўл қўймаслик;

- *солиқ ставкаларини солиққа тортиладиган объект турлари бўйича тўғри қўлланилганлигига тўлиқ иқдор бўлиш;

- *текширув натижаларини аудиторлик ҳисоботида атрофлича очиб бериш.

4. СУВ РЕСУРСЛАРИДАН Фойдаланганлик учун солиқнинг аудити

Солиқ тўловчилар. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчилар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сувдан фойдаланишни ёки сув истеъмолини амалга оширувчи қуйидаги шахслардир:

юридик шахслар - Ўзбекистон Республикаси резидентлари;
фаолиятини доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси норезидентлари;

тадбиркорлик фаолияти учун сувдан фойдаланувчи якка тартибдаги тадбиркорлар;

юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари.

Аҳоли пунктларининг сув таъминоти учун сув етказиб беришни амалга оширувчи юридик шахслар факат ўз эҳтиёжларига ишлатиладиган сув учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўловчидир.

Қуйидагилар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчилар бўлмайди:

нотижбрат ташкилотлар. Нотижбрат ташкилотлар тадбиркорлик фаолиятини амалга оширган тақдирда, ушбу бўлимда назарда тутилган тартибда тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиладиган сув ҳажмлари бўлича сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўловчи бўлади;

агар ушбу Кодекснинг XX бўлимида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, ушбу Кодексга мувофиқ солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби назарда тутилган юридик шахслар.

Солиқ солиш объекти. Ер усти ва ер ости манбаларидан олиб фойдаланиладиган сув ресурслари солиқ солиш объектидир.

Сув ресурсларининг ер усти манбаларига қуйидагилар киради: дарёлар, кўллар, сув омборлари, турли хил каналлар ва ховузлар, ер устидаги бошқа сув хавзалари ҳамда сув манбалари.

Сув ресурсларининг ер ости манбаларига артезиан кудуклари ва скважиналар, вертикал ва горизонтал дренаж тармоклари ҳамда бошқа иншоотлар ёрдамида чиқазиб олинадиган сувлар киради.

Солиқ солинадиган база. Фойдаланилган сувнинг ҳажми солиқ солинадиган базадир.

Солиқ солинадиган базани белгилаш тартиби. Сув ресурсларининг ер усти ва ер ости манбаларидан олинган сув ҳажми сувдан фойдаланишнинг бухгалтерия (бирламчи) ҳисобга олиш ҳужжатларида акс эттирилган сув ўлчagич асбобларининг кўрсаткичлари асосида аникланади.

Сувдан ўлчagич асбобларсиз фойдаланилган тақдирда, унинг ҳажми сув объектларидан сув олиш лимитларидан, сув истеъмолининг технологик ва санитария нормаларидан, экинлар ҳамда дов-дарахтларни суғориш нормаларидан ёки маълумотларнинг тўғрилигини таъминловчи бошқа усуллардан келиб чиққан ҳолда аникланади.

Солиқ тўловчилар ер усти ва ер ости манбаларидан олиб фойдаланилган сув ресурслари ҳажмларининг алоҳида-алоҳида ҳисобини юритадилар. Сув ресурсларининг ер усти ва ер ости манбаларидан сув келадиган водопровод тармоқларидаги сувдан фойдаланилган тақдирда, солиқ солинадиган база манбанинг ҳар бир тури бўйича алоҳида-алоҳида аникланади. Сув етказиб берувчи юридик шахслар водопровод тармоғига сув ресурсларининг ер усти ва ер ости манбаларидан келадиган сув ҳажмларининг нисбати тўғрисидаги маълумотларни давлат солиқ хизмати органларига ҳисобот йилининг 1 февралига қадар тақдим этишлари керак. Давлат солиқ хизмати органлари бу маълумотларни солиқ тўловчилар эътиборига етказиши лозим.

Солиқ тўловчи иссиқ сув ҳамда буғ ҳосил қилиниши бўйича солиқ солинадиган базани ишлаб чиқариш ва техник эҳтиёжлар учун ўзи фойдаланган сув ресурслари ҳажмидан келиб чиққан ҳолда аниқлайди.

Биноларнинг бир қисми, алоҳида жойлар ижарага топширилганда солиқ солинадиган база сув етказиб берувчи юридик шахс билан шартнома тузган ижарага берувчи томонидан аникланади.

Биноларнинг бир қисмини, алоҳида жойларни ижарага олган ва сув етказиб берувчи юридик шахс билан шартнома тузган юридик шахслар солиқ солинадиган базани мустақил равишда аниқлайди.

Солиқ тўловчилар юридик шахслар билан сув етказиб берилиши юзасидан солиштириб қўриш жараёнида олинган сувнинг ҳажмини аниқлаштиришда сув ҳажми фарқини солиштирув амалга оширилган даврдаги ҳисоб-китобларда акс эттиради.

Юридик шахсларнинг ҳудудда таъмирлаш-қурилиш ва бошқа ишларни бажарувчи солиқ тўловчилар бу ишларни бажариш жараёнида фойдаланиладиган сув учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўламайди. Таъмирлаш-қурилиш ва бошқа ишларни бажараётганда фойдаланиладиган сув ҳажми учун бу ишлар қайси юридик шахслар учун бажарилаётган бўлса, ўша юридик шахслар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлайди. Қурилиш ишлари янги қурилиш майдонида бажарилган тақдирда, қурилишда фойдаланиладиган сув ҳажми учун қурилиш ташкилоти сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлайди.

Ягона ер солиғи тўловчилари бўлмаган кишлоқ хўжалиги корхоналари солиқ солинадиган базани солиқ даврида бир гектар сўғориладиган ерларни сўғориш учун сарфланадиган сувнинг бутун хўжалик бўйича ўртача ҳажмидан келиб чиққан ҳолда аниқлайди.

Юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари учун солиқ солинадиган база ушбу модданинг тўққизинчи қисмида назарда тутилган тартибга мувофиқ давлат солиқ хизмати органлари томонидан аникланади.

Имтиёзлар. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқдан қуйидагилар озод қилинади:

1) ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, "Нуроний" жамғармаси ва "Ўзбекистон чернобилчилари" ассоциацияси мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида 50 фоизини ногиронлар, 1941-1945 йиллардаги уруш

ва меҳнат fronti фахрийлари ташкил этган корхоналар, бундан савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар мустасно. Мазкур имтиёзни олиш ҳукуқи белгиланаётганда ходимларнинг умумий сонига штатда бўлган ходимлар киритилади;

2) сув учун бюджетга солиқ ўтказган юридик шахслардан сув олган истеъмолчилар;

3) бирламчи фойдаланилган сув учун тўлов амалга оширилган сувдан иккиламчи фойдаланувчи сув истеъмолчилари;

4) ихтиёрий тугатилаётган юридик шахслар - тадбиркорлик субъектлари - юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилинган кундан эътиборан. Ихтиёрий равишда тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таомили тўхтатилган ва фаолият қайтадан бошланган тақдирда, ушбу имтиёз қўлланилмайди ҳамда солиқ суммаси имтиёз қўлланилган бутун давр учун тўлиқ миқдорда ундирилади.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқаришда солиқ солинадиган база қуйидаги ҳажмларга камайтирилади:

1) соғлиқни сақлаш муассасаларида даволаш мақсадида фойдаланиладиган ер ости минерал сувлари ҳажмига, бундан савдо тармоғида реализация қилиш учун фойдаланилган сув ҳажми мустасно;

2) дори воситаларини тайёрлаш учун фойдаланиладиган сув ҳажмига;

3) атроф муҳитга зарарли таъсир кўрсатишининг олдини олиш мақсадида чиқазиб олинadиган ер ости сувлари ҳажмига, ишлаб чиқариш ва техник эҳтиёжлар учун фойдаланилган сув ҳажми бундан мустасно;

4) шахтадан сувларни қочириш учун, фойдали казилмаларни казиб олиш вақтида чиқазиб олинган ва қатламдаги босимни сақлаб туриш учун ер қаърига қайтариб қуйиладиган ер ости сувлари ҳажмига, бундан ишлаб чиқариш ва техник эҳтиёжлар учун фойдаланилган сув ҳажми мустасно;

5) гидроэлектр станциялари гидравлик турбиналарининг ҳаракати учун фойдаланиладиган сув ҳажмига;

6) кишлоқ хўжалигига мўлжалланган шўрланган ерларни ювиш учун фойдаланиладиган сув ҳажмига.

Солиқ даври. Календарь йил солиқ давридир.

Ҳисобот даври. Ҳисобот даври қуйидагилардир:

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун тўланадиган солиғининг умумий суммаси йилнинг бир чорагида энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан кўпни ташкил этадиган юридик шахслар (микрофирмалар ва кичик корхоналардан ташқари) учун - бир ой;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун тўланадиган солиғининг умумий суммаси йилнинг бир чорагида энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан камни ташкил этадиган юридик шахслар, шунингдек микрофирмалар ва кичик корхоналар ҳамда яқка тартибдаги тадбиркорлар учун - йил чораги;

кишлоқ хўжалиги корхоналари ва юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари учун - календарь йил.

Солиқни ҳисоблаб чиқариш тартиби. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммаси солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммаси давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг ҳисоб-китоби сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ортиб боровчи якун билан қуйидаги муддатларда тақдим этилади:

1) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун тўланадиган солиқнинг умумий суммаси йилнинг бир чорагида энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан кўпни ташкил этадиган юридик шахслар томонидан (кишлоқ хўжалиги корхоналари, микрофирмалар ва кичик корхоналар бундан мустасно) - ҳар ойда, ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 25-қунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда;

2) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун тўланадиган солиқнинг умумий суммаси йилнинг бир чорагида энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан камни ташкил этадиган юридик шахслар, шунингдек микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан - йилнинг ҳар чорагида, йилнинг ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-қунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда;

3) ягона ер солиғини тўлашга ўтмаган кишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан - йилда бир марта ҳисобот даврининг 15 декабригача;

4) яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан - йилнинг ҳар чорагида йилнинг ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-қунидан кечиктирмай.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлаш тўғрисидаги тўлов хабарномаси юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликларида давлат солиқ хизмати органлари томонидан ҳисобот давридан кейинги йилнинг 1 февралидан кечиктирмай топширилади.

Солиқ ставкалари. Ушбу солиқ ставкасининг чегаравий миқдори юқоридаги хусусиятлар эътиборга олинган ҳолда Республика Президентининг ҳар йилги давлат бюджети параметрларини тасдиқлаш тўғрисидаги қарори асосида белгиланади. Чунончи, 2012 йил учун ушбу солиқ ставкалари қуйидагича белгиланган.

**Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ
СТАВКАЛАРИ**

N	Тўловчилар	1 куб. метр учун ставка (сўм)	
		Ер усти сув ресурслари манбалари	Ер ости сув ресурслари манбалари
1.	Иктисодиётнинг барча тармоқлари корхоналари (2 - 4-бандларда кўрсатилганларидан ташқари)	35,8	45,5
2.	Электр станциялари	10,3	15,4
3.	Коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари	19,7	25,4
4.	Ягона ер солигини тўлашга ўтмаган кишлоқ хўжалиги корхоналари, деҳқон хўжаликлари (юридик ва жисмоний шахслар) ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида сув ресурсларидан фойдаланадиган жисмоний шахслар	1,9	2,2

Солиқ тўлаш тартиби. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлашни тўловчилар томонидан сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли жойида ҳисоб-китоб тақдим этиладиган муддатдан кечиктирмай амалга оширилади, юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари бундан мустасно.


Юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари томонидан сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлаш йилига бир марта, солиқ давридан кейинги йилнинг 1 майигача амалга оширилади.

Юридик шахслар жорий йилнинг 15 январигача сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли жойидаги давлат солиқ хизмати органларига сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлаш тўғрисидаги ёзма билдиришни белгиланган лимитдан келиб чиққан ҳолда ёки сув етказиб бериш шартномасига мувофиқ ҳар ойда ёки йилнинг ҳар чорағида эркин шаклда тақдим этадилар, кишлоқ хўжалиги корхоналари бундан мустасно.

Республикаимиз Солиқ кодексига ва бошқа меъёрий ҳужжатларида келтирилган юқоридаги тартиб-қоидаларга тўлиқ амал қилинаётганликни аниқлаш сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ аудитининг асосий вазифалари ҳисобланади. Ушбу вазифаларни тўлиқ ва тўғри адо этиш учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ аудитини қуйида келтирилган кетма-кетликда ўтказишни тақозо этади.

Бюджетга тўланадиган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммаси, кўриниб турибдики, асосан иккита омилга боғлиқ: (1) солиқ солиш базасига ва (2) солиқ ставкасига. Демак, аудит текширувида, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиққа бевосита таъсир кўрсатувчи ушбу омиллар миқдорини реал топилганлиги ўта муҳим роль ўйнайди. Бу вазифани бажариш учун, дастлаб, «Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ

хисоб-китоби» ҳамда унга қилинадиган иловада келтирилган маълумотларнинг реаллиги бирма-бир текшириб чиқилиши лозим. Ушбу солиқнинг ҳисоб-китоби ва унга илова махсус шаклларда тузилади. Уларнинг шакллари қуйида келтирилган.



Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ҲИСОБ-КИТОБИ

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Жами	Ер усти Манбалари	Ер ости Манбалари
Солиқ солинадиган база (жами олинган сувнинг умумий ҳажми), куб м	010			
Солиқ солинадиган базани камайтириш - <i>Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ҳисоб-китобига илованинг 010-сатри</i>	020			
Солиқ солинадиган база (010-устун - 020-устун)	030			
1 куб. м учун белгиланган солиқ ставкаси (сўм)	040			
Бюджетга тўланадиган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммаси (030-устун x 040-устун)	050			

Олдинги ҳисобот даври ҳисоб-китоби бўйича сув ресурсларидан фойдалан-ганлик учун ҳисобланган солиқ суммаси	060			
Қўшимча тўлашга	070			
Камайтиришга	080			

Илова 1

**Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни
ҳисоблаб чиқаришда солиқ солинадиган базадан
камайтириладиган сув ҳажмлари**

куб м

Солиққа тортиладиган базадан чиқариладиган	Сятр коди	Сув ҳажми		
		жами	шу жумладан ер усти манба- лари	ер ости манба- лари
Солиқ солинадиган базани камайтириш (020-сатр + 030-сатр)	010			
Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ жами:	020			
соғлиқни сақлаш муассасаларида даволаш мақсадида фойдаланиладиган ер ости минерал сувлари ҳажмига, савдо тармоғида сотиш учун фойдаланиладиган сув ҳажми бундан мустасно	0201			
дори воситаларини тайёрлаш учун фойдаланиладиган сув ҳажмига	0202			
атроф-муҳитга зарарли таъсир кўрсатишининг олдини олиш мақсадида чиқазиб олинadиган ер ости сувлари ҳажми, ишлаб чиқариш ва техник эҳтиёжлар учун фойдаланиладиган сув ҳажмлари бундан мустасно	0203			
шахтадан сувларни қочириш учун, фойдали казимиаларни казиб олиш вақтида чиқазиб олинган ва қатламли босимни сақлаб туриш учун ер қаърига қайтариб қўйиладиган ер ости сувлари ҳажми, ишлаб чиқариш ва техник эҳтиёжлар учун фойдаланиладиган сув ҳажмлари бундан мустасно	0204			
гидроэлектр станцияларининг гидравлик турбиналари ҳаракати учун фойдаланиладиган сув ҳажми	0205			
кишлоқ хўжалигига мўлжалланган шўрланган ерларни ювиш мақсадида фойдаланиладиган сув ҳажмлари	0206			
Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ солиқ солинадиган базани камайтириш жами:	030			
шу жумладан:				
	0301			
	0302			
	0303			
	0304			
	0305			

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ҳисоб-китобиغا илова маълумотлари реаллигини текшириш солиқ объекти ҳисобланган сув ресурсларининг ишлатилган ҳажмини натурал бирликда (куб метрда) фойдаланган миқдорларига гувоҳлик берувчи бошланғич ҳужжатлар ва ҳисоботлар маълумотларига асосан амалга оширилади. Аудиторлик текширувида аниқланган реал маълумотлар ва уларнинг корхона маълумотларидан четланишлари юқоридаги иловага қўшимча тарзда киритиладиган устунчаларда ёки сатрларда кўрсатилиши мумкин.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ҳисоб-китобиغا илова маълумотлари текширувидан сўнг аниқланган текширув маълумотлари ушбу солиқ ҳисоб-китобининг белгиланган шаклига аудитор томонидан қўшимча киритиладиган сатрларга ўтказилади. Шунингдек, алоҳида очиладиган сатрларда корхона маълумотлари ва текширув маълумотлари ўртасидаги мувофиқлик ёки четланишлар кўрсатилади. Ушбу мазмунда тузиладиган аудиторнинг иш ҳужжати сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқдаги четланишни нима эвазига юз берганлигини аниқлашга имкон беради.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ солиқ корхоналарнинг харажатларига киритилади ва у орқали фойдадан ундириладига солиқларга ҳам таъсир кўрсатади. Ушбу солиқни кўп ҳисобланганлиги фойдадан ундириладиган фойда солиғи ҳамда ободонлаштириш ва инфраструктурани ривожлантириш солиғини кам ҳисобланишига ва, аксинча, унинг кам ҳисобланганлиги эса фойдадан ундириладиган юқоридаги солиқларни кўп ҳисобланишига олиб келади. Шу боис ҳам, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг ҳисобланиши лозим бўлган реал суммаси топилагач, аудиторларнинг муҳим вазифаси бўлиб бу четланишларни корхоналар харажатларига (9430 «Бошқа операцион харажатлар» счётига) олиб борилган суммасига тузатиш ҳисобланади.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисобот даврлари бўйича тўлаш тартибига риоя этилганлигини, унга доир молиявий санкциялар, дебиторлик ёки кредиторлик қарзларни тўғри ҳисобланганлиги ҳамда ҳисоб ва ҳисоботда реал акс эттирилганлигини, бошланғич ҳужжатларни, бухгалтерия ёзувларини, уларда суммаларни тўғри акс эттирилганлигини текшириш учун худди бошқа солиқлар сингари юқорида келтирилган шакллардаги аудиторлик иш ҳужжатларини тузиш лозим.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича аудиторлик хатари ушбу солиқнинг асосий элементларидаги четланишлар ва хатоликларни топмасликда ёки тўғри бўлган маълумотларни нотўғри деб расмийлаштирилганлигида ҳисобланади. Ушбу хатарни камайтириш учун куйидагиларга амал қилиш ўта муҳимдир:

* сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ базасини аниқлашга асос бўладиган кўрсаткичларга оид исботу-далилларни тўлиқ тўплаш, бу кўрсаткичларни танлаб текширишга йўл қўймаслик;

*солиқ ставкаларини солиққа тортиладиган объект турлари бўйича тўғри қўлланилганлигига тўлиқ иқдор бўлиш;

*текширув натижаларини аудиторлик ҳисоботида атрофлича очиб бериш.

5-маъруза	Фойдадан Олинадиган Солиқларнинг Аудити
-----------	--

МАЪРУЗА ТЕХНОЛОГИЯСИ

Ўқув соати: 2 соат	Талабалар сони: 20 та
Ўқув машғулоти шакли: Ахборотли маъруза	
Маъруза режаси: 1. Фойда солиғининг аудити. 2. Қўшимча фойда солиғининг аудити 3. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг аудити	
Ўқув машғулоти мақсади: талабаларга фойдадан олинадиган солиқларни аудит қилиш тартиби тўғрисида тушунчалар бериш.	
Педагогик вазифалар: фойдадан олинадиган солиқларни аудит қилиш тартибларини тушунтириш.	Ўқув фаолияти натижалари: Талабалар фойдадан олинадиган солиқларни аудит қилиш тартибларини билиб оладилар
Ўқитиш воситалари: <i>видеопроектор, доска.</i>	
Ўқитиш усуллари: <i>Тушунтириш, ақлий ҳужум.</i>	
Ўқитиш шакллари: <i>Коллектив иш</i>	
Ўқитиш шароити: <i>Техник воситалар билан таъминланган аудитория.</i>	
Мониторинг ва баҳолаш: <i>Оғзаки, тест савол-жавоблари.</i>	

1. Фойда солиғининг аудити

Фойда солиғини ҳисоб-китоб қилишда, одатда, дастлаб уни ҳисоблашга асос бўлувчи кўрсаткичлар, кейин эса ушбу солиқни бюджетга ўтказиб берилиши, шунингдек корхона ихтиёрида актив ёки лассив сифатида қолдирилишига оид кўрсаткичлар шакллантирилади. Айнан шундан келиб чиқиб, фойда солиғига доир кўрсаткичларни қуйидаги иккита гуруҳга ажратиш мақсадга мувофиқ:

(1) фойда солиғини ҳисоблашга асос бўлувчи кўрсаткичлар;

(2) фойда солиғи бўйича ҳисобланган кўрсаткичлар.

Фойда солиғини ҳисоблашга асос бўлувчи кўрсаткичлар – бу ушбу солиқни ҳисоблашда маълумот базаси сифатида қабул қилинган миқдор ва нисбий кўрсаткичлардир. Бунда миқдор кўрсаткичлар деганда фойда солиғини ҳисоблашга асос бўлувчи пул бирлигидаги кўрсаткичлар, нисбий кўрсаткичлар деганда эса солиқ тўловининг фоиз кўринишида белгиланган ставкаси тушунилади.

Ўзбекистон Республикасида солиқ ва бухгалтерия ҳисоби қонунчилиги ҳужжатларига кўра қуйидаги 10 та кўрсаткичлар фойда солиғини ҳисоб-китоб қилишга асос бўлувчи кўрсаткичлар ҳисобланади.


- Солиққача фойда (зарар)
- Бошқа шахслардан бегараз олинган мулк
- Чегирилмайдиган харажатлар ёки солиқ солинадиган базага киритиладиган харажатлар
- Ҳисобот даврида солиқ солинадиган базадан чегириладиган, бироқ қолғуси ҳисобот (солиқ) давларнинг солиқ солинадиган базасидан чиқариб ташланадиган харажатлар
- Ҳисобот даврида солиқ солинадиган базадан чегириб ташланадиган илгари қилинган харажатлар
- Солиқ солинадиган фойдани камайтириш
- Солиққа тортиладиган фойда
- Солиқ имтиёзлари
- Солиққа тортиладиган база
- Солиқ ставкаси

Фойда солиғи бўйича ҳисобланган кўрсаткичлар деганда бу солиқнинг ҳисобланган, бюджетга ўтказиб берилган ва берилмаган, қонун ҳужжатларига мувофиқ тўлов муддати узайтирилган ёки корхона ихтиёрида имтиёз сифатида қолдирилган, жорий йилда фойданинг ишлатилиши ёки муддати узайтирилган харажатлар сифатида тан олинган суммаларини инфодаловчи миқдор кўрсаткичлар мажмуаси тушунилади. Уларнинг асосийларига қуйидагилар кирadi:

- Фойда солиғи бўйича узоқ муддатли дебиторлик қарз;
- Фойда солиғи бўйича узоқ муддатга кечиктирилган харажатлар;
- Фойда солиғи бўйича тўланган бўнак;

- Вактинчалик фарқлар бўйича қисқа муддатга кечиктирилган харажатлар;
- Фойда солиғи бўйича узоқ муддатга кечиктирилган мажбуриятлар;
- Фойда солиғи бўйича қисқа муддатга кечиктирилган мажбуриятлар;
- Фойда солиғи бўйича жорий қарзлар;
- Фойда солиғи бўйича қорхона ихтиёрига қолдирилган имтиёзлар;
- Ҳақиқатда бюджетга ўтказилган фойда солиғи суммаси;
- Солиқ имтиёзларининг ишлатилган қисми.

Юқоридагиларнинг барчаси фойда солиғи кўрсаткичларини аудитнинг ўта серкиррали ва мураккаб объектларидан бири эканлигидан дарак беради. Ушбу кўрсаткичларни республикаимиз Солиқ кодексиди ва бошқа меъёрий ҳужжатларида келтирилган тартиб-қоидаларга мос равишда шакллантирилганлигини ҳамда ҳисоб ва ҳисоботда акс эттирилганлигини аниқлаш фойда солиғи аудитининг асосий вазифалари ҳисобланади. Ушбу вазифаларни тўлиқ ва тўғри адо этиш фойда солиғи аудитини қуйида келтирилган кетма-кетликда ўтказишни тақозо этади.



Фойда солиғини ҳисоблашга асос бўлувчи кўрсаткичларнинг аудити.

Бюджетга тўданадиган фойдани ҳисоблашга асос бўлувчи энг муҳим кўрсаткич бўлиб солиққача фойда кўрсаткичи ҳисобланади. «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот»нинг 240- сатрида ҳамда «Фойда солиғи ҳисоб-китоби»нинг 010- сатрида акс эттириладиган ушбу кўрсаткич республикаимизнинг бухгалтерия ҳисоби ва солиқ қонунчилиги ҳужжатларига мувофиқ қуйидагича шакллантирилади.

Ўзбекистон Республикасида солиқкача фойда кўрсаткичининг шаклланиши

Соф тушум (9000 счѐт)
-
Сотиш таннари (9100 счѐт)
+
Асосий фаолиятдан олинган бошка даромадлар (9300 счѐт)
-
Давр харжатлари (9400 счѐт)
+
Молиявий фаолиятга доир даромадлар (9500 счѐт)
-
Молиявий фаолиятга доир харажатлар (9600 счѐт)
±
Фавкулотдаги фойда ва зарарлар (9710,9720 счѐтлар)
=
Солиқкача фойда

Кўриниб турибдики, солиқкача фойда кўрсаткичини тўғри шакллантирилганлиги «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот»да акс эттириладиган барча даромад ва харажатларни ифодаловчи кўрсаткичларнинг реаллигига бевосита боғлиқ. Шу боис ҳам, аудиторларнинг асосий вазифаси, даставвал, ушбу кўрсаткичлар реаллигини текширишдан иборатдир.

«Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот»да акс эттирилган барча даромадлар ва харажатлар тўғрисидаги маълумотлар уларни акс эттирувчи счѐтлар кесимида гувоҳлик берувчи ҳужжатлар асосида текширилади, унинг натижалари махсус аудиторларнинг иш ҳужжатлари бўлган жадваллар кўринишида тизимлаштирилади, сўнгра эса уларнинг якуний кўрсаткичлари аудитор томонидан тузиладиган таққосламали «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот»да умумлаштирилади. Ушбу таққосламали ҳисоботда солиқкача фойда кўрсаткичини ҳисоблашга асос бўлувчи барча даромадлар ва харажатларда йўл қўйилган четланишнинг суммаси акс эттирилади. Четланишларни кўрсатувчи устунчанинг алоҳида қаторларида келтирилган маълумотлар даромад ва харажатлар алоҳида турлари суммаларини акс эттиришда йўл қўйилган четланишларнинг солиқкача фойда кўрсаткичини акс эттиришда йўл қўйилган четланишга таъсирини аниқлаш имконини ҳам беради.

Шундан сўнг фойда солиғи суммасини ҳисоблашга асос бўлувчи солиққа тортиладиган база суммасининг тўғри шакллантирилганлиги текширилади.

Республикаимизнинг Солиқ кодексига мувофиқ ушбу кўрсаткич қуйидагича шакллантирилади.

Ўзбекистон Республикасида фойда солиғи бўйича солиққа тортиладиган база кўрсаткичининг шаклланиши

Солиқ тўлангунга қадар бўлган фойда (зарар) «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот»нинг 240-сатри
+
Бошқа шахслардан текинга бегараз олинган мулк (пул маблағларидан ташқари)
+
Солиқ солиш базасига қайта қўшиладиган харажатлар (СКнинг 147-моддаси)
+
Ҳисобот давр учун солиқ солиш базасидан чегирилмайдиган харажатлар (СКнинг 146-моддаси)
-
Ҳисобот даври учун солиқ солиш базасидан чегириладиган олдинги йилларда қилинган харажатлар (012 с/ҳ асосида)
-
Акциялар ва бошқа қимматли қозғалдиқлар бўйича олинган дивидендлар (фойзалар)
-
Ҳаракатдаги солиқ қонунчилигига мувофиқ солиққа тортиладиган даромад (фойда)нинг камайтирилиши (имтиёзлар)
=
Солиққа тортиладиган база

Фойда солиғи бўйича солиққа тортиладиган базани шакллантиришда эътиборга олинadиган ҳар бир кўрсаткич республикаимизда «Юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи ҳисоб-китоби»нинг тегишли сатрларида, шунингдек уларнинг тафсилотлари эса ушбу ҳисоб-китобга келтириладиган иловаларда акс эттирилади. Ушбу ҳисоб-китоб, шунингдек унга қилинадиган иловаларнинг шакллари қуйида келтирилган.

**Юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи
ҲИСОБ-КИТОБИ**

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Сумма
Юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи тўлангунга қадар фойда (зарар) ("Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот" - 2-сонли шаклнинг 240-сатри)	010	
Даромадлар ҳисобини юритиш ҳисобварақларида ҳисобга олинadиган ва солиқ солиш мақсадида даромад сифатида	011	

қаралмайдиган фойда (даромад) суммаси (Юридик шахслардан олиннадиган фойда солиғи ҳисоб-китобига 12-сон иловасининг 010-сатри)		
Солиқ тўловчи томонидан бошқа шахслардан текинга олинган мол-мулк*	020	
Чегирлмайдиған харажатлар (солиқ солинадиган базага киритиладиган харажатлар) (Юридик шахслардан олиннадиган фойда солиғи ҳисоб-китобига 1-сон иловасининг 010-сатри)	030	
Ҳисобот даврида солиқ солинадиган базадан чегирлмайдиған, бироқ келгуси ҳисобот (солиқ) даврларининг солиқ солинадиган базасидан чиқариб ташланадиган харажатлар (Юридик шахслардан олиннадиган фойда солиғи ҳисоб-китобига 2-сон илованин 010-сатри)	040	
Ҳисобот даврида солиқ солинадиган базадан чегириб ташланадиган илгари қилинган харажатлар (Юридик шахслардан олиннадиган фойда солиғи ҳисоб-китобига 3-сон илованин 010-сатри)	050	
Ҳисобот (солиқ) даврининг солиқ солинадиган базасига киритиладиган харажатлар (030-сатр + 040-сатр - 050-сатр)	060	
Олинган (олиниши лозим бўлган) дивидендлар	070	
Олинган (олиниши лозим бўлган) фойзалар	080	
Солиқ олиниши лозим бўлган фойда (010-сатр - 011-сатр + 020-сатр + 060-сатр - 070-сатр - 080-сатр)	090	
Солиқ солишдан озод қилинадиган фойда (Юридик шахслардан олиннадиган фойда солиғи ҳисоб-китобига 4-сон илованин 060-сатри 3-устуни)	100	
Солиқ солинадиган фойда (090-сатр - 100-сатр)	110	
Солиқ солинадиган фойдани камайтириш (Юридик шахслардан олиннадиган фойда солиғи ҳисоб-китобига 5-сон илованин 020-сатри)	120	
Солиқ солинадиган база - жами (110-сатр - 120-сатр)	130	
шу жумладан, ҳисобланган:		
пластик картчакалар қўлланилиб тўланган кўрсатилган хизматлар ҳажмидан олинган фойдадан (Юридик шахслардан олиннадиган фойда солиғи ҳисоб-китобига 9-сон илованин 030-сатри x 130-сатр)	1301	
1301-сатрда келтирилган сумма чегирилган ҳолда фойдадан (130-сатр - 1301-сатр)	1302	
Юридик шахслардан олиннадиган фойда солиғининг белгиланган ставкаси	140	
Юридик шахслардан олиннадиган фойда солиғининг тузатилган ставкаси:	150	
экспорт қилувчи корхоналар учун, экспорт улушига қараб, % да (Юридик шахслардан олиннадиган фойда солиғи ҳисоб-китобига 10-сон илованин 060-сатри)	1501	
хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари учун пластик картчакалар қўлланилиб тўланган кўрсатилган хизматлар ҳажмидан олинган фойдадан, % да [1501-сатр - (1501-сатр x 10%)]	1502	
Юридик шахслардан олиннадиган фойда солиғи суммаси - жами (1601-сатр + 1602-сатр)	160	
шу жумладан, ҳисобланган:		
1301-сатрда кўрсатилган фойдадан (1301-сатр x 1502-сатр)	1601	
1302-сатрда кўрсатилган фойдадан (1302-сатр x 1501-сатр)	1602	
Ноғиронлар меҳнатидан фойдаланаётган корхоналар учун фойда солиғининг тузатиш киритилган суммаси (Юридик шахслардан олиннадиган фойда солиғи ҳисоб-китобига	170	

11-сон илованинг 070-сатри)		
Бюджетга тўланадиган юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи суммаси (160-сатр - 170-сатр)	180	
Олдинги ҳисобот даври учун ҳисобланган юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи суммаси	190	

Изоҳ:

Кредит ташкилотлари 010-сатрни Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботига мувофиқ аниқлайдилар.

*) Солиқ тўловчи томонидан бошқа шахслардан текинга олинган пул маблағлари "Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот" - 2-сонли шаклнинг 240-сатрида ҳисобга олинади.

1-илова

ЧЕГИРИЛМАЙДИГАН ХАРАЖАТЛАР (солиқ солинадиган базага киритиладиган харажатлар)

Харажатлар рўйхати	Сатр коди	Сумма
Чегирилмайдиган харажатлар - жами (020 - 280-сатрлар йиғиндиси)	010	
шу жумладан:		
моддий қимматликларнинг табиий камайиш нормаларидан ортиқча йўқотишлар ва бузилишлар	020	
ҳодимларга бериладиган ёки солиқ тўловчининг умумий овқатланиш эҳтиёжлари учун ёрдамчи хўжаликлар томонидан ишлаб чиқариладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича нархдаги фарқлар (зарарлар)	030	
хизмат сафарлари, вакиллик харажатлари, ихтиёрий сўғурта турлари бўйича ажратмалар бўйича белгиланган нормалардан ортиқча харажатлар	040	
Нодавлат пенсия жамғармаларига ажратмалар	050	
хўжалик бошқаруви органини сақлаб туриш учун ажратмалар	060	
умумий овқатланиш корхоналари ёки бошқа чет ташкилотларга жойларни бепул бериш харажатлари, ушбу корхоналар ва ташкилотлар учун коммунал хизматлар кўрсатиш қийматини тўлаш	070	
йиллик молиявий ҳисоботни бир ҳисобот даврида бир мартадан ортиқ аудитдан ўтказиш харажатлари	080	
солиқ тўловчининг фаолиятида талаб этилмайди қасблар бўйича кадрлар тайёрлаш харажатлари	090	
Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 177-моддасида назарда тутилган жисмоний шахснинг моддий наф тарзидаги даромадлари ҳисобланадиган солиқ тўловчининг харажатлари	100	
ҳодимларга таътил учун меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча тўланган ҳақ ва улар бўйича пуаллик компенсациялар, бундан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 143-моддасида кўрсатилганлари мустасно	110	
дала таъминоти, хизмат мақсадида ҳодимнинг шахсий автотранспортдан фойдаланганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча тўланган тўловлар	120	
пенсияларга устамалар, пенсияга чиқаётган меҳнат фахрийларига бирийўла тўланадиган нафакалар	130	
ҳодимларга тўланадиган моддий ёрдам (ҳодимнинг меҳнатда майиб бўлиши ёки унинг соғлиғига бошқача тарзда шикаст етказилиши ёхуд ҳодим оила аъзосининг вафоти муносабати билан бериладиган ёки ҳодимнинг вафоти муносабати билан оила аъзоларига бериладиган моддий ёрдам бундан мустасно)	140	
меҳнатда майиб бўлганлик, қасб касаллиги ёхуд меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлиғининг бошқача шикастланиши сабабли ҳодимларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш учун қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча тўланадиган тўловлар	150	

экология, соғломлаштириш ва хайрия жамғармаларига, маданият, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларига, таълим муассасаларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бадаллар, ҳомийлик ва хайрия ердამлари турлидаги маблағлар	160	
ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган соғлиқни сақлаш ва дам олишни таъинлаш қилиш тadbирларига харажатлар	170	
маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган ишлари (хизматлари) (шаҳарлар ва шаҳарчаларни ободонлаштириш ишлари, қишлоқ ҳўжалигига ердэм кўрсатиш ва бошқа турдаги ишлар) бажаришга сарфланган харажатлар	180	
атроф-муҳитни ифлослантирганлик ва чиқиндиларни жойлаштирганлик қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча бўлганлиги учун компенсация тўловлари	190	
кредит шартномасида муддатли қарзлар учун назарда тутилган ставкалардан ортиқча тўлов муддати ўтган ҳамда узайтирилган кредитлар (заёмлар) бўйича фоизлар	200	
дoйихалардаги ва қурилиш-монтаж ишларидаги камчиликларни, шунингдек объект ёнидаги омонга ташиб келтирилгунга қадар юз берган бузилишлар ва деформацияларни бартараф этиш бўйича харажатлар, коррозияга қаршн муҳофазадаги нуқсонлар туфайли тафтиш ўтказиш (асбоб-ускуналарни қисмларга ажратиш) харажатлари, ушбу харажатларнинг камчиликлар, бузилишлар ёки зарарлар учун жавобгар бўлган маҳсулот етказиб берувчи ёки бошқа ҳўжалик юритувчи субъектлар ҳисобига ўрнини қоплаш мумкин бўлмаган миқдордаги бошқа шунга ўхшаш харажатлар	210	
байрам саналари ва муҳим саналар, жамоат фаолиятидаги ютуқлар муносибати билан ҳодимларни рағбатлантириш ҳисобланадиган бирйўла мукофотлар ва таътилга қўшимча тўланадиган ҳақлар	220	
сул чиқимлари	230	
айбдорлари аниқланмаган ўғирликлар ва қамомаддан ёки айбдор томон ҳисобидан зарур суммаларнинг ўрнини қоплаш мумкин бўлмаганда қўрилган зарарлар	240	
солиқ тўловчининг асосий воситалари ва бошқа мол-мулкнинг (активларининг) чиқиб кетишидан (балансдан чиқарилишидан) қўрилган (бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланадиган) зарарлар, қуйидаги зарарлар бундан мустасно: Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида мол-мулкни бепул топширишдан қўрилган зарарлар, телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тadbирлари тизимининг техник воситаларини бепул топширишдан ҳамда улардан бепул фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатишдан қўрилган зарарлар; уч йилдан ортиқ фойдаланилган асосий воситаларни реализация қилишдан қўрилган зарарлар	250	
ҳўжалик шартномалари шартларини ва қонун ҳужжатларини бузганлик учун тўланган ёки тан олинган жарималар, пеня ҳамда бошқа турдаги санкциялар	260	
инвестиция активларини ишончли бошқарувчилар, давлат ишончли бошқарувчилари ва давлат улушларини бошқариш бўйича ишончли бошқарувчилар хизматларининг қийматини ҳамда уларга мукофотлар тўлашига доир харажатлар	270	
Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига асосан чегирилмайдиган харажатларга тегишли бошқа харажатлар - жами (2801-28...-сатрлар йиғиндиси)	280	

Ҳисобот даврида солиқ солинадиган базадан чегирилмайдиган, бироқ кейинги ҳисобот даврларининг солиқ солинадиган базасидан чиқариб ташланадиган харажатлар (9440-ҳисобварақда ҳисобга олинган харажатлар)

Харажатлар рўйхати	Сатр коди	Сумма
Ушбу даврда солиқ солинадиган базадан чиқариб ташланмайдиган, бироқ келгуси ҳисобот даврларининг солиқ солинадиган базасидан чиқариб ташланадиган харажатлар жами (020 - 060-сатрлар йиғиндиси)	010	
шу жумладан:		
янги ишлаб чиқаришлар, цехлар, агрегатларни, шунингдек серияли ва оммавий ишлаб чиқариладиган янги маҳсулот турларини ҳамда технологик жараёнларни ўзлаштириш харажатлари	020	
барча турдаги асбоб-ускуналар ва техник қурилмаларни, уларнинг ўрнатилиш сифатини текшириб кўриш мақсадида комплекс синаб кўриш (ишлаб турган ҳолатида) харажатлари	030	
ишчи кучлари қабул қилиш ва янги ишга туширилган корхонада ишлаш учун кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ харажатлар	040	
асосий воситалар ва номоддий активларнинг жаддалаштирилган усулда ҳисобланган амортизация суммаси билан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 144-моддасига мувофиқ белгиланган нормалар бўйича ҳисобланган амортизация суммаси ўртасидаги фарқ	050	
шубҳали қарзлар бўйича заҳира ташкил этиш учун қилинган харажатлар	060	

Ҳисобот даврида солиқ солинадиган базадан чегириб ташланадиган илгари қилинган харажатлар (012-балансдан ташқари ҳисобварақ маълумотлари бўйича)

Харажатлар рўйхати	Сатр коди	Сумма
Ҳисобот даврида солиқ солинадиган базадан чегириб ташланадиган илгари қилинган харажатлар - жами (020 - 060-сатрлар йиғиндиси)	010	
шу жумладан:		
янги ишлаб чиқаришлар, цехлар, агрегатларни, шунингдек серияли ва оммавий ишлаб чиқариладиган янги маҳсулот турларини ҳамда технологик жараёнларни ўзлаштириш харажатлари	020	
барча турдаги асбоб-ускуналар ва техник қурилмаларни, уларнинг ўрнатилиш сифатини текшириб кўриш мақсадида комплекс синаб кўриш (ишлаб турган ҳолатида) харажатлари	030	
ишчи кучлари қабул қилиш ва янги ишга туширилган корхонада ишлаш учун кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ харажатлар	040	
асосий воситалар ва номоддий активларнинг жаддалаштирилган усулда ҳисобланган амортизация суммаси билан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 144-моддасига мувофиқ белгиланган нормалар бўйича ҳисобланган амортизация суммаси ўртасидаги фарқ	050	
шубҳали қарзлар бўйича заҳира ташкил этиш учун қилинган харажатлар	060	

Солиқ солишдан озод қилинадиган фойда

Ўлчишлар бўлиги	Сатр кўди	Сумма	Саломат, %
1	2	3	4
Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган соф тушум ("Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот"- 2-сонли шаклнинг 010-сатри)	010		100
шу жумладан, тушумлар:			
протез-ортопедия буюмлари, ногиронлар учун инвентарлар ишлаб чиқаришдан, шунингдек ногиронларга ортопедик протезлаш хизмати кўрсатишдан, ногиронлар учун мўлжалланган протез-ортопедия буюмлари ва инвентарларни таъмирлаш ҳамда уларга хизмат кўрсатишдан	020		
шаҳар йўловчилар транспортида (таксидан, шу жумладан, йўналишли таксидан ташқари) йўловчиларни ташиш бўйича хизматлар кўрсатишдан	030		
тарих ва маданият ёдгорликларини таъмирлаш ҳамда қайта тиклаш ишларини амалга оширишдан	040		
Солиқ солиниши лозим бўлган фойда (Юридик шахслардан олиннадиган фойда солиғи ҳисоб-китобининг 090-сатри)	050		X
Солиқ солишдан озод этилган фойда -- жами (070 - 1...-сатрлар ёиғиндиси)	060		X
шу жумладан:			
протез-ортопедия буюмлари, ногиронлар учун инвентарлар ишлаб чиқаришдан, шунингдек ногиронларга ортопедик протезлаш хизмати кўрсатишдан, ногиронлар учун мўлжалланган протез-ортопедия буюмлари ва инвентарларни таъмирлаш ҳамда уларга хизмат кўрсатишдан (050-сатр х 020-сатрнинг 4-устуни)	070		X
шаҳар йўловчилар транспортида (таксидан, шу жумладан, йўналишли таксидан ташқари) йўловчиларни ташиш бўйича хизматлар кўрсатишдан (050-сатр х 030-сатрнинг 4-устуни)	080		X
Тарих ва маданият ёдгорликларини таъмирлаш ҳамда қайта тиклаш ишларини амалга оширишдан (050-сатр х 040-сатрнинг 4-устуни)	090		X
инвестиция фондларининг хусусийлаштирилган корхоналар акцияларини сотиб олишга йўналтириладиган фойдаси	100		X
Халқ банки томонидан фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағлардан фойдаланишдан олинган фойда	110		X
қўлқ амортизация қилинган асосий воситаларни реализация қилишдан ёки тугатишдан олинган даромадлар	120		X
	130		X
	1..		X

Солиқ солинадиган фойдани камайтириш

Солиқ солинадиган фойдани камайтирадиган харажатлар рўйхати	Сатр коди	Сумма
Солиқ солинадиган фойда (Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ҳисоб-китобининг 110-сатри)	010	
Солиқ солинадиган фойдани камайтириш - жами (030-сатр + 040-сатр + 050-сатр)	020	
Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ солиқ солинадиган фойдани камайтириш - жами (0301 - 0307-сатрлар йиғиндиси)	030	
шу жумладан:		
экология, соғломлаштириш ва хайрия жамғармаларига, маданият, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларига, таълим муассасаларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бериладиган бадаллар, хомийлик ва хайрия тарикасидаги маблағлар суммасига, бироқ солиқ солинадиган фойданинг икки фоизидан кўп бўлмаган миқдорда (ҳақиқатдаги харажатлар бўйича, бироқ 010-сатрида келтирилган сумманинг 2 % идан кўп бўлмаган миқдорда)	0301	
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида коллежлар, академик лицейлар, мактаблар ва мактабгача тарбия таълим муассасалари қурилишига йўналтирилган маблағлар суммасига, лекин солиқ солинадиган фойданинг 30 % идан кўп бўлмаган миқдорда (ҳақиқатдаги харажатлар бўйича, бироқ 010-сатрида келтирилган сумманинг 30 % идан кўп бўлмаган миқдорда)	0302	
ёш оилалар тоифасига кирувчи ходимларга ипотека кредитлари бадаллари тўлашга ва (ёки) мулк сифатида уй-жой олишга текин йўналтириладиган маблағлар суммасига, бироқ солиқ солинадиган базанинг 10 % идан ошмаган миқдорда (ҳақиқатдаги харажатлар бўйича, бироқ 010-сатрида келтирилган сумманинг 10 % идан кўп бўлмаган миқдорда)	0303	
диний ва жамоат бирлашмаларининг (қасаба уюшмалари, сиёсий партиялар ва ҳаракатлардан ташқари), хайрия жамғармаларининг мулкда бўлган корхоналар фойдасидан шу бирлашмалар ва жамғармаларининг уставда белгиланган фаолиятини амалга ошириш учун йўналтириладиган ажратмалари суммасига	0304	
қўшимча фойда солиғини тўловчилар учун соф қўшимча фойда суммасига	0305	
инвестицияларга йўналтириладиган маблағлар суммасига (Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ҳисоб-китоби 7-илувасининг 070-сатри)	0306	
жисмоний шахсларнинг муддатли омонатлари, пластик карточкалар бўйича омонатлар ҳамда жойлаштирилган жамғарма сертификатлари ҳажмларининг кўпайган суммасига	0307	
Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ солиқ солинадиган фойдани камайтириш - жами (0401 – 04...-сатрлар йиғиндиси)	040	
шу жумладан:		
маҳаллийлаштириш лойиҳалари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотни реализация қилишдан олинган фойда (Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ҳисоб-китобига 6-сон илованинг 090-сатри)	0401	
	0402	
	0403	
	0404	
	04...	
Солиқ солинадиган фойданинг зарар ёки зарарининг бир қисми суммасига камайтирилиши (Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ҳисоб-китобига 8-сон илованинг 080-сатри)	050	

**Маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотни
реализация қилишдан олинган фойда
ХИСОБ-КИТОБИ**

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Сумма
Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган соф тушум ("Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот" - 2-сонли шаклнинг 010-сатри)	010	
шу жумладан, маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотни реализация қилишдан олинган тушум	020	
Маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотни реализация қилишдан олинган тушумнинг товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган соф тушумдаги салмоғи, % да (020-сатр / 010-сатр x 100)	030	
Реализация қилинган маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таниарҳи	040	
Маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотни реализация қилишдан олинган янги молиявий натижа (020-сатр 040-сатр)	050	
Маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотни реализация қилиш харажатлари [{"Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот" - 2-сонли шаклнинг 050-сатри x 030-сатр (маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотнинг салмоғи)]	060	
Маъмурий харажатлар [{"Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот" - 2-сонли шаклнинг 060-сатри x 030-сатр (маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотнинг салмоғи)]	070	
Бошқа операцион харажатлар [{"Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот" - 2-сонли шаклнинг 070-сатри x 030-сатр (маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотнинг салмоғи)]	080	
Маҳаллийлаштирилаётган маҳсулот реализация қилишдан олинган фойда (050-сатр 060-сатр 070-сатр 080-сатр)	090	

Ҳисобот (солиқ) даври учун солиқ солинадиган фойдани камайтирадиган, инвестицияга (модернизациялаш, ўз ишлаб чиқаришнинг техник ва технологик қайта жиҳозлашга, янги технологик жиҳоз харид қилишга, ишлаб чиқаришнинг янги қурилиш шаклида кенгайтиришга, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бинолар ва нишоотларни реконструкция қилишга, шунингдек ушбу мақсадлар учун берилган кредитларни ўзишга, лизинг объекти қийматини қоплашга) йўналтириладиган маблағлар суммаси

ХИСОБ-КИТОБИ

Кўрсаткич номи	Сатр коди	Ҳисобот (солиқ) даври			
		1 чорак	ярым йиллик	9 ойлик	йил
Ушбу солиқ давларида инвестиция учун маблағларнинг қопланмаган қолдиғи - жами (0101-сатр + 0102-сатр + 0103-сатр + 0104-сатр + 0105-сатр)	010				
шу жумладан:					
йил учун	0101				
йил учун	0102				

йил учун	0103				
йил учун	0104				
йил учун	0105				
Тегишли ҳисобот (солиқ) даврида ҳисобланган амортизация суммаси	020				
Маблағларнинг инвестицияларга сарфланиши - жами (0301-сатр + 0302-сатр + 0303-сатр) шу жумладан:	030				
Модернизациялашга	0301				
ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлашга - жами (03021-сатр + 03022-сатр + 03023-сатр) улардан:	0302				
харид қилинган янги технологик жиҳоз (ишлаб чиқаришга жорий солиқ даврида жорий этилган)	03021				
инвестиция учун олинган кредитни узиш	03022				
лизинг объекти қийматини қоплаш	03023				
Ишлаб чиқаришни янги қурилиш шаклида кенгайтириш, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бинолар ва иншоотларни реконструкция қилиш - жами (03031-сатр + 03032-сатр) улардан:	0303				
Ўз маблағлари ҳисобига	03031				
инвестиция учун олинган кредитни узиш	03032				
Инвестицияларнинг ҳисобланган амортизация суммасидан ортиши (030-сатр - 020-сатр)	040				
Инвестицияга йўналтирилган жами маблағлар суммаси (010-сатр + 040-сатр)	050				
Солиқ солинадиган фойда (Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ҳисоб-китобининг 110-сатри)	060				
Солиқ солинадиган базанинг инвестициялар суммасига камайтирилиши (050-сатр, бироқ 060-сатрда кўрсатилган сумманинг 30 фоизидан кўп эмас)	070				
Ҳисобот солиқ даврида инвестициялар учун маблағларнинг қопланмаган қолдиғи (050-сатр - 070-сатр)	080	X	X	X	

8-қлова

**Ҳисобот (солиқ) давридаги солиқ солинадиган фойдани
камайтирадиган ўтган йил (ўтган йиллар) зарари
ёки зарарнинг бир қисми суммасининг
ҲИСОБ-КИТОБИ**

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Сумма
Солиқ солинадиган даврнинг бошига ўтказилмаган зарар қолдиғи - жами (020 - 060-сатрлар йиғиндиси) шу жумладан:	010	
Олинган зарар (Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ҳисоб-китобининг 090-сатри):		

Йил учун	020	
Йил учун	030	
Йил учун	040	
Йил учун	050	
Йил учун	060	
Хисобланган солиқ солинадиган фойда [Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ҳисоб-китобининг 110-сатри - [Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ҳисоб-китобига 5-сон илованинг (030-сатр + 040-сатр)]	070	
Солиқ даврида солиқ солинадиган фойдани камайтирадиган зарар ёки зарарнинг бир қисми суммаси (010-сатр, бироқ 070-сатр x 50% дан ошмаган ҳолда)	080	
Солиқ даврининг охирига ўтказилмаган зарарнинг қолдиғи - жами (010-сатр - 080-сатр)	090	
шу жумладан :		
Йил учун	100	
Йил учун	110	
Йил учун	120	
Йил учун	130	
Йил учун	140	

9-илова

**Пластик карточкалар қўлланилиб тўланган
кўрсатилган хизматлардан олинган фойданинг
ҲИСОБ-КИТОБИ**

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Сумма
Говарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган соф тушум ("Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот" - 2-сонли шаклнинг 010-сатри)	010	
шу жумладан, пластик карточкалар қўлланилиб тўланган кўрсатилган хизматлар ҳажми	020	
Говарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган соф тушумда пластик карточкалар қўлланилиб тўланган кўрсатилган хизматлар тушумининг салмоғи, % да (020-сатр / 010-сатр x 100)	030	

**Экспорт улушига қараб фойда солиғи
ставкасига тузатиш киритиш**

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Сумма
Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган соф тушум ("Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот" - 2-сонли шаклнинг 010-сатри)	010	
шу жумладан:		
ўзи ишлаб чиқарган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) ЭАВга экспортидан, шу жумладан:	020	
ўзи ишлаб чиқарган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) ЭАВга экспортидан (мазкур илова изоҳида кўрсатилган ҳом ашё товарлари ҳисобга олинмайди)	030	
ўзи ишлаб чиқарган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) ЭАВга экспортидан тушумининг товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган соф тушумдаги улуши, % да (030 - сатр / 010-сатр x 100)	040	
Юридик шахслардан олиннадиган фойда солиғининг белгиланган ставкаси	050	
Юридик шахслардан олиннадиган фойда солиғининг тузатиш киритилган ставкаси	060	

**Ноғиронлар меҳнатидан фойдаланадиган
корхоналар учун фойда солиғининг
тузатиш киритилган суммаси**

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Сумма
Ходимларнинг умумий сони	010	
шу жумладан, ноғиронлар	020	
Ходимларнинг умумий сонида ноғиронларнинг улуши, % да	030	
Ишга жойлаштирилган ноғиронларнинг белгиланган меъёри, % да	040	3%
Белгиланган меъёрдан ортиши, % да (030-сатр - 040-сатр)	050	
Юридик шахслардан олиннадиган фойда солиғи суммаси (Юридик шахслардан олиннадиган фойда солиғи ҳисоб-китобининг 140-сатри)	060	
Ноғиронлар меҳнатидан фойдаланадиган корхоналар учун фойда солиғига тузатиш киритилган суммаси (060-сатр x 050-сатр)	070	

Даромадлар ҳисобини юритиш ҳисобварақларида ҳисобга олиннадиган ва солиқ солиш мақсадида даромад сифатида қаралмайдиган фойда (даромад) суммаси

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Сумма
Даромадлар ҳисобини юритиш ҳисобварақларида ҳисобга олиннадиган ва солиқ солиш мақсадида даромад сифатида қаралмайдиган фойда (даромад) суммаси - жами (020 - 070-сатрлар йиғиндиси)	010	
Шу жумладан:		
1) бюджетдан берилган субсидиялар	020	
2) агар маблағларни (мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқларни) бошқа шахсга ўтказиш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида юз бераётган бўлса, текин олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар), ишлар ва хизматлар	030	
3) ногирорат ташкилотлар томонидан устав фаолиятининг таъминоти ва уни амалга ошириш учун олинган, белгиланган мақсадга кўра ва (ёки) текин келиб тушган маблағлар	040	
4) сўғурта шартномалари бўйича сўғурта товони (сўғурта суммаси) тарикасида олинган маблағлар	050	
5) телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-кидирув тадбирлари тизимининг текин олинган техник воситалари, шунингдек мазкур воситалардан фойдаланишга ҳамда уларга хизмат кўрсатишга доир хизматлардан олинган даромадлар	060	
6) ихтиёрий тугатилаётган тadbиркорлик субъекти муассисларидан (интирокчиларидан) унинг мажбуриятларини бажариш учун олинган маблағлар. Ихтиёрий тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таомили тўхтатилган ва фаолият қайта бошланган тақдирда, ушбу маблағлар жами даромад таркибига киритилади ҳамда солиққа тортилади	070	

Фойда солиғи бўйича солиққа тортиладиган базани шакллантиришда эътиборга олиннадиган ҳар бир кўрсаткич бўйича аудиторлик текширувида аниқланган реал маълумотлар ва уларнинг корхона маълумотларидан четланишлари юқорида келтирилган «Юридик шахслардан олиннадиган фойда солиғи ҳисоб-китоби», шунингдек ушбу ҳисоб-китобга келтирилаётган иловларга қўшимча тарзда киритиладиган устунчаларда кўрсатилади. Ушбу шакл ва маз ундаги аудиторларнинг иш ҳужжатлари фойда солиғи бўйича солиққа тортиладиган базанинг тўғри шакллантирилганлигини ёки унда йўл қўйилган четланишларни аниқлашга имкон беради.

ХИСОБЛАНГАН ФОЙДА СОЛИГИ КЎРСАТКИЧЛАРНИНГ АУДИТИ.

Ушбу кўрсаткичлар ичида энг муҳими бўлиб бюджетга тўланадиган фойда суммаси ҳисобланади. Бу сумма солиққа тортиладиган база суммасини қуйида келтирилган солиқ ставкасига (ёки экспорт ҳажмининг жами соф тушумдаги ҳиссаси ва пластик карточкаларга сотишдан олинган тушумнинг соф тушумдаги ҳиссасига кўра тузатишган солиқ ставкасига) кўпайтириш йўли билан топилади.

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи СТАВКАЛАРИ (2012 йил учун)

<i>N</i>	<i>Тўловчилар</i>	<i>Солиқ ставкалари, солиқ солинадиган базага нисбатан %да</i>
1.	Юридик шахслар (2-3-бандларда назарда тутилганларидан ташқари)	9
2.	Тижорат банклари	15
3.	Аукционлар ўтказишдан, гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланишга лицензияси бўлган юридик ва жисмоний шахсларни (шу жумладан, норезидентларни) жалб этиш йўли билан оммавий томоша тадбирларини ташкил этишдан даромад олувчи юридик шахслар	35
4.	Ўзи ишлаб чиқарган товарлар, ишлар, хизматлар экспортининг (ишларни бажариш, хизматларни кўрсатиш жойидан қатъи назар) эркин алмаштириладиган валютадаги улуши қуйидаги миқдорларни ташкил этадиган экспертчи корхоналар учун (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги ПФ-1871-сон Фармони билан тасдиқланган рўйхатда келтирилган ҳом ашё маҳсулотлари бундан мустасно):	
	сотишнинг умумий ҳажмида 15 фоиздан 30 фоизгача	белгиланган ставка 30% га пасайтирилади
	сотишнинг умумий ҳажмида 30 фоиз ва ундан юқори	белгиланган ставка 50% га пасайтирилади
5.	1-бандда кўрсатилган хизматлар кўрсатиш соҳаси корхоналари учун, пластик карталар қўлланиб ҳақ тўланган ҳолда кўрсатилган хизматлар ҳажми бўйича	белгиланган ставка 10% га пасайтирилади

Бюджетга ҳисобланган фойда солиғи суммаси корхоналар томонидан тўланадиган ободонлаштириш ва ижтимоий инфраструктура солиғи базасига, шунингдек корхоналарнинг соф фойдасига бевосита таъсир кўрсатади. Чунончи, ушбу солиқни кўп ҳисобланганлиги фойдадан ундириладиган ободонлаштириш ва инфраструктурани ривожлантириш солиғини кам ҳисобланишига ва, аксинча, унинг кам ҳисобланганлиги эса фойдадан ундириладиган юқоридаги солиқларни кўп ҳисобланишига олиб келади.

Шунингдек, фойда солиғини кўп ҳисобланганлиги корхонанинг соф фойдасини ҳисоботда кам қилиб кўрсатишга ва, аксинча, унинг кам ҳисобланганлиги эса корхонанинг соф фойдасини ҳисоботда кўп қилиб кўрсатишга олиб келади. Шу боис ҳам, фойда солиғининг ҳисобланиши лозим бўлган реал суммаси топиладиган, аудиторларнинг муҳим вазифаси бўлиб бу солиқ бўйича йўл қўйилган четланишларни «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот»нинг фойда солиғи сатрига, мос равишда соф фойда сатрига олиб борилган суммаларига тузатишлар киритиш ҳисобланади.

Ҳисобланган фойда солиғини ҳисобот даврлари бўйича тўлаш тартибига риоя этилганлигини, унга доир бошқа кўрсаткичларни, молиявий санкциялар, дебиторлик ёки кредиторлик қарзларни тўғри ҳисобланганлиги ҳамда ҳисоб ва ҳисоботда реал акс эттирилганлигини, бошланғич ҳужжатларни, бухгалтерия ёзувларини, уларда суммаларни тўғри акс эттирилганлигини текшириш учун худди бошқа солиқлар сингари юқорида келтирилган шакллардаги аудиторлик иш ҳужжатларини тузиш лозимдир.

Фойда солиғи кўрсаткичлари бўйича аудиторлик хатари, юқоридагилардан кўриниб турибдики, бошқа солиқларга нисбатан катта ҳисобланади. Бу бевосита кўп сонли ҳисоб-китобларни амалга ошириш зараратларидан, ушбу ҳисоб-китобларнинг мураккаблигидан ҳамда бунда хатоликка йўл қўйишнинг кўпроқ эҳтимоли борлигидан келиб чиқади. Шу боис ҳам, ушбу солиқ бўйича хатарни камайтириш учун қуйидагиларга амал қилиш ўта муҳим ҳисобланади:

- * фойда солиғи базасини аниқлашга асос бўладиган кўрсаткичларга оид исботу-далилларни тўлиқ тўплаш, бу кўрсаткичларни танлаб текширишга йўл қўймаслик;

- *солиқ ставкаларини солиққа тортиладиган базанинг турлари бўйича тўғри қўлланилганлигига тўлиқ иқдор бўлиш;

- *текширув натижаларини аудиторлик ҳисоботида атрофлича очиқ бериш.

2.ҚЎШИМЧА ФОЙДА СОЛИҒИНИНГ АУДИТИ

Солиқ тўловчилар. Қўшимча фойда солиғи тўловчилар қуйидагилардир:

айрим фойдали қазилмаларни (фойдали компонентларни) қавлаб олишни (эксплатиб олишни) амалга оширувчи ер қаъридан фойдаланувчилар;

фойдали қазилмалардан ишлаб чиқариладиган айрим турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни амалга оширувчи юридик шахслар.

Айрим турдаги маҳсулотлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига биноан ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилмаган бошқа шахслар қўшимча фойда солиғи тўловчиси этиб белгиланиши мумкин.

Маҳсулот тақсмотига оид битим бўйича фаолиятни амалга оширувчи ер қаъридан фойдаланувчилар қўшимча фойда солиғини тўловчилар бўлмайд.

Солиқ солиш объекти. Реализация қилишдан олинган соф тушум билан қонун ҳужжатларида белгиланган ҳисоб-китоб баҳоси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланадиган даромаднинг бир қисми (қўшимча фойда) қўшимча фойда солиғини солиш объектидир.

Солиқ солинадиган база. Қўшимча фойда суммаси билан қўшимча фойда қисмига тўғри келадиган соф тушумдан ҳисоблаб чиқарилган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланадиган соф қўшимча фойда солиқ солинадиган базадир.

Фойдали қазилмалар ва солиқ солинадиган маҳсулот рўйхати, солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби. Қўшимча фойда солиғи солинадиган фойдали қазилмалар ва маҳсулот турлари рўйхати, шунингдек солиқни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш тартиби қонун ҳужжатларида (маҳсус Низомларда) белгиланади. Ушбу Низомлардан қисқача кўчирмалар қуйида келтирилган.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида
2009 йил 24 февралда 1908-сон билан рўйхатга олинган
Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг
2009 йил 9 февралдаги 20, 2009-9-сонли қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН**

**Цементга ва клинкерга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва
бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом оқ цемент ва мукобил ёқилғи кўмирда ишлаб чиқарилган цементга татбиқ этилмайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

цементни (клинкерни) реализация қилишдан олинган соф тушум - қўшилган қиймат солиғи чегириб ташланган ҳолда цементни (клинкерни) реализация қилишдаги тушум;

ҳисоб-китоб баҳоси - Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасининг навбатдаги йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисидаги қарори билан ҳар йили тасдиқланадиган цементнинг (клинкернинг) баҳолар даражаси;

қўшимча фойда - цементни (клинкерни) қопларга кадоқлаш харажатлари (қоплар қиймати қўшилган ҳолда) чегириб ташланган ҳолдаги цементни (клинкерни) реализация қилишдан олинган соф тушум билан ҳисоб-китоб баҳоси ўртасидаги ижобий фарқ;

қўшимча фойда солиғи тўлангандан кейин солиқ тўловчи ихтиёрида қоладиган маблағ - солиқ солинадиган база билан қўшимча фойда солиғи ўртасидаги фарқ;

Соф қўшимча фойда - қўшимча фойда қисмига тўғри келадиган, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси ва бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмаларнинг чегирилиб ташланган ҳисобот давридаги қўшимча фойда суммасидир.

3. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини ҳисоблаб чиқаришда соф қўшимча фойда суммаси солиқ солинадиган базага қўшилмайди.

II. СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР

4. Қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ солиш объекти пайдо бўладиган, мулкчилик шаклларида катъи назар, цемент (клинкер) ишлаб чиқаришни амалга оширадиган юридик шахслар қўшимча фойда солиғини тўловчилар бўлади.

III. СОЛИҚ СОЛИШ ОБЪЕКТИ

5. Солиқ тўловчининг ҳисобот давридаги қўшимча фойда солиғи, қўшимча фойда солиғини солиш объекти ҳисобланади.

IV. СОЛИҚ СОЛИНАДИГАН БАЗА

6. Соф қўшимча фойда солиқ солинадиган базадир

V. СОЛИҚ СТАВКАСИ

7. Қўшимча фойда солиғи Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан белгиланган ставка бўйича тўланади.

VI. СОЛИҚ ДАВРИ. ҲИСОБОТ ДАВРИ

8. Солиқ даври - бир ой.

9. Ҳисобот даври ой ҳисобланади.

VII. СОЛИҚНИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚАРИШ, ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ

10. Қўшимча фойда солиғи суммаси солиқ солинадиган базанинг миқдоридан ва белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

11. Қўшимча фойда солиғи республика бюджетига миллий валюта - сўмда ўтказилади.

12. Қўшимча фойда солиғининг ҳисоб-китоби давлат солиқ хизмати органларига ҳар бир маҳсулотнинг тури бўйича ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-санасигача, ушбу Низомнинг 1 ва 2-иловалари шаклида тақдим этилади

13. Солиқ тўловчилар қўшимча фойда солиғини ҳисобот даврида маҳсулотни реализация қилишнинг ҳақиқий ҳажмларидан келиб чиққан ҳолда ҳисоб-китобни тақдим этиш муддатидан кечиктирмай тўлайдилар.

VIII. ҚЎШИМЧА ФОЙДА СОЛИҒИ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ ТАРТИБИ

14. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (21-сон БҲМС) "Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби ҳисоботлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома"га мувофиқ (2002 йил 23 октябрь, рўйхат рақами 1181 Меъёрий ҳужжатлар

ахборотномаси, 2002 йил, 20-сон; 2003 йил, 21-22-сон) кўшимча фойда солигини ҳисоблаш билан боғлиқ операциялар бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) кўшимча фойда солигини ҳисоблашда:

солиқлар ва йиғимларни тўлаш учун фойданинг ишлатилишини ҳисобга олувчи (9800) ҳисобварақнинг кўшимча очиладиган 9811 "Кўшимча фойда солиғи бўйича харажатлар" ҳисобварақининг дебети;

6410 "Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)" ҳисобварақнинг кредити";

б) солиқ суммасини бюджетга ўтказишда:

6410 "Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)" ҳисобварақнинг дебети;

пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақнинг кредити.

15. Кўшимча фойда солигини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш учун кўшимча фойда солиғи бўйича ҳисоб-китоб асос бўлади.

16. Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (2-сон шакл)да 9811 "Кўшимча фойда солиғи бўйича харажатлар" ҳисобварақида ҳисобга олинган, кўшимча фойда солиғи суммаси кўшимча очиладиган "Кўшимча фойда солиғи" 251-сатрида кўрсатилади.

IX. СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ ВА ДАВЛАТ СОЛИҚ ХИЗМАТИ ОРГАНЛАРИ НАЗОРАТИ

17. Солиқ тўловчилар кўшимча фойда солиғининг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши ва тўланиши учун Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

18. Кўшимча фойда солиғининг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши ва тўланиши устидан назорат Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

Цементга кўшимча фойда солиғи ҲИСОБ-КИТОБИ

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Ўлчов бирлиги	Суммаси
Реализация қилинган цемент ҳажми	010	тонна	
Цементни қопларга кадоклаш харажатлари (қоплар киймати қўшилган ҳолда) ва қўшилган киймат солиғи чегириб ташланган ҳолда барча ҳажмга реализация қилиш суммаси	020	минг сўм	
1 тонна цементнинг ҳисоб-китоб баҳоси	030	сўм	
Реализация қилинган цементнинг барча ҳажми ҳисоб-китоб баҳоси (010-сатр х 030-сатр)	040	минг сўм	
Барча ҳажмга кўшимча фойданинг жами суммаси (020-сатр - 040-сатр)	050	минг сўм	
Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси ва бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар, жами ____%	060	минг сўм	
ставкада:			

(050-сатр x %)			
Солиқ солинадиган база (050-сатр - 060-сатр)	070	минг сўм	
Қўшимча фойда солиғининг белгиланган ставкаси	080	%	
Бюджетга тўланадиган қўшимча фойда солиғи суммаси (070-сатр x 080-сатр)	090	минг сўм	
Қўшимча фойда солиғи тўлангандан кейин корхона ихтиёрида қоладиган сумма (070-сатр - 090-сатр)*	100	минг сўм	

**) Изоҳ: Корхона ихтиёрида қолган сумма, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ҳисоб-китобида; балансида ижтимоий инфратузилма объектлари бўлган тўловчиларнинг 020-сатри; балансида ижтимоий инфратузилма объектлари бўлмаган тўловчиларнинг 010-сатри камайд.*

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида
2009 йил 24 февралда 1909-сон билан рўйхатга олинган
Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг
2009 йил 10 февралдаги 21, 2009-10-сонли қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН**

**Табиий газга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш
ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. УМУМИЙ ҚОНДАЛАР

1. Мазкур Низом маҳсулот тақсимотига оид битим бўйича табиий газнинг реализация ҳажмларига татбиқ этилмайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

табиий газни экспортга реализация қилишдан олинган соф тушум - қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи ва Ўзбекистон Республикаси тикланиш ва тараққиёт жамғармасига йўналтирилган маблағлар чегирилиб ташланган ҳолда экспортга табиий газнинг реализация қилишдан олинган тушум;

Ўзбекистон Республикаси тикланиш ва тараққиёт жамғармасига йўналтирилган маблағлар - қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи чегирилиб ташланган ҳолдаги табиий газни экспортга реализация қилишдан олинган тушумнинг "қирқиш баҳосидан" ошган қисми;

ҳисоб-китоб баҳоси ва "қирқиш баҳоси" - Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасининг асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисидаги қарори билан ҳар йили келгуси йил учун тасдиқланадиган табиий газнинг баҳолар даражаси;

қўшимча фойда - табиий газни экспортга реализация қилишдан олинган соф тушум билан ҳисоб-китоб баҳоси ўртасидаги ижобий фарқ;

соф қўшимча фойда - қўшимча фойда қисмига тўғри келадиган ер қабридан фойдаланганлик учун солиқ, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси ва бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар чегириб ташланган ҳисобот доирисидаги қўшимча фойда суммасидир.

3. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини ҳисоблаб чиқишда соф қўшимча фойда суммаси солиқ солинадиган базага қўшилмайди.

II. СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР

4. Конун ҳужжатларига мувофиқ солиқ солиш объекти пайдо бўладиган, мулкчилик шаклидан қатъи назар, табиий газни экспортга реализация қилувчи юридик шахслар қўшимча фойда солиғини тўловчилар бўлади.

III. СОЛИҚ СОЛИШ ОБЪЕКТИ

5. Қўшимча фойда солиғи бўйича солиқ солинадиган объект ҳисобот даврида ҳар бир контракт бўйича аникланадиган солиқ тўловчининг қўшимча фойдаси ҳисобланади

IV. СОЛИҚ СОЛИНАДИГАН БАЗА

6. Солиқ солинадиган база ҳисобот даврида ҳар бир контракт бўйича соф қўшимча фойда ҳисобланади.

V. СОЛИҚ СТАВКАСИ

7. Қўшимча фойда солиғи Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан белгиланган ставка бўйича тўланади.

VI. СОЛИҚ ДАВРИ. ҲИСОБОТ ДАВРИ

8. Солиқ даври - бир ой

9. Ҳисобот даври ойдир.

VII. СОЛИҚНИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚАРИШ, ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ

10. Қўшимча фойда солиғи суммаси солиқ солинадиган базанинг миқдоридан ва белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади.

11. Қўшимча фойда солиғи республика бюджетига миллий валюта сўмда ўтказилади.

12. Қўшимча фойда солиғининг ҳисоб-китоби давлат солиқ хизмати органларига ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-санасигача иловага биноан шаклда тақдим этилади.

13. Солиқ тўловчилар қўшимча фойда солиғини ҳисобот даврида маҳсулотни реализация қилишнинг ҳақиқий ҳажмларидан келиб чиққан ҳолда, ҳисоб-китобни тақдим этиш муддатидан кечиктирмай тўлайдилар.

VIII. СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ ТАСАРРУФИДА ҚОЛАДИГАН МАБЛАҒЛАРНИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚАРИШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ

14. Солиқ тўловчининг ихтиёрида қоладиган маблағ солиқ солинадиган база ва қўшимча фойда солиғи ўртасидаги фарқ сифатида ҳисоблаб чиқарилади.

15. Солиқ тўловчи тасарруфида қоладиган маблағлар қўшимча фойда солиғини тўлаш учун белгиланган муддатларда табиий газ учун махсус

очиладиган инвестиция ҳисоб рақамига тўлиқ ҳажмда ўтказилади. Мазкур инвестиция ҳисоб рақамидан маблағлар факатгина Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда, реализация қилиш учун белгиланган тартибда маъқулланган инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга, инвестиция лойиҳаларини реализация қилиш, шунингдек асосий ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлаш учун жалб қилинган кредитларга хизмат кўрсатишга сарф қилинади.

16. Маблағлар солиқ тўловчининг хизмат кўрсатувчи банкдаги махсус ҳисоб рақамига ўтказилмаганда ёки махсус ҳисоб рақамда жамланган маблағлар мақсадсиз сарфланганда ушбу маблағлар конун ҳужжатларида белгиланган молиявий жарималар қўлланган ҳолда тўлиқлигича давлат бюджетига ўтказилади.

IX. ҚЎШИМЧА ФОЙДА СОЛИҒИ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ ТАРТИБИ

17. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (21-сон БҲМС) "Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби ҳисоботлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома"га мувофиқ (2002 йил 23 октябрь, рўйхат рақами 1181 - Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2002 йил 20-сон; 2003 йил, 21-22-сон) қўшимча фойда солиғини ҳисоблаш билан боғлиқ операциялар ва қўшимча фойда солиғини тўлагандан кейин солиқ тўловчи тасарруфида кейинчалик мақсадли фойдаланиш учун қоладиган маблағлар бухгалтерия ҳисобиди қуйидагича акс эттирилади:

а) қўшимча фойда солиғини ҳисоблашда:

солиқлар ва йиғимларни тўлаш учун фойданинг ишлатилишини ҳисобга олувчи (9800) ҳисобварақнинг қўшимча очиладиган 9811 "Қўшимча фойда солиғи бўйича харажатлари" ҳисобварақнинг дебетида;

6410 "Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)" ҳисобварақнинг кредити;

б) солиқ суммасини бюджетга ўтказишда:

6410 "Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)" ҳисобварақнинг дебети;

пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақнинг кредити;

в) солиқ тўловчи тасарруфида қоладиган маблағлар кейинчалик мақсадли фойдаланишда:

солиқлар ва йиғимларни тўлаш учун фойданинг ишлатилишини ҳисобга олувчи (9800) ҳисобварақнинг қўшимча очиладиган 9830 "Қўшимча фойдадан мақсадли молиялаштиришга ажратмалар бўйича харажатлар" ҳисобварақнинг дебети;

8890 "Бошқа мақсадли тушумлар" ҳисобварақининг кредити;

г) солиқ тўловчи тасарруфида қоладиган маблағларни махсус ҳисобвараққа ўтказишда:

банкдаги махсус ҳисобварақлардаги пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақнинг дебети (5500);

пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақ кредити.

18. Қўшимча фойда солиғини ва солиқ тўловчи тасарруфида кейинчалик мақсадли фойдаланиш учун қоладиган маблағларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш учун қўшимча фойда солиғи бўйича ҳисоб-китоб асос бўлади.

19. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (2-сон шакл)да 9811 "Қўшимча фойда солиғи бўйича харажатлари" ҳисобварағида ҳисобга олинган, ҳисобот даври бошидан ҳисобланган қўшимча фойда солиғи суммаси қўшимча очиладиган "Қўшимча фойда солиғи" 251-сатрда, 9830 "Қўшимча фойдадан мақсадли молиялаштиришга ажратмалар бўйича харажатлар" ҳисобварағида ҳисобга олинган, ҳисобот даври бошидан ҳисобланган солиқ тўловчи тасарруфида кейинчалик мақсадли фойдаланиш учун қоладиган маблағлар суммаси эса қўшимча очиладиган "Қўшимча фойдадан мақсадли молиялаштиришга ажратмалар" 252-сатрда кўрсатилади.

20. Ўзбекистон Республикаси тикланиш ва тараққиёт жамғармасига ҳисобланадиган ва ўтказиладиган маблағлар билан боғлиқ операциялар бухгалтерия ҳисобида қуйидаги тарзда акс эттирилади:

а) табиий газни реализация қилиш баҳосининг (қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи чегирилиб ташланган ҳолдаги) табиий газ учун "қирқиш баҳоси"дан ошиши ҳисобига юзага келган суммалар Ўзбекистон Республикаси тикланиш ва тараққиёт жамғармасига ҳисобланганда:

4010 "Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар" ҳисобварағининг дебети;

суғурта ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олувчи ҳисобварақда (6500) қўшимча очиладиган "Ўзбекистон Республикаси тикланиш ва тараққиёт жамғармасига тўловлар" ҳисобварағининг кредити;

б) табиий газни реализация қилиш баҳосининг (қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи чегирилиб ташланган ҳолдаги) табиий газ учун "қирқиш баҳоси"дан ошиши ҳисобига юзага келган суммалар Ўзбекистон Республикаси тикланиш ва тараққиёт жамғармасига ўтказилганда:

суғурта ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олувчи ҳисобварақда (6500) қўшимча очиладиган "Ўзбекистон Республикаси тикланиш ва тараққиёт жамғармасига тўловлар" ҳисобварағининг дебети;

пул маблағлари ҳисобини юритувчи ҳисобварақнинг кредити.

Х. СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ ВА ДАВЛАТ СОЛИҚ ХИЗМАТИ ОРГАНЛАРИ НАЗОРАТИ

21. Солиқ тўловчилар қўшимча фойда солиғининг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши ва тўланиши, шунингдек солиқ тўловчининг хизмат кўрсатувчи банкдаги махсус ҳисоб рақамига маблағларнинг ўтказилиши ва махсус ҳисоб рақамдаги маблағларнинг мақсадли ишлатилиши учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

22. Қўшимча фойда солиғининг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши ва тўланиши устидан назорат Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

**Табиий газга қўшимча фойда солиғи
ҲИСОБ-КИТОБИ**

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Ўлчов бирлиги	Жами	Жумладан, ҳар бир контракт бўйича алоҳида сумма
Экспортга реализация қилинган табиий газ ҳажми	010	минг куб. м		
Табиий газни экспортга реализация қилиш санасидаги АҚШ долларининг сўмга нисбатан курси (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича)	020	сўм		
Экспорт қилинадиган табиий газ 1000 куб. м ҳисобида:				
Реализация қилишдан соф тушум	030	АҚШ долл.		
Ҳисоб-китоб нархи	040	АҚШ долл.		
Қўшимча фойда суммаси ((030-сатр - 040-сатр) ижобий фарк)	050	АҚШ долл.		
Қўшимча фойдага тўғри келадиган кисми бўйича ер қабридан фойдаланганлик учун солиқ, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси ва бюджетдан ташқари Мақтаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар, жами % ставкада: (050-сатр x %)	060	АҚШ долл.		
Солиқ солинадиган база (соф қўшимча фойда) (050-сатр - 060-сатр)	070	АҚШ долл.		
Қўшимча фойда солиғининг белгиланган ставкаси	080	%		
Жами ҳажмга тўғри келадиган бюджетга тўланадиган қўшимча фойда солиғи суммаси	090			
(070-сатр x 080-сатр x 010-сатр)	0901	АҚШ долл.		
(0901-сатр x 020-сатр /1000)	0902	Минг сўм		
Жами ҳажмга қўшимча фойда солиғи тўлангандан кейин ташкилот тасарруфида қоладиган ва махсус ҳисобварақда жамланадиган сумма (070-сатр x 010-сатр - 0901-сатр)	100	АҚШ долл.		

Солиқ ставкалари. Ушбу солиқ ставкасининг чегаравий миқдори юқоридаги хусусиятлар эътиборга олинган ҳолда Республика Президентининг ҳар йилиги давлат бюджети параметрларини тасдиқлаш тўғрисидаги қарори асосида белгиланади.

Айрим турдаги махсулотлар бўйича қўшимча фойда солиғи СТАВКАСИ

Махсулот номи	Солиқ солинадиган базанинг миқдори (ҚКС ва акциз солиғисиз)	Солиқ ставкаси
Катодли мис*	Сўмдаги эквивалентда "кесилиш нархи" гача 1 тонна учун 4 000 АҚШ долларидан юқори	50 фоиз
Табиий газ*	Сўмдаги эквивалентда "кесилиш нархи" гача 1 000 куб м. учун 130 АҚШ долларидан юқори	
Полиэтилен гранулар*	1 тонна учун 1 340 000 сўмдан юқори	
Цемент**	1 тонна учун 90 000 сўмдан юқори	
Клинкер	1 тонна учун 80 000 сўмдан юқори	

*) Қўшимча фойда солиғини тўловчилар солиқ тўлангандан сўнг қўшимча фойданинг улар ихтиёрида қоладиган қисmini тўлиқ ҳажмда махсус очиладиган инвестиция ҳисобварақларига ўтказибдилар. Кўрсатилган инвестиция ҳисобварақларидан маблағлар фақат Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланган тартибда сотиш учун маъқулланган инвестиция лойиҳаларини молиялаш, инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга жалб этилган кредитларга хизмат кўрсатиш, шунингдек асосий ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлашга сарфланади.


**) Муқобил ёқилғи - қўмир асосида ишлаб чиқарилган оқ цемент ва цементдан ташқари.

Изоҳлар.

1. Қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

2. Табиий газ бўйича қўшимча фойда солиғини тўловчилар бўлиб табиий газни экспортга реализация қиладиган, қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ солиш объекти юзага келадиган юридик шахслар (махсулот тақсими тоғрисидаги битим доирасида фаолиятни амалга оширадиган операторлар ва инвесторлар бундан мустасно) ҳисобланади.

Республикамиз Солиқ кодексида ва бошқа меъёрий ҳужжатларида келтирилган юқоридаги тартиб-қоидаларга тўлиқ амал қилинаётганлигини аниқлаш қўшимча фойда солиғи аудитининг асосий вазифалари ҳисобланади. Ушбу вазифаларни тўлиқ ва тўғри адо этиш қўшимча фойда солиғи аудитини қўйида келтирилган кетма-кетликда ўтказишни тақозо этади.



Бюджетга тўланадиган қўшимча фойда солиғи суммаси, кўриниб турибдики, асосан иккита омилга боғлиқ: (1) солиқ солиш базасига ва (2) солиқ ставкасига. Демак, аудит текширувида, қўшимча фойда солиғига бевосита таъсир кўрсатувчи ушбу омиллар миқдорини реал топилганлиги ўта муҳим роль ўйнайди. Бу вазифани бажариш учун, дастлаб, «Қўшимча фойда солиғи ҳисоб-китоби»да келтирилган маълумотларнинг реаллиги бирма-бир текшириб чиқилиши лозим. Ушбу солиқнинг ҳисоб-китоби цемент ва табиий газ бўйича маҳсус шаклларда тузилади. Уларнинг шакллари юқоридаги Низомларда келтирилган.

Қўшимча фойда солиғи ҳисоб-китоби бўйича аудиторлик текширувида аниқланган реал маълумотлар ва уларнинг корхона маълумотларидан четланишлари унга қўшимча тарзда киритиладиган устунчаларда кўрсатилиши мумкин. Ушбу мазмунда тузиладиган аудиторнинг иш ҳужжати қўшимча фойда солиғидаги четланишни нима эвазига юз берганлигини аниқлашга имкон беради.

Бюджетга ҳисобланган қўшимча фойда солиғи суммаси корхоналар томонидан тўланадиган ободонлаштириш ва ижтимоий инфраструктура солиғи базасига, шунингдек корхоналарнинг соф фойдасига бевосита таъсир кўрсатади. Чунончи, ушбу солиқни кўп ҳисобланганлиги фойдадан ундириладиган ободонлаштириш ва инфраструктурани ривожлантириш солиғини кам ҳисобланишига ва, аксинча, унинг кам ҳисобланганлиги эса

фойдадан ундириладиган юкоридаги соликларни кўп ҳисобланишига олиб келади. Шунингдек, кўшимча фойда солиғини кўп ҳисобланганлиги корхонанинг соф фойдасини ҳисоботда кам қилиб кўрсатишга ва, аксинча, унинг кам ҳисобланганлиги эса корхонанинг соф фойдасини ҳисоботда кўп қилиб кўрсатишга олиб келади. Шу боис ҳам, кўшимча фойда солиғининг ҳисобланиши лозим бўлган реал суммаси топилгач, аудиторларнинг муҳим вазифаси бўлиб бу солик бўйича йўл қўйилган четланишларни «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот»нинг кўшимча фойда солиғи сатрига, мос равишда соф фойда сатрига олиб борилган суммаларига тузатишлар киритиш ҳисобланади.

Ҳисобланган кўшимча фойда солиғини ҳисобот даврлари бўйича тўлаш тартибига риоя этилганлигини, унга доир бошқа кўрсаткичларни, молиявий санкциялар, дебиторлик ёки кредиторлик қарзларни тўғри ҳисобланганлиги ҳамда ҳисоб ва ҳисоботда реал акс эттирилганлигини, бошланғич ҳужжатларни, бухгалтерия ёзувларини, уларда суммаларни тўғри акс эттирилганлигини текшириш учун худди бошқа соликлар сингари юкорида келтирилган шакллардаги аудиторлик иш ҳужжатларини тузиш лозимдир.

Кўшимча фойда солиғи кўрсаткичлари бўйича аудиторлик хатарини камайтириш учун қуйидагиларга амал қилиш ўта муҳим ҳисобланади:

- * кўшимча фойда солиғи базасини аниқлашга асос бўладиган кўрсаткичларга оид исботу-далилларни тўлиқ тўплаш, бу кўрсаткичларни танлаб текширишга йўл қўймаслик;

- *солиқ ставкаларини солиққа тортиладиган базанинг турлари бўйича тўғри қўлланилганлигига тўлиқ иқроор бўлиш;

- *текширув натижаларини аудиторлик ҳисоботида атрофлича очиб бериш.

3. ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА ИЖТИМОЙ ИНФРАТУЗИЛМАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СОЛИҒИНИНГ АУДИТИ

Солиқ тўловчилар. Солиқ кодексига мувофиқ (295-модда) тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар - Ўзбекистон Республикаси резидентлари ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўловчилардир.

Қуйидагилар ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўловчилар бўлмайди:

нотижорат ташкилотлар, бундан уларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан олинган фойдаси мустасно;

ушбу Кодекснинг XX бўлимида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, ушбу Кодексга мувофиқ солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби назарда тутилган юридик шахслар.

Солиқ солиш объекти. Солиқ солинадиган база (296-модда). Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи чегирилганидан кейин юридик шахс ихтиёрида қоладиган фойда солиқ солиш объекти ва солиқ солинадиган базадир, бундан ушбу Кодекснинг 297-моддасида назарда тутилган ҳоллар мустасно. Бунда солиқ солинадиган база олиниши лозим бўлган (олинган)

дивидендлар суммасига, қўшимча фойда солиғи тўловчилар учун эса соф қўшимча фойда суммасига ҳам камайтирилади.

Балансида ижтимоий инфратузилма объектлари бўлган солиқ тўловчилар томонидан солиқ солинадиган базани аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари (297-модда). Балансида ижтимоий инфратузилма объектлари бўлган солиқ тўловчилар солиқ солинадиган базани ҳисобланган фойда солиғи чегириб ташланган ҳолда юридик шахс ихтиёрида қоладиган фойдани ва ижтимоий инфратузилма объектларини таъминлаш учун ҳақиқатда сарфланган харажатларнинг мазкур харажатлар суммасидан ҳисоблаб чиқилган фойда солиғи суммасига камайтирилган суммасини қўшиш орқали аниқлайди.

Ушбу моддани қўллаш мақсадида ижтимоий инфратузилма объектларига соғлиқни сақлаш объектлари, таълим объектлари ва болалар дам олиш оромгоҳлари киради.

Имтиёзлар (298-модда). Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлашдан ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, "Нуроний" жамғармаси ва "Ўзбекистон чернобилчилари" ассоциацияси мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида 50 фоизини ногиронлар, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийлари ташкил этган юридик шахслар озод қилнади, бундан савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланадиган юридик шахслар мустасно. Ушбу имтиёзни олиш ҳуқуқини белгилаётганда ходимларнинг умумий сонига штатда бўлган ходимлар киритилади.

Солиқ даври. Календарь йил солиқ давридир.

Ҳисобот даври. Йил чораги ҳисобот давридир.

Солиқни ҳисоблаб чиқариш, солиқ ҳисоб-китобларини тақдим этиш ва солиқни тўлаш тартиби. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи солиқ солинадиган базадан ҳамда белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Балансида ижтимоий инфратузилма объектлари бўлган солиқ тўловчилар бюджетга тўланадиган солиқ суммасини қуйидаги тартибда аниқлайди:

агар ижтимоий инфратузилма объектларини таъминлаш учун харажатлар суммаси ушбу модданинг биринчи қисмига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммасига тенг ёки ундан ортиқ бўлса, солиқ тўланмайди;

агар ижтимоий инфратузилма объектларини таъминлаш учун харажатлар суммаси ушбу модданинг биринчи қисмига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммасидан кам бўлса, бюджетга тўланадиган солиқ ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммаси билан ҳақиқатда сарфланган харажатлар суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Солиқ тўловчилар, бундан ушбу модданинг олтинчи қисмида кўрсатилганлар мустасно, ҳисобот даври мобайнида ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича жорий тўловлар тўлайди.

Жорий тўловлар тахмин қилинаётган соф фойда суммасидан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шакл бўйича ҳисобот даврининг

биринчи ойи 10-кунига қадар солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиладиган ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг жорий тўловлари тўғрисидаги маълумотномада кўрсатилган ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг белгиланган ставкасидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Жорий тўловлар ушбу модданинг тўртинчи қисмига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг йил чорағидаги суммасининг учдан бир қисми миқдорида ҳар ойнинг 10-кунидан кечиктирмай тўланади. Қуйидагилар жорий тўловларни тўламайди:

ҳисобот даврида солиқ солинадиган базаси энг кам иш ҳақининг икки юз бараваригача миқдорда бўлган солиқ тўловчилар;

илгариги ҳисобот даврида ижтимоий инфратузилма объектларини сақлаш харажатлари суммаси солиқ солинадиган база суммасига тенг ёки ундан ортиқ бўлган солиқ тўловчилар;

ягона солиқ тўловини тўлашга ўтмаган микрофирмалар ва кичик корхоналар.


Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига солиқ тўловчилар томонидан ортиб борувчи яқун билан йилнинг ҳар чорағида ҳисобот чорағидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил яқунлари бўйича эса, йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда тақдим этилади.

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлаш мазкур солиқ бўйича ҳисоб-китобни тақдим этиш муддатидан кечиктирмай амалга оширилади.

Солиқ ставкаси. Ушбу солиқ ставкасининг чегаравий миқдори Республика Президентининг ҳар йилги давлат бюджети параметрларини тасдиқлаш тўғрисидаги қарори асосида белгиланади (ушбу солиқ ставкаси республикамызда 8 %).

Республикамыз Солиқ кодексида ва бошқа меъёрий ҳужжатларида келтирилган юқоридаги тартиб-қоидаларга тўлиқ амал қилинаётганликни аниқлаш ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи аудитининг асосий вазифалари ҳисобланади. Ушбу вазифаларни тўлиқ ва тўғри адо этиш ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи аудитини қуйида келтирилган кетма-кетликда ўтказишни тақозо этади.

**ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА ИЖТИМОЙ ИНФРАТУЗИЛМАНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ СОЛИҒИ АУДИТИНИНГ КЕТМА-КЕТЛИГИ**



Бюджетга тўланадиган ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи суммаси, кўриниб турибдики, асосан иккита омилга боғлиқ: (1) солиқ солиш базасига ва (2) солиқ ставкасига. Демак, аудит текширувида, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғига бевосита таъсир кўрсатувчи ушбу омиллар миқдорини реал топилганлиги ўта муҳим роль ўйнайди. Бу вазифани бажариш учун, дастлаб, «Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ҳисоб-китоби»да келтирилган маълумотларнинг реаллиги бирма-бир текшириб чиқилиши лозим. Ушбу солиқнинг ҳисоб-китоби балансида ижтимоий инфратузилма объектлари бўлган тўловчилар ва балансида ижтимоий инфратузилма объектлари бўлмаган тўловчилар учун бир-биридан фарқланувчи махсус шаклларда тузилади. Уларнинг шакллари қуйида келтирилган.

**Балансида ижтимоий инфратузилма объеклари бўлган
тўловчиларнинг ободонлаштириш ва ижтимоий
инфратузилмани ривожлантириш солиғи
ХИСОБ-КИТОБИ**

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Сумма
Тузатиш киритилган соф фойда (020-сатр + 030-сатр - 040-сатр) шу жумладан:	010	
Соф фойда ("Молиявий натижалар тўғрисида"ги 2-сон қарорнинг 240-сатри - 250-сатри)*	020	
Солиқ тўловчи балансида бўлган ижтимоий инфратузилма объекларини саклаб туришнинг ҳақиқий харажатлари - жами (031-сатр + 032-сатр + 033- сатр), шу жумладан:	030	
соғлиқни саклаш	031	
таълим	032	
болалар дам олиш оромгоҳлари	033	
Солиқ тўловчилар балансида бўлган ижтимоий инфратузилма объекларини саклаб туриш харажатларида, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг ҳисобланган суммаси улуши (030-сатр x фойда солиғи ставкаси)**	040	
Олинган лозим бўлган (олинган) дивидендлар	050	
Солиқ солинадиган база (010-сатр - 050-сатр)	060	
Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг белгиланган ставкаси, % да	070	
Ҳисобланган ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи суммаси (060-сатр x 070-сатр)	080	
Бюджетга тўланадиган ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи суммаси (080-сатр - 030-сатр)***	090	
Бюджетга тўланмайдиган ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи суммаси - жами (1001-сатр + 1002-сатр) шу жумладан:	100	
Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ	1001	
	10011	
	1001...	
бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ - жами****	1002	
	10021	
	1002...	
Аввалги давр учун ҳисоб-китоб бўйича ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг ҳисобланган суммаси (аввалги ҳисоб-китобнинг 090-сатри)	110	

Изоҳ:

*) Қўшимча фойда солиғи тўловчилар 020-сатрда соф фойда суммасидан шунингдек
"Қўшимча фойда солиғи" 251-сатри ва "Қўшимча фойда солиғидан мақсадли
молиялаштиришга ажратмалар" 252-сатридаги суммаларни чиқариб таштайди.

**) Юридик шахсларнинг фойда солиғи ставкаси миқдори, юридик шахсларнинг фойда
солиғи ҳисоб-китоби учун қўлланилган ставкадан келиб чиқиб, қўлланилади.

***) 030-сатрдаги сумма 080-сатрдаги суммага тенг ёки ортиқ бўлган тақдирда,
090-сатрга чиқиқча қўйилади, яъни тўловчи ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилма
солиғини тўламайди.

****) 10021-сатр ва кейинги сатрлар солиқ тўловчилар томонидан норматив-ҳуқуқий
ҳужжатнинг тегишли бандлари, саноати, рақами ва номи кўрсатилган ҳолда тўлдирилади.

**Балансида ижтимоий инфратузилма объектлари бўлмаган
тўловчиларнинг ободонлаштириш ва ижтимоий
инфратузилмани ривожлантириш солиғи
ҲИСОБ-КИТОБИ**

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Сумма
Соф фойда ("Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот" 2-сон шаклининг 240-сатри - 250-сатри)*	010	
Олиниши лозим бўлган (олинган) дивидендлар	020	
Солиқ солинадиган база (010-сатр - 020-сатр)	030	
Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солигининг белгиланган ставкаси, % да	040	
Бюджетга тўланадиган ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи суммаси (030-сатр x 040-сатр)	050	
Бюджетга тўланмайдиган ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи суммаси - жами (0601-сатр + 0602-сатр)	060	
шу жумладан:		
Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ	0601	
	06011	
	0601...	
бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ - жами**	0602	
	06021	
	0602...	
Аввалги давр учун ҳисоб-китоб бўйича ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солигининг ҳисобланган суммаси (аввалги ҳисоб-китобнинг 050-сатри)	070	

Изоҳ:

*) Қўшимча фойда солиғи тўловчилар 010-сатрда соф фойда суммасидан шунингдек "Қўшимча фойда солиғи" 251-сатри ва "Қўшимча фойда солиғидан мақсадли молиялаштиришга ажратмалар" 252-сатридаги суммаларни чиқариб ташлайди.

**) 06021-сатр ва кейинги сатрлар солиқ тўловчилар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тегишли бандлари, санаси, рақами ва номи кўрсатилган ҳолда тўлдирилади.

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш солиғи ҳисоб-китоби бўйича аудиторлик текширувида аниқланган реал маълумотлар ва уларнинг корхона маълумотларидан четланишлари унга қўшимча тарзда киритиладиган устунчаларда кўрсатилиши мумкин. Ушбу мазмунда тузиладиган аудиторнинг иш ҳужжати ободонлаштириш ва ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш солиғидаги четланишни нима эвазига юз берганлигини аниқлашга имкон беради.

Бюджетга ҳисобланган ободонлаштириш ва ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш солиғи корхоналарнинг соф фойдасига бевосита таъсир кўрсатади. Чунончи, ушбу солиқни кўп ҳисобланганлиги корхонанинг соф фойдасини ҳисоботда кам қилиб кўрсатишга ва, аксинча, унинг кам

хисобланганлиги эса корхонанинг соф фойдасини ҳисоботда кўп қилиб кўрсатишга олиб келади. Шу боис ҳам, ободонлаштириш ва ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш солигининг ҳисобланиши лозим бўлган реал суммаси топилгач, аудиторларнинг муҳим вазифаси бўлиб бу солик бўйича йўл қўйилган четланишларни «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот»нинг ободонлаштириш ва ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш солиғи сатрига, мос равишда соф фойда сатрига олиб борилган суммаларига тузатишлар киритиш ҳисобланади.

Ҳисобланган ободонлаштириш ва ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш солиғини ҳисобот даврлари бўйича тўлаш тартибига риоя этилганлигини, унга доир бошқа кўрсаткичларни, молиявий санкциялар, дебиторлик ёки кредиторлик қарзларни тўғри ҳисобланганлиги ҳамда ҳисоб ва ҳисоботда реал акс эттирилганлигини, бошланғич ҳужжатларни, бухгалтерия ёзувларини, уларда суммаларни тўғри акс эттирилганлигини текшириш учун худди бошқа солиқлар сингари юқорида келтирилган шакллардаги аудиторлик иш ҳужжатларини тузиш лозимдир.

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича аудиторлик хатарини камайтириш учун қуйидагиларга амал қилиш ўта муҳим ҳисобланади:

* ободонлаштириш ва ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш солиғи базасини аниқлашга асос бўладиган кўрсаткичларга оид исботу-далилларни тўлиқ тўплаш, бу кўрсаткичларни танлаб текширишга йўл қўймаслик;

*солиқ ставкасини тўғри қўлланилганлигига тўлиқ иқрор бўлиш;

*текширув натижаларини аудиторлик ҳисоботида атрафлича очиб бериш.

6-маъруза	СОДДАЛАШТИРИЛГАН СОЛИҚ ТЎЛОВЛАРИНИНГ АУДИТИ
-----------	--

МАЪРУЗА ТЕХНОЛОГИЯСИ

Ўқув соати: 2 соат	Талабалар сони: 20 та
Ўқув машғулоти шакли: Ахборотли маъруза	
Маъруза режаси: 1. Ягона солиқ тўловининг аудити. 2. Ягона ер солиғининг аудити 3. Қатъий белгиланган солиқнинг аудити 4. Бозорлар тўлайдиган соддалаштирилган солиқ тўловининг аудити	
Ўқув машғулоти нининг мақсади: талабаларга ягона солиқ тўлови, ягона ер солиғи, қатъий белгиланган солиқ ва бозорлар тўлайдиган солиқларни аудит қилиш тартиби тўғрисида тушунчалар бериш.	
Педагогик вазифалар: ягона солиқ тўлови, ягона ер солиғи, қатъий белгиланган солиқ ва бозорлар тўлайдиган солиқларни аудит қилиш тартибларини тушунтириш.	Ўқув фаолияти натижалари: Талабалар ягона солиқ тўлови, ягона ер солиғи, қатъий белгиланган солиқ ва бозорлар тўлайдиган солиқларни аудит қилиш тартибларини билиб оладилар
Ўқитиш воситалари: <i>видеопроектор, доска.</i>	
Ўқитиш усуллари: <i>Тушунтириш, ақлий ҳужум.</i>	
Ўқитиш шакллари: <i>Коллектив иш</i>	
Ўқитиш шароити: <i>Техник воситалар билан таъминланган аудитория.</i>	
Мониторинг ва баҳолаш: <i>Оғзаки, тест савол-жавоблари.</i>	

1. ЯГОНА СОЛИҚ ТЎЛОВИНИНГ АУДИТИ.

Ягона солиқ тўловини юкори профессионал даражада ўтказиш учун аудиторлар республикамизнинг Солиқ кодексига, Президентимиз фармонлари ва қарорларида ушбу солиқ тўлови бўйича белгиланган тартиб-қоидаларни чуқур билишлари лозим. Бундай тартиб-қоидалар сирасига қуйидагилар киради.

Солиқ тўловчилар (350-модда). Ягона солиқ тўловини тўловчилар қуйидагилардир:

1) микрофирмалар ва кичик корхоналар, бундан ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилганлар мустасно;

2) ходимларнинг сонидан катъи назар:

савдо ва умумий овқатланиш корхоналари;

лотереялар ташкил қилиш бўйича фаолиятни амалга ошириш доирасидаги юридик шахслар;

3) оддий ширкат ишларини юритиш зиммасига юклатилган (ишончли шахс) шерик (иштирокчи) - якка тартибдаги тадбиркор.

Ягона солиқ тўлови қуйидаги микрофирмалар ва кичик корхоналарга татбиқ этилмайди:

акциз солиғи тўланадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни ва ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ солинадиган фойдали қазилмаларни казиб олишни амалга оширувчи микрофирмалар ва кичик корхоналарга, бундан махсус печлардан фойдаланган ҳолда энергия тежайдиган замонавий технологиялар асосида пишиқ гишт ишлаб чиқарувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар мустасно;

Солиқ Кодекснинг 57-бобига мувофиқ ягона ер солиғи ва ушбу Кодекснинг 58-бобига мувофиқ катъий белгиланган солиқ тўлаш назарда тутилган фаолият доирасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналарга;

маҳсулот тақсимотига оид бигимлар иштирокчиси бўлган микрофирмалар ва кичик корхоналарга.

Микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига ходимларининг сони бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган мезонга мос келадиган юридик шахслар киради. Чунончи, Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ (5-модда. Кичик тадбиркорлик субъектлари) Кичик тадбиркорлик субъектлари қуйидагилардир:

якка тартибдаги тадбиркорлар;

ишлаб чиқариш тармоқларидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан йигирма киши, хизмат кўрсатиш соҳасидаги ва бошқа ноишлаб чиқариш тармоқларидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан ўн киши, улгуржи ва чакана савдо ҳамда умумий овқатланиш тармоқларидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан беш киши бўлган микрофирмалар;

қуйидаги тармоқлардаги:

енгил ва озиқ-овкат саноатидаги, металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёгонасозлик, мебель саноати ҳамда курилиш материаллари саноатидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан юз киши;

машинасозлик, металлургия, ёкилғи-энергетика ва кимё саноати, кишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, курилиш ҳамда бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳаларидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан эллик киши;

фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳалари (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ҳамда бошқа ноишлаб чиқариш соҳаларидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан йигирма беш киши бўлган кичик корхоналар.

Кичик тадбиркорлик субъектлари ходимларининг ўртача йиллик сони қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланади. Бунда унитар (шўъба) корхоналарда, филиалларда ва ваколатхоналарда ишловчиларнинг сони ҳам ҳисобга олинади.

Фаолиятнинг бир неча турини амалга оширувчи (кўп тармоқли) юридик ва жисмоний шахслар йиллик оборот ҳажмида улуши энг кўп бўлган фаолият тури мезонлари бўйича кичик тадбиркорлик субъектларига киради.

Солиқ солиш мақсадида савдо ва умумий овқатланиш корхоналари жумласига савдо фаолияти, умумий овқатланиш соҳасидаги фаолият ўтган ҳисобот йили якунлари бўйича асосий фаолият тури бўлган юридик шахслар киради.

Қуйидагиларга савдо фаолияти сифатида қаралмайди:

ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот бўлган товарларни реализация қилиш, шу жумладан уларни мустақил юридик шахс бўлмаган фирма дўконлари орқали реализация қилиш;

воситачи, ишончли вакил томонидан воситачилик, топшириқ шартномаси бўйича товарларни реализация қилиш, шу жумладан давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни реализация қилиш;

тайёрлов фаолиятини амалга оширувчи корхоналар томонидан товарларни реализация қилиш.

Умумий овқатланиш соҳасидаги фаолият деганда кулинария, шунингдек бошқа озиқ-овкат маҳсулотини тайёрлаш, реализация қилиш ва уларни истеъмол қилишни ташкил этиш бўйича фаолият тушунилади.

Микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан ягона солиқ тўловини қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари (351-модда). Микрофирмалар ва кичик корхоналар, бундан ушбу Кодекснинг 350-моддаси биринчи қисмининг 2-бандида кўрсатилганлар мустасно, ягона солиқ тўловини тўлашни назарда тутадиган солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибини ёки умумбелгиланган солиқлар тўлашни танлашга ҳақли.

Фаолият кўрсатаётган микрофирмалар ва кичик корхоналар ягона солиқ тўловини тўлашга ўтиш учун кейинги ҳисобот даври бошланишига қаида бир ой қолганда, янги ташкил этилган микрофирмалар ва кичик корхоналар эса, давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ўн беш кундан кечиктирмасдан солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати

органини ягона солиқ тўловини тўлашга ўтиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган шаклда ёзма равишда хабардор этади.

Микрофирмалар ва кичик корхоналар ягона солиқ тўловини тўлашдан ихтиёрий равишда воз кечган тақдирда ҳисобот даври тугаганидан сўнг ўн кун ичида давлат солиқ хизмати органларига тақдим қилинадиган ёзма билдириш асосида кейинги ҳисобот давридан бошлаб умумбелгиланган солиқлар тўлашга ўтади.

Ҳисобот йили тугаши билан ушбу Кодекснинг 350-моддаси учинчи қисмига мувофиқ белгиланган ходимлар сони мезонига мос келмайдиган ягона солиқ тўловини тўловчилар давлат солиқ хизмати органларига йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиш муддатидан кечиктирмай тақдим этиладиган ёзма билдириш асосида кейинги ҳисобот йилидан бошлаб умумбелгиланган солиқлар тўлашга ўтади.

Ушбу модданинг тўртинчи қисмида кўрсатилган ягона солиқ тўловини тўловчилар ягона солиқ тўловини тўлаш ҳуқуқидан маҳрум бўлган ўтган ҳисобот йили учун умумбелгиланган солиқлар бўйича ҳисоб-китоблар асосида ягона солиқ тўлови юзасидан қайта ҳисоб-китобни амалга оширади.

Ягона солиқ тўлови бўйича қайта ҳисоб-китоб ўтказиш учун ягона солиқ тўловини тўловчилар йил якунлари бўйича ягона солиқ тўлови ҳисоб-китобини тақдим этиш муддатидан кечиктирмай солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига қуйидагиларни тақдим этадилар:

ушбу Кодексда назарда тутилган шаклда ва тартибда умумбелгиланган солиқларнинг ҳар бир тури бўйича ҳисоб-китобларни;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган шаклда ҳисоблаб чиқарилган умумбелгиланган солиқлар суммаси тўғрисидаги маълумотномани.

Умумбелгиланган солиқлар суммаси ҳисобланган ягона солиқ тўлови суммасидан ошиб кетган тақдирда ошган сумма бюджетга тўланиши лозим.

Ҳисобланган ягона солиқ тўлови суммаси умумбелгиланган солиқлар суммасидан ошиб кетган тақдирда, бюджет билан қайта ҳисоб-китоблар амалга оширилмайди.

Ягона солиқ тўлови бўйича қайта ҳисоб-китоб ўтказиш товарларни (ишларни, хизматларни) сотиб олувчилар билан тегишли қайта ҳисоб-китобларсиз амалга оширилади.

Агар ушбу модда олтинчи қисмининг иккинчи ва учинчи хатбошиларида кўрсатилган ҳисоб-китоблар ва маълумотнома:

йил якунлари бўйича ягона солиқ тўлови ҳисоб-китобини тақдим этиш муддатидан кечиктирмай тақдим этилса, молиявий санкциялар қўлланилмайди;

йил якунлари бўйича ягона солиқ тўлови ҳисоб-китобини тақдим этиш муддатидан кечиктириб тақдим этилса, қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда молиявий санкциялар қўлланилади.

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари томонидан ягона солиқ тўловини қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари (352-модда). Ўтган йил якунлари бўйича асосий (соҳа) фаолият тури савдо фаолияти ва умумий

овкатланиш соҳасидаги фаолият бўлган юридик шахслар ушбу Кодексда белгиланган тартибда ҳисобот йили бошидан бошлаб ягона солиқ тўловини тўлаши керак.

Савдо ва умумий оватланиш корхоналари сифатида рўйхатдан ўтказилган ягона ташкил этилган юридик шахслар ягона солиқ тўловини давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан жорий йил тугагунига қадар, 1 октябрдан кейин рўйхатдан ўтказилган юридик шахслар эса кейинги йил тугагунига қадар тўлайди.

Агар юридик шахслар ҳисобот йили якунлари бўйича ушбу Кодекс 350-моддасининг тўртинчи қисмида белгиланган шартларга жавоб бермасалар, улар келгуси йил бошидан бошлаб умумбелгиланган солиқлар тўлашга ўтишлари керак, солиқ солиш тартибини танлаш ҳуқуқи сақлаб қолинадиган микрофирмалар ва кичик корхоналар бундан мустасно. Бунда микрофирмалар ва кичик корхоналар ушбу Кодекс 350-моддасининг тўртинчи қисмида белгиланган шартларга жавоб бермай қолинган ҳисобот йили тугаганидан кейинги йилнинг 1 февралидан кечиктирмай солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига солиқ солиш тартиби танлаганилиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган шаклда ёзма билдириш такдим этишлари шарт. Солиқ тўловчи томонидан ёзма билдиришнинг белгиланган муддатда такдим этилмаганилиги ушбу умумбелгиланган солиқларни тўлашга берилган розилиги деб ҳисобланади.

Алоҳида-алоҳида ҳисоб юритиш (353-модда). Ушбу модданинг иккинчи қисмида бошқача қондалар белгиланмаган бўлса, турли солиқ солиш объектлари ва (ёки) ягона солиқ тўлови ставкалари белгиланган бир неча фаолият турлари билан шуғулланадиган ягона солиқ тўловини тўловчилар шу фаолият турлари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритишлари ҳамда солиқ тўловчиларнинг тегишли тоифалари учун белгиланган ставкалар бўйича ягона солиқ тўловини тўлашлари керак. Бунда ушбу Кодекс 355-моддасининг иккинчи қисми 2-бандида кўрсатилган даромадларга асосий (соҳа) фаолият турини учун белгиланган ягона солиқ тўлови ставкалари бўйича солиқ солинади.

Ўтёрея ўйинларини ташкил қилиш фаолияти билан бирга бошқа фаолият турларини амалга оширадиган юридик шахслар ушбу фаолият турлари бўйича қўйидагиларни тўлайди:

агар улар микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирса - ягона солиқ тўловини ёки умумбелгиланган солиқларни;

агар улар микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмаса, - умумбелгиланган солиқларни.

Махсус қондалар (354-модда). Умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтган ягона солиқ тўловини тўловчилар, агар ушбу Кодекс 352-моддасининг биринчи қисмида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, қаида ўн икки ойдан сўнг ягона солиқ тўловини тўлашга қайта ўтишга ҳақлидир.

Ягона солиқ тўловини тўлашдан умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтган солиқ тўловчилар умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтилган биринчи чорак учун юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи,

ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ҳамда мол-мулк солиғи бўйича жорий тўловларни тўлашдан озод қилинади.

Ягона солиқ тўловини тўловчилар ягона солиқ тўлови тўлаш муддатини давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йил муддатга кечиктириш ҳуқуқига эга, кечиктирилган суммалар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда имтиёзли давр тугаганидан сўнг ўн икки ой ичида тенг улушлар билан тўланади, ушбу Кодекснинг 350-моддаси биринчи қисмининг 2-бандида кўрсатилганлар бундан мустасно.

Агар ягона солиқ тўловини тўловчилар ушбу Кодекснинг 199-моддасига мувофиқ қўшилган қиймат солиғи солинадиган оборотни амалга оширсалар, қўшилган қиймат солиғини ихтиёрий асосда тўлашлари мумкин. Юридик шахслар қўшилган қиймат солиғини тўлашга ўтиш учун ҳисобот даври бошланишидан қаида бир ой олдин, янги ташкил этилган юридик шахслар эса, ўз фаолиятини амалга оширишни бошлагунига қадар солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига ёзма билдириш тақдим этади.

Ягона солиқ тўловини тўловчилар томонидан қўшилган қиймат солиғини тўлашни рад этиш кейинги солиқ даври бошлангунига қадар бир ойдан кечиктирмай солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган шаклда тақдим этиладиган ёзма билдириш асосида фақат навбатдаги солиқ даврининг бошидан амалга оширилиши мумкин.

Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш ушбу Кодекснинг VII бўлимида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ягона солиқ тўловини тўловчилар - юридик шахслар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари бўйича ижарага олинган ер участкалари учун бюджетга ижара ҳақи тўлашдан озод қилинади, умумбелгиланган солиқлар тўланадиган фаолият турларида фойдаланилаётган ер участкалари бундан мустасно.

Солиқ солиш объекти (355-модда). Ялпи тушум солиқ солиш объектидир.

Солиқ солиш мақсадида ялпи тушум таркибига қуйидагилар киритилади:

1) товарларни (ишларни, хизматларни) қўшилган қиймат солиғини чеғирган ҳолда (қўшилган қиймат солиғи тўлашга ўтган солиқ тўловчилар учун) реализация қилишдан тушган тушум.

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушум деганда қуйидагилар тушунилади:

қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ташкилотлари учун - ўз қучлари билан бажарилган, тегишинча қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ишларини реализация қилишдан тушган тушум. Бунда, агар юқорида қайд этилган ишларни материаллар билан таъминлаш мажбурияти шартномага биноан буюртмачининг зиммасида бўлса, ушбу материалларга бўлган мулк ҳуқуқи буюртмачининг ўзида сақланиб қолган тақдирда, ўз қучлари билан бажарилган

ишларни реализация қилишдан олинадиган тушум бажарилган ҳамда тасдиқланган ишларнинг буюртмачи материалларининг қиймати киритилмаган ҳолдаги қиймати сифатида белгиланади;

савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун - товар обороти;

мол-мулкни молиявий ижарага (лизингга) берувчи юридик шахслар учун - молиявий ижара (лизинг) бўйича фоиизли даромад суммаси;

воситачилик ва топшириқ шартномалари ҳамда воситачилик хизматлари кўрсатишга оид бошқа шартномалар бўйича воситачилик хизматлари кўрсатилган юридик шахслар учун - кўрсатилган хизматлар учун ҳақ суммаси;

тайёрлов ташкилотлари учун - реализация қилинган товарларнинг харид қиймати билан сотиш қиймати ўртасидаги фарқ сифатида ҳисоблаб чиқарилган ялпи даромад;

лотерея ўйинларини ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга ошириш доирасида юридик шахслар учун - ўйин чипталарини уларда кўрсатилган нарх бўйича тарқатишдан тушган тушум;

товарларни таннархидан ёки олиш баҳосидан паст баҳоларда реализация қилувчи, шунингдек товарларни текинга берувчи юридик шахслар учун - товарлар таннархи ёки уларни олиш баҳоси. Бунда баҳолари (тарифлари) давлат томонидан тартибга солиниши назарда тутилган товарлар учун реализация қилишдан олинадиган тушум белгиланган баҳолардан (тарифлардан) келиб чиққан ҳолда аниқланади. Ушбу норма экология, соғломлаштириш ҳамда хайрия жамғармаларига, маданият, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт, таълим муассасаларига текинга бериладиган товарларга татбиқ этилмайди;

2) агар ушбу модданинг тўртинчи ва бешинчи қисмларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ушбу Кодекснинг 132-моддасида назарда тутилган бошқа даромадлар.

Узоқ муддатли контрактларни бажаришда товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушадиган тушум ушбу Кодекс 130-моддасининг еттинчи - ўнинчи қисмларида назарда тутилган тартибда ҳисобот даври мобайнида узоқ муддатли контрактларни ҳақиқатда босқичма-босқич ижро этишга оид қисмида ҳисобга олинади.

Қуйидагиларга солиқ солиш объекти сифатида қаралмайди:

1) устав фондига (устав капиталига) олинган хиссалар, шу жумладан акцияларни (улушларни) жойлаштириш баҳосининг уларнинг номинал қийматидан (дастлабки миқдоридан) ортиқ суммаси, оддий ширкат шартномаси бўйича биргаликдаги фаолиятни амалга ошириш учун бирлаштириладиган маблағлар;

2) муассислар (иштирокчилар) таркибидан чикилаётганда (чиқарилаётганда), шунингдек тугатилаётган юридик шахснинг мол-мулк унинг муассислари (иштирокчилари) ўртасида тақсимланаётганда устав фондига (устав капиталига) ҳиссалар доирасида олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулк ҳуқуқлар);

3) шартнома муассислари (иштирокчилари) умумий мулкидаги ҳиссаси қайтариб берилган ёки бундай мол-мулк бўлинган тақдирда, оддий ширкат

шартномаси шериги (иштирокчиси) томонидан хиссаси миқдорида олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар);

4) реализация қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) учун олдиндан ҳақ тўлаш (бўнак) тарикасида бошқа шахслардан олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар);

5) мулк ҳуқуқи уларга ўтган пайтга қадар мажбуриятларни қонун ҳужжатларига мувофиқ таъминлаш сифатида гаров ёки закат тарзида олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар);

6) бюджетдан берилган субсидиялар;

7) агар маблағларни (мол-мулкни ёки мулкий ҳуқуқларни) ўтказиш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида амалга оширилса, текин олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар), ишлар ва хизматлар;

8) олинган грантлар ва инсонпарварлик ёрдами;

10) суғурта шартномалари бўйича суғурта товони (суғурта суммаси) тарикасида олинган маблағлар;

11) воситачига ёки бошқа ишончли вакилга воситачилик, топширик шартномаси ёки воситачилик хизматларини кўрсатишга оид бошқа шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муносабати билан, шунингдек комитент ёхуд бошқа топширик берувчи учун воситачи ёки бошқа ишончли вакил томонидан қилинган харажатларни қоплаш ҳисобига келиб тушган мол-мулк (ҳақ тўлови бундан мустасно);

12) объект қийматининг ижарага берувчи (лизинг берувчи) томонидан олинган ижара (лизинг) тўловининг бир қисми тарзида қопланиши;

13) телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг текин олинган техник воситалари, шунингдек мазкур воситалардан фойдаланишга ва уларга хизмат кўрсатишга доир хизматлар;

14) ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъектининг муассисларидан (иштирокчиларидан) унинг мажбуриятларини бажариш учун олинган маблағлар. Ихтиёрий тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таомили тугатилган ва фаолият қайта тикланган тақдирда ушбу маблағлар солиқ солиш объектига киритилади ва уларга солиқ солиниши лозим;

15) инвестор билан давлат мулкни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи ўртасида тузилган шартномага мувофиқ инвестиция мажбуриятлари сифатида киритилаётган мол-мулк.

Балансининг валюта моддаларини қайта баҳолаш чоғида курсдаги ижобий ва салбий фарқлар ўртасидаги сальдо солиқ солиш объекти ҳисобланади. Салбий курс фарқи суммаси ижобий курс фарқи суммасидан ортиқ бўлган тақдирда ошиб кетган сумма ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқаришда солиқ солинадиган базани камайтирмайди.

Солиқ солинадиган база (356-модда). Ушбу Кодекснинг 355-моддасига мувофиқ қуйидагилар чегириб ташланган ҳолда ҳисоблаб чиқарилган ялпи тушум солиқ солинадиган базадир:

1) давлат қимматли қоғозлари бўйича даромадлар;
2) тўлов манбаида солиқ солинадиган дивидендлар ва фонзлар тарикасида олинган даромадлар;

3) дивидендлар тарикасида олинган ва қайси юридик шахсдан олинган бўлса, ўша юридик шахснинг устав фондида (устав капиталига) йўналтирилган даромадлар. Муассислар (иштирокчилар) таркибидан чикилаётганда (чикиб кетганда) ёхуд тугатилаётган юридик шахснинг мол-мулки имтиёз қўлланилганидан сўнг бир йил ичида унинг иштирокчилари ўртасида тақсимланганда илгари солиқ солинадиган базадан чегирилган даромадларга тўлов манбаида умумий асосларда солиқ солинади;

4) ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллардаги даромадлар. Мазкур даромадларга улар қайси даврда пайдо бўлган бўлса, ўша даврдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ўтказилган ҳисоб-китоблар инобатга олинган ҳолда солиқ солиниши керак;

5) кўп оборотли қайтариладиган таранинг қиймати, агар унинг қиймати товарларни (ишлар ва хизматларни) реализация қилишдан олинган тушумнинг таркибига илгари киритилган бўлса;

6) махсулот етказиб берувчиларнинг сийлови (скидка) тарикасида ва асосий воситаларни тугатишда уларнинг илгари қайта баҳолашлардаги қийматининг камайиши суммасидан ортган қисми ҳисобида олинган бошқа даромадлар;

7) тўлиқ амортизация қилинган асосий воситаларни реализация қилишдан ёки тугатишдан олинган даромадлар.

Солиқ солинадиган база ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган чегирмалардан ташқари қуйидагилар учун камайтирилади:

1) автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари учун:
жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ суммасига;

бензин, дизель ёқилғиси ва газнинг автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаларининг белгиланган энг юқори ўстамадан ошадиган чакана нархи билан олиш нархи ўртасидаги маҳаллий бюджетга ўтказилиши лозим бўлган фарқ суммасига;

2) лотерея ўйинларини ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга ошириш доирасида юридик шахслар учун - ютук (мукофот) фондининг суммасига, бироқ тарқатилган чипталарга чиққан ютуқларнинг (мукофотларнинг) умумий суммасидан ортиқ бўлмаган миқдорида;

3) брокерлик ташкилотлари учун - битим суммасидан биржага ўтказиладиган воситачилик йиғими суммасига;

4) воситачилик, топшириқ шартномаси бўйича воситачилик хизматлари кўрсатувчи юридик шахслар учун - реализация қилинган товар улушида товарларни импорт қилишда тўланган божхона тўловлари суммасига.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган солиқ солинадиган база қуйидагиларга йўналтирилган маблағлар суммасига камайтирилади:

янги технологик асбоб-ускуналар олишга, лекин солиқ солинадиган базанинг кўпи билан 25 фоизига. Солиқ солинадиган базани камайитириш технологик асбоб-ускуналарни фойдаланишга жорий этилган солиқ давридан бошлаб беш йил мобайнида амалга оширилади;

ёш оилалар жумласидан бўлган ходимларга ипотека кредитлари бўйича бадаллар тўлашга ва (ёки) мулк қилиб уй-жой олишга текин йўналтирилган маблағлар суммасига, лекин солиқ солинадиган базанинг кўпи билан 10 фоизига.

Ялпи тушумга тузатиш киритиш (357-модда). Солиқ тўловчида ялпи тушумга тузатиш киритиш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

- 1) товарлар тўлиқ ёки қисман қайтарилганда;
- 2) битим шартлари ўзгарганда;
- 3) баҳолар ўзгарганда, сотиб олувчи сийловдан (скидкадан) фойдаланганда;

- 4) бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлардан воз кечилганда.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ялпи тушумга тузатиш киритиш бир йиллик муддат доирасида, кафолат муддати белгиланган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича эса кафолат муддати доирасида амалга оширилади.

Ушбу моддага мувофиқ ялпи тушумга тузатиш киритиш ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳоллар юз берганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида амалга оширилади. Бунда товарни (ишни, хизматни) етказиб берувчи ялпи тушумга тузатиш киритишни ушбу Кодекснинг 222-моддасида назарда тутилган тартибда амалга оширади.

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинadиган даромадга ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолларда тузатиш киритиш кўрсатилган ҳоллар юз берган солиқ даврида амалга оширилади.

Имтиёзлар (358-модда). Ягона солиқ тўловини тўлашдан ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, "Нуроний" жамғармаси ва "Ўзбекистон чернoбилчилари" ассоциацияси мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида 50 фоизини ногиронлар, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийлари ташкил этадиган юридик шахслар озод қилинади, бундан савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти ҳамда лотереялар ташкил этиш фаолияти билан шугулланувчи юридик шахслар мустасно. Ушбу имтиёзни олиш ҳуқуқи белгиланаётганда ходимларнинг умумий сонига штатда бўлган ходимлар киритилади.

Солиқ даври. Ҳисобот даври (359-модда). Календарь йил солиқ давридир.

Ҳисобот даври қуйидагилардир:

микрофирмалар ва кичик корхоналар учун - йил чорағи;
микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига қирмайдиган солиқ тўловчилар учун - бир ой.

Ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш, унинг ҳисоб-китобларини тақдим этиш ва уни тўлаш тартиби (360-модда). Ягона солиқ тўлови солиқ

созинадиган базадан ва белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Қўшилган қиймат солиғи тўловчилар учун ягона солиқ тўлови суммаси оқибатда тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи суммасига, лекин ягона солиқ тўлови суммасининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорга камайтирилади.

Қўшилган қиймат солиғини ихтиёрий равишда тўлашга календарь йил бошидан эътиборан ўтмаган тўловчилар ягона солиқ тўлови суммасини қўшилган қиймат солиғи ҳисоблаб чиқарилган ҳисобот даврига тўғри келадиган суммага камайтиради.

ЯГОНА СОЛИҚ ТЎЛОВИ ҲИСОБ-КИТОБИ

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Жами	шу жумладан, ягона солиқ тўлови тўловчиси тўғрисидаги маълумотда кўрсатилган фаолият турлари бўйича (01-варак)					
			асосий фаолият тур – 1	2	3	4	5	6
Товарлар (ишлар, хизматлар)ни реализация қилишдан соф тушум	010							
Фаолият турлари бўйича тушумнинг товарлар (ишлар, хизматлар)ни реализация қилишдан жами тушумдаги салмоғи, фоизда	020	100						
Товарларни таннарихдан паст нархларда реализация қилишдан ва техникга беришдан қўрилган зарарлар*	025							
Бошқа даромадлар (Ягона солиқ тўлови ҳисоб- китобида 1-илованинг 010-сатри)	030			X	X	X	X	X
Солиқ солинадиган ялпи тушум (010-сатр + 025-сатр + 030-сатр)	040							
Ихтиёслар - жами (0501-сатр + 0502-сатр)	050							
шу жумладан:								
солиқ солиш объекти сифатида қаралмайдиган даромадлар (Ягона солиқ тўлови ҳисоб-китобида 2-илованинг 010-сатри)	0501			X	X	X	X	X
солиқ солинадиган ялпи тушумнинг камайтирилиши (Ягона солиқ тўловида 4 ҳисоб- китобида 3-илованинг 010-сатри)	0502							
Солиқ солинадиган база - жами (040-сатр - 050- сатр)	060							
шу жумладан, ҳисобланган:								
пластик картчалар қўлланиб туланган кўрсатилган хизматлар ҳажмидан олинган тушумдан	0601							
0601-сатр бўйича олинган тушум чегирилган ҳолдан тушумдан (060-сатр - 0601-сатр)	0602							
Ягона солиқ тўловининг белгиланган ставкаси	070	X						
Ягона солиқ тўловининг тузатиш кiritилган ставкаси:	080	X						
экспорт қилувчи корхоналар учун экспорт тушумига нисбатан, % да (Ягона солиқ тўлови	0801	X						

хисоб-китоби 5-иловасининг 6(0-сатри)								
хизматлар кўрсатиш соҳаси корхоналари учун пластик карточкалар қўлланиб тўланган кўрсатилган хизматлар ҳажмидан олинган тушумга нисбатан, фондда [0801-сатр - (0801-сатр х 10%)] ёки [070-сатр - (070-сатр х 10%)]	0802	X						
ягона солиқ тўлови суммаси – жами (0901-сатр + 0902-сатр)	090							
шу жумладан, ҳисобланган:								
0601-сатрда кўрсатилган тушумдан (0601-сатр х 0802-сатр)	0901							
0602-сатрда кўрсатилган тушумдан (0602-сатр х 0801-сатр) ёки (0602-сатр х 070-сатр)	0902							
Бюджетга тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи суммаси (Қўшилган қиймат солиғи ҳисоб-китобининг 050-сатри)	100		X	X	X	X	X	X
Ягона солиқ тўлови суммасини камайтирадиган қўшилган қиймат солиғи суммаси (100-сатр, бироқ 090-сатр х 50 фонддан кўп эмас)	110		X	X	X	X	X	X
Ҳисоб-китоб бўйича ҳисобланган ягона солиқ тўлови суммаси (090-сатр - 110-сатр)	120		X	X	X	X	X	X
Ўзбекистон ёшларининг "Қамолот" ижтимоий ҳаракатини ривожлантириш жамғармасига ажратмалар чегирилган ҳолдаги ягона солиқ тўлови суммаси [120-сатр - (120-сатр х 5%)]	130		X	X	X	X	X	X
Аввалги давр учун ҳисоб-китоб бўйича ягона солиқ тўловининг ҳисобланган суммаси (Аввалги ҳисобот даври учун ЯСТ ҳисоб-китобининг 130-сатри)	140		X	X	X	X	X	X
Умумбелгиланган солиқлар бўйича қайта ҳисоб-китоб қилишдаги қўшимча тўланадиган ягона солиқ тўлови	150		X	X	X	X	X	X
Ўзбекистон ёшларининг "Қамолот" ижтимоий ҳаракатини ривожлантириш жамғармасига ўтказиладиган ягона солиқ тўлови суммаси (120-сатр - 130-сатр)	160		X	X	X	X	X	X
Қўшимча ҳисобланган ЯСТ суммаси	170		X	X	X	X	X	X
Ҳисобот даври учун тўланиши лозим (130-сатр + 150-сатр + 170-сатр)	180		X	X	X	X	X	X

*) экология, соғломлаштириш ва ҳайрия жамғармаларига, маданият, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, jisмоний тарбия ва спорт муассасаларига, таълим муассасаларига товарларни текинга беришдан олинган зарарлар бундан мустасно.

Изоҳ:

1. 070-сатр бўйича амалга ошириладиган фаолият туридан қилиб чиққан ҳолда ягона солиқ тўлови ставкаси кўрсатилади.

2. Қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлмаган юридик шахслар 100 ва 110-сатрларда "0" қўядилар.

3. 130 ва 160-сатрлар Ўзбекистон ёшларининг "Қамолот" ижтимоий ҳаракатини ривожлантириш жамғармасининг маҳаллий бўлимлари билан ўзаро қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги шартномалар тузган солиқ тўловчилар (савдо ва умумий оқватланиш корхоналари ва лотереялар ташкил қилиш бўйича фаолиятни амалга ошириш доирасидаги юридик шахслар бундан мустасно) томонидан тўлдирилади.

БОШҚА ДАРОМАДЛАР

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Сумма
Бошқа даромадлар - жами (020 - 180-сатрлар суммаси)	010	
шуну жумладан:		
солиқ тўловчининг асосий воситалари ва бошқа мол- мулкни чиқиб кетишидан олинadиган даромадлар	020	
мол-мулкни оператив ижарага беришдан олинadиган даромадлар	030	
асосий воситалар ва номоддий активларни молиявий ижарага беришдан олинadиган даромадлар	040	
текин олинган мол-мулк, мулккий ҳуқуқлар, шунингдек инишар ва хизматлар	050	
инвентаризация натижасида аниқланган ортиқча товар- моддий захиралар ҳамда бошқа мол-мулк қиймати тартиқсизлиги даромадлар	060	
ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллардаги даромадлар	070	
мажбурийатларни ҳисобдан чиқаришдан олинadиган даромадлар	080	
ғалаблардан ўзганинг фойдасига воз кечиш шартномаси бўйича олинган даромадлар	090	
илгари чегириб ташланган харажатларнинг ёки зарарларнинг ўрнини қоплаш тарзидаги даромадлар	100	
хизмат кўрсатувчи ҳўжаликлардан олинadиган даромадлар	110	
биргалликдаги фаолиятда иштирок этишдан олинadиган даромадлар	120	
ундириб олинган ёки қарздор томонидан тан олинган жарималар ва пеня, шунингдек қонуний қучга кирган суд ҳужжати асосида қарздор томонидан тўланиши лозим бўлган жарималар ва пеня	130	
валюта ҳисобварақлари бўйича ижобий курс фарқининг салбий курс фарқидан ошishi	140	
Дивидендлар	150	
Фондлар	160	
Роялти	170	
товарларни (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқариш ва реализация қилиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган операциялардан олинadиган бошқа даромадлар - жами	180	
шуну жумладан:	1801	
	1802	
	1803	
	1804	
	1805	

Изоҳ:

070-сатрда кўрсатилган даромадларга улар қайси даврда пайдо бўлган бўлса, уша даврдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ўтказилган ҳисоб-китоблар инобатга олинган ҳолда солиқ сотинади.

**Солиқ солиш объекти сифатида қаралмайдиган
ДАРОМАДЛАР**

Солиқ солиш объекти сифатида қаралмайдиган даромадлар рўйхати	Сатр коди	Сумма
Солиқ солиш объекти сифатида қаралмайдиган даромадлар – жами (020 - 060-сатрлар суммаси)	010	
шу жумладан:		
бюджетдан берилган субсидиялар	020	
агар маблағларни (мол-мулкни ёки мулкий ҳуқуқларни) ўтказиш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида амалга оширилса, текин олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар), ишлар ва хизматлар	030	
Сўғурта шартномалари бўйича сўғурта товони (сўғурта суммаси) тарикасида олинган маблағлар	040	
телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-кидиров тадбирлари тизимининг текин олинган техник воситалари, шунингдек мазкур воситалардан фойдаланишга ва уларга хизмат кўрсатишга доир хизматлар	050	
ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъектининг муассисларидан (иштирокчиларидан) унинг мажбуриятларини бажариш учун олинган маблағлар	060	

3-ИЛОВА

Солиқ солинадиган ялпи тушумнинг камайтирилиши

Солиқ солинадиган фойдани камайтирадиган даромадлар ва харажатлар рўйхати	Сатр коди	Сумма
Солиқ солинадиган ялпи тушумнинг камайтирилиши - жами (020-сатр + 030-сатр + 040-сатр + 050-сатр)	010	
Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ солиқ солинадиган ялпи тушумнинг камайтирилиши - жами (0201 - 0213-сатрлар йиғиндиси)	020	
шу жумладан:		
давлат қимматли қозғалари бўйича даромадлар	0201	
тўлов манбаида солиқ солинадиган дивидендлар ва фойзалар тарзида олинган даромадлар	0202	
ди. идендлар тарзида олинган ва қайси юридик шахсдан олинган бўлса, ўша юридик шахснинг устав фондига (устав капиталига) йўналтирилган даромадлар	0203	
хисобот йилида аниқланган ўтган йиллардаги даромадлар	0204	
кўп оборотли қайтариладиган таранинг қиймати, агар унинг қиймати товарларни (ишлар ва хизматларни) реализация қилишдан олинган тушумнинг таркибига илгари киритилган бўлса	0205	
маҳсулот етказиб бериувчиларнинг сийлови (скидка) тарзида олинган бошқа даромадлар	0206	
асосий воситаларни тугатиш натижасида уларнинг илгари қайта баҳолашлардаги қийматининг камайиши суммасидан ортган қисми ҳисобига олинган бошқа даромадлар	0207	
жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатгандик учун олиннадиган солиқ	0208	
бензин, дизель ёқилғиси ва газнинг автомобилларга ёқилғи қуйиш муқоабаларининг белгиланган энг юқори устамадан ошадиган чакана нархи билан олинган нархи ўртасидаги маҳаллий бюджетга ўтказилиши лозим бўлган фарқ	0209	
ютуқ (мукофот) фондларнинг суммаси, бироқ тарқатилган чипталарга чиққан ютуқларнинг (мукофотларнинг) умумий суммасидан ортиқ бўлмаган миқдори	0210	
бўғим суммасидан биржага ўтказиладиган воситачилик йиғими суммаси	0211	
воситачилик, топиширик шартномаси бўйича воситачилик хизматлари кўрсатувчи юридик шахслар томонидан (реализация қилинган товар улушида) товарларни импорт қилишда тўланган божхона тўловлари суммаси	0212	
тўлиқ амортизация қилинган асосий воситаларни реализация қилишдан ёки тугатишдан олинган даромадлар	0213	
Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ солиқ солинадиган ялпи тушумнинг камайтирилиши - жами: (0301 - 03...-сатрлар йиғиндиси)	030	
шу жумладан:		
маҳаллийлаштириш лойиҳалари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотни реализация қилишдан олинган тушум	0301	
	0302	
	0303	
	0304	
	03...	
еш олдлар жумласидан бўлган ходимларга ипотека кредитлари бўйича бадаллар тўлашга ва (ёки) мулк қилиб уй-жой олишга текин йўналтирилган маблағларга солиқ солинадиган ялпи тушумни камайтириш [ҳақиқатдаги харажатлар бўйича, бироқ кўпи билан 10 фойизга, Ягона солиқ тўлови ҳисоб-китобининг (040-сатр - 0501-сатр) - (020-сатр + 030-сатр)]	040	
Солиқ солинадиган ялпи тушумнинг янги технологик асбоб-ускуналар олишга йўналтирилган маблағлар суммасига камайиши (ягона солиқ тўлови ҳисоб-китобига 4-идованинг 050-сатри)	050	

Изоҳ:

Солиқ солинадиган ялти тушумининг:

1) 0201 - 0207-сатрларда назарда тутилган камайиши Ягона солиқ тўлови ҳисоб-китобининг "асосий фаолият тури" устунида акс эттирилади;

2) 0208, 0209, 0210, 0211, 0212-сатрларда назарда тутилган камайиши Ягона солиқ тўлови ҳисоб-китобининг мос бўлган фаолият тури устунида акс эттирилади;

3) 030-сатрда назарда тутилган камайиши Ягона солиқ тўлови ҳисоб-китобининг мос бўлган фаолият тури устунида акс эттирилади;

4) 040 ёки 050-сатрларда назарда тутилган камайиши Ягона солиқ тўлови ҳисоб-китобининг 020-сатрига мувофиқ унинг салмоғидан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир фаолият тури устунида акс эттирилади.

4-ИЛОВА

**Янги технологик асбоб-ускуналар олишга йўналтирилган
маблаглар суммаси
ҲИСОБ-КИТОБИ**

Кўрсаткич номи	Сатр коди	ҳисобот даври			
		1-чорак	ярим йил	9 ой	йил
Янги технологик асбоб-ускуналар олишга ишлатилган қопланмаган маблаглар сальдоси - жами	010				
шу жумладан:					
йил учун	0101				
йил учун	0102				
йил учун	0103				
йил учун	0104				
йил учун	0105				
Янги технологик асбоб-ускуналар олишга маблагларнинг ишлатилиши (фойдаланишга топширилган пайдан бошлаб) - жами:	020				
шу жумладан:					
ўзининг маблаглари ҳисобидан	0201				
кредитлар ҳисобидан	0202				
лизинг ҳисобидан	0203				
Солиқ солинадиган база [Ягона солиқ тўлови ҳисоб-китоби (040-сатр - 050)-сатр] - [Ягона солиқ тўлови ҳисоб-китобига 3-иллованинг (020-сатр + 030-сатр)]	030				
солиқ солинадиган базанинг 25 фоизи (030-сатр x 25 %)	040				
Солиқ солинадиган базанинг камайтирилиши [(010-сатр + 020-сатр), лекин 040-сатрдан кўп бўлмаган ҳикдорда]	050				
Қопланмаган маблаглар қолдиғи: (010-сатр + 020-сатр - 050-сатр)	060	X	X	X	

Изоҳ:

010-сатрда ўтган солиқ даврида қопланмаган маблаглар қолдиғи кўрсатилади. Мазкур сальдо солиқ даври мобайнида ўзгаришсиз кўрсатилади.

**Экспорт улушидан келиб чикиб ягона солиқ
тўлови ставкасига тузатиш киритиш**

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Жами	Шу жумладан, Ягона солиқ тўлови тўловчиси тўғрисидаги маълумотда кўрсатилган фаолият турлари бўйича (01-варақ)					
			Асосий фаолият тур - 1	2	3	4	5	6
Товарлар (ишлар, хизматлар)ни реализация қилишдан соф тушум (Ягона солиқ тўлови ҳисоб- китобининг 010-сатри) шу жумладан:	010		X	X	X	X	X	X
ўзи ишлаб чиқарган товарлар (ишлар, хизматлар)ни эркин алмаштириладиган валютада экспорт қилишдан, шу жумладан:	020		X	X	X	X	X	X
ўзи ишлаб чиқарган товарлар (ишлар, хизматлар)ни эркин алмаштириладиган валютада экспорт қилишдан (мазкур иловага изоҳда кўрсатилган хом ашё товарларини ҳисобга олмасдан)	030		X	X	X	X	X	X
ўзи ишлаб чиқарган товарлар (ишлар, хизматлар)ни эркин алмаштириладиган валютада экспорт қилишдан тушган тушумнинг товарлар (ишлар, хизматлар)ни реализация қилишдан соф тушумдаги салмоғи, фонзда (030-сатр / 010-сатр x 100)	040		X	X	X	X	X	X
Ягона солиқ тўловининг белгиланган ставкаси	050							
Ягона солиқ тўловининг тузатиш киритилган ставкаси	060							

Изоҳ:

Агар солиқ тўловчи экспорт улушидан келиб чиқиб белгиланган ставкага тузатиш киритилмаса, у ҳолда 060-сатрга 050-сатрда белгиланган ставка кўрсатилади.

Умумий реализация ҳажми десанда, барча фаолият турларидан олинган соф тушум суммаси нуқуллади. Бунда экспорт улуши ўсиб бориш тартибидида белгиланади.

Экспорт улушини ҳисоблашда ўзи ишлаб чиқарган хом ашё товарлари - пахта толаси, ип қалава, пахта линти, хом нефть, газ конденсати, нефть маҳсулотлари, табиий газ, электр энергияси, қимматбаҳо, рангли ва қора металллар, рангли ва қора металллар прокати, синиқлари ва чиқиндиларини реализация қилишга доир экспорт ҳажми ҳисобга олинмайди.

Ягона солиқ тўловининг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига ортиб борувчи якун билан:

микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан - йилнинг ҳар чорагида ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда;

микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига қирмайдиган корхоналар томонидан - ҳар ойда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади.

Ягона солиқ тўловини тўлаш ҳисоб-китобни тақдим этиш муддатидан кечиктирмай амалга оширилади.

Солиқни ҳисобга олиш (361-модда). Юридик шахслар - Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида олинган тушум солиқ тўловчининг ялпи тушумига тўлиқ миқдорда қўйилади.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида тўланган фойда солиғининг суммаси Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ юридик шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасида ягона солиқ тўловини тўлаш чоғида ҳисобга олинади.

Тўлов хабарномаси, чет давлат солиқ органининг маълумотномаси ёки чет элда солиқ тўланганлиги фактини тасдиқловчи бошқа ҳужжат чет элда тўланган фойда солиғининг суммасини ҳисобга олиш учун асос бўлади.

Солиқ ставкаси. Ушбу солиқ ставкасининг чегаравий миқдори Республика Президентининг ҳар йилги давлат бюджети параметрларини тасдиқлаш тўғрисидаги қарори асосида белгиланади. Чунончи, 2012 йил учун ягона солиқ тўлови ставкалари қуйидагича белгиланган.

Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун (савдо ва умумий овқатланиш корхоналаридан ташқари) ягона солиқ тўловни СТАВКАЛАРИ

<i>N</i>	<i>Тўловчилар</i>	<i>Солиқ ставкалари, солиқ солинадиган базага нисбатан %да</i>
1.	Иқтисодиётнинг барча тармоқлари корхоналари, 2 - 9-бандларда кўрсатиб ўтилганларидан ташқари	6*
2.	Саноат соҳасидаги корхоналар	5
2-1.	Оммавий ахборот воситаларининг таҳририятлари, нашриётлар, полиграфия ташкилотлари, телерадиоэшиттириш компаниялари	5
3.	Компьютер дастурий маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш товарлар (ишлар, хизматлар) реализацияси умумий ҳажмининг камида 80 фоизини ташкил этадиган корхоналар	5
4.	Божхона расмийлаштируви бўйича хизматларни кўрсатадиган	6

	юридик шахслар (божхона брокерлари)	
5.	Ломбардлар	30
6.	Гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланиш учун лицензияга эга бўлган юридик ва жисмоний шахсларни (шу жумладан, норезидентларни) жалб этиш йўли билан оммавий томоша тадбирларини ташкил этишдан даромад оладиган корхоналар	30
7.	Тайёрлов ташкилотлари, брокерлик идоралари (8-бандда кўрсатилганларидан ташқари), шунингдек воситачилик, топширик ва бошқа шартномалар бўйича воситачилик хизматлари кўрсатадиган корхоналар	33**
8.	Қимматли қоғозлар бозорида брокерлик фаолиятини амалга оширадиган корхоналар	13**
9.	Озик-овкат ва ноозик-овкат маҳсулотларини реализация қилиш учун тургун савдо шохобчаларини ижарага беришга ихтисослашган корхоналар (ижарага беришдан олинган даромадлар 60% дан кўпни ташкил этади)	30
10.	Ўзи ишлаб чиқарган товарлар, ишлар, хизматлар экспортининг (ишларни бажариш, хизматларни кўрсатиш жойидан қатъи назар) эркин алмаштириладиган валютадаги улушни қуйидаги миқдорларни ташкил этадиган корхоналар учун (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги ПФ-1871-сон Фармони билан тасдиқланган рўйхатда келтирилган хом ашё товарлари бундан мустасно):	
	сотишнинг умумий ҳажмида 15 фоиздан 30 фоизгача	белгиланган ставка 30% га пасайтирилади
	сотишнинг умумий ҳажмида 30 фоиз ва ундан кўп	белгиланган ставка 50% га пасайтирилади
11.	Хизматлар кўрсатиш соҳаси корхоналари учун пластик карталар қўлланиб ҳақ тўланган ҳолда кўрсатилган хизматлар ҳажми бўйича	белгиланган ставка 10% га пасайтирилади

*) Мол-мулкни молиявий ижара (лизинг)га берадиган корхоналар учун молиявий ижара (лизинг) бўйича фоизли даромад суммаси.

**) Ҳақ суммасига (яъни даромадга) нисбатан фоизларда.

**Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари,
шу жумладан, микрофирмалар ва кичик
корхоналар учун ягона солиқ тўловининг
СТАВКАЛАРИ**

<i>N</i>	<i>Тўловчилар</i>	<i>Солиқ ставкалари, солиқ солинадиган базага нисбатан %да</i>
1.	Умумий овқатланиш корхоналари	10
	улардан:	
	умумий таълим мактаблари, мактаб-интернатлар, ўрта махсус, касб-хунара ва олий ўқув юртларига хизмат кўрсатувчи ихтисослашган умумий овқатланиш корхоналари	8
2.	Чакана савдо корхоналари (4-бандда кўрсатилганларидан ташқари), куйидаги жойларда жойлашган:	
	аҳолиси сони 100 минг ва ундан кўп кишидан иборат шаҳарларда	4
	бошқа аҳоли пунктларида	2
	бориш кийин бўлган ва тоғли туманларда	1
3.	Улгуржи савдо корхоналари (4-бандда кўрсатилганларидан ташқари)	5
4.	Улгуржи ва чакана дорихона ташкилотлари, куйидаги жойларда жойлашган:	
	аҳолиси сони 100 минг ва ундан кўп кишидан иборат шаҳарларда	3
	бошқа аҳоли пунктларида	2
	бориш кийин бўлган ва тоғли туманларда	1
5.	1, 2 ва 4-бандларда кўрсатилган корхоналар учун (улгуржи дорихона ташкилотларидан ташқари), пластик карталар қўлланиб ҳақ тўланган ҳолда сотилган товарлар (кўрсатилган хизматлар) ҳажми бўйича	белгиланган ставка 10% га пасайтирилади

Изоҳ.

Агар чакана савдо корхоналари муустақил юридик шахс ҳисобланмайдиган ва турли аҳоли пунктларида жойлашган, улар бўйича ягона солиқ тўловининг турли ставкалари белгиланган бир нечта савдо шохобчаларига эга бўлса, улар ҳар бир савдо шохобчаси бўйича товар айланмасининг алоҳида-алоҳида ҳисобини юритишлари ҳамда мазкур аҳоли пунктлари учун белгиланган ставкалар бўйича ягона солиқ тўловини тўлашлари лозим.

**Айрим тоифадаги корхоналар учун ягона солиқ тўлови
СТАВКАСИ**

<i>Тўловчилар</i>	<i>Солиқ ставкалари, солиқ солинадиган базага нисбатан %да</i>
Лотереялар ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи корхоналар (мазкур фаолият тури доирасида)	33

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги ПҚ-1326-сон "Дехкон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ 2010 йилнинг 1 июлидан бошлаб чакана савдо корхоналари, микрофирмалар ва хизмат кўрсатиш соҳасининг кичик корхоналари қонун ҳужжатларига мувофиқ ягона солиқ тўловларини худди шундай фаолият турини амалга ошираётган якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган қатъий белгиланган солиқ миқдоридан кам бўлмаган суммада тўлайдиган бўлдилар. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан махсус «Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан чакана савдо корхоналари, хизмат кўрсатиш соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом» қабул қилинди ҳам у Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 18 августда 2134-сон тартиб рақам билан рўйхатга олинди. Ушбу Низом қуйидаги хизмат кўрсатиш соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналарга татбиқ этилмайди:

ягона солиқ тўлови тўловчиси бўлмаганларга;

фаолияти қонун ҳужжатларига мувофиқ факат юридик шахс шаклида ташкил этиладиган тадбиркорлик субъектларига;

факат юридик шахсларга лицензия бериладиган лицензияланадиган фаолият тури билан шуғулланадиганларга;

ЯСТни тўлашдан тўлиқ озод бўлиш имтиёзига эга бўлганларга.

ЯСТнинг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан тўланиши лозим бўлган ЯСТ суммасини аниқлаш учун тўловчилар қуйидагиларни ҳисоблаб чиқарадилар:

ЯСТнинг энг кам миқдорини;

ЯСТнинг ҳисоб-китоб суммасини;

ЯСТнинг қўшимча ҳисобланган суммасини.

ЯСТ энг кам миқдори солиқ тўловчининг асосий фаолият туридан келиб чиқиб аниқланган якка тартибдаги тадбиркорлар учун ўрнатилган ставка бўйича қатъий белгиланган солиқ суммасидан келиб чиқиб ҳисобланади. Масалан, агар солиқ тўловчининг асосий фаолият тури чакана савдо бўлса, унда ЯСТнинг энг кам миқдори чакана савдони амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар учун ўрнатилган қатъий белгиланган солиқ ставкасидан келиб чиқиб аниқланади.

Микрофирма ва кичик корхоналар учун ЯСТ энг кам миқдорининг суммаси ҳисобот чораги учун қатъий белгиланган солиқ суммаларини қўшиш орқали чорак учун ҳисоблаб чиқарилади.

Ушбу Низомнинг 5-бандига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган ЯСТнинг энг кам миқдорини ҳисобланган ЯСТ суммаси билан солиштириш учун ЯСТнинг ҳисоб-китоб суммаси бутун корхона бўйича аниқланади.

ЯСТнинг ҳисоб-китоб суммаси қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\text{ХС}_{\text{Яст}} = \text{СЯТ} \times \text{Х},$$

бунда: $\text{ХС}_{\text{Яст}}$ - ЯСТнинг ҳисоб-китоб суммаси;

СЯТ - ЯСТ бўйича конун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар қўлланилмаган ҳисобот ойи (чораги) учун солиқ солинадиган ялпи тушум;

С - ЯСТнинг ўрнатилган ставкаси.

ЯСТнинг ҳисоб-китоб суммаси бутун корхона бўйича ушбу Низомнинг 1-иловасида келтирилган шаклдаги Маълумотнома-ҳисоб-китоб (кейинги ўринларда Маълумотнома-ҳисоб-китоб деб юритилади) асосида аниқланади.

1-ИЛОВА

**Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдорини
ҳисобга олган ҳолда ягона солиқ тўловининг
МАЪЛУМОТНОМА-ҲИСОБ-КИТОБИ**

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Жами	Шу жумладан, ягона солиқ тўлови тўловчиси тўғрисидаги маълумотномада кўрсатилган фаолият турлари бўйича				
			асосий фаолият тури - 1	2	3	4	5
1	2	3	4	5	6	7	8
Ҳисобот ойи (чораги) учун солиқ солинадиган ялпи тушум (ЯСТ ҳисоб- китобининг 040-сатри - Олдинги ҳисобот даври учун ЯСТ ҳисоб-китобининг 040- сатри)	010						
Ягона солиқ тўловининг белгиланган ставкаси	020						
Ҳисобот ойи (чораги) учун ягона солиқ тўловининг ҳисоб-китоб суммаси (010-сатр x 020-сатр / 100)	030						
Қатъий белгиланган солиқнинг белгиланган ставкаси (энг кам иш ҳақига қаррали миқдорда)	040	x		x	x	X	x
Ҳисобот ойи (чораги) учун ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори	050		x	x	x	X	x
Ҳисобот ойи (чораги) учун ЯСТнинг қўшимча ҳисобланган суммаси (050-сатр - 030-сатр)	060*		x	x	x	X	x
Олдинги ҳисобот даври учун ЯСТнинг қўшимча ҳисобланган суммаси (олдинги Маълумотнома-ҳисоб-китобнинг 080-сатри)	070		x	x	x	X	x
Ҳисобот даври учун ЯСТнинг қўшимча ҳисобланган суммаси (060-сатр + 070-сатр)	080		x	x	x	X	x

*) Агар 3-устуннинг "030"-сатри 3-устуннинг "050"-сатридан катта ёки унга тенг бўлса, у ҳолда "060"-сатрда "0" қиймат кўрсатилади.

Изоҳ. Ҳисобот ойи (чораги) учун ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори солиқ тўловчининг асосий фаолият туридан ва тегишли ой (чорақ) учун белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиқиб аниқланадиган яқка тартибдаги тадбиркорлар учун белгиланган қатъий белгиланган солиқ ставкасидан келиб чиқиб ҳисоб-китоб қилинади.

ЯСТнинг ҳисоб-китоб суммаси ЯСТнинг энг кам миқдори суммасидан кам бўлган ҳолларда ЯСТ қўшимча ҳисобланади. Бунда ЯСТ энг кам миқдори

суммасининг ЯСТ ҳисоб-китоб суммасидан ортган қисми ЯСТ ҳисоб-китоби бўйича ҳисобланган ЯСТ суммасига қўшимча ҳисобланади.

Агар ЯСТ ҳисоб-китоб суммаси ЯСТ энг кам миқдоридан катта ёки унга тенг бўлса, унда ЯСТ қўшимча ҳисобланмайди ва ЯСТ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган тартибда тўланиши лозим, яъни ЯСТ ҳисоб-китоби бўйича ҳисобланган сумма тўланади.

Масалан, Тошкент шаҳрида жойлашган ноозик-овкат маҳсулотларини реализация қилувчи чакана савдо корхонаси 2010 йилнинг июль ойига ЯСТни 4% ставка бўйича ҳисоблаётган бўлсин. Мазкур корхона солиқ имтиёзларига эга эмас. Ушбу ҳолатда ЯСТнинг ҳисоб-китоб суммаси ва ЯСТ ҳисоб-китоби бўйича ҳисоблаб чиқарилган ЯСТ суммаси бир-бирига тенг бўлади. Агар ушбу Низомнинг 6-бандига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган ЯСТнинг ҳисоб-китоб суммаси ЯСТнинг энг кам миқдоридан кам бўлса, Тошкент шаҳрида ушбу кўрсаткич энг кам иш ҳақининг (кейинги ўринларда ЭКИХ деб юритилади) 10 баравари миқдорини ташкил этса, у ҳолда ЯСТ ҳисобот даври учун ЭКИХнинг 10 баравари миқдорида тўланади. Агар ЯСТнинг ҳисоб-китоб суммаси ЯСТнинг энг кам миқдоридан (ЭКИХнинг 10 баравари) кўп бўлса, у ҳолда ЯСТ ўрнатилган 4% ставка бўйича тўланади.

Агар ушбу Низомнинг 1-бандига кўрсатилган корхоналар ҳудудий жиҳатдан алоҳида бўлган юридик шахс бўлмаган бўлинмаларга, чакана савдога эга - турғун савдо шохобчаларга эга бўлса, ЯСТнинг энг кам миқдорини ҳисобга олган ҳолда ЯСТ ҳудудий жиҳатдан алоҳида бўлган ҳар бир бўлинма (турғун савдо шохобчаси) учун тўланади. Бунда ЯСТнинг энг кам миқдори ҳудудий жиҳатдан алоҳида бўлган бўлинма (турғун савдо шохобчаси) жойлашган жойдаги яқка тартибдаги тадбиркорлар учун белгиланган қатъий белгиланган солиқ ставкаларидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади.

Корхоналар солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига солиқ ҳисоботлари тақдим этиладиган муддатларда ушбу Низомнинг 2-иловасида келтирилган шакл бўйича Ҳудудий жиҳатдан алоҳида бўлган бўлинма (турғун савдо шохобчаси) тўғрисидаги маълумотни тақдим этадилар.

Агар аввал тақдим этилган маълумотлар ўзгарадиган бўлса, корхона ўзгариш юз берган ойдан кейинги ойнинг 10 кунидан кечиктирмай солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органини хабардор этади.

Масалан, Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтган озик-овкат ва ноозик-овкат маҳсулотларини реализация қилувчи савдо корхонаси юридик шахс бўлмаган шаклда турғун савдо шохобчасига эга. Савдо шохобчаларидан бири Тошкент шаҳрида жойлашган бўлиб, ушбу ҳудудда худди шундай фаолият тури билан шуғулланувчи яқка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ ойига ЭКИХнинг 10 баравари миқдорида белгиланган, иккинчиси эса Тошкент вилоятининг Ғазалкент шаҳрида жойлашган бўлиб, ушбу ҳудудда қатъий белгиланган солиқ ставкаси ойига ЭКИХнинг 3 баравари миқдорида белгиланган. Шундай қилиб, 2010 йилнинг 1 июлидан бошлаб чакана савдо корхонаси ЯСТни ушбу савдо шохобчалари жойлашган жой бўйича белгиланган ставкалар бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, ошроқ Тошкент шаҳрида жойлашган савдо шохобчаси бўйича ҳисобот даври

учун ЭКИХнинг 10 бараваридан ва Ҳазалкент шаҳрида жойлашган савдо шохобчаси бўйича эса - ЭКИХнинг 3 бараваридан кам бўлмаган миқдорда бўлади.

Бир нечта фаолият турини амалга оширувчи корхоналар учун ушбу Низом билан белгиланган тартиб, агар ушбу фаолият тури конун ҳужжатларига мувофиқ якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан амалга оширилиши мумкин бўлса ва унга, тегишинча, катъий белгиланган солиқ ставкаси белгиланган бўлса, фақат асосий фаолият турига татбиқ этилади.

1-мисол. Кичик корхона қуйидаги фаолият турларини амалга оширади:

умумий овқатланиш соҳасидаги хизматлар;

ноозик-овқат маҳсулотларининг чакана савдоси.

Умумий овқатланиш соҳасидаги хизмат кўрсатишдан тушган тушумнинг улуши умумий реализация ҳажмининг 80%ини ташкил этади. Ноозик-овқат маҳсулотларининг чакана савдосидан тушган тушумнинг улуши эса - 20%.

Корхона учун асосий фаолият тури конун ҳужжатларига мувофиқ фақат юридик шахслар шуғулланиши мумкин бўлган умумий овқатланиш соҳасида хизматлар кўрсатиш эканлигини инобатга оладиган бўлсак, ушбу Низом билан белгиланган тартиб ушбу корхонага татбиқ этилмайди.

2-мисол. Тошкент шаҳрида жойлашган кичик корхона қуйидаги фаолият турларини амалга оширади:

озик-овқат маҳсулотларининг чакана савдоси;

автомобиль транспортида юклар ташиш бўйича хизматлар;

воситачилик хизматлари.

Озик-овқат маҳсулотларининг чакана савдосидан тушумнинг улуши умумий реализация ҳажмининг 60%ини ташкил этади. Автомобиль транспортида юклар ташиш бўйича хизматлар кўрсатишдан тушган тушумнинг улуши умумий реализация ҳажмининг - 30%ини, воситачилик хизматлари кўрсатишдан тушган тушумнинг улуши эса - 10%ини ташкил этади.

Ушбу корхона учун озик-овқат маҳсулотларининг чакана савдоси асосий фаолият туридир. Ушбу фаолият тури якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан амалга оширилиши мумкин ва у бўйича катъий белгиланган солиқ ставкаси ўрнатилган. Шундай қилиб, ушбу корхона ЯСТни конун ҳужжатларида белгиланган тартибда, бироқ озик-овқат маҳсулотларининг чакана савдоси соҳасида фаолият амалга ошираётган якка тартибдаги тадбиркор томонидан тўланадиган катъий белгиланган солиқ суммасига тенг бўлган ЯСТнинг энг кам миқдоридан кам бўлмаган суммада бўлади.

3-мисол. Тошкент шаҳрида жойлашган кичик корхона - сартарошхона мажмуавий хизматларни кўрсатади: сартарошлик хизмати, маникюр, педикюр, косметолог хизматлари. Ушбу хизмат турларини кўрсатувчи якка тартибдаги тадбиркорлар учун катъий белгиланган солиқ ставкаси Тошкент шаҳри учун ойига ЭКИХнинг 6,5 баравари миқдорида белгиланган.

Ушбу ҳолатда, бутун корхона бўйича бўлиниши лозим бўлган ЯСТ суммаси, ЯСТнинг энг кам миқдоридан - ойига ЭКИХнинг 6,5 бараваридан кам бўлмаслиги лозим.

4-мисол. Кичик корхона қуйидаги фаолият турларини амалга оширади:

юк ташиш бўйича хизматлар;

худудий жихатдан алохида бўлган таркибий тузилма томонидан амалга ошириладиган ноозиқ-овкат махсулотларининг - автомобиль эхтиёт қисмларининг чакана савдоси.

Юк ташиш хизматлари кўрсатишдан тушган тушумнинг улуши умумий реализация ҳажмининг 60%ини ташкил этади. Ноозиқ-овкат махсулотлари чакана савдосидан тушган тушумнинг улуши умумий реализация ҳажмининг 40%ини ташкил этади.

Ушбу қорхона учун юк ташиш хизматлари асосий фаолият туридир. Ушбу фаолият тури якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан амалга оширилиши мумкин ва у бўйича қатъий белгиланган солиқ ставкаси ўрнатилган. Ушбу ҳолатда, бутун қорхона бўйича тўланиши лозим бўлган ЯСТ суммаси, юклар ташишни амалга ошираётган якка тартибдаги тадбиркор учун белгиланган қатъий белгиланган солиқ суммасидан кам бўлмаслиги лозим. Бунда, ушбу қорхона учун ноозиқ-овкат махсулотлари чакана савдоси асосий фаолият тури маслигини ҳисобга оладиган бўлсак, ЯСТнинг энг кам миқдори ноозиқ-овкат махсулотларининг чакана савдоси қисми бўйича таъбиқ этилмайди.

Агар қорхона ташишни қатъий белгиланган солиқ ставкалари транспорт воситаларининг юк кўтариш қувватларига қараб табақалашган ҳар хил юк кўтариш қувватига эга юк автомобиллари орқали амалга оширса, ЯСТнинг энг кам миқдори ҳар хил юк кўтариш қувватига эга автомобиллардан фойдаланишдан олинган реализация қилишдан тушган тушумни ҳисобга олган ҳолда аниқланадиган қатъий белгиланган солиқнинг ўртача аниқланган ставкалари асосида ҳисобланади.

Масалан, кичик қорхона ҳисобот даврида қуйидаги юк кўтариш қувватига эга автомобиллардан фойдаланишдан қуйидагича тушум олган:

2,5 тонналик - 106 722 минг сўм (қатъий белгиланган солиқ ставкаси - ЭКИХнинг 5,5 баравари);

12 тонналик - 11 106 минг сўм (қатъий белгиланган солиқ ставкаси - ЭКИХнинг 13 баравари).

Ўртача аниқланган ставка қуйидаги тартибда ҳисобланади:

$106\,722 \times 5,5 + 11\,106 \times 13 = 731\,349$ минг сўм.

$731\,349 / (106\,722 + 11\,106) = \text{ЭКИХнинг } 6,2 \text{ баравари}$

Шундай қилиб, ЯСТнинг энг кам миқдорини аниқлаш учун ЭКИХнинг 6,2 баравари миқдоридаги қатъий белгиланган солиқ ставкасидан фойдаланилиши лозим.

ЯСТнинг энг кам миқдори юритилган фаолият тури тўхтатилган тақдирда, юридик шахс солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига ушбу Низомнинг 3-иловасида келтирилган шакл бўйича ёзма хабарнома тақдим этади.

Юридик шахс хабарнома тақдим этилган ойнинг кейинги ойдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида белгиланган тартибда ЯСТ тўлайди.

Агар қорхона ҳисобот даврида ЯСТнинг энг кам миқдори юритилган фаолият турини тўхтатса ва ушбу Низомнинг 10-бандида кўрсатилган

хабарномани тақдим этмаган тақдирда, мазкур корхона ЯСТни ушбу Низомда назарда тутилган тартибда ЯСТнинг энг кам миқдорини ҳисобга олган ҳолда тўлайди.

Агар ҳисобот ойи (чораги) якунлари бўйича корхонанинг асосий фаолият тури худди шундай фаолият турини амалга оширувчи яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган катъий белгиланган солиқ миқдорида ЯСТнинг энг кам миқдори белгиланган чакана савдо ёки хизмат кўрсатиш бўлмаса, у ҳолда ушбу корхона ЯСТни Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ тўлайди.

Бунда қўшимча ҳисобланган ЯСТ суммасининг ўсиб борувчи якуни олдинги ҳисобот даври учун ЯСТ ҳисоб-китоби бўйича ҳисобланган ЯСТнинг қўшимча ҳисобланган суммасига тенг деб қабул қилинади.

"Янги ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналарга ягона солиқ тўловини тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқини бериш тартиби тўғрисида"ги низом билан белгиланган тартибда ЯСТни тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқи берилган янги ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналар қўшимча ҳисобланган ЯСТ суммасини ЯСТнинг кечиктирилган суммаларини тўлаш билан бир вақтда тўлайдилар.

Ушбу Низом татбиқ этиладиган солиқ тўловчилар ЯСТ ҳисоб-китоби билан бирга ушбу Низомнинг 6-бандида кўрсатилган Маълумотнома-ҳисоб-китобни тақдим этадилар.

ЯСТ ҳисоб-китобига тақдим этилган Маълумотнома-ҳисоб-китобдан келиб чиққан ҳолда куйидаги сатрлар киритилади:

"170" - қўшимча ҳисобланган ЯСТ. Ушбу сумма Маълумотнома-ҳисоб-китобнинг "080"-сатридан ўтказилади;

"180" - ҳисобот даври учун тўланиши лозим. "180"-сатрда ЯСТ ҳисоб-китобининг "130", "150" ва "170"-сатрлари йиғиндиси кўрсатилади.

2011 йилнинг 1 июлидан бошлаб ЯСТ тўловчилари ЯСТни Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган тартибда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тегишли йил учун тасдиқланган ставкалар бўйича, лекин энг кам миқдордан - эгаллаб турган ер майдонидан келиб чиқиб, ушбу Низомнинг 1-иловасида кўрсатилган пасайтирувчи коэффициентларни ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаб чиқарилган ер солигининг уч бараваридан кам бўлмаган миқдорда тўлайдилар.

1-ИЛОВА

Камайтирувчи коэффициентлар

Тўловчилар	Коэффициент
Амалга ошираётган фаолият турига боғлиқ ҳолда (К1)	
1. Асосий фаолият тури товар ишлаб чиқариш (саноат соҳаси) бўлган микрофирма ва кичик корхоналар	0,5
2. Асосий фаолият тури куйидагилар бўлган ташкилотлар: улғуржи савдо (ўзининг ёки ижарага олган оմборхоналари мавжуд бўлган тақдирда);	0,35

автомобиль транспортида йўловчиларни ва юкларни ташиш бўйича хизматлар (автотранспортни сақлаш учун ер участкалари мавжуд бўлган ҳолларда) кўрсатиш;	
божхона назорати остида божхона омборларида товарларни сақлаш бўйича хизматлар (ўзининг ёки ижарага олган омборхоналари мавжуд бўлган ҳолларда) кўрсатиш	
4. Машина-трактор парклари	0,35
5. Улгуржи, улгуржи-чакана ва чакана дорихона ташкилотлариغا	0,2
6. Янги цехларни қуришни, уларнинг модернизациясини, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашни амалга оширувчи, шу жумладан, инвестиция мажбуриятларига мувофиқ инвестицияларни амалга оширувчи, ушбу ишларни амалга ошириш даврида товарлар ишлаб чиқаришни амалга оширмаётган микрофирма ва кичик корхоналар - ушбу ишларни амалга ошириш даврига, бироқ ушбу ишларни амалга оширилиши бошлаш санаидан бошлаб 24 ойдан ошмаган даврга	0,35
7. Қурилиш учун ажратилган ерларда уй-жой қуришни амалга оширувчи микрофирма ва кичик корхоналар - норматив қурилиш даври (у мавжуд бўлмаганда - 1 йил) учун	0,35
8. Қон ва қарьерларни ободонлаштиришни, шу жумладан, уларнинг рекултивациясини амалга оширувчи микрофирма ва кичик корхоналар	0,1
Юридик шахснинг жойлашган жойига боғлиқ ҳолда (K2)	
Амалга ошираётган фаолият туридан қатъи назар, бориш қийин бўлган ва ёқин ҳудудларда жойлашган ташкилотлар учун	0,7

Ушбу Низом қуйидагиларга татбиқ этилмайди:

а) ягона солиқ тўловини Ягона солиқ тўловининг базавий миқдори қиринтилиши муносабати билан чакана савдо корхоналари, хизмат кўрсатиш соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ айнан шундай фаолият турини амалга ошираётган яқка тартибдаги кичиккорлар томонидан тўланадиган қатъий белгиланган солиқ миқдоридан кам бўлмаган миқдорда тўлайдиган чакана савдо корхоналари, хизмат кўрсатиш соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналарга;

б) қуйидаги юридик шахсларга:

ЯСТ тўловчиси бўлмаганларга;

ЯСТ тўлашдан тўлиқ озод этилиш қўринишида имтиёзга эга бўлганларга; ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинганларга нисбатан.

ЯСТнинг энг кам миқдорини ҳисоблаб чиқаришда юридик шахслар томонидан мулк ҳуқуқи, эгаллик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида фойдаланиладиган ер участкалари ҳисобга олинади, бундан қуйидагилар мустасно:

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 280-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ солиқ солиш объекти сифатида қаралмайдиган ер участкалари;

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 282-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ солиқ солинмайдиган ер участкалари;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига асосан тенглик асосида дипломатик ваколатхоналарни жойлаштириш учун берилган ер участкалари.

Ер участкасидан бир нечта юридик шахс биргаликда фойдаланганда ЯСТнинг энг кам миқдори солиқ тўловчи томонидан фойдаланилаётган ер участкаси майдонига тўғри келувчи улушдан келиб чикиб ҳисоблаб чиқарилган ер солиғи суммасидан ҳисобланади.

Агар алоҳида бино бир нечта юридик шахс балансида турган бўлса, ЯСТнинг энг кам миқдори солиқ тўловчи балансида турган хоналар майдонига мутаносиб равишда ҳисоблаб чиқарилган ер солиғи суммасидан келиб чикиб ҳисобланади.

Агар юридик шахс тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун бинони ёки бинонинг бир қисмини ижарага олса, ЯСТнинг энг кам миқдори мазкур юридик шахс томонидан ижарага олинган хоналар майдонидан келиб чикиб ҳисобланади. Агар юридик шахс кўп қаватли бинонинг бир қисмини ижарага олса, ЯСТнинг энг кам миқдори бино эгаллаган умумий ер майдони ва мазкур юридик шахс томонидан ижарага олинган хоналарга тўғри келувчи улушдан келиб чикиб ҳисобланади. Бунда мазкур юридик шахсга мазкур банднинг солиқ солинадиган базадан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 282-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ солиқ солинмайдиган ер участкаларини чиқариб ташлаш қисмида амал қилиши татбиқ этилмайди.

Ушбу Низомнинг амал қилиши татбиқ этиладиган ЯСТ тўловчилари хар йили 1 февралгача солиқ бўйича ҳисобга қўйилган жойдаги давлат солиқ хизмати органига ушбу Низом 2-иловасига мувофиқ шакл бўйича Ягона солиқ тўловчининг энг кам миқдорининг Маълумотнома-ҳисоб-китобини (кейинги ўринда Маълумотнома деб юритилади) тақдим этадилар.

Ушбу Низомнинг 1-бандида кўрсатилган ЯСТнинг энг кам миқдорини ҳисобга олган ҳолда ЯСТни тўлашга ўтган юридик шахслар йил мобайнида Маълумотномани солиқ бўйича ҳисобга қўйилган жойдаги давлат солиқ хизмати органига ҳисобот даври учун ЯСТ ҳисоб-китобини тақдим этиш муддатларидан кечиктирмай тақдим этадилар.

Қайси ер участкаларига бўлган мулк ҳукуқи, эгаллик қилиш ҳукуқи, фойдаланиш ҳукуқи ёки ижара ҳукуқи йил мобайнида солиқ тўловчига ўтган бўлса, ўша ер участкалари ЯСТнинг энг кам миқдорини ҳисоблаб чиқаришда ер участкаларига тегишли ҳуқуқ вужудга келганидан кейинги ойдан эътиборан ҳисобга олинади.

ЯСТнинг энг кам миқдорини ҳисоблаб чиқаришда ер участкаси майдонининг қамайтирилиши ер участкаси майдони қамайтирилган ойдан эътиборан ҳисобга олинади.

Ижарага олинган хоналар майдонининг қатталашуви (қамайиши) ЯСТнинг энг кам миқдорини ҳисоблаб чиқаришда ижарага олинган хоналар майдони қатталашуви (қамайиши) содир бўлган ойдан бошлаб ҳисобга олинади.

Бунда юридик шахслар ҳисобот даври учун ЯСТ ҳисоб-китобини тақдим этиш муддатларидан кечиктирмай солиқ бўйича ҳисобга қўйилган жойдаги давлат солиқ хизмати органига аниқлаштирилган Маълумотномани тақдим этадилар.

ЯСТнинг энг кам миқдори киритилишини ҳисобга олган ҳолда ЯСТнинг ўланини лозим бўлган суммасини аниқлаш учун тўловчилар қуйидагиларни ҳисоблаб чиқарадилар:

ЯСТнинг энг кам миқдорини;

ЯСТнинг ҳисоб-китоб суммасини;

ЯСТнинг қўшимча ҳисобланган суммасини.

ЯСТнинг энг кам миқдори қуйидагича ҳисоблаб чиқарилади:

микрофирма ва кичик корхоналар томонидан - ҳар чоракда;

микрофирма ва кичик корхоналарга кирмайдиган корхоналар томонидан - ҳар ойда.

ЯСТнинг энг кам миқдори қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\text{ЭКМяст} = 3 \times \text{С} \times \text{К1} \times \text{К2}, \text{ бу ерда:}$$

ЭКМяст - ЯСТнинг энг кам миқдори;

С - ер солиғи. Ер солиғини ҳисоблаб чиқаришда мазкур жой ва ер тоифаси учун белгиланган энг кам ставкалар қўлланилади.

Мисол учун, Тошкент шаҳрида - 1-зона учун, Самарқанд шаҳрида - 4-зона учун, Хива шаҳрида эса 3-зона учун белгиланган ер солиғи ставкалари қўлланилади.

Ер солиғи қуйидагича ҳисоблаб чиқарилади:

микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан - бир чорак ҳисобида (ер участкаси (ижарага олинган хона) майдони $\times$ белгиланган ставка) / 4);

микрофирма ва кичик корхоналарга кирмайдиган корхоналар томонидан - бир ой ҳисобида (ер участкаси (ижарага олинган хона) майдони $\times$ белгиланган ставка) / 12);

К1 - амалга оширилаётган фаолият туридан келиб чиқиб қўлланиладиган ушбу Низомнинг 1-иловасида кўрсатилган пасайтирувчи коэффициент;

К2 - юридик шахснинг жойлашган жойидан келиб чиқиб қўлланиладиган ушбу Низомнинг 1-иловасида кўрсатилган пасайтирувчи коэффициент.

Ҳисобланган ЯСТ суммасини ушбу Низомнинг 7 ва 8-бандларига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган ЯСТ суммаси билан таққослаш учун ЯСТнинг ҳисоб-китоб суммаси бутун корхона бўйича аниқланади.

ЯСТнинг ҳисоб-китоб суммаси қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\text{ХСяст} = \text{СЯТ} \times \text{С}, \text{ бунда:}$$

ХСяст - ЯСТнинг ҳисоб-китоб суммаси;

СЯТ - ЯСТ бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар қўлланилмаган ҳолдаги ҳисобот ойн (чорак) учун солиқ солинадиган ялпи тушум;

С - ЯСТнинг белгиланган ставкаси.

ЯСТнинг ҳисоб-китоб суммаси бутун корхона бўйича ушбу Низомнинг 3-иловасида келтирилган шаклдаги Маълумотнома-ҳисоб-китоб (кейинги ўринларда маълумотнома-ҳисоб-китоб деб юритилади) асосида аниқланади.

ЯСТнинг ҳисоб-китоб суммаси ЯСТнинг энг кам миқдори суммасидан кам бўлган ҳолдагина ЯСТ қўшимча ҳисобланади. Бу ҳолда ЯСТнинг энг кам миқдори суммасининг ЯСТ ҳисоб-китоб суммасидан ортган қисмига ЯСТ ҳисоб-китоби бўйича ҳисобланган ЯСТ суммаси қўшимча ҳисобланади.

Агар ЯСТ ҳисоб-китоб суммаси ЯСТнинг энг кам миқдоридан ошса ёки унга тенг бўлса, унда ЯСТ қўшимча ҳисобланмайди ва ЯСТ Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига белгиланган тартибда тўланиши лозим, яъни ЯСТ ҳисоб-китоби бўйича ҳисобланган сумма тўланади.

Агар ҳисобот даври якуни бўйича корхонанинг асосий фаолият тури худди шундай фаолият турини амалга оширувчи яқка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган қатъий белгиланган солиқ суммаси миқдорида ЯСТнинг энг кам миқдори белгиланган чакана савдо ёки хизматлар кўрсатиш бўлса, корхона ЯСТни Ягона солиқ тўловининг базавий миқдори киритилиши муносабати билан чакана савдо корхоналари, хизмат кўрсатиш соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ тўлайди.

Бунда қўшимча ҳисобланган ЯСТ суммасининг ўсиб боровчи якуни олдинги ҳисобот даври учун ЯСТ ҳисоб-китоби бўйича ҳисобланган ЯСТнинг қўшимча ҳисобланган суммасига тенг деб қабул қилинади.

Янги ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналарга ягона солиқ тўловини тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқини бериш тартиби тўғрисидаги низом билан белгиланган тартибда ЯСТни тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқи берилган янги ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналар қўшимча ҳисобланган ЯСТ суммасини ягона солиқ тўловининг кечиктирилган суммаларини тўлаш билан бир вақтда тўлайдилар.

Ушбу Низом татбиқ этиладиган ЯСТ тўловчилари ЯСТ ҳисоб-китобига ушбу Низомнинг 9-бандида кўрсатилган Маълумотнома-ҳисоб-китобни тақдим этадилар.

ЯСТ ҳисоб-китобига тақдим этилган Маълумотнома-ҳисоб-китобдан келиб чиққан ҳолда қуйидаги сатрлар киритилади:

"170" - қўшимча ҳисобланган ЯСТ суммаси. Ушбу сумма Маълумотнома-ҳисоб-китобнинг "070"-сатридан ўтказилади;

"180" - ҳисобот даври учун тўланиши лозим. "180" сатрда ЯСТ ҳисоб-китобининг "130", "150" ва "170" сатрлари йиғиндиси кўрсатилади.

Республикаимиз Солиқ кодексига ва бошқа меъёрий ҳужжатларида келтирилган юқоридаги тартиб-қоидаларга тўлиқ амал қилинаётганлигини аниқлаш ягона солиқ тўлови аудитининг асосий вазифалари ҳисобланади. Ушбу вазифаларни тўлиқ ва тўғри адо этиш ягона солиқ тўлови аудитини қуйида келтирилган кетма-кетликда ўтказишни тақозо этади.


Ягона солиқ тўловининг аудити «Ягона солиқ тўлови ҳисоб-китоби», унга қилинадиган иловалар, «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот», бош китоб, журнал-ордерлар ва бошланғич ҳужжатлар асосида ўтказилади.

Бюджетга тўланадиган ягона солиқ тўлови суммаси, юқорида таъкидланганидек, корхонанинг ҳисобот даврида эришган барча солиқ солинадиган ялли тушум суммасининг реаллигига бевосита боғлиқ. Шу боис

ҳим, аудиторларнинг асосий вазифаси, даставвал, «Ягона солиқ тўлови ҳисоб-китоби»нинг 040-сатрида кўрсатилган ялпи тушумни ташкил қилувчи барча даромадлар реаллигини текширишдан иборатдир.

Солиқ солинадиган ялпи тушум суммасининг реаллиги уларни акс эттирувчи счётлар кесимида гувоҳлик берувчи ҳужжатлар асосида текширилади. Унинг натижалари аудиторларнинг махсус иш ҳужжатлари бўлган жадваллар кўринишида тизимлаштирилади. Ушбу ишчи ҳужжатларнинг якуний маълумотлари аудитор томонидан тузиладиган йиғма таққосламали «Жами ялпи тушум қайдномаси»да умумлаштирилади. Ушбу таққосламали қайдномада ҳисобот йилида турли ставкаларда соликка тортиладиган алоҳида фаолият турлари бўйича олинган даромадлар корхона ва текширув маълумотлари кесимида кўрсатилади, шунингдек алоҳида фаолият турларидан олинган даромадлар бўйича йўл қўйилган четланишнинг суммаси акс эттирилади.

Шундан сўнг ягона солиқ тўлови базаси суммасининг тўғри шакллантирилганлиги текширилади. Бу вазифани бажариш учун, дастлаб, ялпи тушумдан чегириб ташланадиган солиқ солиш объекти сифатида қаралмайдиган даромадлар (Ягона солиқ тўлови ҳисоб-китобига 2-илованинг 010-сатри) ва солиқ солинадиган ялпи тушумнинг камайтирилиши (Ягона солиқ тўлови ҳисоб-китобига 3-илованинг 010-сатри)га доир маълумотлар реаллиги бирма-бир текшириб чиқилиши лозим. Бу кўрсаткичлар бўйича текширув натижаларини тегишли иловаларга қўшимча устунчаларни киритиш ва уларда, мос равишда, текширишда аниқланган суммалар ҳамда четланишларни кўрсатиш мақсадга мувофиқ.



Юкоридаги муолажалар бажарилгач, ягона солиқ тўлови суммаси ҳар бир фаолият тури бўйича солиққа тортиладиган базани тегишли ставкага (тузатилган ставкага) кўпайтириш йўли билан ҳисобланади. Шу йўл билан фаолият турлари бўйича топилган солиқ суммалари уларнинг корхона ҳисоботида кўрсатилган суммалар билан таққосланади. Бундай таққослаш ягона солиқ тўловининг ҳар бир фаолият турига тўғри келувчи суммасини тўғрилиги ёки у бўйича йўл қўйилган четланиш суммасини топишга имкон беради.

Бюджетга ҳисобланган ягона солиқ тўлови суммаси корхоналарнинг соф фойдасига бевосита таъсир кўрсатади. Чунончи, ушбу солиқни кўп ҳисобланганлиги корхонанинг соф фойдасини ҳисоботда кам қилиб кўрсатишга ва, аксинча, унинг кам ҳисобланганлиги эса корхонанинг соф фойдасини ҳисоботда кўп қилиб кўрсатишга олиб келади. Шу боис ҳам, ягона солиқ тўловининг ҳисобланиши лозим бўлган реал суммаси топилгач, аудиторларнинг муҳим вазифаси бўлиб бу солиқ бўйича йўл қўйилган четланишларни «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот»нинг фойдадан бошқа солиқлар сатрига, мос равишда соф фойда сатрига олиб борилган суммаларига тузатишлар киритиш ҳисобланади.

Ҳисобланган ягона солиқ тўловини ҳисобот даврлари бўйича тўлаш тартибига риоя этилганлигини, унга доир бошқа кўрсаткичларни, молиявий санкциялар, дебиторлик ёки кредиторлик қарзларни тўғри ҳисобланганлиги ҳамда ҳисоб ва ҳисоботда реал акс эттирилганлигини, бошланғич ҳужжатларни, бухгалтерия ёзувларини, уларда суммаларни тўғри акс эттирилганлигини текшириш учун худди бошқа солиқлар сингари юқорида келтирилган шакллardaги аудиторлик иш ҳужжатларини тузиш лозимдир.

Ягона солиқ тўлови солиғи бўйича аудиторлик хатарини камайтириш учун қуйидагиларга амал қилиш ўта муҳим ҳисобланади:

- * ягона солиқ тўлови базасини аниқлашга асос бўладиган кўрсаткичларга оид исботу-далилларни тўлиқ тўплаш, бу кўрсаткичларни танлаб текширишга йўл қўймаслик;

- *солиқ ставкасини тўғри қўлланилганлигига тўлиқ иқроф бўлиш;

- *текширув натижаларини аудиторлик ҳисоботида атрофлича очиб бериш.

2. ЯГОНА ЕР СОЛИҒИНИНГ АУДИТИ

Солиқ тўловчилар. Ягона ер солиғини тўловчилар қуйидагилардир:

қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар;

қишлоқ хўжалиги йўналишидаги илмий-тадқиқот ташкилотларининг тажриба-экспериментал хўжаликлари ва таълим муассасаларининг ўқув-тажриба хўжаликлари.

Агар ушбу модданинг учинчи қисмида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, бир вақтнинг ўзида қуйидаги шартларга жавоб берадиган юридик шахслар солиқ солиш мақсадида қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар жумласига қиради:

ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва ўзи етиштирган мазкур маҳсулотни қайта ишлаш ёхуд ер участкаларидан фойдаланган ҳолда фақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш асосий фаолият тури бўлган юридик шахслар;

қишлоқ хўжалигини юритиш учун маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ўзларига белгиланган тартибда берилган ер участкаларига эга бўлган юридик шахслар;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва ўзи етиштирган мазкур маҳсулотни қайта ишлаш улуши реализация қилиш ёки қайта ишлаш учун олинган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ўз ичига олувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва қайта ишлаш умумий ҳажмида камиди 50 фоизни ташкил этадиган юридик шахслар.

Ушбу модда иккинчи қисмининг иккинчи ва учинчи хатбошиларида назарда тутилган шартларга жавоб берадиган янгидан ташкил этилган қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан ягона ер солигини тўловчилар бўлади.

Қуйидагилар ягона ер солигини тўловчилар сифатида қаралмайди:

ўрмон ва овчилик хўжаликлари;

юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари.

Ягона ер солигини тўлаш тартибини қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари. Ягона ер солигини тўлаш тартибини қўллаш учун солиқ тўловчи ҳар йили жорий солиқ даврининг 1 февралига қадар солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ўтган солиқ даврида қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва қайта ишлашнинг умумий ҳажмида қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг ўзи етиштирган ва қайта ишлаган улуши кўрсатилган маълумотномани тақдим этади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва қайта ишлашнинг умумий ҳажмида қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг ўзи етиштирган ва қайта ишлаган улушини аниқлашда Солиқ Кодекснинг 132-моддасида назарда тутилган бошқа ларомадлар ҳисобга олинмайди.

Агар ўтган солиқ даври якунлари бўйича ягона ер солиги тўловчи ушбу Кодекс 362-моддасининг иккинчи қисмида белгиланган шартларга жавоб бермаса, солиқ тўловчи жорий солиқ даврининг бошидан бошлаб умумбелгиланган солиқларни ёки ягона солиқ тўловини тўлашга ўтиши керак.

Микрофирмалар ва кичик корхоналар тоифасига кирадиган солиқ тўловчи ушбу Кодекс 362-моддасининг иккинчи қисмида белгиланган шартларга жавоб бермай қўйган солиқ давридан кейинги йилнинг 1 февралидан кечиктирмай давлат солиқ хизмати органига солиқ солиш тартибини танлаш тўғрисида ёзма билдириш тақдим этади. Солиқ тўловчининг ёзма билдиришни белгиланган мулатда тақдим этмаганлиги унинг умумбелгиланган солиқларни тўлашга рўйхатчи деб ҳисобланади.

Ягона ер солигини тўлашдан умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтган солиқ тўловчи ушбу Кодексда назарда тутилган юридик шахслардан олинган фойда солиги, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани

ривожлантириш солиғи ва юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича у умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтган солиқ даврининг биринчи чораги учун жорий тўловларни тўлашдан озод қилинади.

Умумбелгиланган солиқларни ёки ягона солиқ тўловини тўлашга ўтган ягона ер солиғини тўловчи ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган тартибга мувофиқ факат навбатдаги солиқ даври бошидан бошлаб яна ягона ер солиғини тўлашга ўтишга ҳақлидир.

Ушбу Кодекс 362-моддасининг иккинчи қисмида белгиланган шартларга жавоб берадиган қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар, шунингдек қишлоқ хўжалиги йўналишидаги илмий-тадқиқот ташкилотларининг тажриба-экспериментал хўжаликлари ва таълим муассасаларининг ўқув-тажриба хўжаликлари фаолиятининг ягона ер солиғини тўлаш татбиқ этиладиган қисми бўйича солиқ солишнинг бошқача тартибини танлаш ҳуқуқига эга эмас.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва қайта ишлаш билан боғлиқ бўлмаган фаолият турларини амалга оширишда ягона ер солиғи тўловчи мазкур фаолият турлари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритиши шарт.

Ушбу Кодекс 350-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ солиқ солиш тартибини танлаш ҳуқуқи сақлаб қолинган микрофирмалар ва кичик корхоналар фаолиятнинг бошқа турлари бўйича корхоналарнинг тегишли тоифалари учун белгиланган ставкалар бўйича ягона солиқ тўлови тўлаши мумкин. Микрофирмалар ва кичик корхоналар тоифасига қирмайдиган ёки солиқ тўловчи умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтиши керак.

Ягона ер солиғини тўловчилар учун ушбу Кодекснинг 132-моддасида назарда тутилган бошқа даромадларга солиқ солинмайди, дивидендлар ва фоизлар, биргаликдаги фаолиятдан олинган даромадлар бундан мустасно.

Биргаликдаги фаолиятдан олинадиган даромадларга ягона ер солиғи тўловчиди дивидендларга солиқ солиш учун белгиланган ставкалар бўйича солиқ солинади.

Махсус қондалар. Ер участкалари ижарага (шу жумладан ички хўжалик пудратига) берилганида ягона ер солиғини тўлаш мажбурияти ижарага берувчининг зиммасида сақланиб қолади.

Солиқ солиш объекти. Қонун ҳужжатларига мувофиқ қишлоқ хўжалигини юритиш учун эгалик қилишга, фойдаланишга ёки ижарага берилган ер участкаси солиқ солиш объектидир.

Солиқ солинадиган база. Солиқ солинадиган ер участкаларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган норматив қиймати солиқ солинадиган базадир.

Эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи йил мобайнида вужудга келган ер участкалари учун солиқ солинадиган база ер участкаларига бўлган ҳуқуқ вужудга келган ойдан кейинги ойдан бошлаб ҳисоблаб чиқарилади. Ер участкаси майдони камайтирилган тақдирда, солиқ солинадиган база ер участкаси майдони камайтирилган ойдан бошлаб камайтирилади.

Юридик шахсларда ягона ер солиғи бўйича имтиёзга бўлган ҳуқуқлар вужудга келганда солиқ солинадиган база бу ҳуқуқ вужудга келган ойдан

бошлаб камайтирилади. Ягона ер солиғи бўйича имтиёзга бўлган ҳуқук тугатилган тақдирда, солиқ солинадиган база бу ҳуқук тугатилган ойдан кейинги ойдан бошлаб кўлайтирилади.

Имтиёзлар. Ягона ер солиғини тўлашдан қуйидагилар озод қилинади:

Солиқ Кодекси 362-моддаси иккинчи қисмининг иккинчи ва учинчи хатбошиларида назарда тутилган шартларга мувофиқ келган тақдирда, янги ташкил этилган кишлоқ хўжалиғи товарлари ишлаб чиқарувчилар давлат рўйхатидан ўтказилган ойдан бошлаб икки йил муддатга. Мазкур имтиёз тугатилган фермер хўжаликлари базасида ташкил этилган фермер хўжаликларига татбиқ этилмайди;

ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъектлари - юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказувчи орган ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилинган кундан эътиборан. Ихтиёрий тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таомили тугатилган ва фаолият қайта тикланган тақдирда ушбу имтиёз қўлланилмайди ҳамда солиқ суммаси имтиёз қўлланилган бутун давр учун тўлиқ миқдорда ундирилади.

Кишлоқ хўжалиғи товарлари ишлаб чиқарувчилар - ягона ер солиғи тўловчиларга ушбу Кодекс 282-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ер солиғи бўйича имтиёзлар ҳам татбиқ этилади.

Солиқ даври. Календарь йил солиқ давридир.

Солиқни ҳисоблаб чиқариш, солиқ ҳисоб-китобларини тақдим этиш ва солиқни тўлаш тартиби. Ягона ер солиғи суммаси ер участкаларининг норматив қиймати ва ягона ер солиғининг белгиланган ставкасидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Солиқ тўловчининг ер участкалари тўғрисида МАЪЛУМОТ

Ер участкаларининг жойлашган жойи	Сатр коди	Ер участкаси майdonи (га)
Юридик шахс ҳисобда турган ҳудудда жойлашган ер участкалари - жами	010	
шу жумладан:		
	0101	
	0102	
	0103	
	0104	
	0105	

Юридик шахс ҳисобда турган ҳудуддан ташқарида жойлашган ер участкалари – жами	020	
шу жумладан:		
	0201	
	0202	
	0203	
	0204	
	0205	
Ер участкаларининг жами майдони (010-сатр + 020-сатр)	030	

**Жерий солиқ даврининг 1 январдаги
ҳолати бўйича ягона ер солиғи
ХИСОБ-КИТОБИ**

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Майдон, га	Ернинг норматив қиймати, минг сўм.		Сумма
			1 га учун	жами ер майдони учун (3-устун х 4-устун)	
1	2	3	4	5	6
Жами ер майдони, шу жумладан:	010				x
Экин ерлар:	011				x
Сугорилади, ан	0111				x
Лалми	0112				x
Боғлар:	012				x
Сугориладиган	0121				x
Лалми	0122				x
Узумзорлар:	013				x
Сугориладиган	0131				x
Лалми	0132				x
Бошқа кўп йиллик дарахтзорлар:	014				x
Сугориладиган	0141				x
Лалми	0142				x
Бўз ерлар:	015				x
Сугориладиган	0151				x

Давлат	0152				x
Ишчи-хўр ва яйдовлар:	016				x
Сўғориладиган	0161				x
Сўғорилмайдиган	0162				x
Навотий иморатлар ва ҳовлилар	017				x
Жами солиқ солинмайдиган ерлар - мажмуур Ҳисоб-китоб иловасининг 010-сатри	020				x
Солиқ солинадиган база (010-сатр - 020-сатр)	030				x
Йилга ер солиғи учун белгиланган ставкаси, %	040	x	x	x	
Солиқ даври учун тўланадиган солиқ суммаси, шу жумладан, тўлаш муддатлари бўйича: (5-устун 030-сатр x 040-сатр) x 1000	050	x	x	x	
1 июлгача (20%)	0501	x	x	x	
1 сентябргача (30%)	0502	x	x	x	
1 декабргача (солиқнинг қолган миқдори)	0503	x	x	x	

Изоҳ: Фермер хўжаликлари жами солиқ суммасидан 97,5 % Давлат бюджетига ва 2,5 % - Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармасига тўлайдилар.

Солиқ солинмайдиган ерлар

Солиқ солинмайдиган ерлари	Сатр коди	Майдон, га	Ерининг норматив киймати, минг сўм	
			1 га учун	жами майдон учун
Солиқ солинмайдиган ерлар (020-сатр + 030-сатр)	010			
Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига асосан - жами	020			
шу жумладан:				
	0201			
	0202			
	0203			
	0204			

	0205		
	0206		
	0207		
	0208		
Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан - солиқ солинмайдиган ерлар жами:	030		
шу жумладан:			
	0301		
	0302		
	0303		
	0304		
	0305		

Изоҳ: Қўшимча имтиёзлар (030-сатрдан бошлаб) норматив-ҳуқуқий ҳужжатининг номи, санаси, рақами ва бандлари кўрсатилган ҳолда тўлдирилади.

Ягона ер солиғининг ҳисоб-китоби ер участкаси жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органига жорий солиқ даврининг 1 майигача тақдим этилади.

Йил давомида берилган ер участкалари учун ягона ер солиғи ер участкаси берилганидан кейинги ойдан бошлаб тўланади. Ер участкаси олиб қўйилган (камайтирилган) тақдирда, ягона ер солиғини тўлаш ер участкаси олиб қўйилган (камайтирилган) ойдан бошлаб тўхтатилади (камайтирилади).

Ер участкасининг таркиби ва майдони йил давомида ўзгарган, шунингдек ягона ер солиғи бўйича имтиёзларга бўлган ҳуқуқ вужудга келган (тузатирилган) тақдирда, солиқ тўловчилар давлат солиқ хизмати органларига ҳисобот йилининг 1 декабригача ягона ер солиғининг аниқлик киритилган ҳисоб-китобини тақдим этишлари шарт.

Ягона ер солиғини тўлаш қуйидаги муддатларда амалга оширилади:

ҳисобот йилининг 1 июлигача - йиллик солиқ суммасининг 20 фоизи;

ҳисобот йилининг 1 сентябригача - йиллик солиқ суммасининг 30 фоизи;

ҳисобот йилининг 1 декабригача - солиқнинг қолган суммаси.

Солиқ ставкаси. Ушбу солиқ ставкасининг чегаравий миқдори Республика Президентининг ҳар йилги давлат бюджети параметрларини тасдиқлаш тўғрисидаги қарори асосида белгиланади. Чунончи, 2012 йил учун ягона солиқ тўлови ставкалари қуйидагича белгиланган.

Ягона ер солиғи СТАВКАСИ

Тўловчилар	Норматив қийматга нисбатан ставка, фоизда*
Ўндоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари	6,0


*) Бунда жамоат иморатлари ва ҳовлилари билан банд бўлган ерлар 2,0 коэффицентини қўллаган ҳолда баҳоланади.

Изоҳлар:

1. Хар бир хўжалик бўйича қишлоқ хўжалиғи ерларининг норматив қиймати Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри агентлиги қўмитаси томонидан белгиланади.

2. Белгиланган мезонларга мувофиқ ягона ер солиғи тўловчиларига киритиладиган болиқчилик хўжаликлари сувориладиган ерларнинг туман бўйича ўртача норматив қийматидан келиб чиқиб, ягона ер солиғини тўлайдилар.

Республикамиз Солиқ кодексига ва бошқа меъёрий ҳужжатларида келтирилган юқоридаги тартиб-қоидаларга тўлиқ амал қилинаётганлигини аниқлаш ягона ер солиғи аудитининг асосий вазифалари ҳисобланади. Ушбу вазифаларни тўлиқ ва тўғри адо этиш учун ягона ер солиғи аудитини қуйидаги кетма-кетликда ўтказиш мақсадга мувофиқдир.



Бюджетга тўланадиган ягона ер солиғи суммаси, кўриниб турибдики, асосан иккита омилга боғлиқ: (1) солиқ солиш базасига ва (2) солиқ ставкасига. Демак, аудит текширувида, ягона ер солиғига бевосита таъсир кўрсатувчи ушбу омиллар микдорини реал топилганлиги ўта муҳим роль ўйнайди. Бу вазифани бажариш учун, дастлаб, «Ягона ер солиғи ҳисоб-китоби» ҳамда унга қилинадиган иловаларда келтирилган маълумотларнинг реаллиги бирма-бир текшириб чиқилиши лозим.

Ягона ер солиғи китобига иловалар маълумотлари реаллигини текшириш солиқ объекти ҳисобланган ер майдонларига эгалик қилишга гувоҳлик берувчи кадастр ҳужжатлари маълумотларига асосан амалга оширилади. Аудиторлик текширувида аниқланган реал маълумотлар ва уларнинг корхона маълумотларидан четланишлари юқоридаги иловаларга қўшимча тарзда қиритиладиган устунчаларда кўрсатилади.

Ягона ер солиғи ҳисоб-китобига иловалар маълумотлари текширувидан сўнг аниқланган текширув маълумотлари ушбу солиқ ҳисоб-китобининг белгиланган шаклига аудитор томонидан қўшимча қиритиладиган устунчага ўтказилади. Шунингдек, алоҳида очиладиган устунчада корхона маълумотлари ва текширув маълумотлари ўртасидаги мувофиқлик ёки четланишлар кўрсатилади. Ушбу мазмунда тузиладиган аудиторнинг иш ҳужжати ягона ер солиғидаги четланишни нима эвазига юз берганлигини аниқлашга имкон беради.

Ягона ер солиғи қишлоқ ҳўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг харажатларига қиритилади ва у орқали уларнинг соф фойдасига таъсир кўрсатади. Ушбу солиқни кўп ҳисобланганлиги соф фойдани ҳисоботда кам қилиб кўрсатилишига ва, аксинча, унинг кам ҳисобланганлиги эса ҳисоботда соф фойдани кўп қилиб кўрсатилишига олиб келади. Шу бонс ҳам, ягона ер солиғининг ҳисобланиши лозим бўлган реал суммаси топилгач, аудиторларнинг муҳим вазифаси бўлиб молиявий ҳисоботнинг тегишли сатрларига тузатиш қиритиш ҳисобланади.

Ягона ер солиғини ҳисобот даврлари бўйича тўлаш тартибига риоя этилганлигини, унга доир молиявий санкциялар, дебиторлик ёки кредиторлик қарзларни тўғри ҳисобланганлиги ҳамда ҳисоб ва ҳисоботда реал акс этирилганлигини, бошланғич ҳужжатларни, бухгалтерия ёзувларини, уларда суммаларни тўғри акс эттирилганлигини текшириш учун худди бошқа солиқлар сингари юқорида келтирилган шакллардаги аудиторлик иш ҳужжатларини тузиш лозим.

Ягона ер солиғи бўйича аудиторлик хатари ушбу солиқнинг асосий элементларидаги четланишлар ва ҳаголикларни топмасликда ёки тўғри бўлган маълумотларни нотўғри деб расмийлаштирилганлигида ҳисобланади. Ушбу хатарни камайтириш учун ягона ер солиғи базасини аниқлашга асос бўладиган кўрсаткичларга оид исботу-дашилларни тўлиқ тўплаш, бу кўрсаткичларни танилаб текширишга йўл қўймаслик, солиқ ставкаларини солиққа тортиладиган объект турлари бўйича тўғри қўлланилганлигига тўлиқ иқроор бўлиш, текширув натижаларини аудиторлик ҳисоботида атрофлича очиб бериш ўта муҳимдир.

3.КАТЪИЙ БЕЛГИЛАНГАН СОЛИҚНИНГ АУДИТИ

Солиқ тўловчилар. Фаолиятнинг айрим турларини тавсифловчи физик кўрсаткичлардан келиб чиққан ҳолда солиқ солинадиган айрим фаолият турларини амалга оширувчи юридик шахслар қатъий белгиланган солиқни тўловчилар бўлиб ҳисобланадилар.

Фаолиятнинг айрим турларини амалга оширувчи юридик шахслар томонидан қатъий белгиланган солиқни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари. Қатъий белгиланган солиқ солинадиган фаолият турларининг рўйхати, шунингдек фаолиятнинг мазкур турларини тавсифловчи физик кўрсаткичлар конун ҳужжатлари билан белгиланади.

Фаолиятнинг айрим турларини тавсифловчи физик кўрсаткичлардан келиб чиққан ҳолда солиқ солинадиган айрим фаолият турларини амалга оширувчи солиқ тўловчилар фаолиятнинг қатъий белгиланган солиқ тўлаш татбиқ этиладиган қисмига доир солиқ солишнинг бошқа тартибини танлаш ҳуқуқига эга эмас.

Қатъий белгиланган солиқ тўлаш татбиқ этиладиган фаолият билан бир қаторда фаолиятнинг бошқа турларини амалга оширувчи юридик шахслар фаолиятнинг мазкур турлари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритишлари ва умумбелгиланган ёки ушбу бўлимда белгиланган солиқларни тўлашлари шарт.

Асосий фаолият тури бўйича қатъий белгиланган солиқни тўловчилар бўлган юридик шахслар учун ушбу Кодекснинг 132-моддасида назарда тутилган бошқа даромадларга солиқ солинмайди, дивидендлар ва фозизлар, биргаликдаги фаолиятдан олинган даромадлар, шунингдек ижарадан олинган даромадлар бундан мустасно.

Мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадларга ушбу Кодексда назарда тутилган тартибда умумбелгиланган солиқлар ёки ягона солиқ тўлови жорий этилади.

Фаолиятнинг айрим турларини амалга оширувчи юридик шахслар томонидан қатъий белгиланган солиқни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш тартиби. Қатъий белгиланган солиқ белгиланган фаолият турини тавсифловчи физик кўрсаткич солиқ солинадиган объектдир.

Солиқ солинадиган база физик кўрсаткичларнинг сонидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Қатъий белгиланган солиқ суммаси солиқ тўловчининг календарь ойида чиққан кўлилари сонидан қатъи назар солиқ солинадиган база ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Солиқ даври - бир ой.

Қатъий белгиланган солиқ ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органлариغا:

янги ташкил қилинаётган (бошловчи) солиқ тўловчилар томонидан - давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай;

фаолият юритаётган солиқ тўловчилар томонидан - ҳисобот йилининг 15 январигача тақдим этилади.

Солиқ солиш объекти ва иш ҳақининг энг кам миқдори ўзгарган тақдирда, солиқ тўловчилар аниқлик киритилган ҳисоб-китобни навбатдаги тўловни тўлаш муддатидан кечиктирмай тақдим этишлари шарт.

Қатъий белгиланган солиқни тўлаш:

юримдик шахслар томонидан - ҳар ойда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай амалга оширилади.

Солиқ ставкаси. Ушбу солиқ ставкасининг чегаравий миқдори Республика Президентининг ҳар йилги давлат бюджети параметрларини тасдиқлаш тўғрисидаги қарори асосида белгиланади. Чунончи, 2012 йил учун ягона солиқ тўлови ставкалари қуйидагича белгиланган.

Юримдик ва жисмоний шахслардан тадбиркорлик фаолияти айрим турлари бўйича олинадиган қатъий белгиланган солиқ СТАВКАЛАРИ

№	Фаолият тури	Тўловчилар	Маъмур фаолият турини ҳаракатловчи физик кўрсаткичлар	Физик кўрсаткич бирлигига ҳар ойда қатъий белгиланган солиқ ставкаси (энг кам иш ҳақида бирлик учун қаррли миқдорларда)		
				Тошкент ш.	Нукус ш. ва вилоят бўйсунувчан шаҳрлар	бошқа аҳоли пунктлари
1.	Автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш	Юримдик шахслар	Эгаллаган майдон (1 кв. метр)	0,1	0,09	0,06
2.	Болалар ўйин автоматлари	Юримдик ва жисмоний шахслар	Жиҳозланган ўринлар сони (бирликда)	3,0	2,0	1,0


Изоҳ:

Тақдим этилган қатъий белгиланган солиқ ҳисоб-китобида ҳисобга олинмаган физик кўрсаткичлар аниқланган тақдирда, бундай ҳолатларга солиқларни тўлашдан бўйин товлаш сифатида қаралади.

Юримдик шахслар учун қатъий белгиланган солиқ ҲИСОБ-КИТОБИ

Фаолият тури	Физик кўрсаткичлар		Қатъий белгиланган солиқ ставкаси (энг кам иш ҳақи нисбатан қарра миқдорда)	Энг кам иш ҳақи миқдори	Бюджетга тўланадиган қатъий белгиланган солиқ суммаси (3-уст. х 4-уст. х 5-уст.)
	ўлчов бирлиги	жиҳозланган жойлар сони (бирлиги), эгалланган майдон			
1	2	3	4	5	6

Республикамиз Солиқ кодексида ва бошқа меъёрий ҳужжатларида келтирилган юқоридаги тартиб-қоидаларга тўлиқ амал қилинаётганлигини аниқлаш қатъий белгиланган солиқ аудитининг асосий вазифалари ҳисобланади. Ушбу вазифаларни тўлиқ ва тўғри адо этиш учун қатъий белгиланган солиқ аудитини қуйидаги кетма-кетликда ўтказиш мақсадга мувофиқдир.



Бюджетга тўланадиган қатъий белгиланган солиқ суммаси, кўриниб турibdики, асосан иккита омилга боғлиқ: (1) солиқ солиш базасига ва (2) солиқ ставкасига. Демак, аудит текширувида, қатъий белгиланган солиққа бевосита таъсир кўрсатувчи ушбу омиллар миқдорини реал топилганлиги ўта муҳим роль ўйнайди. Бу вазифани бажариш учун, дастлаб, «Қатъий белгиланган солиқ ҳисоб-китоби»да келтирилган маълумотларнинг тўғрилигини бирма-бир текшириб чиқилиши лозим.

Қатъий белгиланган солиқ ҳисоб-китоби маълумотлари реаллигини текшириш солиқ объектига (ер майдони, ўйин автоматлари сони) гувоҳлик берувчи ҳужжатлар маълумотларига асосан амалга оширилади. Аудиторлик текширувида аниқланган реал маълумотлар ва уларнинг корхона маълумотларидан четланишлари юқоридаги иловаларга қўшимча тарзда киритиладиган устунчаларда кўрсатилади.

Катъий белгиланган солик ҳисоб-китоби маълумотлари текширувидан сўнг аниқланган текширув маълумотлари ушбу солик ҳисоб-китобининг белгиланган шаклига аудитор томонидан қўшимча киритиладиган устунчага ўтказилади. Шунингдек, алоҳида очиладиган устунчада корхона маълумотлари ва текширув маълумотлари ўртасидаги мувофиқлик ёки четланишлар кўрсатилади. Ушбу мазмунда тузиладиган аудиторнинг иш ҳужжати катъий белгиланган солиғидаги четланишни нима эъвазига юз берганлигини аниқлашга имкон беради.

Катъий белгиланган солик корхоналарнинг харажатларига киритилади ва у орқали уларнинг соф фойдасига таъсир кўрсатади. Ушбу соликни кўп ҳисобланганлиги соф фойдани ҳисоботда кам қилиб кўрсатилишига ва, аксинча, унинг кам ҳисобланганлиги эса ҳисоботда соф фойдани кўп қилиб кўрсатилишига олиб келади. Шу боис ҳам, катъий белгиланган солиқнинг ҳисобланиши лозим бўлган реал суммаси топилгач, аудиторларнинг муҳим вазифаси бўлиб молиявий ҳисоботнинг тегишли сатрларига тузатиш киритиш ҳисобланади.

Катъий белгиланган соликни ҳисобот даврлари бўйича тўлаш тартибига риоя этилганлигини, унга доир молиявий санкциялар, дебиторлик ёки кредиторлик қарзларни тўғри ҳисобланганлиги ҳамда ҳисоб ва ҳисоботда реал акс эттирилганлигини, бошланғич ҳужжатларни, бухгалтерия ёзувларини, уларда суммаларни тўғри акс эттирилганлигини текшириш учун худди бошқа солиқлар сингари юқорида келтирилган шакллардаги аудиторлик иш ҳужжатларини тузиш лозим.

Катъий белгиланган солик бўйича аудиторлик хатари ушбу солиқнинг асосий элементларидаги четланишлар ва хатоликларни топмасликда ёки тўғри бўлган маълумотларни нотўғри деб расмийлаштирилганлигида ҳисобланади. Ушбу хатарни камайтириш учун қуйидагиларга амал қилиш ўта муҳимдир:

* катъий белгиланган солик базасини аниқлашга асос бўладиган кўрсаткичларга оид исботу-далилларни тўлиқ тўплаш, бу кўрсаткичларни танлаб текширишга йўл қўймаслик;

*солиқ ставкаларини солиққа тортиладиган объект турлари бўйича тўғри қўлланилганлигига тўлиқ иқрор бўлиш;

*текширув натижаларини аудиторлик ҳисоботида атрофлича очиб бериш.

4. БОЗОРЛАР ТўЛАЙДИГАН СОДДАЛАШТИРИЛГАН СОЛИҚ ТўЛОВИНИНГ АУДИТИ

Бозорлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юридик шахс шаклида ташкил этилади. Мас равишда, улар ҳам солиқ тўловчилар ҳисобланади. Республикамиз Солиқ кодексининг 62-боби (384-387-моддалар) махсус бозорларни солиққа тортиш тартибларини белгилаб берган. Ушбу тартибларга кўра, бозорлар даромадларининг умумий суммасидан, бозорлар даромадидан тўланадиган давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар чегириб ташлангандан кейин қолган маблағларнинг 50 фоизи бозорлар жойлашган жойдаги тегишли маҳаллий бюджетларга белгиланган тартибда йўналтирилади. Қолган 50 фоизи бозорлар маъмурияти тасарруфида

қилиш ва улардан жорий харажатларни қоплаш, реконструкция қилиш, обodonлаштириш, бозорлар томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг руҳанини кенгайтириш, сифатини яхшилаш учун фойдаланилади.

Бозорлар зиммасида юкоридаги содалаштирилган тартибдаги солиқ тўловидан ташқари бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига кўйиладиган тўлаш мажбуриятлари сақланиб қолади:

божхона тўловлари;

ягона ижтимоий тўлов;

давлат божи;

товарларнинг айрим турлари билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматлар кўрсатиш ҳукуки учун йигим;

давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар;

автотранспорт воситаларини олганлик ва (ёки) вақтинчалик олиб кирашлик учун Республика йўл жамғармасига йигим.

Бозорларнинг даромадларига қуйидагилар қиради:

патта тўлови тушумлари;

бошқа тушумлар.

Патта тўлови ҳар бир сотиш жойидан савдо қилинган ҳар бир кун учун ёки ҳар бир товар, буюм, чорва мол учун ундириладиган қатъий белгиланган тўловдир.

Патта тўловини бозорларда товарлар, буюмлар ва кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотишни амалга ошираётган жисмоний шахслар тўлайди.

Жисмоний шахс билан тузилган ижара шартномасига биноан савдо жойи учун ижара ҳақи тўланадиган ҳолларда, патта тўлови суммаси ижара ҳақи таркибига киритилади.

Патта тўлови ҳар бир тўловчидан нақд пул олиб, унга бир вақтнинг ўзида фискал хотирали назорат-касса машинасининг чекини ёки квитанция бериш орқали ундирилади.

Бозорларнинг **бошқа тушумлари** жумласига қуйидагилар қиради:

1) ижара тўловидан олинган даромадлар. Ижара тўлови бозор мажбуриятининг тасарруфида бўлган бинолар, иншоотлар ҳамда бошқа мол-мулкдан фойдаланганлик учун юридик ва жисмоний шахслар томонидан тўланади;

2) сотувчиларга ва сотиб олувчиларга хизматлар кўрсатишдан олинган даромадлар;

3) бозор мажмурияти томонидан амалга ошириладиган кишлоқ хўжалиги товарларини тайёрлаш, харид қилиш ва реализация қилишдан олинган даромадлар (деҳқон бозорлари учун). Бунда реализация қилинган товарларнинг харид қиймати билан сотиш қиймати ўртасидаги фарқ даромаддир;

4) қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа тушумлар.

Бозорларнинг ялли даромадларини ташкил қилувчи патта ҳақлари, ижара тўловлари ва хизмат ҳақларининг миқдорлари ҳар йили Давлат бюджети параметрларига асосан белгиланади. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 24 декабрдаги ПК-1449-сон қарорининг 10-илласига мувофиқ ушбу меъёрлар 2011 йилда республикамизнинг деҳқон, буюм ва

ихтисослашган бозорлари, шунингдек савдо марказлари учун куйидаги микдорларда белгиланган (1, 2, 3-жадваллар):

1-жадвал

**Бозорлар ва савдо комплекслари маъмурияти
томонидан ундириб олиннадиган бир марталик йиғимларининг минимал
МИКДОРЛАРИ**

		(сўм)			
T/р	Маҳсулот тури	Ўлчов бирлиги	Тошкент ш.	Вилоятлар марказлари ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар	Туман- лар
I.	Маҳсулотларини растадаги савдо ўринларида сотиш:				
1.	Мевалар: Ўл мевалар: олма, анор, нок, шафтоли, анжир, олхўри, гилос, кўк ва кизил сулгон, ўрик, узум	1 ўрин	2 200	1 600	900
	Олча	1 ўрин	2 200	1 600	900
	куллуннай, мадина ва х.к.	1 ўрин	2 200	1 600	900
	цитрус мевалар (апельсин, мандарин, лимон)	1 ўрин	6 100	4 400	2 200
	тропик мевалар (банан, ананас, киви ва х.к.) хамда чет элдан келтирилган ўл мевалар)	1 ўрин	6 100	4 400	2 200
	Қурук мевалар: туршак, баргак, майиз, ёнгок, ерёнгок, бодом, писталар, шўрланак ва х.к.	1 ўрин	6 100	4 400	2 200
2.	Сабзавотлар: картошка, пизё, қарам, сабзи, саримсоқ, лавлаг, шолғом, булғор қалампири, баклажон, бойимжон, латиссон, помидор, бодринг ва х.к.	1 ўрин	2 200	1 600	900
	Исикхоналарда етиштирилган помидор ва бодринг	1 ўрин	2 200	1 600	900
3.	Полиз маҳсулотлари: хандалак, қовун, тарвуз, қовок (хар 6 кв. м жой учун)*	1 ўрин	6 100	4 400	2 200
4.	Дон маҳсулотлари:				
	Гуруч	1 ўрин	2 900	2 200	1 100
	Қўнғабоқар, ёрмалар (крупна)	1 ўрин	2 900	2 200	1 100
	бўғдой, сули, арпа ва х.к.	1 ўрин	2 900	2 200	1 100
5.	Дўкьякли маҳсулотлар: мош, ловия, нўхот ва х.к.	1 ўрин	2 900	2 200	1 100
6.	Сўт маҳсулотлари: сўт, қатик	1 ўрин	2 200	1 600	900
	қаймоқ, сметана, уй пишлоғи, сузма ва х.к.	1 ўрин	2 200	1 600	900
7.	Тузламалар ва бошқа маҳсулотлар: қарам, бодринг, помидор ва х.к., корейс салатлари, сабзавот ва мевалардан уйда тайёрланган консервация	1 ўрин	3 700	2 200	1 600
	Супурғи	1 ўрин	2 200	1 600	900
	пиширилган жўхори	1 ўрин	2 200	1 600	900
8.	Зирavor ва дориворлар	1 ўрин	3 700	2 200	1 600
	Асал	1 ўрин	3 700	2 200	1 600
9.	Қўкатлар	1 ўрин	2 200	1 600	900
	исикхоналарда етиштирилган қўкатлар	1 ўрин	2 200	1 600	900

10.	ҶУММ	1 ўрин	3 700	2 200	1 600
11.	Ҳушлар ва кўчатлар (ҳар 6 кв. м жой учун)*	1 ўрин	3 300	1 600	1 100
12.	Иш маҳсулотлари:				
	оват лон	1 ўрин	2 200	1 600	900
	оват патиш	1 ўрин	2 200	1 600	900
13.	Қабиюлат маҳсулотлари ва ўй шаронтида тайёрланган пишшириклар	1 ўрин	3 700	2 200	1 600
14.	Озиқ-овқат, кондитер маҳсулотлари, салқин ичимликлар, тамаки маҳсулотлари	1 ўрин	5 500	3 500	2 000
15.	Мисллий ва таъсиқ таомларини сотиш	1 ўрин	6 500	4 500	2 500
16.	Подуштилел ва қоғоз пакетларини сотиш	1 ўрин	3 000	2 000	1 000
17.	Тирик балиқ	1 ўрин	5 500	3 300	2 200
18.	Ҳунармандчилик ва бошқа маҳсулотлар: (ўрок, болға, кетмон, болта, бешиқ, теша, ўқлов, андава, ранда, арра, қосибчилик маҳсулотлари, арқон ва ҳ.к.) (ҳар олти кв. м жой учун)*	1 ўрин	1 100	1 100	1 100
II.	Маҳсулотларни автомашиналардан ва ердан сотиш:				
	енгил автомашиналардан сотиш	1 машина	6 500	3 500	2 500
	юқ автомашиналаридан сотиш	1 машина	10 000	6 000	3 500
	ердан сотиш (4 кв. метргача)	1 ўрин	4 000	3 000	1 500
III.	Қишлоқ ҳўжалиқ маҳсулотларини улгуржи бозорларда сотиш:				
	енгил автомашиналардан сотиш	1 машина	8 000	3 500	3 000
	юқ автомашиналаридан сотиш	1 машина	11 000	6 000	3 500
	тиркамали, ярим тиркамали юқ автомашиналари ва автопоездлардан сотиш	1 машина	19 000	6 000	3 500
	автомашинадан тушириб ердан улгуржи сотиш:		8 000	5 500	3 300
	а) 6 кв. метргача майдонда				
	б) 6-12 кв. метргача майдонда		11 000	7 000	4 000
	в) 6-18 кв. метргача майдонда		22 000	10 000	7 000
	Кўкатларни улгуржи сотиш	1 ўрин	8 000	3 500	2 500
	тара ва ўров маҳсулотларини ердан улгуржи сотиш (6 кв. метргача майдонда)*	1 ўрин	6 500	3 500	2 500
IV.	Ўй хайволлари учун ем-озуқалар (ҳар бир тиркама ёки юқ автомашинаси учун): (чирот, шелуха, комбикорм, пичан, сомон, гуруч пояси, маккажўҳори пояси ва ҳ.к.)	1 машина	6 500	4 000	2 500
V.	Дехқон бозорларида қишлоқ ҳўжалиқ маҳсулотларини эрта саҳарда улгуржи ва майда улгуржи сотиш:				
	енгил автомашиналардан	1 машина	6 500	3 500	2 500
	юқ автомашиналаридан	1 машина	8 500	4 000	3 000
	ердан сотиш (4 кв. метргача)	1 ўрин	4 000	3 000	1 500
VI.	Ўшш маҳсулотлари:				
	мол, қўй, чўчка ва парранда ўшши, жигар ва	1 ўрин	5 500	3 300	2 200

	думба				
	субмахсулотлар (калла-поча, ичак ва х.к.)	1 ўрин	5 500	3 300	2 200
I.	Майда улгуржи ва улгуржи бозорларда:				
	мол тўшти танасининг ҳар бир чорағи учун	1 ўрин	5 500	3 300	2 200
	сўйилган қўйнинг бутун танаси учун	1 ўрин	5 500	3 300	2 200
VII.	Бозорлар ва савдо комплексларида эски ишлатилган маҳсулотларни сотиш:				
	Эски турдаги автомобиль эҳтиёт қисмларини сотиш	1 ўрин	4 400	2 700	2 400
	Эски турдаги уй-жиҳоз буюмлари, фойдаланилган кийим-кечакларни сотиш (ҳар бир кв. метр учун)	1 ўрин	2 500	2 000	1 500
	Махсус ажратилган жойларда "Секонд-хэнд" маҳсулотларини сотиш (ҳар бир кв. метр майдон учун)	1 ўрин	4 500	3 500	2 500
	Ноб ҳамда қадимий (антиквар), чинни ва биллур (хрусталь) буюмларни сотиш	1 ўрин	6 000	4 000	2 500
VIII.	Автотранспорт воситаларини сотиш:				
I.	енгил автомобиллар ва микроавтобуслар	1 дона	15 400	5 500	5 500
	юк автомобиллари, автобуслар, тракторлар ва бошқа юк кўтарувчи транспорт воситалари	1 дона	22 000	6 600	6 600
	Мотоцикл, мотороллер ва мопедлар	1 дона	3 200	2 200	2 200
	Велосипед	1 дона	1 600	1 500	1 600
IX.	Пилки (ҳар бир бош учун):	1 бош	7 200	4 900	2 200
	от, той				
	тойча, эшак	1 бош	7 200	4 900	2 200
2.	Пирик шохли қорамол (ҳар бир бош учун)	1 бош	7 200	4 900	2 200
3.	Майда шохли қорамол (ҳар бир бош учун):				
	қўй, эчки	1 бош	2 800	2 500	1 100
	Кўзи	1 бош	2 800	2 500	1 100
4.	Чўчка (ҳар бир бош учун)	1 бош	2 800	2 500	1 100
	чўчка боласи (ҳар бир бош учун)	1 бош	2 800	2 500	1 100
X.	Уй паррандалари (ҳар бир бош учун):				
	Қурка	1 бош	800	600	600
	товуқ, ўрдақ, гоз	1 бош	800	600	600
	Жўжа	10 бош	800	600	600
	Турли зотдаги ит ва мушуклар	1 бош	2 800	2 500	1 100
	Манзарали қуш ва бадиқлар	1 ўрин	2 800	2 500	1 100
XI.	Турли зотдаги ит ва мушук, манзарали қуш ва бадиқларнинг овқатлари	1 ўрин	2 800	2 500	1 100

*) **Изоҳ:** Қишлоқ ҳўжалиғи маҳсулотлари ва хатқ истеъмолчи моллари билан савдо қилинганда бир жой (савдо ўрни) ўлчами 1-1,2 н.метр деб белгиланади ва шу ўлчамдан ортиқ ҳар бир ўрин учун тўла миқдорда жой ҳақи ундирилади. Поллиз маҳсулотлари, гуллар ва қўчалар, тара ва ўров маҳсулотлари, ҳўнармандчилик ва бошқа маҳсулотлар билан савдо қилинганда бир савдо ўрни ўлчами 6 кв. метр (2 x 3 м) деб белгиланади. Белгиланган ўлчамдан ортиқ ҳар бир ўрин учун тўла миқдорда жой ҳақи ундирилади.

**Бозорлар ва савдо комплекслари ҳудудидаги бино, иншоот ва ер
майdonларидан ундириладиган тўловларнинг минимал
МИҚОРЛАРИ**

(сўм)

Кўрсатиладиган хизматлар тури	Ўлчов бирлиги	Тошкент ш.	Вилоятлар марказлари ва вилоятга бўйсунувчи Шаҳарлар	Туманлар
1. Бозорлар ва савдо комплекслари билансидagi бино, иншоот ва қурилмаларни ижарага олиб, бозор инфратузилмасидан фойдаланганлик учун ойлик тўлов				
Ноозик-овкат маҳсулотлари сотиш	1 кв. метр учун	25 000	12 000	6 000
Озик-овкат маҳсулотлари сотиш	1 кв. метр учун	22 000	10 000	5 000
Умумий овкатланиш	1 кв. метр учун	25 000	12 000	6 000
Майиший хизмат кўрсатиш	1 кв. метр учун	9 000	4 500	3 000
Бошқа турлар (омбор, офис, аптека, пайнег)	1 кв. метр учун	10 000	5 000	3 000
2. Бозорлар ва савдо комплекслари ҳудудида қурилган хўжалик юритувчи субъектларга тегишли бино, иншоот ва қурилмалар эгаллаган ер майdonларидан (ерга эгаллик ҳуқуқи бўлмаган объектлар учун) ҳамда бозор инфратузил-масидан фойдаланганлик учун ойлик тўлов				
Ноозик-овкат маҳсулотлари сотиш	1 кв. метр учун	9 000	4 500	3 000
Озик-овкат маҳсулотлари сотиш	1 кв. метр учун	9 000	4 500	3 000
Умумий овкатланиш	1 кв. метр учун	9 000	4 500	3 000
Майиший хизмат кўрсатиш	1 кв. метр учун	6 000	3 500	2 500
Бошқа турлар (омбор, офис, аптека, пайнег)	1 кв. метр учун	6 000	3 500	2 500
3. Бозор инфратузилмасидан фойдаланганлик учун ойлик тўлов (Бозорлар ва савдо комплекслари ҳудудида қурилган хўжалик юритувчи субъектларга тегишли, ер ва мулкка эгаллик ҳуқуқи мавжуд бўлган бино, иншоот ҳамда қурилмалар эгаларидан ундирилади)	1 кв. метр учун	1 500	1 200	1 000

**Бозорлар ва савдо комплексларида кўрсатиладиган
хизматлар учун ундириладиган тўловларининг минимал
МИҚДОРЛАРИ**

(сўм)

Т/р	Кўрсатиладиган хизматлар тури	Ўлчов бирлиги	Тошкент ш.	Вилоятлар марказлари ва вилоятга бўйсунувчи Шаҳарлар	Туман лар
I.	Инвентарларни ижарага бериш:				
1.	Тош-тарозлар учун	1 кунга	1 100	700	500
2.	Катта юк тортиш тарозилари учун				
	150 кг гача тортадиган	1 кунга	2 200	1 100	800
	150 кг дан 1 500 кг гача тортадиган	1 кунга	7 700	5 500	4 400
3.	Савдо жиҳозлари учун (пичок, ўриндиқ, воронка, патнис, сават ва ҳ.к.)	1 кунга	1 100	800	500
4.	Ўшш майдалаш анжомлари учун (болта, тахтакач ва ҳ.к.)	1 кунга	1 100	800	500
5.	Махсус уст-бош кийимдан фойдаланиш:				
	Халат	1 кунга	400	300	200
	Этак	1 кунга	400	300	200
	Енглик	1 кунга	400	300	200
6.	Махсулотлар учун брезент бериш	1 кунга	1 100	800	500
7.	Контейнер аравачалари учун	1 кунга	1 100	800	500
8.	Юк аравачалари учун	1 кунга	3 300	2 200	1 100
9.	Реклама жойлаштиришга ажратилган ер майдонидан фойдаланганлиги учун (1 кв.м)	1 кунга	1 100	800	500
II.	Кўрсатиладиган хизмат турлари:				
1.	Қишлоқ хўжалик ва бошқа озиқ-овқат махсулотларини сақлаш:				
	Совуткичларда	1 кунга	1 700	1 600	1 600
	омборхоналарда, сақлаш камераларида	1 кунга	1 100	1 100	1 100
	бозор ҳудудидаги очиқ жойларда (савдо ўрни ҳисобидан)	1 кунга	1 100	1 100	1 100
2.	Омборларда буюмларни сақлаш (50 x 50 x 100 ўлчамдаги 1 ўрин учун)	1 кунга	1 500	1 000	800
3.	Махсулотларни тарозида ўлчаб бериш:				
	оддий кичик тарозида	1 тортиш	400	200	200
	катта юк тарозида	1 тортиш	1 000	600	500
	автотарозида автотранспорт воситасини юк билан ва юксиз тортиш	1 тортиш	1 100	1 100	1 100
	йирик ва майда шохли қорамолни тортиш	1 тортиш	1 100	1 100	800
4.	Қишлоқ хўжалик махсулотлари улгуржи бозорларида автотарозида вазнини бир маротаба ўлчаи учун:				
	юк автомашиналаридан:				
	юк билан оғирликдан	1 ўлчаи	4 000	1 000	800
	юксиз оғирликдан	1 ўлчаи	3 000	800	600
	Тиркамали, ярим тиркамали юк автомашиналари ва автопоезлардан:				
	юк билан оғирликдан	1 ўлчаи	8 000	2 000	1 500
	юксиз оғирликдан	1 ўлчаи	5 000	1 500	1 000

Үнгил автомашиналардан:				
юк билан оғирликдан	1 ўлчаш	3 000	1 000	800
юксиз оғирликдан	1 ўлчаш	1 500	800	600
Тиркамали енгил автомашиналардан:				
юк билан оғирликдан	1 ўлчаш	3 500	1 200	1 000
юксиз оғирликдан	1 ўлчаш	2 000	1 000	800
"Газель", "ЕрАЗ", "УАЗ" русумли автомашиналардан:				
юк билан оғирликдан	1 ўлчаш	3 500	1 200	1 000
юксиз оғирликдан	1 ўлчаш	2 500	1 000	800
Юк автомашинаси тиркамасидан:				
юк билан оғирликдан	1 ўлчаш	4 000	1 500	1 200
юксиз оғирликдан	1 ўлчаш	3 000	1 200	1 000
5. Мехмонхона хизматидан фойдаланиш	1 кунга	5 500	3 300	3 300
6. Ветсанэкспертиза лаборатория хизмати:				
йирик шохли мол гавдасини текшириш	1 бош	1 100	1 100	800
майда шохли мол гавдасини текшириш	1 бош	500	500	400
от ва чўчка гавдасини текшириш	1 бош	1 100	1 100	800
асал текшириш	1 намуна	500	400	300
катиқ текшириш	1 намуна	500	400	300
полиэ, мева ва сабзавот маҳсулотларини текшириш	100 кг гача	500	400	300
бошқа турдаги экинларни текшириш	100 кг гача	500	400	300
қуруқ меваларни текшириш	50 кг гача	500	400	300
Тузламеларни текшириш (карам, помидор, бодринг, корейс салатлари, уйда консерваланган сабзавот ва мевалар)	50 кг гача	500	400	300
Парранда туҳумларидан намуна олиш	1 намуна	500	400	300
7. Мол бозорига кирувчи ҳар бир чорва молларини клиник текшириш:				
йирик шохли молларни текшириш	1 бош	1 000	800	600
майда шохли молларни текшириш	1 бош	800	500	400
бошқа турдаги хайвонларни текшириш	1 бош	800	500	400
8. Автотранспорт воситаларини вақтинчалик сақлаш учун:				
енгил автомашиналар учун*	1 соатга	1 000	500	400
юк автомашиналари учун*	1 соатга	1 200	600	500
9. Пойабзал таъмирлаш хизмати (1 та жой учун)	1 кунга	2 500	1 000	800
10. Ҳожатхона хизматидан фойдаланиш	1 марта	400	300	200
11. Телефондан фойдаланиш	1 марта	400	300	200
12. Кийим кийиб қўриш хонасидан фойдаланиш	1 марта	400	300	200
13. Радиопузел орқали эълон бериш (3 марта такрор)	1 марта	400	300	200
III. Бозорлар ва савдо комплекслари ҳудудига кирувчи автотранспорт воситаларидан ундариладиган тўловлар:				
1. Транспорт воситаларининг юк ортиш ва юк тушириш учун бозорлар ва савдо комплекслари ҳудудига кириши (қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тушириш учун кирган автотранспорт воситалари бундан мустасно):				
енгил автомашиналар учун	1 кириш	2 500	1 000	800
юк автомашиналари учун	1 кириш	4 000	1 500	1 000
2. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозорларига юк ортиш учун:				

юк автомашиналаридан	1 кириш	6 000	1 500	1 000
енгил автомашиналардан	1 кириш	2 000	1 000	800
тиркамади енгил автомашиналардан	1 кириш	3 000	1 500	1 000
"Газель", "ЕрАЗ", "УАЗ" русумли автомашиналардан	1 кириш	4 000	1 500	1 000

**) 300 дан кам турарун савдо нуқталари ва савдо ўринларига эга бўлган бозорлар ва савдо комплексларида тўлов ҳар бир кириш учун ундирилади.*

Ўқоридаги меъёрларга асосланган ҳолда ҳар бир вилоят ҳокимлиги вилоят шаҳар ва туманлари кесимида деҳқон ва буюм бозорлари, ихтисослашган бозорлар ва савдо марказларида сотувчилардан (хизмат кўрсатувчилардан) жой ва хизмат ҳақининг миқдорларини белгилайдилар.

Бозорлар даромадлари турларига кўра турли хужжатлар билан тасдиқланади. Нақд пул кўринишидаги даромадларни тасдиқловчи хужжатлар бўлиб назорат касса аппарати (НКА)да урилган чеклар, кириш касса ордерлари ҳисобланади. Нақд пулсиз кўринишдаги даромадлар тузилган шартномалар, счёт-фактуралар, банк кўчирмалари ва уларга илова қилинган электрон тўлов топшириқномалари нусхалари билан тасдиқланади.

Нақд пул кўринишидаги даромадларни ташкил қилувчи тушумларни йиғиш алоҳида назоратчилар зиммасига юкланади. Бунинг учун назоратчиларга НКАда олдиндан урилган чеклар нақлдойлар асосида тарқатилади. Иш куни якунида (давомида) назоратчилар сотувчилардан ундирилган суммаларни бозор кассасига олиб келиб топширадилар. Кассага кириш қилинган пулга кириш касса ордери тузилади. Унда назоратчининг исми-шарифи, учасгкеси, олинган пулнинг миқдори кўрсатилади. Кириш касса ордерининг қвитанцияси назоратчига берилади. 500 тагача ўрин (жой)га эга бўлган бозорлар (уларнинг филиаллари)да патта тўлови сотувчиларга туман (шаҳар) ДСИда рўйхатдан ўтказилган белгиланган намунадаги чек дафтарчалари (қатъий ҳисобда турадиган қвитанциялар) берилган ҳолда НКА қўлланмаган ҳолда ундирилади. Бундай чеклар (қвитанциялар) назоратчиларга нақлдойлар асосида тарқатилади. Нақлдойларда уларга тарқатилган чекларнинг сони, серия номерлари кўрсатилади. Ҳар бир чек икки қисмдан иборат бўлади. Унинг чап қисми қвитанция, ўнг қисми эса чек ҳисобланади. Чек патта пули ундирилганда сотувчига берилади. Қвитанция эса чек дафтариди қолади. Қвитанциялар асосида назоратчи йиғилган патта пулларини кассага топширади. Кириш касса ордерида назоратчига берилган чекларнинг тартиб рақамлари ҳам кўрсатилади.

Савдо жойларини ижарага шартнома асосида олган сотувчилар ижара ҳақини нақд ва нақд пулсиз тўлашлари мумкин. Нақд топширилган пуллар кассага кириш касса ордери билан кириш қилинади, уларнинг қвитанциялари ижарачиларга берилади. Нақд пулсиз тўланадиган ижара ҳақи суммасини ижарачи ҳар ойда ойнинг 15-санасига бозорнинг ҳисоб-китоб счётига ўтказиб бериши шарт. Мол-мулк тўлик бўлмаган ойга ижарага олинганда ижара ҳақи миқдори ижара ҳақи ойлик миқдорини амалда ижарага олинган кунлар сонига бўлиш йўли билан аниқланади.

Тарозиларни, ҳалат, тачка ва бошқа шу каби меҳнат воситалари ҳамда буюмларни фойдаланишга бериш (ижарага бериш) учун фойдаланувчилардан

Ижара ҳақидан ташқари гаров пули ҳам олинади. Иш якунида ушбу жихозлар иштирокида, гаров пули қайтарилади.

Меҳмонхона мажмуалари, туалет, буюмларни сақлаш хоналари ижарага берилган ва мос равишда улардан ҳар қуни ижара ҳақи ундирилади.

Бозорлар даромадларининг ҳисоби 21-сон БХМСга мувофиқ қуйидаги счётларда юритилиши лозим:

- 9030 «Кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар»;
- 9300 «Бошқа операцион даромадлар»
- 9500 «Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар».

Алоҳида олинган даромадлар ушбу счётларда қуйидагича акс эттирилиши лозим:

№	Операция	Сумма	Корр.счётлар		Асос
			Дт	Кт	
1	Нагта йиғимлари	16500000	5010	9030	Чек, ККО
2	Накд олинган жарималар	100000	5010	9330	Чек, ККО
3	Йиғимларни ҳисоб-китоб-счётига тошларишига	16600000	5110	5010	ЧКО, квитанция
4	Накдсиз ижара ҳақлари	2000000	4820	9350	Шартнома
5	Ҳисоб-китоб счётига тушган ижара ҳақлари	2000000	5110	4820	Қўчирма
6	Мол-мулкни сотишдан олинган даромадларга	1000000	9210 9220	9310 9320	Справка-расчет
7	50 фоиз тушумларни бюджетга ўтказилишига	9114000	6410	5110	Қўчирма
8	Фоиз, дивиденд кўринишидаги даромадларга	200000	4830 4840	9530 9520	Аviso, Шартнома
9	Фоиз ва дивиденд кўринишидаги даромад суммаларини келиб тушуши	200000	5110	4830, 4840	Қўчирма
10	Даромад счётларининг ёпилишига	16600000 100000 1000000 2000000 200000	9030 9330 9310 9350 9530	9910	Бухгалтерия ҳисоб-китоби

Олинган даромадлар тўғрисидаги маълумотларни бозорлар солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ҳар ойда ҳисобот оиндан кейинги оиннинг 10-қунидан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқлаган шаклда тақдим этади. Ушбу маълумотноманинг тасдиқланган шакли қуйида келтирилган.

Маблагларни бюджетга ўтказиш олинган даромадлар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш муддатидан кечиктирмасдан бир ойда бир марта амалга оширилади.


Юқоридаги тартиб-қоидалар устав фондда (устав капиталида) давлат улуши 51 фоиздан кам бўлмаган юридик шахслар - савдо комплексларига таъбиқ этилади.

Бозор даромадлари тўғрисида МАЪЛУМОТЛАР

(минг сўм)

Т/р	Даромадлар маибалари номи	Олинган даромад	Бозор даромадларидан бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий ажратмаларнинг хисобланган суммалари	Бозор даромадла- рининг солиқ солинадиган суммаси (3-устун - 4-устун)	Бюджетга ўткази- ладиган сумма (50 %)	Ҳақиқат- да ўтказил- ган
1	2	3	4	5	6	7
1	Патга тўлови		X	X	X	X
2	Қишлоқ хўжалиги товарларини тайёрлаш, харид қилиш ва реализация қилишдан олинган даромадлар		X	X	X	X
3	Ижара тўловидан олинган даромадлар		X	X	X	X
4	Сотувчилар ва хариддорларга хизмат кўрсатишдан олинган даромадлар, шу жумладан:		X	X	X	X
	а) тарозилар ва бошқа ўлчов аниқловларини ижарага беришдан		X	X	X	X
	б) юмшоқ ва қаттиқ инвентарларни ижарага беришдан		X	X	X	X
	в) юкларни аравачаларда ташишдан		X	X	X	X
	г) сақлаш жойлари хизматларидан		X	X	X	X
	д) пуллик хўжалиқлардан		X	X	X	X
	е) қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа тушумлар		X	X	X	X
5	Жами					
	Маълумот учун: автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича пуллик хизматлар кўрсатишдан олинган даромадлар			X	X	X

Республикаимиз Солиқ кодексига ва бошқа меъёрий ҳужжатларида келтирилган юқоридаги тартиб-қоидаларга тўлиқ амал қилинаётганлигини аниқлаш бозорлар томонидан тўланадиган соддалаштирилган солиқ тўлови аудитининг асосий вазифалари ҳисобланади. Ушбу вазифаларни тўлиқ ва тўғри адо этиш учун бозорлар томонидан тўланадиган соддалаштирилган солиқ тўлови аудитини қуйидаги кетма-кетликда ўтказиш мақсадга мувофиқдир.



Патта тўловлари тушумининг реаллигини текшириш солиқ объекти ҳисобланган савдо жойлари ва улар учун белгиланган патта ҳақлари меъёрлари асосида гувоҳлик берувчи касса ҳужжатлари маълумотларига асосан амалга оширилади. Ижара ҳақлари бўйича даромадлар реаллигини текшириш ижарага берилган объектлар ва улар учун белгиланган ижара ҳақлари меъёрлари асосида тузилган шартномалар маълумотларига асосан амалга оширилади. Ҳужжатлик инвентаридан фойдаланишдан олинган даромадлар улар учун белгиланган ҳақ тўлаш меъёрлари асосида гувоҳлик берувчи касса ҳужжатлари маълумотларига асосан амалга оширилади. Олинган барча даромадлар бўйича аудитор томонидан йўғма маълумотнома тузилади. Ушбу маълумотноманинг алоҳида устунчаларида корхона маълумотлари ва текширув маълумотлари, шунингдек улар ўртасидаги мувофиқлик ёки четланишлар кўрсатилади. Ушбу маълумотда тузиладиган аудиторнинг иш ҳужжати бозорлар томонидан тўланадиган соддалаштирилган солиқдаги четланишни қайси даромад эвазига юз берганлигини аниқлашга имкон беради.

Бозорлар томонидан тўланадиган соддалаштирилган солиқ уларда фойданинг ишлатилиши счётига олиб борилади ҳамда «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот»нинг «фойда солиғи» сатрида кўрсатилади. Ушбу солиқни кўп ҳисобланганлиги соф фойдани ҳисоботда кам қилиб кўрсатилишига ва, аксинча, унинг кам ҳисобланганлиги эса ҳисоботда соф фойдани кўп қилиб кўрсатилишига олиб келади. Шу боис ҳам, бозорлар томонидан тўланадиган соддалаштирилган солиқнинг ҳисобланиши лозим бўлган реал суммаси ҳисоблангач, аудиторларнинг муҳим вазифаси бўлиб молиявий ҳисоботнинг тенгшили сатрларига тузатиш киритиш ҳисобланади.

Бозорлар томонидан тўланадиган соддалаштирилган солиқни ҳисобот даврлари бўйича тўлаш тартибига риоя этилганлигини, унга доир молиявий санкциялар, дебиторлик ёки кредиторлик қарзларни тўғри ҳисобланганлиги

ҳамда ҳисоб ва ҳисоботда реал акс эттирилганлигини, бошланғич ҳужжатларни, бухгалтерия ёзувларини, уларда суммаларни тўғри акс эттирилганлигини текшириш учун ҳудди бошқа солиқлар сингари юқорида келтирилган шакллардаги аудиторлик иш ҳужжатларини тузиш лозим.

Бозорлар томонидан тўланадиган соддалаштирилган солиқ бўйича аудиторлик хатари ушбу солиқнинг асосий элементларидаги четланишлар ва хатоликларни топмасликда ёки тўғри бўлган маълумотларни нотўғри деб расмийлаштирилганлигида ҳисобланади. Ушбу хатарни камайтириш учун бозорлар томонидан тўланадиган соддалаштирилган солиқ базасини аниқлашга асос бўладиган кўрсаткичларга оид исботу-далилларни тўлиқ тўплаш, бу кўрсаткичларни танлаб текширишга йўл қўймаслик ўта муҳимдир.

7-маъруза	ХОДИМЛАРДАН УНДИРИЛАДИГАН ДАРОМАД СОЛИҒИ ВА ТЎЛОВ МАНБАИДА УШЛАНАДИГАН БОШҚА СОЛИҚЛАРНИНГ АУДИТИ
-----------	---

МАЪРУЗА ТЕХНОЛОГИЯСИ

Ўқув соати: 2 соат	Талабалар сони: 20 та
Ўқув машғулоти шакли: Ахборотли маъруза	
Маъруза режаси: 1. Ходимлардан ундириладиган даромад солиғининг аудити 2. Тўлов манбаида ушланадиган бошқа солиқларнинг аудити	
Ўқув машғулоти нининг мақсади: талабаларга ходимлардан ундириладиган даромад солиғи ва бошқа солиқларни аудит қилиш тартиби тўғрисида тушунчалар бериш	
Педагогик вазифалар: ходимлардан ундириладиган даромад солиғи ва тўлов манбаида ушланадиган бошқа солиқларни аудит қилиш тартибларини тушунтириш.	Ўқув фаолияти натижалари: Талабалар ходимлардан ундириладиган даромад солиғи ва тўлов манбаида ушланадиган бошқа солиқларни аудит қилиш тартибларини билиб оладилар
Ўқитиш воситалари: <i>видеопроектор, доска.</i>	
Ўқитиш усуллари: <i>Тушунтириш, ақлий ҳужум.</i>	
Ўқитиш шакллари: <i>Коллектив иш</i>	
Ўқитиш шаронти: <i>Техник воситалар билан таъминланган аудитория.</i>	
Мониторинг ва баҳолаш: <i>Оғзаки, тест савол-жавоблари.</i>	

1.ХОДИМЛАРДАН УНДИРИЛАДИГАН ДАРОМАД СОЛИҒИНИНГ АУДИТИ

Республикамизнинг Солиқ кодексига мувофиқ корхонада фаолият юритаётган ходимлар – резидент ва норезидентлар шу корхона орқали олаётган даромадларидан солиқ тўловчилар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг **резиденти** - бу Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган ёки жорий солиқ даврида яқунланаётган ҳар қандай кетма-кетликдаги ўн икки ойлик давр ичида жами бир юз саксон уч кун ва ундан ортиқ муддат Ўзбекистон Республикасида турган жисмоний шахсдир. Ушбу белгиланган мезонларга жавоб бермайдиган шахс Ўзбекистон Республикасининг **норезиденти** деб эътироф этилади.

Жисмоний шахсларнинг - Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган даромадларига манбада чегирмаларсиз Солиқ Кодекснинг 182-моддасида назарда тутилган ўзига ҳос хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда ва ставкалар бўйича солиқ солинади.

Корхоналарга давлат солиқ органлари ва солиқ тўловчилар (резидент ва норезидентлар) ўртасида солиқни ушлаб қолиш ва бюджетга ўтказиб бериш бўйича солиқ агенти функцияси, мажбуриятлари ва жавобгарликлари юклатилади.

Ходимлардан ундириладиган солиқлар аудити келишувга кўра комплекс аудитнинг бир қисми, шунингдек махсус тематик аудит бўлиши мумкин. Тузилган шартномага кўра ходимлар даромадидан ундириладиган солиқ ёппасига ёки танлаб текшириш объекти ҳисобланади. Одатда, ходимлар сони кўп бўлган корхоналарда бу объект танлаб текширилади. Бунда танлаб текшириш миқдори умумий ишловчи ходимлар сонининг 10 фоизидан кам бўлмаслиги лозим. Ходимлари сони кам бўлган кичик бизнес субъектларида ходимлар даромадидан ундириладиган солиқ ёппасига тўлиқ текширилади. Тематик аудит тарзида ўтказиладиган аудит текширувида ходимлар даромадидан ундириладиган солиқ аудити, одатда, ёппасига барча ходимлар бўйича ўтказилади.

Комплекс аудитда ҳам, тематик аудит тарзидаги текширувларда ҳам ходимлар даромадларидан ундириладиган аудитнинг кетма-кетлиги қуйидагиларни ўз ичига олади.

ХОДИМЛАР ДАРОМАДИДАН УНДИРИЛАДИГАН СОЛИҚ АУДИТИНИНГ КЕТМА-КЕТЛИГИ

- Солиқ базасини тўғри ҳисобланганлигини аниқлаш;
- Солиқ солинадиган оборот ва солиқ солинмайдиган оборотларни тўғри ҳисобланганлигини аниқлаш;
- Солиқ ставкасини тўғри қўлланилганлигини аниқлаш;
- Солиқни ҳисоблаб чиқариш, солиқ ҳисоб-китобларини тақдим этиш ва солиқни тўлаш тартибига риоя этилганлигини аниқлаш;
- Солиқ бўйича имтиёزلарни ва молиявий санкцияларни тўғри ҳисобланганлиги ҳамда ҳисоб ва ҳисоботда тўғри акс эттирилганлигини аниқлаш;
- Солиққа доир бошланғич ҳужжатларни, бухгалтерия ёзувларини, уларда суммаларни тўғри акс эттирилганлигини аниқлаш

Солиқ солиш объекти. Ходимларнинг корхонада олган жами даромадлари солиқ солиш объекти ҳисобланади.

Ходимнинг жами даромади таркиби (171-модда)

Корхона ходимининг жами даромадига қуйидагилар киради:

- 1) меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар;
- 2) мулкӣ даромадлар;
- 3) моддий наф тарзидаги даромадлар;
- 4) бошқа даромадлар.

Юридик шахслар амалга оширадиган қуйидаги харажатлар ходимнинг даромади сифатида қаралмайди:

1) меҳнат шартлари ноқулай бўлган ишларда банд бўлган ходимларни меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сут, даволаш-профилактика озик-овқати, газланган шўр сув, шахсий химоя ва гигиена воситалари билан таъминлаш харажатлари;

2) қасаба уюшмаси қўмитаси томонидан амалга ошириладиган тўловлар, шу жумладан аъзолик бадаллари ҳисобидан қасаба уюшмаси аъзоларига бериладиган моддий ёрдам, бундан қасаба уюшмаси қўмитасининг ходимларига меҳнат вазифаларини бажарганлик учун бериладиган пул мукофотлари ва бошқа тўловлар мустасно;

3) ходимларни иш жойига олиб келиш ва қайтариб олиб кетиш харажатлари;

4) диний расм-русумлар ва маросимларни, байрам тантаналарини ўтказиш, вакиллик харажатлари, шаҳар йўловчилар транспортида ходимларнинг хизмат катновлари учун фойдаланиладиган йўл

карточкаларини олиш, шунингдек юридик шахснинг ходимларнинг меҳнат ва дам олиш шароитларини таъминлаш билан боғлиқ ҳамда муайян жисмоний шахсларнинг даромади ҳисобланмайдиган бошқа харажатлар;

5) ходимга хизмат вазифаларини бажариш учун зарур бўлган махсус кийим-бош, махсус пойабзал, формали кийим-бош бериш харажатлари ёки уларни пасайтирилган баҳоларда сотиш муносабати билан қилинган харажатлар, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда айрим тоифадаги ходимларни ўз хизмат вазифаларини бажариши чоғида озик-овқат билан таъминлаш харажатлари;

6) ходим бошқа жойга ишга ўтказилганда ёхуд қўчиб борганда қўчиш, мол-мулкни қўчириб бориш, жой ижараси (йўл харажатлари учун бериладиган пул) билан боғлиқ харажатларни тўлаш ёки бу харажатларнинг ўрнини қоплаш харажатлари;

7) хизмат сафарларидаги қуйидаги компенсация тўловлари:

тасдиқловчи ҳужжатлар асосида хизмат сафари жойига бориш ва у ердан қайтиб келиш учун, шу жумладан жой банд қилиш учун ҳақ тўлашни қўшган ҳолда ҳақиқатда амалга оширилган тўловлар. Йўл ҳужжатлари бўлмаган тақдирда, темир йўл транспортидаги (агар темир йўл катнови бўлмаса, шаҳарлараро автобустаги) йўл ҳақи қийматини миқдорида, бироқ авиачипта қийматининг 30 фоизидан ошмайдиган миқдорда;

уй-жойни ижарага олиш бўйича ҳақиқатда амалга оширилган тўловлар. Яшаганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаган тақдирда - қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасида;

тасдиқловчи ҳужжатлар асосида уй-жойни банд қилиш учун тўловлар;

қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасида хизмат сафарида бўлинган вақт учун тўланадиган кундалиқ харажатлар учун ҳақ (суткалик пуллар);

қонун ҳужжатларида белгиланган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган бошқа тўловлар;

8) қонун ҳужжатларида назарда тутилган нормалар доирасида ходимга тўланадиган компенсация тўловлари (компенсациялар):

доимий иши йўлда кечадиган, ҳаракатланиш ва (ёки) катнов тусига эга бўлган, шунингдек вахта усулида ишларни бажаришда ходимга компенсация тўловлари (компенсациялар);

хизмат ишлари учун шахсий автомобилдан фойдаланганлик учун компенсация тўловлари (компенсациялар), бундан хизмат сафарлари мустасно;

дала таъминоти;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва нормалар бўйича бошқа компенсация тўловлари (компенсациялар), бундан Солиқ Кодексининг 174 ва 178-моддаларида кўрсатилганлари мустасно;

9) меҳнатда майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача шикаст етганлик билан боғлиқ зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича қуйидаги миқдордаги тўловлар:

жабрланувчи меҳнатда майиб бўлгунига қадар олган ўртача ойлик иш

ҳақни нисбатан фоиз ҳисобидаги, унинг касбга оид меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражасига мувофиқ белгиланадиган ҳар ойлик тўловлар (вояга етмаган шахс меҳнатда майиб бўлиб қолган тақдирда, зарарнинг ўрни унинг иш ҳақи (даромади) миқдоридан келиб чиққан ҳолда, лекин қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг беш бараваридан кам бўлмаган миқдорда қопланади);

махсус тиббий парваришга мухтож жабрланувчиларга қўшимча харажатлар учун ойига энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдоридagi тўловлар;

жабрланувчининг маиший парвариши учун қўшимча харажатлар тарикасида ҳар ойда энг кам иш ҳақининг эллик фоизи миқдоридagi тўловлар;

ҳодимнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги муносабати билан иш беворчи томонидан бир йўла тўланадиган нафақа тарикасида жабрланувчининг йиллик ўртача иш ҳақи миқдоридagi тўловлар;

10) боқувчиси вафот этганлиги муносабати билан қуйидаги миқдордаги тўловлар:

марҳумнинг ўртача иш ҳақининг вафот этган боқувчининг қарамоғида бўлган ва унинг вафоти муносабати билан зарарни ундиришга ҳақли бўлган меҳнатга қобилиятсиз шахсларга тўғри келадиган улуши миқдоридagi тўловлар;

боқувчиси вафот этганлиги муносабати билан зарарни ундиришга ҳақли бўлган шахсларга бир йўла тўланадиган нафақа тарикасида марҳумнинг ўртача йиллик иш ҳақининг олти баравари миқдоридagi тўловлар;

11) талабаларнинг таълим олиши учун, Ўзбекистон Республикасининг олий ўқув юрти билан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича пулли-контракт асосида ўтказиладиган тўловлар;

13) мол-мулкни суғурта қилиш ва (ёки) ҳаётни узок муддатли суғурта қилиш бўйича Ўзбекистон Республикасида суғурта фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган юридик шахсларга тўланадиган суғурта мукофотлари. Мол-мулкни суғурталаш ва (ёки) ҳаётни узок муддатли суғурталаш шартномаси муддатидан илгари бекор қилинганда ва суғурталовчи суғурта қилинувчига суғурта мукофотининг бир қисmini ёки тўлиқ қайтарса, қайтарилган суғурта мукофоти миқдори жисмоний шахснинг солиқ солинадиган жами даромади таркибига киритилади;

14) ёш оилалар аъзоларининг уй-жой олиш учун юридик шахсдан - иш беворчидан олган маблағлари. Уй-жой олинган (мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган) санадан эътиборан беш йил ичида сотилса, ушбу бандда қўрсатилган даромадларга белгиланган тартибда солиқ солинади;

15) ҳодимларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш харажатлари.

**Ходимнинг меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлари
(172-модда)**

Иш берувчи билан меҳнатга оид муносабатларда бўлган ва тузилган меҳнат шартномасига (контрактига) мувофиқ ишларни бажараётган ходимларга ҳисобланадиган ва тўланадиган барча қуйидаги тўловлар **меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар деб эътироф этилади:**

* меҳнатга ҳақ тўлашнинг қабул қилинган шакллари ва тизимларига мувофиқ ишбай нархлар, тариф ставкалари ва мансаб маошларидан келиб чиққан ҳолда ҳақиқатда бажарилган иш учун ҳисобланган иш ҳақи;

* илмий даража ва фахрий унвон учун қўшимча тўловлар;

* Солик Кодексининг 173-моддасига мувофиқ рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар;

* Солик Кодексининг 174-моддасига мувофиқ компенсация тўловлари (компенсация);

* Солик Кодексининг 175-моддасига мувофиқ ишланмаган вақт учун ҳақ тўлаш.

* Меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларга қуйидагилар ҳам кирази:

- предмети ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш бўлган фуқаролар ҳукукий тусда тузилган шартномаларга мувофиқ жисмоний шахсларга тўловлар;

- юридик шахснинг бошқарув органи (кузатув кенгаши ёки бошқа шунга ўхшаш органи) аъзоларига юридик шахснинг ўзи томонидан амалга ошириладиган тўловлар;

- Ўзбекистон Республикаси мудофаа, ички ишлар, фавқулодда вазиятлар вазирликларининг, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг харбий хизматчиларига, ички ишлар органларининг оддий аскарлар, сержантлар ва офицерлар таркибига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг ходимларига хизматни ўташи (хизмат мажбуриятларини бажариши) муносабати билан тўланадиган пул таъминоти, пул мукофотлари ва бошқа тўловлар.

**Ходимга тўланадиган рағбатлантириш хусусиятига эга бўлган тўловлар
(173-модда)**

1) йиллик иш якунлари бўйича мукофот;
2) юридик шахснинг мукофотлаш тўғрисидаги қондасида назарда тутилган рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар;

3) касб маҳорати, мураббийлик учун тариф ставкаларига ва маошларга устамалар;

4) таътилга қўшимча ҳақлар;

5) қўп йил ишлаганлик учун пул мукофоти ва тўловлар;

6) рационализаторлик таклифи учун тўлов;

7) меҳнат натижалари билан боғлиқ бўлмаган бир йўла бериладиган мукофотлар.

Ходимга тўланадиган компенсация тўловлари турлари (174-модда)

- 1) табиий-иклим шароитлари ноқулай бўлган жойлардаги ишлар билан боғлиқ кўшимча тўловлар (иш стажи учун устамалар, баланд тоғли, чўл ва сувсиз жойларда ишлаганлик учун белгиланган коэффициентлар бўйича тўловлар)
- 2) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган касблар ва ишлар рўйхати бўйича оғир, зарарли, ўта зарарли меҳнат шароитларида ишлаганлик учун устамалар, шу жумладан шундай шароитлардаги узлуксиз иш стажи учун иш ҳақиға устамалар;
- 3) технологик жараён жадвалида назарда тутилган тунги вақтда, иш вақтидан тиниқари, дам олиш кунларида ва байрам (ишланмайдиган) кунларида ишлаганлик учун тариф ставкаларига ҳамда маошларга устамалар ва кўшимча тўловлар;
- 4) кўп сменали режимда ишлаганлик, шунингдек бир неча касбда, лавозимда ишлаганлик, хизмат кўрсатиш доираси кенгайганлиги, бажариладиган ишлар ҳажми ортганлиги, ўзининг асосий иши билан бир каторда ишда вақтинча бўлмаган ходимларнинг вазифаларини бажарганлик учун устамалар;
- 5) доимий иши йўлда кечадиган, ҳаракатланиш ва (ёки) катнов тусига эга бўлган ходимларнинг, шунингдек доимий иши ишларни вахта усулида бажарилишини назарда тутадиган ходимларнинг иш ҳақиға конун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча тўланадиган устамалар;
- 6) юридик шахс жойлашган ердан (йиғилиш пунктидан) ишлаш жойигача ва орқага қайтиш учун вахтада ишлаш жадвалида назарда тутилган ишлар вахта усулида бажарилган тақдирда йўлга кетадиган кунлар, шунингдек ходимлар метеорологик шароитлар сабабли ва транспорт ташкилотларининг айби билан йўлда ушланиб қолган кунлар учун тариф ставкаси, маош миқдорида тўланадиган суммалар;
- 7) ер ости ишларида доимий банд бўлган ходимларга уларнинг стволдан ишлаш жойига бориш ва у ердан қайтиш учун шахтада (конда) ҳаракатланишининг меъёрий вақти учун тўланадиган кўшимча ҳақлар;
- 8) конун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча дала таъминоти;
- 9) хизмат сафарлари вақтидаги конун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча кундалик харажатлар учун ҳақ (суткалик пуллар);
- 10) ишлар вахта усулида ташкил қилинганда, иш вақти умумлаштирилган ҳолда ҳисобга олинаётганда ва конун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолларда ходимларга иш вақтининг белгиланган давомийлигидан ортиқ ишлаганликлари муносабати билан бериладиган дам олиш кунлари (отгуллар) учун тўловлар;
- 11) хизмат ишлари учун ходимнинг шахсий автомобилдан ёки хизмат мақсадлари учун унинг бошқа мол-мулкидан конун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча фойдаланганлик учун тўловлар;
- 12) меҳнатда майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача шикаст етганлик билан боғлиқ зарарнинг ўрнини қоплаш учун ушбу Кодекс 171-моддаси иккинчи қисмининг 9-бандида кўрсатилган миқдорлардан ортиқча олинган суммалар;
- 13) озиқ-овқат ва йўл чипталарининг қиймати ёки озиқ-овқат ва йўл чипталарининг қийматини қоплаш.

Ходимга ишланмаган вақт учун ҳақ тўлаш (175-модда)

- 1) конун ҳужжатларига мувофиқ;
- а) йиллик асосий (узайтирилган асосий) таътилга ҳақ тўлаш, шунингдек ушбу таътилдан фойдаланилмаганда, шу жумладан ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда пуллик компенсация тўлаш;
- б) ноқулай ва ўзига хос меҳнат шароитларида, шунингдек оғир ва ноқулай табиий-иқлим шароитларида ишлаганлиги учун айрим тармоқларнинг ходимларига бериладиган қўшимча таътилга ҳақ тўлаш;
- в) ўқиш билан боғлиқ таътилга ва ижодий таътиллarga ҳақ тўлаш;
- г) ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга берилган қўшимча таътилга ҳақ тўлаш;
- 2) асосий иш ҳақи қисман сакланиб қолган ҳолда мажбурий таътилда бўлган ходимларга бериладиган тўловлар;
- 3) донор ходимларга қўриқдан ўтиш, қон топшириш ва қон топширилган ҳар бир кундан кейин бериладиган дам олиш кунлари учун ҳақ тўлаш;
- 4) Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига мувофиқ давлат ёки жамоат вазифаларини бажарганлик учун меҳнатга ҳақ тўлаш;
- 5) кишлоқ хўжалиги ва бошқа ишларга жалб қилинадиган ходимларнинг асосий иш жойи бўйича саклаб қолинадиган иш ҳақи;
- б) бошқа юридик шахслардан аввалги иш жойида лавозим бўйича маоши миқдорлари маълум бир муддат давомида саклаб қолинган ҳолда ишга олинган, шунингдек вақтинчалик вазифани бажариб турганда ходимларга маошдаги фарқни тўлаш;
- 7) юридик шахсларнинг ходимларига кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида ишдан ажралган ҳолда ўқишлари вақтида асосий иш жойи бўйича уларга тўланадиган иш ҳақи;
- 8) ходимнинг айбисиз бекор туриб қолинган вақт учун ҳақ тўлаш;
- 9) меҳнат лавозини вақтинча йўқотган ходимларга қўшимча ҳақ тўлаш;
- 10) конун ҳужжатларига мувофиқ ёки юридик шахснинг қарори билан мажбурий прогул вақти ёки кам ҳақ тўланадиган ишни бажарганлик учун ҳақ тўлаш;
- 11) ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг имтиёзли соатларига, оналарга болани овқатлантириши учун ишда бериладиган танаффусларга, шунингдек тиббий кўриқдан ўтиш билан боғлиқ вақт учун ҳақ тўлаш;
- 12) юридик шахсларнинг асосий ишидан озод қилинган ва озод қилилмаган ҳолда ходимлар тайёрлаш, уларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш учун ҳамда ўқувчилар ва талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётига раҳбарлик қилиш учун жалб қилинадиган юқори малакали ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш;
- 15) юридик шахснинг маблағлари ҳисобидан тўланадиган пенсиялар ва нафакаларга қўшимчалар, стипендиялар;
- 16) олий ўқув юртини тамомлаганидан кейин ёш мутахассисларга таътил вақти учун юридик шахс ҳисобидан тўланадиган нафакалар;

Ходимнинг мулкӣ даромадлари (176-модда)

Ходимнинг корхонада солиқ ушлаб қолинадиган мулкӣ даромадлари таркибига қуйидагилар кирази:

- 1) фонизлар;
- 2) дивидендлар;
- 3) мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадлар (ходим ва корхона уртасида ижара шартномаси тузилган бўлса);
- 6) роялти (интеллектуал мулк ижараси бўйича ходим ва корхона ўртасида ижара шартномаси тузилган бўлса);
- 8) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлаганидан кейин хусусий корхона мулкдори ҳамда фермер хўжалиги бошлиғи ихтиёрида қоладиган фойда суммаси.

Ходимнинг моддий наф тарзидаги даромадлари (177-модда)

Ходим томонидан юридик шахсдан моддий наф тарзида олинган даромадлар, агар ушбу Кодекс 171-моддасининг иккинчи қисмида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, қуйидагилардир:

1) юридик шахс томонидан жисмоний шахс манфаатларини кўзлаб, товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини, мулкӣ ҳуқуқларни тўлаш, шу жумладан:

жисмоний шахсларнинг болаларини мактабгача таълим муассасаларида ўқитиш, тарбиялаш;

коммунал хизматлар, ходимларга берилган уй-жой ҳақини, уй-жойдан фойдаланиш харажатлари ҳақини, ётоқхонадаги жойлар ҳақини ёки уларнинг ўрнини қоплаш қийматини тўлаш;

санаторий-курортларда даволаниш йўлланмалари қийматини, дам олиш, стационар ва амбулаторияга катнаб даволаниш ҳақини ёки уларнинг ўрнини қоплаш қийматини тўлаш;

юридик шахснинг жисмоний шахс даромади бўлган бошқа харажатлари;

2) солиқ тўловчининг манфаатларини кўзлаб текинга, шу жумладан ҳаё шартномаси асосида берилган мол-мулк, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар қиймати;

3) товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) ходимларга реализация қилинадиган нархи ва шу товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган қиймати ўртасидаги салбий тафовут;

4) қонун ҳужжатларига мувофиқ ходимларга темир йўл, авиация, дарё, автомобиль транспорти ва шаҳар электр транспортида юриш бўйича бериладиган имтиёзлар суммаси;

5) жисмоний шахснинг юридик шахс олдидаги қарзининг юридик шахс қарори билан ҳисобдан чиқарилган суммалари;

6) иш берувчи томонидан тўловлар ҳисобига тўланиб, ходимдан ушлаб қолиниши лозим бўлган, лекин ушлаб қолинмаган суммалар.

Солиқ тўловчи юридик шахсдан товарлар (ишлар, хизматлар) олган тақдирда, ушбу товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қиймати уларни олиш нархидан ёки таннархидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Жисмоний шахс юридик шахсдан акциз тўланадиган товарлар ёки қўшилган қиймат солиғи солинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) олса, бундай товарлар (ишлар, хизматлар) қийматида акциз солиғининг ва қўшилган қиймат солиғининг тегишли суммаси ҳисобга олинади.

Ходимнинг бошқа даромадлари (178-модда)

Ходимнинг бошқа даромадлари жумласига қуйидагилар кирази:

- 1) пенсиялар ва қонун ҳужжатларида белгиланган нафақалар
- 2) стипендиялар;
- 4) донорлик учун пул мукофотлари;
- 5) алиментлар;
- 8) мусобакаларда, кўриқларда, танловларда совринли ўринлар учун бериладиган совринлар, пул мукофотлари;
- 9) ютуқлар;
- 10) грант берувчидан олинган грантлар, шу жумладан чет давлатлар грантлари бўйича олинган суммалар;
- 11) жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари, улар бўйича олинган фоиз тарзидаги ва бошқа даромадлар, жамғариб бориладиган пенсия тўловлари;
- 13) Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари ва давлат пул мукофотларига сазовор бўлган жисмоний шахслар олган бир йўла бериладиган давлат пул мукофоти ёки шунга тенг баҳодаги эсдалик совғаларининг қиймати, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида бир йўла бериладиган пул мукофоти;
- 14) халқаро спорт мусобакаларида совринли ўринларни эгаллаганлиги учун спортчилар олган бир йўла бериладиган пул мукофоти;
- 15) ходим билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганда меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бериладиган ишдан бўшашиш нафақаси ва бошқа тўловлар;
- 16) моддий ёрдам тариқасида:
 - а) вафот этган ходимнинг оила аъзоларига ёки оила аъзоси вафот этганлиги муносабати билан ходимга бериладиган тўловлар;
 - б) ходимга меҳнатда майиб бўлганлик, касб касаллиги ёхуд соғлиққа бошқача шикаст етганлиги билан боғлиқ тўловлар;
 - в) факулда ҳолатлар муносабати билан бериладиган тўловлар;
 - мақсадли хусусиятга эга бўлган ҳамда ходимлар билан юз берган шахсий
 - г) тусдаги воқеалар, ҳодисалар ва тадбирлар билан боғлиқ бўлган ҳамда бажариладиган иш натижаларига боғлиқ бўлмаган тўловлар;
 - д) қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бериш ёки уларни сотиб олиш учун маблағлар бериш тарзидаги тўловлар;
- 17) қонун ҳужжатларига мувофиқ уй-жой-коммунал хизматлари ҳақини тўлаш бўйича ҳар ойлик компенсация пул тўловлари;
- 18) ишламайдиган пенсионерларга юридик шахс томонидан тўланадиган тўловлар;
- 19) сўғурга товони суммалари;

20. Маънавий зарарни компенсация қилиш бўйича пул тўловлари.

Ходим даромади бўйича солиқ солинадиган база (170-модда)

Солиқ солинадиган база ходимнинг жами даромадидан келиб чиқиб, Солиқ Кодексининг 179 ва 180-моддаларига мувофиқ солиқ солишдан озод қилинган даромадлар чегирилган ҳолда аникланади.

Агар солиқ тўловчининг даромадидан унинг ихтиёрига кўра, суд ёки бошқа органларнинг қарорига биноан бирон бир ушлаб қолишлар амалга оширилса, бундай ушлаб қолишлар солиқ солинадиган базани камайтирмайди.

Ходимнинг чет эл валютасида ифодаланган даромадлари даромадлар ималда олинган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича миллий валютада қайта ҳисоблаб чиқилади.

Ходимнинг солиқ солинмайдиган даромадлари (179-модда)

Жисмоний шахсларнинг қуйидаги даромадларига солиқ солинмайди:

1) моддий ёрдам суммалари:

фавқуллодда ҳолатлар муносабати билан бериладиган моддий ёрдам суммалари - тўлалигича;

вафот этган ходимнинг оила аъзоларига ёки оила аъзоси вафот этганлиги муносабати билан ходимга бериладиган моддий ёрдам суммалари - энг кам иш ҳақининг йигирма бараваригача миқдорда;

бошқа ҳолларда - солиқ даври учун энг кам иш ҳақининг ўн икки бараваригача миқдорда;

2) йўлланмалар қийматини юридик шахслар томонидан тўлиқ ёки қисман қоплаш суммалари, туристик йўлланмалар бундан мустасно:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган санаторий-курорт ва соғломлаштириш муассасаларига йўлланмалар қийматини ногиронларга, шу жумладан мазкур корхонада ишламайдиган ногиронларга тўлиқ ёки қисман қоплаш суммалари;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган болалар оромгоҳлари ва бошқа соғломлаштириш оромгоҳлари, шунингдек ота-оналарнинг болалари билан дам олишига махсус мўлжалланган санаторий-курорт ва соғломлаштириш муассасаларига ўз ходимларининг ўн олти ёшга тўлмаган (ўн саккиз ёшгача бўлган ўқувчилар) болалари учун йўлланмалар қийматини тўлиқ ёки қисман қоплаш суммалари;

3) ўз ходимларига ва уларнинг болаларига амбулатория ва (ёки) стационар тиббий хизмат кўрсатилганлиги учун иш берувчи томонидан тўланган суммалар, шунингдек юридик шахснинг даволаш ва тиббий хизмат кўрсатганлик, ногиронлик профилактикаси ва ногиронларнинг саломатлигини тиклашга доир техник воситаларни олиш учун қилинган харажатлари. Ходимларни даволаганлик, уларга тиббий хизмат кўрсатганлик учун юридик шахслар томонидан соғлиқни сақлаш муассасаларига нақд пулсиз ҳақ тўланган тақдирда, шунингдек соғлиқни сақлаш ташкилотлари томонидан ёзиб берилган ҳужжатлар асосида ушбу мақсадлар учун мўлжалланган нақд

пул маблағлари бевосита ходимга, ходим йўқлигида, унинг оила аъзоларига, ота-оналарига берилган ёки мазкур мақсадлар учун мўлжалланган маблағлар ходимнинг банкдаги ҳисобварағига киритилган тақдирда, ушбу даромадлар солиқ солишдан озод қилинади;

4) Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Ўзбекистон Республикасидан ташқарига ишлаш учун юборилиши муносабати билан бюджет ташкилотларидан чет эл валютасида олинган иш ҳақи суммалари ва бошқа суммалар, қонун ҳужжатларида белгиланган суммалар доирасида;

5) вақтинчалик бир марталик ишларни бажаришдан олинган даромадлар, агар бундай ишларга ёллаш вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш марказлари қўмағида амалга ошириладиган бўлса;

6) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаганидан кейин хусусий корхона мулкдори, фермер хўжалиги бошлиғи ихтиёрида қоладиган фойда суммаси;

7) Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари ва давлат пул мукофотларига сазовор бўлган жисмоний шахслар олган бир йўла бериладиган давлат пул мукофоти ёки шунга тенг баҳодаги эсдалик совғаларининг қиймати, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида бир йўла бериладиган пул мукофоти;

8) халқаро спорт мусобақаларида совринли ўринларни эгаллаганлиги учун спортчилар олган бир йўла бериладиган пул мукофоти;

13) халқаро ҳамда республика танловлари ва мусобақаларида олинган буюм тарзидаги совринларнинг қиймати;

14) юридик шахсдан солиқ даври мобайнида энг кам иш ҳақининг олти баравари миқдоригача бўлган қийматдаги:

ходимлар натура шаклида олган совғалар;

илгарини мазкур юридик шахснинг ходимлари бўлган ишламаётган пенсиячилар ва меҳнат қobiliятини йўқотган шахслар, вафот этган ходимнинг оила аъзолари томонидан олинган совғалар ва бошқа турлардаги ёрдам;

18) халқаро ҳамда чет эл ташкилотлари ва фондларидан, шунингдек илмий-техника ҳамкорлиги соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари доирасида бевосита жисмоний шахс грант берувчидан ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан вакил қилинган фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш бўйича органнинг ҳулосаси бўлган тақдирда, юридик шахсдан - грант олувчидан олган грант суммаси;

19) фуқароларнинг солиқ солинадиган иш ҳақи ва бошқа даромадларининг давлат корхоналари мол-мулкани сотиб олиш, хусусийлаштириладиган корхоналар акцияларини олиш учун йўналтириладиган суммалари, шунингдек дивидендлар тарзида олинган ва дивиденд тўлаган юридик шахснинг устав фондига (устав капиталига) йўналтирилган даромадлар. Ушбу бандда назарда тутилган имтиёз қўлланилганидан сўнг бир йил ичида муассислар (иштирокчилар) таркибидан

чикилганда (чикиб кетилганда), мазкур мол-мулк сотилганда ёхуд тугатилаётган юридик шахснинг мол-мулки унинг муассислари (иштирокчилари) ўртасида тақсимланганда илгари солиқ солишдан озод қилинган даромадларга умумий асосларда солиқ солиниши керак;

20) меҳнат шартномаси бекор қилинганида энг кам иш ҳақининг ўн икки баравари миқдори доирасида тўланадиган ишдан бўшатиш нафақаси, қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа нафақалар, бундан вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақалари (шу жумладан оиланинг бемор аъзосини парваришлаш нафақаси) мустасно, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хайрия ва экология жамғармаларидан жисмоний шахсларга бериладиган ёрдам тусидаги тўловлар;

21) олинган алиментлар;

22) фуқароларнинг сугурта товони сифатида оладиган суммалари;

23) қонун ҳужжатларида давлат стипендиялари учун белгиланган миқдорларда таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари томонидан тўланадиган стипендиялар;

24) уй-жой-коммунал хизматларига ҳақ тўлаш бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳар ойлик компенсация пул тўловлари;

25) давлат пенсиялари;

27) жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари, улар бўйича фоииз даромадлари, шунингдек жамғариб бориладиган пенсия тўловлари;

28) фуқароларнинг солиқ солинадиган ва Ўзбекистон Республикасида сугурта фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган юридик шахсларга мол-мулкни сугурта қилиш ҳамда ҳаётни узок муддатли сугурта қилиш бўйича сугурта муқофотлари тўлови учун йўналтириладиган иш ҳақи ва бошқа даромадларининг суммалари;

29) юридик шахслар муассисларининг (иштирокчиларининг) ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъектига - юридик шахсга унинг мажбуриятларини бажариш учун йўналтириладиган даромадлари суммалари. Ихтиёрий тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таомили тўхтатилган ва фаолият қайта тикланган тақдирда, ушбу имтиёз қўлланилмайди ва солиқ суммаси имтиёз қўлланилган бутун давр учун тўлиқ миқдорда ундирилади;

30) қуйидаги жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган иш ҳақи ва бошқа даромадлари суммалари:

ёш оила аъзолари томонидан яқка тартибда уй-жойни қуриш, реконструкция қилиш ва сотиб олиш учун ёки кўп квартирали уйдаги квартирани реконструкция қилиш ва сотиб олиш учун олинган ипотека кредитларини ҳамда улар бўйича ҳисобланган фоиизларни қоплаш учун йўналтирилганда;

"Қишлоқ қурилиш банк" акциядорлик тижорат банкининг кредитлари ҳисобига қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибда уй-жой қурувчи шахслар томонидан олинган ипотека кредитларини ҳамда улар бўйича ҳисобланган фоиизларни қоплаш учун йўналтирилганда.

Ушбу бандда кўрсатилган мол-мулк олинган (мол-мулкка бўлган ҳуқуқ

давлат рўйхатидан ўтказилган) санадан эътиборан беш йил ичида сотилса, мазкур бандда назарда тутилган даромадларга белгиланган тартибда солиқ солинади;

31) фуқароларнинг солиқ солинадиган иш ҳақи ва бошқа даромадларининг;

Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида таълим олиш учун (ўзининг ўқиши ёки йигирма олти ёшга тўлмаган фарзандларининг ўқиши учун) йўналтириладиган суммалари;

Ўзбекистон Республикаси Халқ банкидаги фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ихтиёрий равишда йўналтириладиган суммалари;

Ходимларни солиқ солишдан озод қилиш (180-модда)

Куйидаги ходимлар солиқ солишдан қисман (даромад олинган ҳар бир ой учун энг кам иш ҳақининг тўрт барабари миқдоридagi даромадлар бўйича) озод қилинади:

1) "Ўзбекистон Қаҳрамони", Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган шахслар, учала даражадаги Шухрат ордени билан тақдирланган шахслар, уруш ногиронлари ёхуд 1941-1945 йиллардаги уруш даврида ёки ҳарбий хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажаришда яраланганлиги, контузия бўлганлиги ёки шикастланганлиги оқибатида ёхуд фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ногирон бўлиб қолган ҳарбий хизматчилар жумласидан бўлган бошқа ногиронлар, собиқ партизанлар жумласидан бўлган ногиронлар, шунингдек пенсия таъминоти бўйича мазкур тоифадаги ҳарбий хизматчиларга тенглаштирилган бошқа ногиронлар. Бу имтиёзларни бериш учун "Ўзбекистон Қаҳрамони" гувоҳномаси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони дафтарчаси, учала даражадаги Шухрат ордени билан тақдирланганларнинг ордени дафтарчаси, уруш ногиронларининг тегишли уруш ногирони гувоҳномаси ёхуд мудофаа ишлари бўйича бўлимнинг ёки бошқа ваколатли органнинг маълумотномаси, бошқа ногиронларнинг - Ногироннинг имтиёзларга бўлган ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномаси асос бўлади;

2) хизматни ҳаракатдаги армия таркибига кирган ҳарбий қисмлар, штаблар ва муассасаларда ўтаган ҳарбий хизматчилар, собиқ партизанлар жумласидан бўлиб, 1941-1945 йиллардаги уруш, собиқ СССРни ҳимоя қилиш бўйича бошқа жанговар операцияларнинг қатнашчилари, 1941-1945 йиллардаги уруш даври меҳнат фронтининг фахрийлари ва концентрацион лагерларнинг собиқ ёш тутқинлари. Имтиёз Уруш қатнашчисининг гувоҳномаси асосида, 1941-1945 йиллардаги уруш даври меҳнат фронтининг фахрийлари ва концентрацион лагерларнинг собиқ ёш тутқинлари - Имтиёзларга бўлган ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома ёки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимининг маълумотномаси асосида берилади;

3) Ленинград шахрида 1941 йил 8 сентябрдан 1944 йил 27 январгача камал даврида ишлаган фуқаролар. Имтиёз ушбу шахслар камал даврида Ленинград шахри корхоналари, муассасалари ва ташкилотларида ишлаганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида берилади;

4) ички ишлар органларининг бошликлари ва оддий хизматчилари жумласидан бўлиб, хизмат вазифаларини бажаришда яраланганлиги, контузия бўлганлиги ёки шикастланганлиги оқибатида ногирон бўлиб қолганлар. Ногироннинг имтиёзларга бўлган ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномаси имтиёзлар берилиши учун асос бўлади;

5) болаликдан ногирон бўлиб қолганлар, шунингдек I ва II гуруҳ ногиронлари. Имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси асосида берилади;

6) ўн ва ундан ортиқ боласи бор аёллар. Фуқароларнинг ўзини ўзи боқариш органининг болалар борлигини тасдиқловчи маълумотномаси мазкур имтиёз берилиши учун асос бўлади;

7) собиқ СССРни, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини химоя қилиш ёки ҳарбий хизматнинг ёҳуд ички ишлар органларидаги хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида яраланганлиги, контузия бўлганлиги ёки шикастланганлиги оқибатида ёҳуд фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ҳамда ички ишлар органлари ходимларининг ота-оналари ва бева хотинлари (бева эрлари). Имтиёз "Ҳалок бўлган аскарнинг бева хотини (бева эри, онаси, отаси)" ёки "Ички ишлар органлари ҳалок бўлган ходимининг бева хотини (бева эри, онаси, отаси)" штампни қўйилган ёҳуд пенсия гувоҳномасини берган муассаса раҳбарининг имзоси ва ушбу муассаса муҳри билан тасдиқланган тегишли ёзувли пенсия гувоҳномаси асосида берилади. Агар мазкур шахслар пенсионер бўлмаса, имтиёз уларга собиқ СССР Мудофаа вазирлиги, Давлат хавфсизлик қўмитаси ёки Ички ишлар вазирлигининг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ёҳуд Ички ишлар вазирлигининг тегишли органлари томонидан берилган ҳарбий хизматчининг ёки ички ишлар органи ходимининг ҳалок бўлганлиги тўғрисидаги маълумотнома асосида берилади. Собиқ СССРни, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини химоя қилиш ёки ҳарбий хизматнинг ёҳуд ички ишлар органларидаги хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида ёки фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ёҳуд ички ишлар органлари ходимларининг бева хотинларига (бева эрларига) имтиёз факат улар янги никоҳдан ўтмаган тақдирда берилади;

8) хизматни Афғонистон Республикасида ва жанговар ҳаракатлар олиб борилган бошқа мамлакатларда вақтинча бўлган қўшинларнинг чекланган контингенти таркибида ўтаган ҳарбий хизматчилар ҳамда ўқув ва синов йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар. Мазкур имтиёзни бериш учун Имтиёзларга бўлган ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома ёки собиқ СССР Мудофаа вазирлиги, Давлат хавфсизлиги қўмитаси ёки Ички ишлар

вазирлиги, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ёхуд Ички ишлар вазирлиги мудофаа ишлари бўйича бўлимлари, харбий қисмлари, харбий-ўқув юртлари, корхоналари, муассасалари ёки ташкилотларининг маълумотномаси асос бўлади;

9) Чернобиль АЭСдаги авария оқибатида жабрланганлар. Имтиёз тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси, ногироннинг махсус гувоҳномаси, Чернобиль АЭСдаги авария оқибатларини тугатиш қатнашчисининг гувоҳномаси, шунингдек ваколатли органлар томонидан берилган, имтиёз берилиши учун асос бўлувчи бошқа ҳужжатлар асосида берилади;

10) икки ва ундан ортиқ ўн олти ёшга тўлмаган болалари бор ёлғиз оналар. Имтиёз ҳар бир бола учун Фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) органлари томонидан тақдим этиладиган маълумотнома асосида берилади;

11) икки ва ундан ортиқ ўн олти ёшга тўлмаган болалари бор ва боқувчисини йўқотганлик учун пенсия олмайдиган бева аёл ва бева эркаклар. Имтиёз эрнинг (хотиннинг) вафот этганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, болалар туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, янги никоҳдан ўтмаганлик ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимининг боқувчисини йўқотганлик учун пенсия олинмаслиги ҳақидаги маълумотномаси тақдим этилган тақдирда берилади;

12) болалигидан ногирон бўлган, доимий парваришни талаб қиладиган фарзанди билан бирга яшаб, уни тарбиялаётган ота-онадан бири. Имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки соғлиқни сақлаш муассасасининг доимий парвариш заруригини тасдиқловчи тиббий маълумотномаси, биргаликда яшашга тааллуқли қисмида - фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг маълумотномаси асосида берилади.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган имтиёзлар тегишли ҳужжатлар тақдим этилган тақдирда қўлланилади.

Имтиёзларга бўлган ҳуқуқлар календарь йили давомида вужудга келган тақдирда, имтиёзларга бўлган ҳуқуқлар вужудга келган пайтдан эътиборан қўлланилади.

Агар жисмоний шахс ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган бир нечта асос бўйича имтиёзларга бўлган ҳуқуққа эга бўлса, унга хоҳишига қараб фақат битта имтиёз берилади.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган имтиёзни қўллаш жисмоний шахснинг асосий иш (хизмат, ўқиш) жойи бўйича, асосий иш жойи бўлмаган тақдирда - яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органлари томонидан жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация асосида солиқни ҳисоблаб чиқариш чоғида амалга оширилади. Имтиёзга бўлган ҳуқуқ йўқотилган тақдирда, жисмоний шахс имтиёз йўқотилган пайтдан эътиборан ўн беш кун ичида бу ҳақда ундан солиқни ушлаб қоладиган юридик шахсга маълум қилиши керак.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида санаб ўтилган имтиёзлар жисмоний

шахсларнинг фоизлар ва дивидендлар тарзида олинган даромадларига, шунингдек мол-мулкни ижарага топширишдан олинган даромадларига ҳам таътиб этилади. Агар фоизлар ва дивидендлар асосий иш жойи бўйича ҳисобланса, имтиёзни қўллаш асосий иш жойи бўйича амалга оширилади, агар фоизлар ва дивидендлар асосий бўлмаган иш жойи бўйича ҳисобланса, имтиёз жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация асосида жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш чоғида жисмоний шахснинг яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органлари томонидан қўлланилади. Шунга ўхшаш тартиб мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадларга нисбатан ҳам қўлланилади.

Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи СТАВКАЛАРИ (2012 йил учун)

<i>Солиқ солинадиган даромад</i>	<i>Солиқ ставкаси</i>
энг кам иш ҳақининг беш бараваригача миқдорда	даромад суммасининг 9 фоизи
энг кам иш ҳақининг беш бараваридан (+1 сўм) ўн бараваригача миқдорда	беш баравар миқдордан солиқ + энг кам иш ҳақи миқдорининг беш бараваридан ошадиган сумманинг 16 фоизи
энг кам иш ҳақининг ўн баравари (+1 сўм) ва ундан юқори миқдорда	ўн баравар миқдордан солиқ + энг кам иш ҳақи миқдорининг ўн бараваридан ошадиган сумманинг 22 фоизи

Изоҳлар:

1. Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи суммасини ҳисоблаб чиқариш чоғида энг кам иш ҳақининг миқдори йил бошидан ортиб борувчи якун билан ҳисобга олинади (йил бошидан тегишли даврнинг ҳар бир ойи учун энг кам иш ҳақларининг суммаси).

2. Белгиланган ставкалардан келиб чиқиб ҳисобланган, бюджетга тўланадиган жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи суммаси фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ўтказиладиган, жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи солинадиган даромадларидан 1% миқдорида ҳисоблаб чиқариладиган ҳар ойлик мажбурий бадаллар суммасига камайтирилади.

Даромадларнинг алоҳида турларига солинадиган солиқ ставкалари (181-модда)

Жисмоний шахсларнинг қуйидаги даромадларига белгиланган энг кам ставка бўйича солиқ солинади:

баланд тоғли, чўл ва сувсиз ҳудудларда ишлаганлик учун Ўзбекистон Республикаси Изирилар Маҳкамаси томонидан белгиланган коэффицентлар бўйича қўшимча тўловлар тарикасида олинган даромадларга. Бунда чўл ва сувсиз жойларда, баланд тоғли ва табиий-иклим шароити ноқулай ҳудудларда ишлаганлик учун юридик шахслар ходимларининг иш ҳақига коэффицентлар ҳисоблашнинг энг юқори суммаси ҳисоблаш пайтидаги ҳолатга кўра белгиланган энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдорида белгиланади;

Меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишларда банд бўлган аёлларнинг даромадларидан олиш даражаси 20 фоиздан ошмаслиги лозим. Меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишлар рўйхати қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

**Ходимларнинг тўлов манбаида (корхонада)
солиқ солинадиган даромадлари
(184-модда)**

Ходимлар даромадларига солинадиган солиқни тўлов манбаида (корхонада) ҳисоблаб чиқариш, ушлаб қолиш ва тўлаш мажбурияти юридик шахслар, фаолиятни Ўзбекистон Республикасида доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси норезидентлари ҳамда чет эл юридик шахсларининг ваколатхоналари зиммасига юклатилади.

Ходимларнинг тўлов манбаида (корхонада) солиқ солинадиган даромадларига қуйидаги даромадлар кирadi:

- 1) ушбу Кодекснинг 172-моддасига мувофиқ jisмоний шахсларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлари (бу модда ўз ичига 173,174,175,176-моддаларни ҳам олади);
- 2) ушбу Кодекснинг 177-моддасига мувофиқ моддий наф тарзидаги даромадлар;
- 3) мулкий даромадлар, агар даромадининг тўлов манбаи юридик шахс - Ўзбекистон Республикасининг резиденти, фаолиятини Ўзбекистон Республикасида доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг норезиденти, чет эл юридик шахсининг ваколатхонаси бўлса;
- 4) ушбу Кодекснинг 178-моддасига мувофиқ бошқа даромадлар, агар даромадининг тўлов манбаи юридик шахс - Ўзбекистон Республикасининг резиденти, фаолиятини Ўзбекистон Республикасида доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг норезиденти, чет эл юридик шахсининг ваколатхонаси бўлса.

Меҳнатга оид муносабатларда бўлмаган jisмоний шахсга моддий наф тарзида даромад тўловчи солиқ агенти, jisмоний шахсининг ёзма аризаси асосида jisмоний шахслардан олинадиган даромад солигини ушлаб қолмасликка ҳақлидир. Буида jisмоний шахс моддий наф тарзидаги даромад бўйича Солиқ Кодекснинг 189-моддасига мувофиқ декларация асосида jisмоний шахслардан олинадиган даромад солигини тўлаши шарт.

**Ходимлардан даромад солигини солиқ агентлари
томонидан тўлов манбаида ушлаб қолиш
(185-модда)**

Тўлов манбаида (корхонада) солиқ солиш солиқ солинадиган база ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда солиқ агентлари томонидан амалга оширилади.

Солиқ агентлари солиқ тўловчининг ушбу Кодекснинг 184-моддасида кўрсатилган даромадларидан ҳисобланган jisмоний шахслардан олинадиган даромад солиги суммасини мазкур даромадлар ҳақиқатда тўланаётганда ушлаб қолишлари шарт.

Jisмоний шахсларнинг даромадларидан олинадиган солиқнинг ҳисобланган суммасини солиқ тўловчидан ушлаб қолиш солиқ агенти солиқ тўловчига тўлаётган ҳар қандай пул маблағлари ҳисобидан, мазкур пул маблағлари ҳақиқатда солиқ тўловчига ёки унинг топшириғига бинсан учинчи шахсларга тўланаётганда амалга оширилади.

Jisмоний шахслардан олинадиган даромад солигининг тўғри ушлаб қолиниши ва ўз вақтида бюджетга ўтказилиши учун жавобгарлик даромад тўлаётган солиқ агентининг зиммасида бўлади. Мазкур солиқ суммаси ушлаб қолинмаган тақдирда, солиқ агенти ушлаб қолинмаган суммани ҳамда у билан боғлиқ пеняни бюджетга тўлаши шарт.

**Солиқни ҳисоблаб чиқариш ва ушлаб қолиш тартиби
(186-модда)**

Ходимдан олинадиган даромад солигини ҳисоблаб чиқариш учун солиқ ставкасини қўллаш мақсадида энг кам иш ҳақи миқдори йил бошидан ортаб борувчи якун бўйича (йил бошидан тегинли даврнинг ҳар бир ойи учун энг кам иш ҳақларининг суммаси) ҳисобга олинади.

Ходимдан олинадиган даромад солигини ҳисоблаб чиқариш ва ушлаб қолиш солиқ соҳибадиган база ҳамда ставкалардан келиб чиққан ҳолда даромад ҳисобланишига қараб, йил бошидан ортиб боровчи якун бўйича ҳар ойда ходимнинг асосий иш жойи бўйича солиқ агенти томонидан амалга оширилади.

Ходимдан олинадиган даромад солигининг ҳисоблаб чиқарилган суммаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда унинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлариغا ўтказиладиган ҳар ойлик мажбурий бадаллар суммасига камайтирилади. Ўз ходимларига моддий ёрдам кўрсатган ва совгалар берган солиқ агентлари ходимдан олинадиган даромад солиғи суммасини солиқ даврининг охирида амалда бўлган иш ҳам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади.

Йил мобайнида асосий иш (хизмат, ўқиш) жойи ўзгарган тақдирда, ходи жорий ишда ўзига тўланган даромадлар ва ушлаб қолingan даромад солиғи суммалари тўғрисидаги маълумотномани янги асосий иш (хизмат, ўқиш) жойидаги бухгалтерияга тақдим этиш шарт. Илгариги иш (хизмат, ўқиш) жойидан маълумотнома тақдим этилмаган ёки солиқ тўловчининг идентификация рақами тақдим этилмаган тақдирда, ходимдан олинадиган даромад солиғи белгиланган энг юқори ставка бўйича ушлаб қолинади. Маълумотнома ёки идентификация рақами кейинчалик тақдим этилган тақдирда, ходимдан олинадиган даромад солиғи суммаси илгариги асосий иш (хизмат, ўқиш) жойида олинган даромадлар инобатга олинган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилинади.

Янги асосий иш (хизмат, ўқиш) жойида ходимдан олинадиган даромад солигини ҳисоблаб чиқариш календарь йил бошидан буён илгариги ва янги иш (хизмат, ўқиш) жойидан олинган жами даромаддан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Меҳнат шартномаси бекор қилингандан сўнг ходимга илгариги асосий иш жойида тўловлар амалга оширилган тақдирда, мазкур тўловларга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ушбу Кодекс 179-моддаси 1-бандининг тўртинчи хатбошида ҳамда 180-моддасида назарда тутилган имтиёзлар қўлланилмаган ҳолда солинади. Юридик шахс бу ходимга тўлаган даромаднинг жами суммаси ва ундан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигининг ушлаб қолingan умумий суммаси ҳақида бу юридик шахс ҳисобга қўйилган жойдаги давлат солиқ хизмати органига ўттиз кун ичида ёзма шаклда маълум қилиши шарт.

Асосий бўлмаган иш жойидан ёки бошқа юридик шахслардан олинган даромадларга тўлов мавбаида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигини ҳисоблаб чиқариш жами даромад суммасидан ушбу Кодекс Кодекс 179-моддаси 1-бандининг тўртинчи хатбошида ҳамда 180-моддасида назарда тутилган имтиёзлар қўлланилмаган ҳолда, белгиланган ставкалар бўйича ҳисобланишига қараб, йил бошидан ортиб боровчи якун бўйича амалга оширилади.

Агар асосий бўлмаган иш жойидан ёки бошқа юридик шахслардан даромадлар олаётган ходим бухгалтерияга ўз даромадидан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигининг энг юқори ставкаси бўйича ушлаб қолиш тўғрисида ариза берса, даромадлар тўлаётган юридик шахслар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигини ушбу бўлимда назарда тутилган имтиёзларни қўлламаган ҳолда энг юқори ставка бўйича ушлаб қоладилар.

Солиқ агентлари ходимнинг талабига биноан унга даромадларининг суммалари ва турлари ҳақида, шунингдек жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигининг ушлаб қолingan суммаси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган шаклда маълумотнома беришлари шарт.

**Ҳисоб-китобларни тақдим этиш тартиби
(187-модда)**

Солиқ агентлари:

1) солиқ даври тугаганидан сўнг ўттиз кун ичида давлат солиқ хизмати органларига даромадлар олган ходимлар тўғрисида, асосий иш жойи бўйича даромадлар олган ходимлар бундан мустасно, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган шаклда маълумотнома тақдим этиши шарт, унда қуйидагилар акс эттирилади:

солиқ тўловчининг - жисмоний шахснинг идентификация рақами;

солиқ тўловчининг фамилияси, исми, отасининг исми, доимий яшаш жойи манзили;

ўтган солиқ даври якунлари бўйича даромадларнинг умумий суммаси ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ушлаб қолинган умумий суммаси;

солиқ агентининг идентификация рақами;

солиқ агентининг номи, жойлашган ери (почта манзили);

2) йилнинг ҳар чорағида, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молия ҳисоботини тақдим этиш муддатида давлат солиқ хизмати органларига ҳисобланган ва амалда тўланган даромадлар суммалари ҳамда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ушлаб қолинган суммалари тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган шаклда тақдим этиши шарт.

Солиқ тўлаш тартиби (188-модда)

Тўлов манбаида ходимлардан олинадиган даромад солиғининг ҳисоблаб чиқарилган суммаси бюджетга солиқ агенти томонидан қуйидаги муддатларда тўланади:

пул маблағларини олиш учун хизмат кўрсатувчи банкка ҳужжатларни тақдим этиш билан бир вақтда. Иш ҳақи бўйича ойнинг биринчи ярми учун бўнак (аванс) олиш учун ҳужжатлар тақдим этилганда солиқни тўлаш амалга оширилмайдиган;

тўлов натура ҳолида амалга оширилган ой тугаганидан кейин беш кун ичида, агар бундай тўловга қонун ҳужжатларида руҳсат берилган бўлса.

Агар юридик шахснинг банк ҳисобварағида иш ҳақини тўлаш ва бир вақтнинг ўзида ходимларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинган солиқларни бюджетга ўтказиш учун маблағлар етарли бўлмаса, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи банк ҳисобварағидаги қолдиқ маблағларга мутаносиб суммада бюджетга ўтказилади.

Ходимнинг даромадидан ундириладиган солиқ реаллигини текшириш юқорида келтирилган тартиб-қоидаларга тўлиқ амал қилинган ҳолда ҳар бир ҳисобланган даромад турига гувоҳлик берувчи ҳужжатлар (иш ҳақи китоби, ҳисоб-тўлов кайдномаси, шахсий счётлар, нарядлар, табель, расценкалар, бўйруқлар, аризалар ва бошқалар) маълумотларига асосан амалга оширилади. Бунда аудиторлар ходимлар даромадларини солиқ торттишга муносабатини ҳамда даромадлардан ушланган солиқларни бевосита ифодаловчи тасдиқланган шакллардан фойдаланишлари лозим.

Барча ходимлар бўйича ёки танлаб текширилган ходимлар бўйича даромад солиғини текшириш натижалари аудитор томонидан тузиладиган махсус «Ходимлар даромадидан ундириладиган солиқ ҳисоб-китоби йиғма

2. ТЎЛОВ МАНБАИДА УШЛАНАДИГАН БОШҚА СОЛИҚЛАРНИНГ АУДИТИ

Тўлов манбаида ушлаб қолинадиган бошқа солиқларга юридик шахслар томонидан бошқа юридик ва жисмоний шахсларга тўланадиган дивидендлар ва фонизлардан ушлаб қолинадиган солиқлар киради. Ўзбекистон Республикаси резидентлари ҳисобланган юридик ва жисмоний шахслардан тўлов манбасида ушлаб қолинадиган ва бюджетга ўтказиб бериладиган ушбу солиқ дивиденд (фониз) солиғи, норезидентлардан ушлаб қилинадиган ва бюджетга тўланадиган солиқ эса норезидент солиғи, деб ҳам аталади.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ юридик шахслар олиниб, унинг устав фондида (устав капиталига) йўналтирилган дивидендлар тарзидаги даромадларга солиқ солинмайди.

Ушбу имтиёз қўлланилганидан сўнг бир йил ичида муассислар (иштирокчилар) таркибидан чиқилганда (чикиб кетилганда) ёхуд тугатилаётган юридик шахснинг мол-мулки унинг муассислари (иштирокчилари) ўртасида тақсимланганда илгари солиқ солишдан озод қилинган даромадларга умумий асосларда солиқ солинади.

Инвестиция ва хусусийлаштириш инвестиция фондларининг ўз инвестиция портфелида турган хусусийлаштирилган корхоналар акцияларидан дивидендлар шаклида олинган даромадларига солиқ солинмайди.

Солиқ солиш ставкалари. Ўзбекистон Республикаси норезидентнинг доимий муассаса билан боғлиқ бўлмаган ва тўлов манбаида солиқ қолинадиган даромадларига қуйидаги ставкалар бўйича солиқ солинади:

- 1) дивидендлар ва фонизларга - 10 фоиз;
- 2) суғурта қилиш, биргаликда суғурта қилиш ва қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича суғурта мукофотларига - 10 фоиз;
- 3) халқаро алоқа учун телекоммуникациялар, халқаро ташишларга (фрахтдан олинадиган даромадларга) - 6 фоиз;
- 4) Солиқ Кодексининг 155-моддасида белгиланган даромадлар, бундан ушбу қисмнинг 1-3-бандларида кўрсатилган даромадлар мустасно - 20 фоиз.

Солиқни тўлов манбаида ҳисоблаб чиқариш ва ушлаб қолиш тартиби. Юридик шахслардан тўлов манбаида олинадиган фойда солиғи белгиланган ставкаларни чегирмаларни амалга оширмасдан тўланадиган даромад суммасига нисбатан қўллаш орқали ҳисоблаб чиқарилади.

Юридик шахслардан тўлов манбаида олинадиган фойда солиғини юридик шахслар қуйидагиларни тўлаш пайтида ушлаб қолишлари шарт:

дивидендлар ва фонизларни;

Ўзбекистон Республикаси норезидентларига даромадларни.

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини ушлаб қолиш ва бюджетга ўтказиш учун жавобгарлик даромадни тўлаш манбаи, шунингдек Солиқ Кодексига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга оширувчи, Ўзбекистон Республикасининг бошқа норезидентларига даромад тўловчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари зиммасида бўлади.

Солиқларни тўлов манбаида ушлаб қолувчи шахслар:

1) юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини Ўзбекистон Республикаси норезидентларига дивидендлар, фоизлар ва тўловларни тўлаш синасидан кечиктирмай бюджетга ўтказиши; Банклар Ўзбекистон Республикасининг норезидентларига амалга оширилган тўловлар (дивидендлар ва фоизлар тўловидан ташқари) бўйича юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини тўлов амалга оширилган ойдан кейинги ойнинг бешинчи кунидан кечиктирмай бюджетга ўтказиши;

2) юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ҳисоб-китобини давлат солиқ хизмати органларига тўлов амалга оширилган ҳисобот даври тугагандан кейин йигирма беш кундан кечиктирмай тақдим этиши;

3) давлат солиқ хизмати органларига Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шаклдаги, бу шахсларнинг солиқ тўловчининг идентификация рақами, уларнинг номи, даромадининг умумий суммаси ва солиқ даври учун ушлаб қолинган юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг умумий суммаси кўрсатилган маълумотномани солиқ даври тугаганидан кейин ўттиз кун ичида тақдим этиши;

4) даромад олувчи шахсларга уларнинг талабига биноан, даромад суммаси ва солиқ даври учун ушлаб қолинган солиқнинг умумий суммаси ҳақида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шаклда маълумотнома тақдим этиши шарт.

Солиқни ҳисобга олиш

Ҳисобот (солиқ) даврида акциядорларга (иштирокчиларга) ҳисобланган дивидендлар жами солиқ солинадиган базани ташкил этади. Ушбу сумма, оқинда, акциядорлар (иштирокчилар) умумий йиғилишининг баённомасида, шунингдек бу баённома асосида берилган қуйидаги ёзувда акс эттирилади:

Дебет 8710 «Ҳисобот йилнинг тақсимланмаган фойдаси (зарари)

Кредит 6610 «Тўланадиган дивидендлар», 6920 «Тўланадиган фоизлар»

Ҳисобланган дивиденд ва фоизларни устав капиталини қўпайтиришга ва янги акцияларни сотиб олинишига йўналтирилишига тўлов манбаида қуйидагича ёзув қилинади:

Дебет 6610 «Тўланадиган дивидендлар», 6920 «Тўланадиган фоизлар»

Кредит 8310 «Олдий акциялар» ёки 8330 «Пай ва бадаллар».

Ҳисобланган дивиденд ва фоизлардан бюджетга ундириладиган солиқ суммасига тўлов манбаида қуйидагича ёзув қилинади:

Дебет 6610 «Тўланадиган дивидендлар», 6920 «Тўланадиган фоизлар»

Кредит 6410 «Бюджетга солиқлар бўйича қарзлар»

Тўлов манбаида ушлаб қолинган солиқларнинг бюджетга ўтказиб берилиши бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

Дебет 6410 «Бюджетга солиқлар бўйича қарзлар»

Кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти»

Тўлов манбаида дивиденд ва фоиз кўринишидаги даромадлардан ушлаб қолинадиган солиқ тўловлари реаллигини аудиторлик текшириш юқорида келтирилган тартиб-қоидаларга тўлиқ амал қилинган ҳолда ушбу даромадларнинг ҳисобланиши, улардан солиқларни ушланиши ёки ушланмаслигига гувоҳлик берувчи ҳужжатлар (дивидендларни тақсимлаш, устав капиталини кўпайтиришга йўналтириш ва тўлаш тўғрисида иштирокчилар йиғилишининг қарори, банк ва касса ҳужжатлари, аризалар ва бошқалар) маълумотларига асосан амалга оширилади. Бунда аудиторлар ходимлар даромадларини солиқ тортишга муносабатини ҳамда даромадлардан ушланган солиқларни бевосита ифодаловчи тасдиқланган шакллардан фойдаланишлари лозим.

Аудиторлик текширувида бўйича юқорида келтирилган тартибларга амал қилинганликка боҳо берилади. Текширув натижалари солиқ тўловининг қуйида келтирилган намунавий шаклига қўшимча равишда очиладиган устунчаларда кўрсатилиши мақсадга мувофиқ.

Солиқ агентлари томонидан дивидендлар ва фоизлар кўринишидаги даромадлардан тўлов манбаида ушлаб қолинадиган юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи
ХИСОБ-КИТОБИ

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Сумма (сўм)
I. Дивиденд кўринишидаги даромадлар		
Ҳисобот (солиқ) даврида акциядорларга (иштирокчиларга) ҳисобланган дивидендлар - жами	010	
Ҳисобот (солиқ) даврида акциядорларга (иштирокчиларга) тўланган дивидендлар жами - солиқ солинадиган база (0201-сатр + 0202-сатр)	020	
шу жумладан:		
Ўзбекистон Республикаси норезидентларига тўланган дивидендлар	0201	
Ўзбекистон Республикаси резидентларига тўланган дивидендлар	0202	
Солиқ солинадиган бязани қамайтириш - жами (0301-сатр + 0302-сатр + 0303-сатр)	030	
шу жумладан:		
улар олинган юридик шахснинг устав фондида (устав капиталига) йўналтирилган	0301	
инвестиция фондларига уларнинг инвестиция портфелида турган хусусийлаштирилган корхоналар акциялари учун тўланган	0302	
бошқа имтиёзлар - жами (03031-030...-сатрлар йиғиндиси)	0303	
шу жумладан:		
	03031	
	03032	
	030...	
Қамайтиришларни ҳисобга олган ҳолда солиқ солинадиган база (020-сатр - 030-сатр)	040	
Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкаси, % да	050	10%
Бюджетга тўланиши лозим бўлган юридик шахслардан олинадиган солиқ суммаси (040-сатр x 050-сатр)	060	
II. Фоизлар кўринишидаги даромадлар		

Хисобот (солик) даврида ҳисобланган фойзлар - жами	070	
Хисобот (солик) даврида тўланган фойзлар жами солик солинадиган база (0801-сатр + 0802-сатр)	080	
шуммадан:		
Ўзбекистон Республикаси норезидентларига тўланган фойзлар	0801	
Ўзбекистон Республикаси резидентларига тўланган фойзлар	0802	
Солик солинадиган базани камайтириш - жами (0901-сатр + 0902-сатр + 0903-сатр)	090	
адилат облигациялари ва давлатнинг бошқа қимматли қорғашлари бўйича	0901	
Ўзбекистон Республикаси бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг вақтинчалик буш маблағларини молия бозорларида жойлаштириш	0902	
бошқа имтиёзлар жами (09031-090...-сатрлар йиғиндиси)	0903	
шуммадан:		
	09031	
	09032	
	090...	
Камайтиришларни ҳисобга олган ҳолда солик солинадиган база (080-сатр - 090-сатр)	100	
Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкаси, % да	110	10%
Бюджетга тўланиши лозим бўлган юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи суммаси (100-сатр x 110-сатр)	120	

**Жами даромад суммаси ва тўлов манбандан ушлаб қоллинган юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг умумий суммаси тўғрисида
МАЪЛУМОТНОМА**

	Юридик шахснинг (даромад солиғининг) номи	СТИР*	Ҳисобланган сана	Тўлов санаси	Даромад тури	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкаси	Тўланган даромад суммаси	Ушлаб қоллинган юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи суммаси	Имтиёзлар суммаси (мавжуд бўлган тақдирда)	Имтиёзларни қўллаш учун асос
1										
2										
3										
4										
5										
6										
7										
8										
9										
10										
11										
12										
13										
14										
...										
	Жами юридик шахслар бўйича	X	X	X						

*) СТИР Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўйича кўрсатилади.

**Даромад суммаси ва ушлаб қолинган юридик шахслардан
олинадиган фойда солиғининг жами суммаси тўғрисида
МАЪЛУМОТНОМА**

Хисоб- ланган сана	Тўлов санаси	Даромад тури	Юридик шахслар- дан оли- надиган фойда солиғи ставкаси	Тўла- ган да- ромад суммаси	Ушлаб қолинган юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи суммаси	Ўлти- ёзлар суммаси (мавжуд бўлган тақдирда)	Ўлтиёз- ларни қўллаш учун асос

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолиятни доимий муассаса орқали
амалга оширадиган Ўзбекистон Республикаси норезидентлари
томонидан тўланадиган юридик шахслардан
олинадиган фойда солиғининг
ХИСОБ-КИТОБИ**

Кўрсаткичлар	Сатр код	Сумма
Доимий муассаса фаолияти билан боғлиқ бўлган даромадлар (мазкур Ҳисоб-китобга 1-сон илованинг маълумотлари бўйича қабул қилинади)	010	
Доимий муассаса фаолияти билан боғлиқ бўлган харажатлар (мазкур Ҳисоб-китобга 1-сон илованинг маълумотлари бўйича қабул қилинади)	020	
Фойда солиғини тўлангunga қалар бўлган фойда (зарар) (010-сатр 020-сатр)	030	
Солиқ тўловчининг бошқа шахслардан текинга олган мол-мулки	040	
Чегирилмайдиган харажатлар (солиқ солинадиган базага қирғиғиладиган харажатлар) (мазкур Ҳисоб-китобга 2-сон илованинг 010-сатри)	050	
Ҳисобот даврида солиқ солинадиган базадан чиқариб ташланмайдиган, бироқ кейинги ҳисобот (солиқ) давларининг солиқ солинадиган базасидан чиқариладиган харажатлар (мазкур Ҳисоб-китобга 3-сон илованинг 010-сатри)	060	
Ҳисобот даври учун солиқ солинадиган базадан чиқариб ташланадиган, илгари қилинган харажатлар (мазкур Ҳисоб-китобга 4-сон илованинг 010-сатри)	070	
Ҳисобот (солиқ) давларининг солиққа тортиладиган базасига қирғиғилиши лозим бўлган харажатлар (050-сатр + 060-сатр 070-сатр)	080	
Олинган (олиниши белгиланган) дивидендлар	090	
Олинган (олиниши белгиланган) фойзалар	100	
Солиқ солинадиган фойда (030-сатр + 040-сатр + 080-сатр 090-сатр 100-сатр)	110	
Солиқ солинадиган фойданинг камайтирилиши (*)	120	
Солиқ солинадиган база жами (110-сатр 120-сатр)	130	
Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг белгиланган ставкаси	140	
Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг суммаси (130-сатр x 140-сатр)	150	
Ҳисобот даврнинг соф фойдаси (030-сатр 150-сатр)	160	
Соф фойдадан солиқ ставкаси, %	170	10 %
Соф фойдадан олинган солиқ суммаси (160-сатр x 170-сатр)	180	
Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг суммаси жами (150-сатр + 180-сатр)	190	

**) Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг V бўлимига мувофиқ солиқ солинадиган фойда камайтирилганда ҳисоб-китобга камайтириш миқдори ва асослари кўрсатилган маълумотнома илова қилинади.*

**Донимий муассаса фаолияти билан
боғлиқ бўлган даромадлар**

Фаолият турлари	Сатр коди	Даромад олиш учун асос (контракт рақами, санаси ва бошқалар)	Сумма
	010		
	020		
	030		
	040		
	050		
	060		
	070		
	080		
	090		
	100		
Жами	110		

**Донимий муассаса фаолияти билан
боғлиқ бўлган харажатлар**

Фаолият турлари	Сатр коди	Харажат қилиш учун асос (контракт рақами, санаси ва бошқалар)	Сумма
	010	3	4
	020		
	030		
	040		
	050		
	060		
	070		
	080		
	090		
	100		
Жами	110		

**ЧЕГИРИЛМАЙДИГАН ХАРАЖАТЛАР
(солик солинадиган базага киритиладиган харажатлар)**

Харажатлар рўйхати	Сатр коди	Сумма
Чегирилмайдиган харажатлар - жами (020 - сатрларнинг йиғиндиси)	010	
шу жумладан:		
моддий қимматликларнинг табиий камайиши нормаларидан ортиқча йўқотишлар ва бузилишлар	020	
ҳодимларга бериладиган ёки солик тўловчининг умумий овқатланиш эҳтиёжлари учун ёрдамчи хўжаликлар томонидан ишлаб чиқариладиган тоза (ишлар, хизматлар) бўйича нархдаги фарқлар (зарарлар)	030	
хизмат сафарлари, вакиллик харажатлари, ихтиёрий сугурта турлари бўйича ажратмалар бўйича белгиланган нормалардан ортиқча бўлган харажатлар	040	
нодавлат пенсия жамғармаларига ажратмалар	050	
хўжалик бошқаруви органини сақлаб туриш учун ажратмалар	060	
умумий овқатланиш корхоналари ёки бошқа чет ташкилотларга жойларни бепоул бериш харажатлари, ушбу корхоналар ва ташкилотлар учун коммунал хизматлар кўрсатиш қийматини тўлаш	070	

Йиллик молиявий ҳисоботни бир ҳисобот даврида бир мартадан ортиқ аудитдан ўтказиш харажатлари	080	
солик тўловчининг фаолиятида талаб этилмайдиган касблар бўйича кадрлар тайёрлаш харажатлари	090	
Ўзбекистон Республикаси Солик кодексининг 177-моддасида назарда тутилган жисмоний шахснинг моддий наф тарзидаги даромадлари ҳисобланадиган солик тўловчининг харажатлари	100	
ҳодимларга таътил учун меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча тўланган ҳақ ва улар бўйича пуллик компенсациялар, бундан Ўзбекистон Республикаси Солик кодексининг 143-моддасида кўрсатилганлари мустасно	110	
дала таъминоти, хизмат мақсадида ҳодимнинг шахсий автотранспортдан фойдаланганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча тўланган тўловлар	120	
пенсияларга устамалар, пенсияга чиқаётган меҳнат фахрийларига бирийўла тўланадиган нафақалар	130	
ҳодимларга тўланадиган моддий ёрдам (ҳодимнинг меҳнатда майиб бўлиши ёки унинг соғлиғига бошқача тарзда шикаст етказилиши ёхуд ҳодим оила аъзосининг вафоти муносабати билан бериладиган ёки ҳодимнинг вафоти муносабати билан оила аъзоларига бериладиган моддий ёрдам бундан мустасно)	140	
меҳнатда майиб бўлганлик, касб касаллиги ёхуд меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлиғининг бошқача шикастланishi сабабли ҳодимларга етказилган зарарининг ўрнини қоплаш учун қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча тўланадиган тўловлар	150	
экология соғломлаштириш ва хайрия жамғармаларига, маданият, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларига, таълим муассасаларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бадаллар, ҳомийлик ва хайрия ёрдамлари тарзидаги маблағлар	160	

Харажатлар рўйхати	Сатр коди	Сумма
ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган соғлиқни сақлаш ва дам олишни ташкил қилиш тадбирларига харажатлар	170	
маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган ишларни (хизматларни) (шаҳарлар ва шаҳарчаларни ободонлаштириш ишлари, қишлоқ хўжалигига ёрдам кўрсатиш ва бошқа турдаги ишлар) бажаришга сарфланган харажатлар	180	
атроф-муҳитни ифлослантирганлик ва чиқиндиларни жойлаштирилганлик қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча бўлганлиги учун компенсация тўловлари	190	
кредит шартномасида муддатли қарзлар учун назарда тутилган ставкалардан ортиқча тўлов муддати ўтган ҳамда узайтирилган кредитлар (заёмлар) бўйича фойзалар	200	
лойиҳалардаги ва қурилиш-монтаж ишларидаги камчиликларни, шунингдек объект ёнидаги омборга ташиб келтирилгунига қадар юз берган бўзилдишлар ва деформацияларни бартараф этиш бўйича харажатлар, коррозияга қарши муҳофизадаги нуқсонлар туфайли тафтиш ўтказиш (асбоб-ускуналари қисиларга ажратилиш) харажатлари, ушбу харажатларни камчиликлар, бўзилдишлар ёки зарарлар учун жавобгар бўлган маҳсулот етказиб берувчи ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобига ўрнини қоплаш мумкин бўлмаган миқдордаги бошқа шунга ўхшаш харажатлар	210	
байрам саналари ва муҳим саналар, жамоат фаолиятидаги ютуқлар муносабати билан ҳодимларни рағбатлантириш ҳисобланадиган бирийўла мукофотлар ва таътилга қўшимча тўланадиган ҳақлар	220	
суд чиқимлари	230	
айбдорлари аниқланмаган ўғирликлар ва қамомаддан ёки айбдор томон ҳисобидан зарур суммаларнинг ўрнини қоплаш мумкин бўлмаганда кўрилган зарарлар	240	
солик тўловчининг асосий воситалари ва бошқа мол-мулкнинг (активларининг) чиқиб кетишидан (балансдан чиқарилишидан) кўрилган	250	

(от талғат хисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилган) зарарлар, қуйидаги зарарлар бундан мустасно: Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъмуриятининг қарори асосида мол-мулкни бепул топширишдан қўрилган зарарлар; коммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг техник воситаларини бепул топширишдан ҳамда улардан бепул фойдаланиш билан уларга хизмат кўрсатишдан қўрилган зарарлар; уч йилдан ортиқ фойдаланилган асосий воситаларни реализация қилишдан қўрилган зарарлар		
ҳўжалик шартномалари шартларини ва қонун ҳужжатларини бузганлик учун тўланган ёки тан олинган жарималар, пеня ҳамда бошқа турдаги санкциялар	260	
инвестиция активларини ишончли бошқарувчилар, давлат ишончли бошқарувчилари ва давлат улушларини бошқариш бўйича ишончли бошқарувчилар хизматларининг қийматини ҳамда уларга мукофотлар тўлашга доир харажатлар	270	
Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига асосан чегирилмайдиган харажатларга тегишли бошқа харажатлар - жами (2801-28...-сатрлар йиғиндиси)	280	
шу жумладан:	2801	
	2802	
	2803	
	2804	
	28...	

Ҳисобот даврида солиқ солинадиган базадан чегириб ташланмайдиган, бироқ кейинги ҳисобот давларининг солиқ солинадиган базасидан чиқариладиган харажатлар (9440-ҳисобварақда ҳисобга олинадиган харажатлар)

Харажатлар рўйхати	Сатр рақами	Сумма
Ушбу ҳисобот даврида солиқ солинадиган базадан чегириб ташланмайдиган, бироқ келгуси ҳисобот давларининг солиқ солинадиган базасидан чиқариладиган харажатлар - жами (020060-сатрлар йиғиндиси)	010	
шу жумладан:		
янги ишлаб чиқаришлар, цехлар, агрегатларни, шунингдек серияли ва оммавий ишлаб чиқариладиган янги маҳсулот турларини ҳамда технологик жараёнларни ўзлаштириш харажатлари	020	
барча турдаги асбоб-ускуналар ва техник қурилмаларни, уларнинг ўрнатиш сифатини текшириб қўриш мақсадида комплекс синаб қўриш (ишлаб турган ҳолатида) харажатлари	030	
ишчи кучлари қабул қилиш ва янги ишга туширилган корхонада ишлаш учун кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ харажатлар	040	
асосий воситалар ва номоддий активларнинг жадаллаштирилган усулда ҳисобланган амортизация суммаси билан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 144-моддасига мувофиқ белгиланган нормалар бўйича ҳисобланган амортизация суммаси ўртасидаги фарқ	050	
шубҳали қарзлар бўйича захира ташкил этиш учун қилинган харажатлар	060	

**Ҳисобот даврида солиқ солинадиган базадан чегириб ташланадиган
илгари қилинган харажатлар
(012-балансдан ташқари ҳисобварағи бўйича маълумотлар)**

Харажатлар рўйхати	Сатр рақами	Сумма
Ҳисобот даврида солиқ солинадиган базадан чегириб ташланадиган илгари қилинган харажатлар - жами (020060-сатрлар йиғиндиси)	010	
шу жумладан:		
янги ишлаб чиқаришлар, цехлар, агрегатларни, шунингдек серияли ва оммавий ишлаб чиқариладиган янги маҳсулот турларини ҳамда технологик жараёнларни ўзлаштириш харажатлари	020	
барча турдаги асбоб-ускуналар ва техник қурилмаларни, уларнинг ўрнатилиш сифатини текшириб кўриш мақсадида комплекс синаб кўриш (ишлаб турган ҳолатида) харажатлари	030	
ишчи кучлари қабул қилиш ва янги ишга туширилган корхонада ишлаш учун кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ харажатлар	040	
асосий воситалар ва номоддий активларнинг жадаллаштирилган усулда ҳисобланган амортизация суммаси билан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекснинг 144-моддасига мувофиқ белгиланган нормалар бўйича ҳисобланган амортизация суммаси ўртасидаги фарқ	050	
шубҳали қарзлар бўйича заҳира ташкил этиш учун қилинган харажатлар	060	

**Норезидентларнинг даромадидан солиқ агенти томонидан тўлов
маибандан ушлаб қолинадиган юридик шахслардан олинадиган фойда
солиғининг
ҲИСОБ-КИТОБИ***

Қўрсаткичлар	Сатр коди	Даромадни тўлашга асос (контрактнинг рақами, санаси ва бошқа шунга ўхшаш ҳужжатлар)	Жами даромад суммаси	Солиқ солинадиган даромад суммаси	Солиқ ставка -си %	Солиқ Суммаси
Оддий ширкат шартномаси асосида биргаликдаги фаолиятда иштирок этишдан олинадиган даромадлар	010					
Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган мол-мулкни реализация қилишдан олинадиган даромадлар - жами (0201+0202-сатрлар йиғиндиси), жумладан:	020					
юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси резидентларининг устав капиталидаги акциялари, улушлари (пайлари)	0201					
кўчмас мулк	0202					
Ўзбекистон Республикаси норезидентига тегишли товарларни Ўзбекистон Республикаси норезидентининг ўзи ёхуд Ўзбекистон Республикаси резиденти томонидан воситачилик, топшириқ	030					

шартномаси асосида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реализация қилишдан олинadиган даромadлар					
Роялти	040				
Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланиладиган мол-мулкни ижарага ёки иккиламчи ижарага топширишдан олинadиган даромadлар	050				
Таваккалчиликларини сугурта қилиш, биргаликда сугурта қилиш ва қайта сугурта қилиш шартномалари бўйича туланадиган сугурта мукофотлари	060				
Ўтказгичли, радио, оптик ёки бошқа электромагнитли тизимлар орқали белгилар, сигналлар, матнлар, тасвирлар, товушларни узатганлик, қабул қилганлик ва қайта нисалганлик учун Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан Ўзбекистон Республикаси норезидентларига ҳақ тўловинини назарда тутувчи халқаро алоқа учун телекоммуникациялар хизматларига тўлов	070				
Денгиз, дарё ва ҳаво кемаларидан, темирйўл ёки автомобиль транспорти воситаларидан халқаро ташилларда фойдаланишдан олинadиган даромadлар (фрахтдан олинadиган даромadлар)	080				
Транспорт-экспедиторлик хизматлари кўрсатишдан олинган даромadлар	090				
Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари томонидан шартнома мажбуриятлари бузилганлиги учун жарималар ҳамда пеня	100				
Ўзбекистон Республикасининг норезиденти томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлар амаллари ва хизматлар кўрсатишдан олинган бошқа даромadлар жами (1101-11...-сатрлар йиғиндиси)	110				
шум жумладан	1101				
	1102				
	1103				
	11...				
Жами	120				

*) Дивидендлар ва фойзалардан тўлов манбаида ушлаб қолинганлиги бўйича ҳисоб-китоб, солиқ агентлари томонидан дивидендлар ва фойзалар кўринишидаги даромadлардан тўлов манбаида ушлаб қолинадиган юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи ҳисоб-китобини мўвофиқ тақдим қилинади.

**Солиқ солинадиган базани аниқлашда ҳисобга олинadиган
ДАРОМАДЛАР**

II. Ўзбекистон Республикаси норезидентининг даромадлари

Даромадлар тури	Ҳисобланган даромад	Ҳами җисмоний шахслардан олинадиган даромад солиқи суммаси
Дивидендлар ва фойзалар (10%)		
Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 155-моддаси учинчи қисмининг 9-бандига мувофиқ белгиланadиган халқаро ташишларда транспорт хизматлари кўрсатишдан олинадиган даромадлар (фрахтдан олинадиган даромадлар) (6 %)		
Интеллектуал мулк объектларига бўлган мулк ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказгандик учун мукофот, ижара бўйича даромадларга ҳамда ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ бўлган, меҳнат шартномалари (контрактлари) ва фуқаролик-ҳуқуқий тусга эга шартномалар бўйича олинган бошқа даромадлар (20 %)		
ҲАМИ ДАРОМАДЛАР		

Тўлов манбаида ундириладиган солиқлардан четланишлар аниқланганда уларга тузатишлар киритилиши лозим. Чунончи, ушбу солиқ кам ушланган бўлса, уни кўпайиш томонга ҳисоблаб, дивиденд (фойз) олувчидан ушлаб қолиш лозим. Аксинча, тўлов манбаида ушланadиган солиқ кўп ушлаб қолинган бўлса, уни камайтириш томонга ҳисоблаб, дивиденд (фойз) олувчи оладиган даромадини ошириш керак. Молиявий муносабатларни дивиденд (фойз) олувчи ҳисобидан кўшимча равишда ушлаб қолишнинг имкони бўлмаганда кам ҳисобланган солиқ корхона ҳисобидан бюджетга тўланиши ва унинг харажатларига олиб борилиши лозим. Агар тўлов манбаида тўланadиган солиқ кўп ҳисобланганлиги аниқланса, бу кўп ҳисобланган солиқ бўйича бюджет лдидаги қарз камайтирилиши ва дивиденд (фойз) олувчи фойдасига кредиторлик қарз тикланиши керак.

Корхоналар томонидан тўлов манбаида ушлаб қолинадиган солиқни ҳисобот даврлари бўйича тўлаш тартибига риоя этилганлигини, унга доир молиявий санкциялар, дебиторлик ёки кредиторлик қарзларни тўғри ҳисобланганлиги ҳамда ҳисоб ва ҳисоботда реал акс этирилганлигини, бошланғич ҳужжатларни, бухгалтерия ёзувларини, уларда суммаларни тўғри акс этирилганлигини текшириш учун худди бошқа солиқлар сингари юқорида келтирилган шакллардаги аудиторлик иш ҳужжатларини тузиш лозим.

Корхоналар томонидан тўлов манбаида ушлаб қолинадиган солиқ бўйича аудиторлик хатари ушбу солиқнинг асосий элементларидаги четланишлар ва хатоликларни топмасликда ёки тўғри бўлган маълумотларни нотўғри деб расмийлаштирилганлигида ҳисобланади. Ушбу хатарни камайтириш учун корхоналар томонидан тўлов манбаида ушлаб қолинадиган солиқ базасини аниқлашга асос бўладиган кўрсаткичларга оид исботу-далилларни тўлиқ тўплаш, солиқ ставкаларини тўғри қўлланилганлигига тўла иқдор бўлиш, шунингдек бу кўрсаткичларни имкон қадар танлаб текширишга йўл қўймаслик ўта муҳимдир.

8-маъруза	ДАВЛАТНИНГ МАҚСАДЛИ ФОНДЛАРИГА АЖРАТМАЛАР ВА ТЎЛОВЛАРНИНГ АУДИТИ
-----------	---

Ўқув соати: 2 соат	Талабалар сони: 20 та
--------------------	-----------------------

Ўқув машғулоти шакли: Ахборотли маъруза

Маъруза режаси:

1. Бюджетдан ташқари пенсия фондига ягона ижтимоий тўлов ва фуқароларнинг суғурта бадалларининг аудити

2. Давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли фондларига мажбурий ажратмаларнинг аудити

3. Йўл фондига йиғимлар ва тўловларнинг аудити

Ўқув машғулоти натижаси: талабаларга давлатнинг мақсадли фондларига ажратмалар ва тўловларни аудит қилиш тартиби тўғрисида тушунчалар бериш.

Педагогик вазифалар: давлатнинг мақсадли фондларига ажратмалар ва тўловларни аудит қилиш тартибларини тушунтириш.	Ўқув фаолияти натижалари: Талабалар давлатнинг мақсадли фондларига ажратмалар ва тўловларни аудит қилиш тартибларини билиб оладилар
---	---

Ўқитиш воситалари: *видеопроектор, доска.*

Ўқитиш усуллари: *Тушунтириш, ақлий ҳужум.*

Ўқитиш шакллари: *Коллектив иш*

Ўқитиш шариоити: *Техник воситалар билан таъминланган аудитория.*

Мониторинг ва баҳолаш: *Оғзаки, тест савол-жавоблари.*

1. БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ПЕНСИЯ ФОНДИГА ЯГОНА ИЖТИМОЙ ТЎЛОВ ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ СУҒУРТА БАДАЛЛАРИНИНГ АУДИТИ

Солиқ тўловчилар. Ягона ижтимоий тўловни тўловчилар қуйидагилардир:

юридик шахслар - Ўзбекистон Республикаси резидентлари;

Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса, чет эллик юридик шахсларнинг ваколатхоналари ва филиаллари орқали амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари.

Жисмоний шахслар - Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек Ўзбекистон Республикасида доимий равишда яшаб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия фондига суғурта бадалларини (бундан буён матнда суғурта бадаллари деб юритилади) тўловчилардир.

Суғурта бадалларини ҳисоблаш ва ушлаб қолиш мажбурияти, шунингдек уларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши учун жавобгарлик иш берувчи зиммасига юклатилади.

Солиқ солиш объекти. Солиқ кодексининг 172-моддасида кўрсатилган иш ҳақи тарзидаги даромадлар ягона ижтимоий тўловнинг ва суғурта бадалларининг солиқ солиш объектидир.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаш учун чет эллик ходимларни бериш бўйича хизматлар кўрсатиш шартномасига мувофиқ юридик шахс - Ўзбекистон Республикаси норезидентига тўланадиган чет эллик ходимларнинг даромадлари ҳам ягона ижтимоий тўловнинг солиқ солиш объектидир

Солиқ солинадиган база. Ягона ижтимоий тўловни ва суғурта бадалларини ҳисоблаб чиқариш учун солиқ солинадиган база Солиқ кодексининг 172-моддасига мувофиқ тўланадиган даромадлар суммаси сифатида белгиланади.

Солиқ Кодексининг 308-моддасига мувофиқ ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадаллари қуйидаги тўловларга нисбатан ҳисобланмайди:

1) меҳнатда майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача шикаст етганлик билан боғлиқ зарарнинг ўрнини қоплаш учун ушбу Кодекс 171-моддаси иккинчи қисмининг 9-бандида кўрсатилган микдорлардан ортиқча олинган суммалар - жабрланувчи меҳнатда майиб бўлгунига қадар олган ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан фойз ҳисобидаги, унинг қасбга оид меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражасига мувофиқ белгиланадиган ҳар ойлик тўловлар (войга етмаган шахс меҳнатда майиб бўлиб қолган тақдирда, зарарнинг ўрни унинг иш ҳақи (даромади) микдорида келиб чиққан ҳолда, лекин қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг беш бараваридан кам бўлмаган микдорда қопланади); махсус тиббий парваришга муҳтож жабрланувчиларга қўшимча харажатлар учун ойига энг кам иш ҳақининг икки баравари микдоридаги тўловлар; жабрланувчининг маиший парвариши учун қўшимча харажатлар тариқасида ҳар ойда энг кам иш ҳақининг эллик фойзи микдоридаги тўловлар; ходимнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги муносабати билан иш берувчи

томонидан бир йўла тўланадиган нафақа тарикасида жабрланувчининг йиллик ўртача иш ҳақи миқдоридаги тўловлар;

6) Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликларининг, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчиларига, ички ишлар органларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг оддий, сержант ва офицер таркибларида хизматни ўташи (хизмат мажбуриятларини бажариши) муносабати билан тўланадиган пул таъминоти, пул мукофотлари ва бошқа тўловлар.

7) куйидаги грант маблағлари ҳисобига олинадиган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар:

давлатлар, давлатларнинг ҳукуматлари, халқаро ва чет эл ҳукуматга қаршли ташкилотлар томонидан берилган грант маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланадиган рўйхатга киритилган халқаро ва чет эл ноҳукумат ташкилотлари томонидан берилган грант маблағлари;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари доирасида берилган грант маблағлари.

Ўзбекистон Республикаси мудофаа, ички ишлар, фавқулодда вазиятлар вазирликларининг, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчиларига, ички ишлар органларининг оддий аскарлар, сержантлар ва офицерлар таркибига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг ходимларига хизматни ўташи (хизмат мажбуриятларини бажариши) муносабати билан тўланадиган пул таъминоти, пул мукофотлари ва бошқа тўловларга ягона ижтимоий тўлов ҳисоблаб чиқарилмайди.

Солиқ кодекси 306-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган даромадлар бўйича ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаб чиқариш учун солиқ солинадиган база чет эллик ходимларга тўланадиган даромадлар суммаси сифатида аникланади, бироқ бу сумма Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаш учун чет эллик ходимларни бериш бўйича хизматлар кўрсатиш шартномасига доир харажатлар умумий суммасининг 90 фоизидан кам бўлмаслиги лозим.

Солиқ даври. Календарь йил солиқ давридир.

Ҳисобот даври. Ҳисобот даври куйидагилардир:

микрофирмалар ва кичик корхоналар учун - йил чораги;

микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар учун - бир ой.

Ягона ижтимоий тўловни ва суғурта бадалларини ҳисоблаб чиқариш ҳақида тўлаш тартиби. Ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадаллари ҳар ойда солиқ солинадиган базадан ҳамда белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

* Солиқ кодекси 308 -моддасининг 1-5 бандлари бекор қилинган.

Ягона ижтимоий тўлов юридик шахсларнинг маблағлари ҳисобидан тўланади, суғурта бадаллари эса ходимларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинади ва солиқ агентлари томонидан ўтказилади.

Ягона ижтимоий тўловнинг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига солиқ тўловчи томонидан ортиб боровчи яқун билан:

микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан - йилнинг ҳар чорагида ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил яқунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда;

микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига қирмайдиган солиқ тўловчилар томонидан - ҳар ойда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай, йил яқунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади.

Суғурта бадалларининг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига солиқ тўловчи томонидан ортиб боровчи яқун билан йилнинг ҳар чорагида ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил яқунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади.

Ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадалларини тўлаш ҳар ойда, кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай амалга оширилади.

Ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадаллари ҳисоб-китобларининг шакллари кичик бизнесга қирувчи ва кичик бизнесга қирмайдиган субъектлар учун ҳар хилдир. Ушбу шакллар қуйида келтирилган.

Ягона ижтимоий тўлов ҲИСОБ-КИТОБИ (хўжалик юритувчи субъектлар учун, микрофирмалар ва кичик корхоналардан ташқари)

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Сумма		
1	2	3	4	5
Меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар (Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 172-моддаси)	010			
Ягона ижтимоий тўлов ҳисобланмайдиган тўлов турлари (Ҳисоб-китобга 3-илованинг 010-сатри)	020			
Солиқ содинадиган база (010-сатр - 020-сатр)	030			
Ягона ижтимоий тўлов ставкаси, %	040			X
Ҳисобланган ягона ижтимоий тўлов суммаси (030-сатр x 040-сатр)	050			
Ҳисобот даври учун ЯИТнинг қўшимча ҳисобланган суммаси (Ҳисоб-китобга 1-илованинг 090-сатри)	060		X	
Ҳисобот даврида тўланиши лозим (050-сатр + 060-сатр)	070			

Изоҳ: Ихтисослаштирилган цехлар, участкалар ва корхоналарда ишловчи ногиронлар меҳнатидан фойдаланувчи юридик шахслар томонидан имтиёзли ставка қўлланилганида устунлар қуйидаги тартибда тўлдирилади: 3-устун умумбелгиланган тартибдаги ставка учун, 4-устун имтиёзли ставка учун, 5-устун шғма устун.

Ягона ижтимоий тўлов ҲИСОБ-КИТОБИ
(микрофирма ва кичик корхоналар учун)

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Сумма		
1	2	3	4	5
Меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар (Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 172-моддаси)	010			
Ягона ижтимоий тўлов ҳисобланмайдиган тўлов турлари (ЯИТ ҳисоб-китобиغا 3-иловланинг 010-сатри)	020			
Солиқ солинадиган база: (010-сатр - 020-сатр)	030			
чоракнинг биринчи ойи охирига	0301			
чоракнинг иккинчи ойи охирига	0302			
чоракнинг учинчи ойи охирига	0303			
Ягона ижтимоий тўлов ставкаси, %	040			
Ҳисобланган ягона ижтимоий тўлов суммаси (030-сатр x 040-сатр), шу жумладан:	050			
чоракнинг биринчи ойи охирига	0501			
чоракнинг иккинчи ойи охирига	0502			
чоракнинг учинчи ойи охирига	0503			
Ҳисобот даври учун ягона ижтимоий тўловнинг қўшимча ҳисобланган суммаси (ЯИТ ҳисоб-китобиغا 2-иловланинг 090-сатри), шу жумладан:	060			
чоракнинг биринчи ойи учун (ЯИТ ҳисоб-китобиغا 2-иловланинг 0901-сатри)	0601		X	
чоракнинг иккинчи ойи учун (ЯИТ ҳисоб-китобиغا 2-иловланинг 0902-сатри)	0602		X	
чоракнинг учинчи ойи учун (ЯИТ ҳисоб-китобиغا 2-иловланинг 0903-сатри)	0603		X	
Ҳисобот даврида тўланиши лозим, шу жумладан:	070			
чоракнинг биринчи ойи учун (0501-сатр + 0601-сатр)	0701			
чоракнинг иккинчи ойи учун (0502-сатр + 0602-сатр)	0702			
чоракнинг учинчи ойи учун (0503-сатр + 0603-сатр)	0703			

Изоҳ:

Ихтисослаштирилган цехлар, участкалар ва корхоналарда ишловчи ногиронлар меҳнатидан фойдаланувчи юридик шахслар томонидан имтиёзли ставка қўлланилганида устунлар қуйидаги тартибда тўлдирилади: 3-устун умумбелгиланган тартибдаги ставка учун, 4-устун имтиёзли ставка учун, 5-устун шигма устун.

**Фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия
фондига сугурта бадаллари
ҲИСОБ-КИТОБИ**

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Сумма
1	2	3
Меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар (Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 172-моддаси)	010	
Фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари ҳисобланмайдиган тўлов турлари (ҳисоб-китобга 4-иловланинг 010-сатри)	020	

Солиқ солинадиган база (010-сатр 020-сатр)	030	
Фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари ставкаси, %	040	
Фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ҳисобланган сугурта бадаллари суммаси (030-сатр x 040-сатр)	050	
Аввалги ҳисоб-китоб бўйича фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ҳисобланган сугурта бадаллари суммаси	060	

2010 йилдан бошлаб республикамызда ЯИТни ҳисоб-китоб қилишда уни белгиланган энг кам миқдордан кам бўлмаган миқдорда бюджетга тўлаш тартиби белгиланди. ЯИТнинг энг кам миқдори ҳар бир ойда ишлаган ходимлар сонини ойлик иш ҳақининг энг кам миқдорига кўпайтириш орқали топиладиган суммадан иборат бўлади. Агар корхонада ЯИТнинг белгиланган ставка бўйича ҳисобланган суммаси унинг энг кам миқдоридан кам суммани суммани ташкил қилса, бу ҳолда бюджетга ЯИТнинг энг кам суммаси тўланиши ва аксинча, ЯИТнинг белгиланган ставка бўйича ҳисобланган суммаси унинг энг кам миқдоридан кўп суммани ташкил этадиган бўлса, у ҳолда ушбу сумма бюджетга тўланиши лозим. ЯИТнинг энг кам миқдори махсус ҳисоб-китоблар асосида топилади. Уларнинг тедикланган шакллари қуйида келтирилган.

Маълумотнома-ЯИТнинг энг кам миқдори

ҲИСОБ-КИТОБИ

(қўжалик юритувчи субъектлар учун ЯИТ ҳисоб-китобига илова қилинади, микрофирмалар ва кичик корхоналардан ташқари)

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Сумма
1	2	3
ЯИТнинг энг кам миқдорини ҳисоб-китоб қилишда ҳисобга олинадиган ходимлар сони	010	
Ҳисобот ойда барча ходимларнинг ҳақиқатда ишлаган кунлари	020	
Ҳисобот ойда иш кунлари сони	030	
Ҳисобот ойда бир ходим учун ЯИТ нормативи	040	
Ҳисобот оyi учун ЯИТнинг энг кам миқдори (020-сатр / 030-сатр x 040-сатр)	050	
Ҳисобот ойда ЯИТнинг ҳисобланган суммаси (ҳисобот даври учун ЯИТ ҳисоб-китобининг 050-сатри - аввалги ҳисобот даври учун ЯИТ ҳисоб-китобининг 050-сатри)	060	
Ҳисобот оyi учун ЯИТнинг қўшимча ҳисобланган суммаси (050-сатр - 060-сатр)	070*	
Аввалги ҳисобот даври охирида ЯИТнинг қўшимча ҳисобланган суммаси (аввалги ҳисобот даври учун Маълумотнома -ҳисоб-китобининг 090-сатри)	080	
Ҳисобот даври охирига ЯИТнинг қўшимча ҳисобланган суммаси (070-сатр + 080-сатр)	090	

*) Агар 3-устуннинг "060"-сатри қиймати 3-устуннинг "050"-сатри қийматидан катта ёки унга тенг бўлса, у ҳолда "070"-сатрда "0" қиймати қўйилади.

Маълумотнома-ЯИТнинг энг кам миқдори
ҲИСОБ-КИТОБИ
(микрофирма ва кичик корхоналар учун
ЯИТ ҳисоб-китобиغا илова қилинади)

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Сумма
1	2	3
ЯИТнинг энг кам миқдорини ҳисоб-китоб қилишда ҳисобга олинadиган ходимлар сони	010	X
чорақнинг биринчи ойи учун	0101	
чорақнинг иккинчи ойи учун	0102	
чорақнинг учинчи ойи учун	0103	
Барча ходимларнинг ҳақиқатда ишлаган кунлари:	020	X
чорақнинг биринчи ойи учун	0201	
чорақнинг иккинчи ойи учун	0202	
чорақнинг учинчи ойи учун	0203	
Ҳисобот даврида иш кунлари сони:	030	X
чорақнинг биринчи ойи учун	0301	
чорақнинг иккинчи ойи учун	0302	
чорақнинг учинчи ойи учун	0303	
ЯИТ нормативи:	040	X
чорақнинг биринчи ойи учун	0401	
чорақнинг иккинчи ойи учун	0402	
чорақнинг учинчи ойи учун	0403	
ЯИТнинг энг кам миқдори (0501-сатр + 0502-сатр + 0503-сатр):	050	
чорақнинг биринчи ойи учун (0201-сатр / 0301-сатр x 0401-сатр)	0501	
чорақнинг иккинчи ойи учун (0202-сатр / 0302-сатр x 0402-сатр)	0502	
чорақнинг учинчи ойи учун (0203-сатр / 0303-сатр x 0403-сатр)	0503	
Ҳисобот даврида ЯИТнинг ҳисобланган суммаси, шў жумладан	060	
чорақнинг биринчи ойи учун (ҳисобот даври учун ЯИТ ҳисоб-китобининг 0501- сатри - аввалги ҳисобот даври учун ЯИТ ҳисоб-китобининг 050-сатри)	0601	
чорақнинг иккинчи ойи учун (ҳисобот даври учун ЯИТ ҳисоб-китобининг 0502- сатри - ҳисобот даври учун ЯИТ ҳисоб-китобининг 0501-сатри)	0602	
чорақнинг учинчи ойи учун (ҳисобот даври учун ЯИТ ҳисоб-китобининг 0503- сатри - ҳисобот даври учун ЯИТ ҳисоб-китобининг 0502-сатри)	0603	
Ҳисобот даври учун ЯИТнинг қўшимча ҳисобланган суммаси (0701-сатр + 0702- сатр + 0703-сатр)	070	
чорақнинг биринчи ойи учун (0501-сатр - 0601-сатр)	0701*	

чоракнинг иккинчи ойи учун (0502-сатр - 0602-сатр)	0702*	
чоракнинг учинчи ойи учун (0503-сатр - 0603-сатр)	0703*	
Аввалги ҳисобот даври охирига ЯИТнинг қўшимча ҳисобланган суммаси (аввалги Маълумотнома-ҳисоб-китобнинг 090-сатри)	080	
Ҳисобот даври охирига ЯИТнинг қўшимча ҳисобланган суммаси, шу жумладан (070-сатр + 080-сатр)	090	
I ой охирига (0701-сатр + 080-сатр)	0901	
II ой охирига (0702-сатр + 0901-сатр)	0902	
III ой охирига (0703-сатр + 0902-сатр)	0903	

*) Агар 3-устуннинг "0601", "0602" ва "0603"-сатрлари қиймати 3-устуннинг тегишинча "0501", "0502" ва "0503"-сатрлари қийматига тенг ёки катта бўлса, 3-устуннинг "0701", "0702" ва "0703"-сатрларида "0" қиймати кўрсатилади.

Ягона ижтимоий тўлов ҳисобланмайдиган тўлов турлари

Тўлов турлари	Сатр коди	Сумма
Ягона ижтимоий тўлов ҳисобланмайдиган тўлов турлари, жами (020-сатр + 030-сатр)	010	
Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ ягона ижтимоий тўлов ҳисобланмайдиган тўлов турлари - жами (0201 - 0209-сатрлар йнгиндиси)	020	
шу жумладан		
донмий иши йўлда кечадиган, ҳаракатланиш ва (ёки) катнов тусига эга бўлган ходимларнинг, шунингдек донмий иши ишларининг вахта усулида бажарилишини назарда тутадиган ходимларнинг иш ҳақига қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча тўланадиган устамалар	0201	
қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча дала таъминоти	0202	
хизмат сафарлари вақтида қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча қўндалик харажатлар учун ҳақ (суткалик пуллар)	0203	
хизмат ишлари учун ходимнинг шахсий автомобилидан ёки хизмат мақсадлари учун унинг бошқа мол-мулкидан қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча фойдаланганлик учун тўловлар	0204	
меҳнатда майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача шикаст етганлиги билан боғлиқ зарарнинг ўрнини қоплаш учун қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорлардан ортиқча олинган суммалар	0205	
ҳодимга ҳисобланадиган ва унинг розилиги билан тегишли бюджет ёки хайрия жамғармаларига (шанбалиқлар, яшанбалиқлар ва шу қабилар учун) ўтказиладиган иш ҳақи тарзидаги даромадлар	0206	
ёш мутахассисларга олий ўқув юртини тамомлаганларидан сўнг таътил вақти учун юридик шахслар ҳисобидан тўланадиган нафакалар	0207	

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар, Фавқуллодда вазиятлар вазирликларининг, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ва ҳарбий хизматчиларига, ички ишлар органларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг олдий, сержант ва офицер таркибларида хизматни ўташи (хизмат мажбуриятларини бажариши) муносабати билан тўланадиган пул таъминоти, пул мукофотлари ва бошқа тўловлар	0208	
қўйидаги грант маблағлари ҳисобига олинадиган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар: давлатлар, давлатларнинг ҳукуматлари, халқаро ва чет эл ҳукуматида қарашли ташкилотлар томонидан берилган грант маблағлари; Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланадиган рўйхатга киритилган халқаро ва чет эл ноҳукумат ташкилотлари томонидан берилган грант маблағлари; Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари доирасида берилган грант маблағлари	0209	
Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ягона ижтимоий тўлов ҳисобланмайдиган тўлов турлари (0301 - 03...-сатрлар йиғиндиси)	030	
шу жумладан:		
	0301	
	03...	

Фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия фондида сугурта бадаллари ҳисобланмайдиган тўлов турлари

Тўлов турлари	Сатр коди	Сумма
Фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари ҳисобланмайдиган тўлов турлари, жами (020-сатр + 030-сатр)	010	
Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари ҳисобланмайдиган тўлов турлари (0201 - 0210-сатрлар йиғиндиси)	020	
шу жумладан:		
Ўзбекистон Республикасида доимий яшamayдиган чет эл фуқароларга тўловлар	0201	
доимий иши йўлда кечадиган, ҳаракатланиш ва (ёки) катнов тусига эга бўлган ходимларнинг, шунингдек доимий иши ишларни вахта усулида бажарилишининг назарда тутилган ходимларнинг иш ҳақида қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча тўланадиган устамалар	0202	
қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча дала таъминоти	0203	
хизмат сафарлари вақтида қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча қўндалик харажатлар учун ҳақ (суткалик пуллар)	0204	
хизмат ишлари учун ҳолимнинг шахсий автомобилдан ёки хизмат мақсадлари учун унинг бошқа мол-мулкдан қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча фойдалангандик учун тўловлар	0205	
меҳнатда майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача шикаст етганлиги билан боғлиқ зарарнинг ўрнини қоплаш учун қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорлардан ортиқча олинган суммалар	0206	
ҳодимга ҳисобланадиган ва унинг розилиги билан тегишли бюджет ёки хайрия жамғармаларига (шанбаликлар, яшанбаликлар ва шу кабилар учун)	0207	
ўқитиладиган иш ҳақи тарзидаги даромадлар		
ёш мўхассисларга олдий ўқув юртини тамомлаганларидан сўнг таътил вақти учун юридик шахслар ҳисобидан тўланадиган нафақалар	0208	
Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар, Фавқуллодда вазиятлар вазирликларининг, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчиларига, ички ишлар органларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг олдий, сержант ва офицер таркибларида хизматни ўташи (хизмат мажбуриятларини бажариши) муносабати билан тўланадиган пул таъминоти, пул мукофотлари ва бошқа	0209	

тўловлар		
куйидаги грант маблағлари ҳисобига олинadиган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар: давлатлар, давлатларнинг ҳукуматлари, халқаро ва чет эл ҳукуматига қарашли ташкилотлар томонидан берилган грант маблағлари; Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланадиган рўйхатга киритилган халқаро ва чет эл ноҳукумат ташкилотлари томонидан берилган грант маблағлари; Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари доирасида берилган грант маблағлари	0210	
Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари ҳисобланмайдиган тўлов турлари (0301 – 03...-сатрлар йиғиндиси)	030	
шу жумладан:		
	0301	
	03...	

20__ йилнинг __ чорақ _____ ойи учун
Фуқароларнинг суғурта бадаллари суммалари
РАСШИФРОВКАСИ

Операция амалга оширилган сана	Банкдан иш ҳақини тўлаш учун олинган маблағлар	Жисмоний шахслар даромадидан ушлаб қоллишлар ва ўтказишлар	Аванс суммаси	Олинган маблағларга тўғри келадиган суғурта бадаллари суммалари *
1	2	3	4	5
1				
2				
3				
4				
5				
6				
7				
8				
9				
10				
11				
12				
13				
14				
15				
16				
17				
18				
19				
20				
21				
22				
23				
24				
25				

26				
27				
28				
29				
30				
31				

Хисобот ойн учун натура шаклидаги тўловлар _____ сўм

*) Илгари олинган аванс суммалари, жисмоний шахслар даромадидан ушлаб қолишлар ва ўтказишлар ҳисобга олинган ҳолда.


ЯИТ ва суғурта бадали ставкалари. Ушбу ставкаларнинг чегаравий миқдорлари Республика Президентининг ҳар йилги давлат бюджети параметрларини тасдиқлаш тўғрисидаги қарори асосида белгиланади. Чунончи, 2012 йил учун фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия фондида уларнинг меҳнат ҳақи даромадларидан мажбурий суғурта бадаллари ставкаси 5,5 фоиз миқдорида тасдиқланган; ҳолда ягона ижтимоий тўлов ставкаси эса 25 фоиз миқдорида белгиланиб, у бюджетдан ташқари Пенсия фонди, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ва Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ўртасида қуйидагича тақсимланган:


Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси 24,8

Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси 0,1

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши 0,1

Республикаимиз Солиқ кодексида ва бошқа меъёрий ҳужжатларида келтирилган юқоридаги тартиб–қоидаларга тўлиқ амал қилинаётганлигини аниқлаш ЯИТ ва фуқароларнинг суғурта бадаллари аудитининг асосий вазифалари ҳисобланади. Ушбу вазифаларни тўлиқ ва тўғри адо этиш ЯИТ ва фуқароларнинг суғурта бадаллари аудитини қуйида келтирилган кетма-кетликда ўтказишни тақозо этади.





ЯИТ ва суғурта бадали суммаси, кўриниб турибдики, асосан иккита омилга боғлиқ: (1) ЯИТ ва суғурта бадали базасига ва (2) ЯИТ ва суғурта бадали ставкасига. Демак, аудит текширувида, ЯИТ ва суғурта бадали суммасига бевосита таъсир кўрсатувчи ушбу омиллар миқдорини реал топилганлиги ўта муҳим роль ўйнайди. Бу вазифани бажариш учун, дастлаб, ЯИТ ва суғурта бадали бўйича юқорида келтирилган ҳисоб-китоблар шаклларида келтирилган маълумотларнинг реаллиги бирма-бир текшириб чиқилиши лозим.

ЯИТ ва суғурта бадали ҳисоб-китоблари бўйича аудиторлик текширувида аниқланган реал маълумотлар ва уларнинг корхона маълумотларидан четланишлари ушбу ҳисоб-китобларга қўшимча тарзда киритиладиган устунчаларда кўрсатилиши мумкин. Ушбу мазмунда тузиладиган аудиторнинг иш ҳужжати ЯИТ ва суғурта бадалидаги четланишларни нима эвазига юз берганлигини аниқлашга имкон беради.

Ҳисобланган ЯИТ суммаси корхоналар фойдасидан тўланадиган фойда солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфраструктура солиғи базасига, шунингдек корхоналарнинг соф фойдасига бевосита таъсир кўрсатади. Чунончи, ЯИТни кўп ҳисобланганлиги фойдадан ундириладиган фойда солиғи ҳамда ободонлаштириш ва инфраструктурани ривожлантириш солиғини кам ҳисобланишига ва, аксинча, унинг кам ҳисобланганлиги эса фойдадан ундириладиган юқоридаги солиқларни кўп ҳисобланишига олиб келади. Шунингдек, ЯИТни кўп ҳисобланганлиги корхонанинг соф фойдасини ҳисоботда кам қилиб кўрсатишга ва, аксинча, унинг кам ҳисобланганлиги эса корхонанинг соф фойдасини ҳисоботда кўп қилиб кўрсатишга олиб келади. Шу боис ҳам, ЯИТ суммасининг ҳисобланиши лозим бўлган реал суммаси топилгач, аудиторларнинг муҳим вазифаси бўлиб бу тўлов бўйича йўл қўйилган четланишларни «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот»нинг сотиш таннари, бошқа операцион харажатлар, шунингдек якуний молиявий натижаларнинг бошқа кўрсаткичларини акс эттирувчи сатрлари суммаларига тузатишлар киритиш ҳисобланади. ЯИТ бўйича четланишлар аниқланганда корхона аудиторлик текшируви материаллари асосида ДСИга қайта ҳисоб-китобларни топшириши, мос равишда, бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботга нинг барча тегишли иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоб счётларига тегишли тузатиш ёзувларини амалга ошириши лозим.

Ҳисобланган суғурта бадаллари суммаси корхонанинг ходимлар олдидаги иш ҳақи бўйича якуний қарзи суммасига бевосита таъсир кўрсатади. Чунончи, суғурта бадалини кўп ҳисобланганлиги иш ҳақи бўйича қарз суммасини кам қилиб кўрсатилишига ва, аксинча, унинг кам ҳисобланганлиги эса иш ҳақи

бўйича карз суммасини кўп қилиб кўрсатилишига олиб келади. Шу боис ҳам, суғурта бадали суммасининг ушланиши лозим бўлган реал суммаси ҳар бир ходим бўйича топилгач, аудиторларнинг муҳим вазифаси бўлиб бу тўловда ҳар бир ходим ҳамда барча ходимлар бўйича аниқланган четланишларни иш ҳақи бўйича карзлар суммаларига тузатишлар киритиш ҳисобланади. Суғурта бадаллари бўйича четланишлар аниқланганда корхона аудиторлик текшируви материаллари асосида ДСИга қайта ҳисоб-китобларни топшириши, мос равишда иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоб счётларига тегишли тузатиш ёзувларини амалга ошириши лозим.

ЯИТ ва суғурта бадалларини ҳисобот даврлари бўйича тўлаш тартибига риоя этилганлигини, унга доир бошқа кўрсаткичларни, молиявий санкциялар, дебиторлик ёки кредиторлик карзларни тўғри ҳисобланганлиги ҳамда ҳисоб ва ҳисоботда реал акс этирилганлигини, бошланғич ҳужжатларни, бухгалтерия ёзувларини, уларда суммаларни тўғри акс этирилганлигини текшириш учун худди бошқа солиқлар сингари юқорида келтирилган шакллардаги аудиторлик иш ҳужжатларини тузиш лозимдир.

ЯИТ ва суғурта бадаллари бўйича аудиторлик хатарини қамайтириш учун қуйидагиларга амал қилиш ўта муҳим ҳисобланади:

- * ЯИТ ва суғурта бадаллари базасини аниқлашга асос бўладиган кўрсаткичларга оид исботу-далилларни тўлиқ тўплаш, бу кўрсаткичларни таппаб текширишга йўл қўймаслик;

- * ЯИТ ва суғурта бадаллари ставкаларини тўғри қўлланилганлигига тўлиқ икром бўлиш;

- * текширув натижаларини аудиторлик ҳисоботида атрофлича очиб бериш.

2.ДАВЛАТНИНГ БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ МАҚСАДЛИ ФОНДЛАРИГА МАЖБУРИЙ АЖРАТМАЛАРНИНГ АУДИТИ

Давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли фондларига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Республика йўл фонди, Пенсия фонди ҳамда таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш фонди киради. Республикаимизнинг Солиқ кодексига мувофиқ давлатнинг бюджетдан ташқари ушбу мақсадли фондларига мажбурий ажратмаларни тўловчилар қуйидагилардир:

- юридик шахслар - Ўзбекистон Республикасининг резидентлари;
оддий ширкат ишларини юритиш зиммасига юклатилган (ишончли шахс) шерик (иштирокчи) - юридик шахс.

Қуйидагилар давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли фондларига мажбурий ажратмаларнинг тўловчилари бўлмайди:

- нотижорат ташкилотлар, бундан уларнинг тadbиркорлик фаолиятини амалга оширишдан олган даромадлари мустасно;

- ягона солиқ тўловини тўловчи юридик шахслар.

Ихтисослаштирилган йўл хўжалиги бошқаруви органи тузилмасига кирадиган корхоналар, Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини сақлаш, таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қуриш бўйича ишларни бажарганлик учун олинган даромадлар қисми бўйича Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларнинг тўловчилари бўлмайди.

Мажбурий ажратмалар объекти ва базаси. Корхоналарнинг соф тушуми давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли фондларига мажбурий ажратмаларнинг солиқ солиш объекти ва солиқ солинадиган базасидир.

Иктисодиётнинг алоҳида тармоқ ва соҳаларида давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли фондларига мажбурий ажратмаларнинг объекти ва базаси қуйидагилардир:

1) **коммунал хўжалик тизимининг иссиқлик, сув ва газ таъминоти корхоналари учун** - маҳсулотларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қўшилган қиймат солиғи ва тегишинча иссиқлик таъминоти корхоналари учун иссиқлик қувватининг, сув таъминоти корхоналари учун сувнинг, газ таъминоти корхоналари учун табиий газнинг харид қиймати чегириб ташланган ҳолда реализация қилинган ҳажми;

2) **қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ташкилотлари учун** - ўз кучлари билан бажарилган, тегишинча қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ишларининг қўшилган қиймат солиғи чегириб ташланган ҳолдаги қиймати. Бунда, агар юқорида қайд этилган ишларни материаллар билан таъминлаш мажбурияти шартномага биноан буюртмачининг зиммасида бўлса, ушбу материалларга бўлган мулк ҳукуки буюртмачининг ўзида сақланиб қолган тақдирда, ўз кучлари билан бажарилган ишларни реализация қилишдан олиннадиган тушум бажарилган ҳамда тасдиқланган ишларнинг буюртмачи материалларининг қиймати киритилмаган ҳолдаги қиймати сифатида белгиланади;

3) **воситачилик хизматлари кўрсатувчи, шу жумладан товарларни сотиш бўйича, воситачилик ва топширик шартномалари бўйича ҳамда воситачилик хизматлари кўрсатишга оид бошқа шартномалар бўйича воситачилик хизматлари кўрсатувчи юридик шахслар учун** - кўрсатилган хизматлар учун қўшилган қиймат солиғи чегириб ташланган ҳолдаги ҳақ суммаси;

4) **савдо фаолиятини амалга оширадиган юридик шахслар учун** - товар обороти;

5) **кредит ташкилотлари учун** - Солиқ кодексининг 148 моддасига мувофиқ аниқланадиган қуйидаги даромадлар:

*кредит ташкилотининг ўз номидан ва ўз ҳисобидан пул маблағларини жойлаштиришдан, кредитлар ҳамда заёмлар беришдан олиннадиган фоизлар, бошқа фоизли даромадлар. Ўзбекистон Республикаси қафолати остида берилган кредитлар ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларига мувофиқ фоизларни тўлаш

бўйича имтиёзли давр берилган кредитлар бўйича фоизли даромадлар кредит шартномасига кўра олиш муддати етиб келмагунича солиқ солинадиган даромад сифатида қаралмайди;

* мижозларнинг, шу жумладан вакил банкларнинг ҳисобварақларини очганлик ва юритганлик ҳамда уларнинг топшириғига биноан ҳисобкитобларни амалга оширганлик учун олинган ҳақ, шу жумладан жўнатма, инкассо, аккредитив ва бошқа операциялар, банк операцияларини амалга ошириш учун мўлжалланган тўлов карталарини ҳамда бошқа махсус воситаларни расмийлаштирганлик ва хизмат кўрсатганлик учун, ҳисобварақлар бўйича кўчирмаларни ҳамда бошқа ҳужжатларни тақдим этганлик учун ва суммаларни кидирганлик учун воситачилик ҳақи ҳамда бошқа пул мукофотлари;

* пул маблағларини инкассация қилишдан, векселлардан, тўлов ва ҳисобкитоб ҳужжатларидан ҳамда мижозларга касса хизмати кўрсатишдан олинadиган даромадлар;

* нақд пулли ва нақд пулсиз шаклда амалга ошириладиган валюта операцияларини ўтказишдан, шу жумладан чет эл валютасини сотиб олиш ёки сотиш, жумладан мижознинг ҳисобидан ва унинг топшириғи бўйича операцияларда воситачилик ва бошқа мукофотлар, валюта бойликлари билан операция қилишдан олинadиган даромадлар;

* учинчи шахслар учун пул шаклида ижро этилишини назарда тутувчи банк қаролатлари, мажбуриятлари, аваллари ва кафилликлари беришга доир операциялардан олинadиган пул шаклидаги мукофот;

* ҳужжатларни ва қимматликларни сақлаш учун махсус жиҳозланган хоналар ва сейфларни ижарага беришдан олинadиган даромадлар;

* пул маблағлари, қимматли қоғозлар, бошқа бойликлар ва банк ҳужжатларини етказиб берганлик, ташиганлик учун ҳақ;

* қимматбаҳо металллар ҳамда қимматбаҳо тошларни ташиганлик ва сақлаб турганлик учун ҳақ;

* форфейтинг ва факторинг операцияларини амалга оширишдан олинadиган даромадлар;

* кредит ташкилотлари томонидан ўз профессионал фаолиятдан олинadиган бошқа даромадлар.

Баланснинг валютага оид моддалари қайта баҳоланганда олинadиган даромадлар, шунингдек чет эл валютасининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курси товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш ёки олиш санасидан ушбу товарлар (ишлар, хизматлар) учун ҳақ тўланган санагача бўлган даврда ўзгариши муносабати билан юзага келган ижобий фарқ ушбу Кодекснинг 132-моддасига мувофиқ бошқа даромадлар сифатида қаралади.

Ўстирмаслик макomini олган кредит бўйича ҳисобланган фоизлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган тартибга мувофиқ даромадлар ҳисобварақларидан чиқариб ташланади.

6) Суғурта ташкилотлари учун - Солиқ кодексининг 150-моддасига мувофиқ аниқланадиган қуйидаги даромадлар:

*суғурта килиш, биргаликда суғурта килиш ва қайта суғурта килиш шартномалари бўйича суғурта мукофотлари (бадаллари). Бунда биргаликда суғурта килиш шартномалари бўйича суғурта мукофотлари (бадаллари) суғурталовчининг (биргаликда суғурта килувчининг) даромадлари тарқибига факат унинг биргаликда суғурта килиш шартномасида белгиланган суғурта мукофотидаги улуши миқдориди қўшилади;

* аввалги ҳисобот даврларида шакллантирилган суғуртавий техник захираларни камайтиришнинг (қайтаришнинг) қайта суғурта килувчиларнинг суғурта захираларидаги улуши ўзгариши ҳисобга олинган ҳолдаги суммалари;

* суғурта килиш, биргаликда суғурта килиш ва қайта суғурта килиш шартномалари бўйича пул мукофоти, шунингдек қайта суғурта килиш шартномалари бўйича танъемалар (фойдадан олинган ҳақ);

* қайта суғурта килишга ўтказилган таваккалчилик бўйича суғурта тўловлари улушининг ўрнини қайта суғурта килувчилар томонидан қоплаш суммалари;

* қайта суғурта килиш шартномалари бўйича мукофотлар депозига ҳисобланган фоизлар суммалари;

* суғурта килдирувчининг (наф олувчининг) етказилган зарар учун жавобгар шахсларга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқини реализация қилишдан олинган, қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурталовчига ўтган даромадлари;

* суғурта агенти, брокер, воситачи хизматларини кўрсатганлик учун мукофот;

* суғурта бозорининг профессионал иштирокчиларига хизматлар кўрсатганлик учун суғурталовчи томонидан олинган пул мукофоти;

* суғурта хизматлари кўрсатишдан ва қўшимча суғурта фаолиятдан олинган бошқа даромадлар.

7) асосий фаолияти мол-мулкни лизингга беришдан иборат бўлган юридик шахслар учун - молиявий ижара (лизинг) бўйича фоизли даромад суммаси.

Солиқ кодексининг 132-моддасига мувофиқ бошқа даромадлар солиқ солиш объекти сифатида қаралмайди.

Солиқ тўловчилар турли хил мажбурий ажратмалар объектларига эга бўлган ҳолларда, улар ажратма объектларининг алоҳида-алоҳида ҳисобини юритиши ва тегишли объектлардан келиб чиққан ҳолда давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли фондларига мажбурий ажратмаларни тўлаши шарт.

Солиқ даври. Календарь йил солиқ давридир.

Ҳисобот даври. Ҳисобот даври қуйидагилардир:

микрофирмалар ва кичик корхоналар учун - йил чорағи;

микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар учун - бир ой.

Давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли фондларига мажбурий ажратмаларни ҳисоблаб чиқариш, улар ҳисоб-китобларини тақдим этиш ва тўлаш тартиби. Давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли фондларига мажбурий ажратмалар ҳар ойда ажратма базасидан ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли фондларига мажбурий ажратмаларнинг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ортиб боровчи якун билан:

микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан - йилнинг ҳар чорағида, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда;


микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар томонидан - ҳар ойда, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади.

Давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли фондларига мажбурий ажратмаларни тўлаш ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай амалга оширилади.

Давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли фондларига мажбурий ажратмаларнинг ставкалари. Ушбу ставкаларнинг чегаравий миқдорлари Республика Президентининг ҳар йилги давлат бюджети параметрларини тасдиқлаш тўғрисидаги қарори асосида белгиланади. Чунончи, 2012 йил учун Пенсия фондида мажбурий ажратмаларнинг ставкаси 1,6 фоиз миқдорида, таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш фондида мажбурий ажратмаларнинг ставкаси 0,5 фоиз миқдорида тасдиқланган. Республика йўл фондида мажбурий ажратмалар ставкаси 2012 йил учун қуйидаги миқдорларда белгиланган.

N	Тўловчилар	Тўлов объектига нисбатан ставка, %да
1.	Воситачилик (топширик) шартномалари ва воситачилик хизматларини кўрсатишга доир бошқа шартномалар бўйича воситачилик хизматлари кўрсатадиган корхона ва ташкилотлар	1,0
2.	Тайёрлов ташкилотлари	1,0
3.	"Ўздонмахсулот" АК корхоналари (ғалла қабул қилиш корхоналари ва ғалла қабул қилиш фаолиятини амалга оширувчи донни қайта ишлаш корхоналари)	1,0
4.	Кредит ва сўғурта ташкилотлари	1,4
5.	Молиявий ижара (лизинг) хизматларини кўрсатадиган корхоналар	1,4
6.	Коммунал хўжалик тизимининг иссиқлик, сув таъминоти корхоналари	1,4
7.	Курилиш, курилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ташкилотлари	1,4
8.	Автотранспорт корхоналари	2,5
9.	"Ўзбекэнерго" ДАК ва унинг корхоналари, шунингдек "Ўзбекнефтегаз" МХК корхоналари, тегишли равишда электр энергияси ва табиий газни реализация қилиш қисмида	1,4
10.	Иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари корхоналари	1,4

Республикаимиз Солиқ кодексига ва бошқа меъёрий ҳужжатларида келтирилган юқоридаги тартиб–қоидаларга тўлиқ амал қилинаётганлигини аниқлаш давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли фондларига мажбурий ажратмалар аудитининг асосий вазифалари ҳисобланади. Ушбу вазифаларни тўлиқ ва тўғри адо этиш давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли фондларига мажбурий ажратмалар аудитини қуйида келтирилган кетма-кетликда ўтказишни тақозо этади.



Давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли фондларига мажбурий ажратмалар суммаси асосан иккита омилга боғлиқ: (1) давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли фондиарига мажбурий ажратмалар базасига ва (2) давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли фондларига мажбурий ажратмалар ставкасига. Демак, аудит текширувида, давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли фондларига мажбурий ажратмалар суммасига бевосита таъсир кўрсатувчи ушбу омиллар миқдорини реал топилганлиги ўта муҳим роль ўйнайди. Бу вазифани бажариш учун, дастлаб, давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли фондларига мажбурий ажратмалар бўйича тасдиқланган ҳисоб-китоб шаклларида келтирилган маълумотларнинг реаллиги бирма-бир текшириб чиқилиши лозим. Ушбу ҳисоб-китоб шакллари давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли фондларига мажбурий ажратмалар турлари бўйича қуйида келтирилган.

**Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар
ҲИСОБ-КИТОБИ**

Тўловчилар ва солиқ солниш объекти	Сатр Коди	Солиқ солинадиган База	Ставка, %	Ажратма суммаси
Коммунал хўжалик тизимининг иссиқлик, сув таъминоти корхоналари учун - ҚҚС ва тегишинча иссиқлик таъминоти корхоналари учун иссиқлик қувватининг, сув таъминоти корхоналари учун сувнинг харид қиймати чегириб ташланган ҳолда маҳсулотларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) реализация қилинган ҳажми	010			
Қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, илга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадкикот ташкилотлари учун - ҚҚС чегириб ташланган ҳолда ўз кучлари билан бажарилган ишлар ҳажми	020			
Воситачилик (топширик) шартномалари ҳамда воситачилик хизматлари кўрсатишга оид бошқа шартномалар бўйича воситачилик хизматлари кўрсатувчи корхоналар ва ташкилотлар учун - ҚҚС чегириб ташланган ҳолда кўрсатилган хизматлар учун воситачилик ҳақи суммаси	030			
Таёёрлов ташкилотлари учун - ҚҚС чегириб ташланган ҳолда товар обороти	040			
Кредит ва сугурта ташкилотлари учун - Солиқ кодексининг 148 ва 150-моддаларига мувофиқ амалдаги даромад	050			
Модиявий ижара (лизинг) бўйича хизмат кўрсатувчи корхоналар учун - фонзли даромад суммаси	060			
“Ўздонмахсулот” АҚ корхоналари (галла қабул қилиш корхоналари ва дон қабул қилиш фаолиятини амалга оширувчи донни қайта ишлаш корхоналари) учун - ҚҚС чегирилган ҳолда таъминот-сотиш устамаси ва сийлови (скидкаси)	070			
“Ўзбекэнерго” ДАК ва унинг корхоналари, “Ўзбекнефтегаз” МХК корхоналари тегишинча электр энергияси ва табиий газни реализация қилиш бўйича - маҳсулотни реализация қилиш ҳажми, электр энергияси ва табиий газ бўйича эса - ҚҚС ва акциз солиғи чегирилган ҳолда сўнгги истеъмолчига реализация қилиш ҳажми	080			
Иктисодиётнинг қолган тармоқлари корхоналари учун - ҚҚС ва акциз солиғини чегирган ҳолда маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни реализация қилиш ҳажми	090			
Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига жами ҳисобланган мажбурий ажратмалар (010 + 020 + 030 + 040 + 050 + 060 + 070 + 080 + 090)	100			
Жами имтиёзлар (111-112...-139-140...-сатрлар йиғиндиси)	110			
шў жумладан:				
	111			
	112			
	1...			

**Бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини
реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва
жихозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар
ХИСОБ-КИТОБИ**

Тўловчилар ва солиқ солиғи объекти	Сатр коди	Солиқ солинадиган база	Ставка, %	Ажратма суммаси
Коммунал хўжалик тизимининг иссиқлик, сув таъминоти корхоналари учун - ҚҚС ва тегишлича иссиқлик таъминоти корхоналари учун иссиқлик қувватининг, сув таъминоти корхоналари учун сувининг харид қиймати чегириб ташланган ҳолда маҳсулотларининг (ишларнинг, хизматларнинг) реализация қилинган ҳажми	010			
Қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ташқиётлари учун - ҚҚС чегириб ташланган ҳолда ўз кучлари билан бажарилган ишлар ҳажми	020			
Воситачилик (топширик) шартномалари ҳамда воситачилик хизматлари кўрсатишга оид бошқа шартномалар бўйича воситачилик хизматлари кўрсатувчи корхоналар ва ташкилотлар учун - ҚҚС чегириб ташланган ҳолда кўрсатилган хизматлар учун воситачилик ҳақи суммаси	030			
Тайёрлов ташкилотлари учун - ҚҚС чегириб ташланган ҳолда товар обороти	040			
Кредит ва сугурта ташкилотлари учун - Солиқ кодексининг 148 ва 150-моддаларига мувофиқ аниқланадиган даромад	050			
Молиявий ижара (лизинг) бўйича хизмат кўрсатувчи корхоналар учун - фозилли даромад суммаси	060			
“Ўзлонмаҳсулот” АК корхоналари (ғалла қабул қилиш корхоналари ва дон қабул қилиш фаолиятини амалга оширувчи донни қайта ишлаш корхоналари) учун - ҚҚС чегирилган ҳолда таъминот-сотиш устамаси ва сийлови (скидкаси)	070			
“Ўзбекэнерго” ДАК ва унинг корхоналари, “Ўзбекнефтегаз” МХК корхоналари тегишлича электр энергияси ва табиий газни реализация қилиш бўйича - маҳсулотни реализация қилиш ҳажми, электр энергияси ва табиий газ бўйича эса - ҚҚС ва акциз солиғи чегирилган ҳолда сўнгги истёмоқчига реализация қилиш ҳажми	080			
Иктисодиётнинг қолган тармоқлари корхоналари учун - ҚҚС ва акциз солиғини чегирган ҳолда маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни реализация қилиш ҳажми	090			
Жами мажбурий ажратмалар ҳисоблаб ёзилди (010 + 020 + 030 + 040 + 050 + 060 + 070 + 080 + 090)	100			
Иттиёзлар - жами (111-112.....-139-140...-сатрлар йиғиндисини) шу жумладан:	110			
	111			
	112			
	1...			
	139			
	140			

**Республика Йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар
ҲИСОБ-КИТОБИ**

Тўловчилар ва солиқ солиш объекти	Сатр коди	Солиқ солинадиган базиси	Ставка, %	Ажратма суммаси
Коммунал хўжалик тизимининг иссиқлик, сув таъминоти корхоналари учун - ҚҚС ва тегишinchа иссиқлик таъминоти корхоналари учун иссиқлик қувватининг, сув таъминоти корхоналари учун сувнинг харид қиймати чегириб ташланган ҳолда маҳсулотларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) реализация қилинган ҳажми	010			
Қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиха-қидирув ва илмий-тадқиқот ташкилотлари учун - ҚҚС чегириб ташланган ҳолда ўз қўллари билан бажарилган ишлар ҳажми	020			
Воситачилик (топиширик) шартномалари ҳамда воситачилик хизматлари кўрсатишга оид бошқа шартномалар бўйича воситачилик хизматлари кўрсатувчи корхоналар ва ташкилотлар учун - ҚҚС чегириб ташланган ҳолда кўрсатилган хизматлар учун воситачилик ҳақи суммаси	030			
Тўйерлов ташкилотлари учун - ҚҚС чегириб ташланган ҳолда товар обороти	040			
Кредит ва сугурта ташкилотлари учун - Солиқ кодексининг 148 ва 150-моддаларига мувофиқ шикланадиган даромад	050			
Моллиявий ижара (лизинг) бўйича хизмат кўрсатувчи корхоналар учун - фойзли даромад суммаси	060			
"Ўзлонмаҳсулот" АҚ корхоналари (галла қабул қилиш корхоналари ва дон қабул қилиш фаолиятини амалга оширувчи донни қайта ишлаш корхоналари) учун - ҚҚС чегирилган ҳолда таъминот-сотиш устамаси ва сийлови (скидкаси)	070			
"Ўзбекэнерго" ДАК ва унинг корхоналари, "Ўзбекнефтегаз" МХК корхоналари тегишinchа электр энергияси ва табиий газни реализация қилиш бўйича - маҳсулотни реализация қилиш ҳажми, электр энергияси ва табиий газ бўйича эса - ҚҚС ва акциз солиғи чегирилган ҳолда сўнгги истеъмолчига реализация қилиш ҳажми	080			
Автотранспорт корхоналари учун - ҚҚСни чегирган ҳолда маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни реализация қилиш ҳажми	090			
Натисодиётнинг қолган тармоқлари корхоналари учун - ҚҚС ва акциз солиғини чегирган ҳолда маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни реализация қилиш ҳажми	100			
Жами Республика Йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар ҳисоблаб ёзилди (010 + 020 + 030 + 040 + 050 + 060 + 070 + 080 + 090 + 100)	110			
Патнелар - жами (121-122.....-139-140....-сатрлар йиғиндиси)	120			
Иш жумладан	121		X	
	122			

Давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли фондларига мажбурий ажратмалар ҳисоб-китоблари бўйича аудиторлик текширувида аниқланган реал маълумотлар ва уларнинг корхона маълумотларидан четланишлари ушбу ҳисоб-китобларга қўшимча тарзда киритиладиган устунчаларда кўрсатилиши мумкин. Ушбу мазмунда тузиладиган аудиторнинг иш ҳужжатлари давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли фондларига мажбурий ажратмалардаги четланишларни нима эвазига юз берганлигини аниқлашга имкон беради.

Давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли фондларига мажбурий ажратмаларнинг ҳисобланган суммалари корхоналарнинг бошқа операцион харажатларига киритилади. Аудитор ҳисоб-китобларда келтирилган ажратма суммаларига бухгалтерия ёзувларини тўғри берилганлигини ҳамда бу ёзувлар суммаларини ҳисоб-китоблардаги суммалар билан мослигини текширади. Шунингдек, давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли фондларига мажбурий ажратмалар суммаларини «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот»га тўғри киритилганлигига алоҳида эътибор берилиши лозим. Чунки, давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли фондларига мажбурий ажратмаларнинг ҳисобланган суммалари корхоналар фойдасидан тўланадиган фойда солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфраструктура солиғи базасига, шунингдек уларнинг соф фойдасига бевосита таъсир кўрсатади. Чунончи, давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли фондларига мажбурий ажратмалар суммаларини кўп ҳисобланганлиги фойдадан ундириладиган фойда солиғи ҳамда ободонлаштириш ва инфраструктурани ривожлантириш солиғини кам ҳисобланишига ва, аксинча, уларнинг кам ҳисобланганлиги эса фойдадан ундириладиган юқоридаги солиқларни кўп ҳисобланишига олиб келади. Шунингдек, давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли фондларига мажбурий ажратмалар суммаларини кўп ҳисобланганлиги корхонанинг соф фойдасини ҳисоботда кам қилиб кўрсатишга ва, аксинча, уларнинг кам ҳисобланганлиги эса корхонанинг соф фойдасини ҳисоботда кўп қилиб кўрсатишга олиб келади. Шу боис ҳам, давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли фондларига мажбурий ажратмалар суммаларининг ҳисобланиши лозим бўлган реал суммалари топилгач, аудиторларнинг муҳим вазифаси бўлиб бу мажбурий ажратмаларда йўл қўйилган четланишлар бўйича «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот»га тегишли тузатишларни киритиш ҳам ҳисобланади.

Давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли фондларига мажбурий ажратмаларни ҳисобот даврлари бўйича тўлаш тартибига риоя этилганлигини, уларга доир бошқа кўрсаткичларни, молиявий санкциялар, дебиторлик ёки кредиторлик қарзларни тўғри ҳисобланганлиги ҳамда ҳисоб ва ҳисоботда реал акс этирилганлигини, бошланғич ҳужжатларни, бухгалтерия ёзувларини, уларда суммаларни тўғри акс этирилганлигини текшириш учун худди бошқа солиқлар сингари юқорида келтирилган шакллардаги аудиторлик иш ҳужжатларини тузиш лозимдир.

Давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли фондларига мажбурий ажратмалар бўйича аудиторлик хатарини камайтириш учун қуйидагиларга амал қилиш ўта муҳим ҳисобланади:

* давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли фондларига мажбурий ажратмалар базасини аниқлашга асос бўладиган кўрсаткичларга оид исботу-
даларни тўлиқ тўплаш, бу кўрсаткичларни танлаб текширишга йўл
кўймаслик;

* давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли фондларига мажбурий
ажратмалар ставкаларини тўғри қўлланилганлигига тўлиқ иқдор бўлиш;

*текиширув натижаларини аудиторлик ҳисоботида атрафлича очиб бериш.

3. ЙЎЛ ФОНДИГА ЙИГИМЛАР ВА ТЎЛОВЛАРНИНГ АУДИТИ

Давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли фондларидан бири бўлган
Республика йўл фондига мажбурий ажратмалардан ташқари турли йиғимлар,
тўловлар ва бошқа ажратмалар ҳам қилинади. Бундай йиғимлар, тўловлар ва
бошқа ажратмалар ҳамда улар бўйича 2012 йилда белгиланган ставкалар
қуйида келтирилган жадвалда келтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига йиғимлар ва ажратмалар СТАВКАЛАРИ

N	Йиғимлар ва ажратмалар турлари	Йиғимлар ставкалари
1	Хорижий давлатлар автотранспорт воситаларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ва транзит қилишдан йиғимлар	АҚШ долларида
1.	Ўзбекистон Республикаси ҳудудига хорижий давлатлардан автотранспорт воситаларини олиб кирганлик ва транзит қилиш учун йиғим, бир автоташувчини олиб кирганлик учун (2 - 5-бандларда кўрсатилган мамлакатлар бундан мустасно)	400
2.	Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали Тожикистон Республикасининг ҳар бир юк автотранспорт воситаси ва автобусини олиб кирганлик ва транзит қилганлик учун йиғимлар:	
	битта юк автотранспорт воситаси ва автобусдан	130
	юк автотранспорт воситаси ва автобус Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган 3 суткадан ошган ҳар бир кун учун	70
	юк автотранспорт воситалари ва автобусларни Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали учинчи мамлакатларга (МДХ мамлакатларидан ташқари) транзит олиб ўтганлик учун	90
3	Ўзбекистон Республикаси ҳудудига Қозғистон Республикаси юк автотранспорт воситалари ва автобусларини олиб кирганлик учун йиғимлар, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит қилиш бундан мустасно, бир юк автотранспорт воситасини олиб кирганлик учун	300
4.	Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали Қирғизистон Республикасининг юк автотранспорт воситалари ва автобусларини олиб кириш ва транзит қилиш учун йиғимлар	300
5.	Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб Туркменистон Республикаси автотранспорт воситаларини олиб кириш ва транзит қилиш учун йиғимлар, автотранспорт воситалари турлари бўйича:	
	қуйидаги оғирликдаги юкларни кўтарадиган юк автотранспорт воситалари:	
	10 тоннагача	50
	10 тоннадан 20 тоннагача	100
	20 тоннадан кўп	150

	Ўриндиклар сони куйидагича бўлган автобуслар:	
	12 ўриндиккача	25
	13 ўриндикдан 30 ўриндиккача	50
	30 ўриндикдан кўп	100
	транзит ўтаётган енгил автотранспорт воситалари	30
	транзит ўтаётган мотоцикллар	15
II	Автотранспорт воситалари олинганлиги ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кирилганлиги учун ушбу воситаларнинг эгалари (фойдаланувчилари) томонидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги органларида рўйхатдан ўтказиш чоғида тўланадиган йиғим	Фойдаланиш муддатига қараб ҳар бир от кучи учун энг кам иш ҳақига нисбатан %да*
	фойдаланиш муддати 3 йилгача	10
	фойдаланиш муддати 3 йилдан 7 йилгача	7
	фойдаланиш муддати 7 йилдан ортиқ	5
III	"Ўзавтоёул" ДАК корхона ва ташкилотлари мол-мулкнинг сотиб олинган тушган маблағларининг бюджетга тушиши лозим бўлган умумий сўммасидан ажратмалар (%)	50

Изоҳлар:

**) Йиғим миқдори:*

- ўриндиклар сони 40 тагача бўлган автобуслар ва юк ортиш ҳажми 20 тоннагача бўлган юк автотранспорт воситалари бўйича - харид қийматининг 20 фоизидан;

- қолган автотранспорт воситалари бўйича - харид қийматининг 6 фоизидан кам бўлмаслиги керак.

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб хорижий давлатларнинг оғир юк ташувчи ва йирик габаритли йанtrasпорт воситалари ўтганлиги учун мазкур иловада назарда тутилган ставкалар бўйича йиғим тўлалиши билан бир вақтда қўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 11 январдаги 11-сон қарори билан белгиланган миқдорларда тўлов ундирилади.

2. Ўзбекистон Республикасининг Тожикистон Республикаси билан Давлат чегарасини кесиб ўтадиган хорижий юк автотранспорт воситалари ва автобусларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши ва транзит ўтиши учун мазкур иловада назарда тутилган ставкалар бўйича йиғим тўлалиши билан бирга қўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 17 декабрдаги 274-сон қарори билан белгиланган миқдорларда йиғимлар ҳам ундирилади.

3. Ҳуманитар юкларни олиб ўтишда автотранспорт воситаларининг олиб кирилиши ва транзитида ундирилаётган йиғимлар ставкасига нисбатан 0,5 камаювчи коэффициентни қўлланилади.

4. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Йўл фондида юкорида келтирилган йиғимлар, тўловлар ва ажратмалар бўйича республикаимиз Солиқ кодексига ва бошқа меъёрий ҳужжатларида келтирилган тартиб-қоидаларга тўлиқ амал қилинаётганликни аниқлаш аудитнинг муҳим вазифаларидан биридир. Ушбу вазифаларни тўлиқ ва тўғри адо этиш учун Йўл фондида йиғимлар ва тўловлар аудитини куйидаги кетма-кетликда ўтказиш мақсадга мувофиқдир.


Ушбу кетма-кетликдан кўриниб турибдики, аудит текширувида, авваламбор, Йўл фондида йиғимлар ва тўловлар бўйича Солиқ кодексига белгиланган куйидаги тартиб-қоидаларга амал қилинганликни аниқлаш ўта муҳим ҳисобанади

Солиқ тўловчилар. Автотранспорт воситаларини олувчи ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб киришни амалга

оширувчи Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари автотранспорт воситаларини олганлик ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кирганлик учун йиғим тўловчилардир.

Солиқ солиш объекти ва солиққа солинадиган база. Йиғимлар учун солиқ солиш объекти бўлиб автотранспорт воситаларини олиш ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кириш ҳисобланади.

Солиқ солинадиган база олинган ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кириладиган автотранспорт воситалари лицензиянинг от кучидаги қуввати ёки автотранспорт воситаларининг қийматидан иборат.



Имтиёзлар. Автотранспорт воситаларини олиш ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кириш учун йиғимни тўлашдан қуйидаги корхоналар озод қилинадилар:

* умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини саклаш, таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қуришни амалга оширувчи ихтисослаштирилган йўл ҳўжалик бошқаруви органи тузилмасига кирадиган корхоналар - мазкур ишларни амалга оширишда бевосита фойдаланиладиган автотранспорт воситалари бўйича;

* фаолиятининг асосий тури йўловчилар ташиш бўлган, конун ҳужжатларига мувофиқ йўловчилар ташиш учун белгиланган намунадаги лицензияга эга бўлган автотранспорт корхоналари - йўловчилар ташишни

амалга оширувчи транспорт воситалари бўйича (енгил автомобиллар ва йўналишли таксилардан ташқари);

* юридик шахслар - қирқ тоннадан ортиқ юк кўтарадиган, олинган кон автосамосваллари бўйича;

* хомийлик (беғараз) ёрдами сифатида автомобилларни олган (сотиб олган) болалар уйлари, ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар, ногирон болалар учун марказлар, қариялар ва кичик ёшдаги ногиронлар учун интернат-уйлар, шунингдек бюджет ҳисобидан молиялаштириладиган тиббиёт муассасалари;

* юридик шахслар - автотранспорт воситаларини битта тизим (давлат ва хўжалик бошқаруви органи) ичида балансдан балансга бепул ўтказишда;

* қайта ташкил этиш натижасида автотранспорт воситасини олган ҳуқуқий ворис;

* автотранспорт воситаларини юқоридаги 1-3-бандларда кўрсатилган юридик шахсларга лизингга бериш учун олувчи лизинг берувчилар.

Йиғимларни тўлаш тартиби. Автотранспорт воситаларини олганлик ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кирганлик учун йиғим улар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги органларида давлат рўйхатидан ўтказилаётганда, қайта рўйхатдан ўтказилаётганда қуйидаги ҳолларда ундирилади:

1) автотранспорт воситалари олди-сотди, алмаштириш, ҳадя, бепул бериш шартномаси асосида, шунингдек конун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа битимлар асосида мулк қилиб олинганда;

2) автотранспорт воситалари юридик шахснинг устав фондида (устав капиталига) ёки конун ҳужжатларида белгиланган тартибда дивидендлар сифатида олинганда;

3) автотранспорт воситалари лизингга бериш учун олинганда. Йиғим тарафларнинг ёзма келишувига кўра лизинг берувчидан ёки лизинг олувчидан ундирилади. Лизинг берувчи Ўзбекистон Республикасининг норезиденти бўлган тақдирда, йиғим лизинг олувчидан ундирилади. Лизинг шартномаси мuddати тугаганидан сўнг мазкур лизинг (иккиламчи лизинг) шартномаси предмети бўлган автотранспорт воситаси қайта рўйхатдан ўтказилаётганида такроран йиғим ундирилмайди;

4) автотранспорт воситалари Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кирилганда.

Автотранспорт воситаларини олиш ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кириш учун йиғим тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжат тақдим этилмаган ҳолда автотранспорт воситаларини рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш ёки техник кўрикдан ўтказиш амалга оширилмайди.

Пенсия фондида мажбурий ажратмалардан фарқли ўлароқ автотранспорт воситалари олди-сотди, алмаштириш, ҳадя, бепул бериш шартномаси асосида, шунингдек конун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа битимлар асосида мулк қилиб олинган Республика йўл фондида тўланадиган йиғимлар ва тўловлар корхона харажатлари сифатида ҳисобдан

чиқарилмаслиги лозим. Бундай тўловлар, 5-сон БХМС «Асосий воситалар»га мувофиқ қабул қилиб олинган транспорт воситаларининг бошланғич қийматиға киритилиши керак. Аудиторлик текширувида айнан ушбу тартиб-қоидаға амал қилинган аниқланиши лозим. Бунинг учун сотиб олинган транспорт воситалари учун Йўл фондига тўланган тўловлар суммасини тегишли тасдиқловчи ҳужжатлар асосида улар бошланғич қийматиға тўғри киритилганлиғига баҳо берилади. Ушбу тартибдан четланиш турли салбий оқибатларға олиб келиши мумкин. Чунончи, тўловларни харажат сифатида ҳисобдан чиқарилиши корхонанинг фойдасини камайишиға, мос равишда, фойда солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфраструктура солиғини кам ҳисобланашиға, шунингдек соф фойдани ҳисоботда камайтириб кўрсатишға олиб келади. Бундан ташқари Йўл фондига тўланган суммани капиталлаштирилмасдан харажатға олиб борилганлиғи корхоналар тўлайдиган мол-мулк солиғи базасини, мос равишда мол-мулк солиғи суммасини нотўғри топилишиға олиб келади. Аудиторлик текширувида юқоридаги характердаги хатоликлар мавжудлиғи аниқланганда тегишли тузатишлар қилиниши, улар ҳисоб ва ҳисоботға киритилиши лозим. Бу амални амалға оширилганлиғи йўл фондига йиғим ва тўловлар бўйича аудиторлик хатарини камайитириш имконини беради.

9-маъруза	СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ ВА СОЛИҚЛАР БЎЙИЧА МОЛИЯВИЙ САНКЦИЯЛАРНИНГ АУДИТИ
-----------	---

Ўқув соати: 2 соат	Талабалар сони: 20 та
Ўқув машғулоти шакли: Ахборотли маъруза	
Маъруза режаси: 1. Солиқ ва тўловлар бўйича имтиёзларнинг аудити 2. Солиқлар ва тўловлар бўйича молиявий санкцияларнинг аудити	
Ўқув машғулоти нинг мақсади: талабаларга солиқ имтиёзларини ва солиқлар бўйича молиявий санкцияларни аудит қилиш тартиби тўғрисида тушунчалар бериш.	
Педагогик вазифалар: Солиқ имтиёзларини ва солиқлар бўйича молиявий санкцияларни аудит қилиш тартибларини тушунтириш.	Ўқув фаолияти натижалари: Талабалар солиқ имтиёзларини ва солиқлар бўйича молиявий санкцияларни аудит қилиш тартибларини билиб оладилар
Ўқитиш воситалари: <i>видеопроектор, доска.</i>	
Ўқитиш усуллари: <i>Тушунтириш, ақлий ҳужум.</i>	
Ўқитиш шакллари: <i>Коллектив иш</i>	
Ўқитиш шароити: <i>Техник воситалар билан таъминланган аудитория.</i>	
Мониторинг ва баҳолаш: <i>Оғзаки, тест савол-жавоблари.</i>	

1. СОЛИҚ ВА ТЎЛОВЛАР БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛАРНИНГ АУДИТИ

Дунё мамлакатлари тажрибасида соликларнинг муҳим функцияларидан бири сифатида уларнинг рағбатлантириш функцияси эътироф этилади. Солиқлар томонидан ушбу функцияни бажариш негизда, авваламбор, олдинги параграфларда таъкидлаб ўтганимиздек, солиқ тўловларини ҳам давлат, ҳам солиқ тўловчи манфаатлари нуктаи назаридан кафолатлаш тамойили ётади.

Солиқларнинг рағбатлантириш функцияси давлат томонидан солиқ тўловчиларга берилаётган солиқ имтиёзларида ёркин намоён бўлади. Солиқ имтиёзларининг давлат томонидан берилишидан бош мақсад жамиятда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уни узлуксиз равнақини таъминлаш асосида солиқлар орқали бюджетни солиқлар билан доимий равишда тўлдириб бориш, улар эвазига ижтимоий-иқтисодий соҳаларни ривожлантиришни молиялаштириш масалаларини узлуксиз ҳал қилиш ҳисобланади. Тадбиркорлик субъектлари учун солиқлар бўйича имтиёзларнинг берилиши уларни катта миқдорда даромад олишга ундайди. Катта миқдорда даромадларни олиш корхоналарга уларни ўз фаолиятини узлуксиз ривожлантиришда молиялаштириш манбаси сифатида ишлатишга, четдан маблағларни қарзга олишни камайтиришга, улар учун қўшимча қилинадиган тўловларни тежашга, пировардида катта миқдорда фойда олишга, мос равишда, олинган фойдадан доимий равишда солиқ тўловларини амалга оширишга имкон беради. Айнан шулар солиқларнинг рағбатлантириш функциясини, унинг негизда ётувчи солиқ имтиёзлари ва преференцияларини узлуксиз ривожлантириб борилишини дунё мамлакатлари давлатлари, шу жумладан бизнинг давлатимиз солиқ сиёсатининг факат бугунги кунга эмас, балки узок муддатли келажакка йўналтирилганлигидан дарак беради.

Солиқларнинг рағбатлантириш функциясини ёркин намоён ётувчи солиқ имтиёзлари уларни солиқ элементлари тизимида катта аҳамиятга молик кўрсаткичлардан бири эканлигидан дарак беради. Шунингдек бу, мос равишда, солиқ имтиёзларини аудитнинг ўта муҳим объектларидан бири сифатида тавсифлайди.

Солиқ ва тўловлар бўйича давлат томонидан берилаётган имтиёзлар аудит олдига ўзига хос вазифаларни қўяди. Уларнинг асосийлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- давлат солиқ қонунчилигига кўра берилган имтиёзларни ҳар бир тури бўйича тўғри ҳисоб-китоб қилинганлигини аниқлаш;
- солиқлар ва тўловлар бўйича берилган имтиёзлар тўғрисидаги реал ахборотларни ҳисоб ва ҳисоботда акс эттирилганлигини аниқлаш;
- солиқлар ва тўловлар бўйича берилган имтиёзларни айнан ўз мақсадларида ишлатилганлиги тўғрисидаги реал ахборотларни ҳисоб ва ҳисоботда акс эттирилганлигига баҳо бериш;
- солиқлар ва тўловлар бўйича берилган имтиёзлардан самарали фойдаланилаётганлигига баҳо бериш.

Ушбу ва бошқа муҳим вазифаларни ҳал этилиши солиқлар ва тўловлар бўйича имтиёзларни аудит объекти сифатида тўғри таснифланишига, улар

тўғрисидаги ахборотлар реаллигини аудит жараёнида аникланишига бевосита боғлиқдир.

Жаҳон мамлакатларининг соликка тортиш тажрибасида соликлар ва тўловлар бўйича корхоналарга берилаётган солик имтиёзлари жуда ҳам хилма-хилдир. Адабиётларда¹ уларнинг энг кенг тарқалган турлари сифатида қуйидагилар эътироф этилади:

- *солиқдан тўлиқ озод қилиш;
- *солиқ таътили (каникули)ни бериш;
- *солиқ кредити;
- *солиқка тортиладиган базани камайтириш;
- *солиқ ставкасини камайтириш;
- *солиқ базасидан чегирмалар.

Дунё мамлакатларида солиқ ва тўловлар бўйича солиқ тўловчиларга берилаётган ушбу солиқ имтиёзлари уларнинг мақсадлари, муддатлари, ҳисоб-китоб қилиш тартиблари ва бошқа жиҳатлари бўйича, бир томондан, бири-бирига ўхшаш бўлса, иккинчи томондан эса, улар бир-биридан фарқ қилади.

Солиқдан тўлиқ озод қилиш деганда корхоналарни умуман солиқка тортилмаслиги тушунилади.

Солиқдан вақтинчалик муддатга озод этиш ёки солиқ таътили (каникули) деганда корхонани давлат солиқ қонунчилиги ҳужжатларига кўра маълум муддатгача солиқка тортилмаслиги тушунилади.

Солиқка тортиладиган базанинг камайтирилиши деганда, одатда, ушбу базага корхона томонидан олинган айрим даромадларни киритмаслик ҳамда ундан қилинган айрим харажатларни чегириб ташлаш тушунилади.

Солиқ ставкасини камайтирилиш деганда, одатда, давлат томонидан белгиланган солиқ ставкасини давлат солиқ қонунчилигида белгиланган кўйилган миқдорларда ва тартибларда маълум даражада камайтириш тушунилади.

Республикамизда солиқ ва тўловлар бўйича корхоналарга берилаётган имтиёзларни турли бошқа белгилари бўйича ҳам таснифлаш мумкин. Чунончи, улар қандай асосда тақдим этилишига кўра икки турга бўлинади:

(1) республикамизнинг Солиқ кодекси ва бошқа қонунларига мувофиқ бериладиган имтиёзлар;

(2) республикамизнинг Президенти фармонларига мувофиқ бериладиган имтиёзлар.

Солиқ кодексига мувофиқ бериладиган солиқ имтиёзлари, ўз навбатида, қуйидаги турларга бўлинади:

- * солиқдан тўлиқ озод қилиш
- * солиқ базасини камайтириш.

Ўзбекистон Республикасининг Президентининг Фармонида кўра солиқ ва тўловлар бўйича бериладиган имтиёзлар корхоналарнинг ва фаолиятнинг айрим турларини маълум муддатларгача солиқ солишдан аниқ мақсадлар ёки

¹ Яхеев К. Солиқка тортиш назарияси ва амалиёти. Т.: «Ғофур Ғулом», 2000.; Абдурахмонов Х., Жаҳон амалиётида солиқ имтиёзларининг қўлланилиши // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. №3, 2002. 58 бет.

аник мақсади белгиланмаган ҳолларда тўлиқ ёки қисман озод қилишга, солиқ ставкаларини камайитиришга қаратилгандир.

Республикамизнинг солиқ қонунчилиги ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзларни ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириш тартиби махсус «Юридик шахсларга солиқлар, божхона ва мажбурий тўловларни бюджетга тўлаш бўйича берилган имтиёзларни чизмайлаштириш ва бухгалтерлик ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисида Низом»² билан белгиланган, Ушбу низомга мувофиқ солиқ ва тўловлар бўйича барча имтиёзлар қуйидаги иккита гуруҳга ажратилади:

1.Мақсадли вазифаларни бажариш учун йўналтириш шарти билан берилган имтиёзлар;

2.Мақсадли вазифаларни бажариш учун йўналтириш назарда тутилмаган ҳолда берилган имтиёзлар.

Фойда солиғи бўйича мақсадли вазифаларни бажариш учун йўналтириш шарти билан берилган имтиёзлар ҳисобот даврида махсус ҳисоб-китоб асосида ҳисобланган солиқлар ва тўловлар миқдорида харажатлар ҳамда фойданинг ишлатилиши счётларига олиб борилади, яъни:

Дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар», 9810 «Фойда солиғи бўйича харажатлар»

Кредит 6410 «Солиқлар бўйича бюджетга қарзлар», 6520 «Мажбурий ажратма ва тўловлар бўйича бюджетга қарзлар».

Ушбу ёзувлар билан акс эттирилган солиқлар ва тўловлар харажатлар сифатида «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот»га киритилади ва бу суммага корхонанинг соф фойдаси камайитирилади.

Бир вақтнинг ўзида корхона ихтиёрида қолдириладиган солиқлар ва тўловлар суммаларига бюджет олдидаги қарз камайитирилади ва унга қуйидагича ёзув қилинади:

Дебет 6410 «Солиқларбўйича бюджетга қарзлар», 6520 «Мажбурий ажратма ва тўловлар бўйича бюджетга қарзлар».

Кредит 8840 «Мақсадли фойдаланиладиган солиқ имтиёзлари».

Солиқ ва тўловлар бўйича мақсадли вазифаларни бажариш учун йўналтириш шарти билан берилган имтиёзлар 8840 «Мақсадли фойдаланиладиган солиқ имтиёзлари» счётида, агар улар аниқ муддатгача берилган бўлса, шу муддат тугагунча акс эттирилади ва ушбу муддат тугагач корхонанинг резерв капиталига олинади. Агар бундай муддат аниқ белгиланмаган бўлса, у ҳолда фойда солиғи бўйича мақсадли фойдаланиладиган солиқ имтиёзи суммаси ҳар йилнинг охирида резерв капиталига ўтказилади. Мақсадли фойдаланиладиган фойда солиғи бўйича имтиёзларнинг резерв капиталига ўтказилиши ҳисобда қуйидагича акс эттирилади:

Дебет 8840 «Мақсадли фойдаланиладиган солиқ имтиёзлари».

Кредит 8530 «Беғараз олинган мол-мулк»

² Ўз.Р. Адлия Вазирлиги томонидан 2005 йил 2 апрелда рўйхатга олинган. № 1463.

Номи юкорида зикр этилган Низомга мувофик мақсадли фойдаланиладиган солиқ ва тўловлар бўйича имтиёзларнинг ҳисобот даврида аниқ мақсадларда ишлатилишига қуйидаги ёзувларни бериш тартиби ўрнатилган:

1. Солиқ бўйича берилган имтиёзларни таъминотчи (пудратчи)лар ва турли кредиторлар билан ҳисоб-китобда ишлатилишига:

Дебет 8840 «Мақсадли фойдаланиладиган солиқ имтиёзлари».

Кредит 6010 «Таъминотчи ва пудратчиларга тўланадиган счётлар»

Кредит 6990 «Бошқа кредиторлик қарзлар»

2. Солиқ бўйича берилган имтиёзларни меҳнатни рағбатлантириш учун ишлатилишига:

Дебет 8840 «Мақсадли фойдаланиладиган солиқ имтиёзлари».

Кредит 6710 «Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар»

Кредит 6520 «Давлатнинг мақсадли фондларига тўловлар»

Юкорида изоҳи берилган тартибдан кўриниб турибдики, мақсадли вазифаларни бажариш учун бериладиган солиқ имтиёзлари корхонанинг таъсисчилари (инвесторлари) ўртасида тақсимланадиган соф фойдани кўпайтиришга олиб борилмайди. Бундай имтиёзлар ҳам давлат, ҳам корхонанинг умумий раванқига хизмат қиладиган ишларни мақсадли молиялаштириш учун ишлатилади.

Солиқ ва тўловлар бўйича мақсадли фойдаланиш назарда тутилмаган имтиёзлар биринчи гуруҳ имтиёзлардан қуйидаги жиҳатлари бўйича фаркланади.

Биринчидан, уларнинг махсус ҳисоб-китоб асосида ҳисобланган суммаси корхонанинг операцион ҳаажатларига ва фойданинг ишлатилиши бўйича харажатларига олиб борилмайди ва мос равишда «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот»га киритилмайди.


Иккинчидан, махсус ҳисоб-китоб асосида топилган солиқ ва тўловлар бўйича имтиёз сифатида корхона ихтиёрида қолдирилган солиқ ва тўловлар корхонанинг таъсисчилари (инвесторлари) ўртасида тақсимланадиган соф фойдани кўпайтиради. Демак, ушбу солиқ имтиёзидан ҳам корхонанинг ўзи, ҳам унинг таъсисчилари (инвесторлари) моддий манфатдор бўлади.

Учинчидан, мақсадли ишлатиш шарти белгиланмаган солиқ ва тўловлар бўйича имтиёзлар корхона балансида актив, хусусий капитал ва мажбурият сифатида акс эттирилмайди.

Тўртинчидан, мақсадли вазифаларни бажариш учун йўналтириш назарда тутилмаган ҳолда берилган имтиёзлар ҳисоби улар устидан бухгалтерлик назоратини олиб бориш учун махсус балансдан ташқари 013 «Вактинчалик солиқ имтиёзлари» счётида бир томонламали ёзувлар асосида акс эттирилади. Бунда имтиёз берилган муддатгача тақдим этилган солиқ имтиёзлари ушбу балансдан ташқари счётнинг дебетида тўпланади, имтиёз муддати тугагач эса, тўпланган жами солиқ имтиёзи суммаси унинг кредитида акс эттирилади ва шу йўл билан ушбу счёт ёпилади.

Солиқ ва тўловлар бўйича имтиёзлар ва улар ҳисобини юритиш бўйича юкорида қисқача изоҳи берилган тартиб-қоидаларга амал қилинганлигини

текшириш аудиторларнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Шунингдек, ушбу хусусиятлар солиқ ва тўловлар аудитини куйдаги кетма-кетликда олиб боришни такозо этади.



Юқорида келтирилган кетма-кетликдан кўриниб турибдики, аудит текширувида, авваламбор, солиқ ва тўловларга оид имтиёзлар бўйича Солиқ кодексда ва бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган тартиб-қоидаларга амал қилинганликини аниқлаш лозим. Чунончи, имтиёзга эга бўлган солиқ ва тўловнинг тўғри ҳисоб-китоб қилинганлиги, улар суммаларининг молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботга киритилиши ва 8840 «Мақсадли фойдаланиладиган солиқ имтиёзлари» счётига олиб борилиши лозим бўлган миқдорлари аниқланиши лозим. Мақсадли ишлатиш шarti билан берилган солиқ ва тўловлар имтиёзларини тўғри ҳисоб-қилинганлиги ҳамда ҳисоб ва ҳисоботда тўғри акс эттирилганлигини аудит текшируви натижаларини куйдаги шакллардаги ишчи ҳужжат лар билан расмийлаштириш мумкин.

**Солиқ ва тўловлар имтиёзларининг тўғри ҳисоб-китоб қилинганлиги
аудиторлик текшируви натижалари**

№	Солиқ ва тўлов тури	Корхона маълумотлари бўйича имтиёз суммаси			Аудит текшируви бўйича имтиёз суммаси	Четланиш,		
		Ҳисоб- китобда	Бош китобда	Молия- вий хисо- ботда		Ҳисоб- китобда	Бош китоб да	Молия- вий хисо- ботда

_____ корхонасида _____ йилда ҳисобланган солиқ ва тўлов
имтиёзларини счётларда акс эттирилишини текшириш натижалари

Молиявий санкция тури	Корхона бўйича ҳисобланган ва харажатларга олиб борилган		Аудит текшируви бўйича ҳисобланган ва харажатга олиб борилиши лозим бўлган сумма		Четланиш (+, -)
	Счёт	Сумма	Счёт	Сумма	

Юқорида келтирилган аудиторнинг ишчи ҳужжатларида келтирилган маълумотлар солиқ ва тўловлар бўйича имтиёзларнинг ҳисобланган суммаларидаги четланишларни тузатишга асос бўлади.

Аудитнинг кейинги босқичида солиқ ва тўловлар бўйича мақсадли фойдаланиш учун берилган имтиёзлар ишлатилишининг Солиқ қонунчилиги ва бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган тартиб қоидаларга мос келишлиги текширилади. Бундай текширувни ўтказиш учун, дастлаб, ҳар бир солиқ ва тўлов тури бўйича гувоҳлик берувчи ҳужжатлар асосида мақсадли солиқ имтиёзининг ҳақиқатда нималарга сарфланганлиги тўғрисидаги исботу-далиллар йиғиб чиқилади. Исботу-далилларни ҳар бир солиқ ва тўлов тури бўйича қуйидаги шаклдаги ишчи ҳужжатда акс эттириш мумкин.

_____ корхонада 20 _____ йилда _____ солиғи
бўйича берилган имтиёзларнинг ишлатилиши тўғрисидаги исботу-
далиллар ҳисобот

Ҳужжат		Нима мақсадда ишлатилган	Дебет	Кредит	Сумма
№	Сана				
Ҷами ишлатилган солиқ имтиёзи суммаси					

Ушбу ишчи хужжат асосида топилган жами суммани корхона томонидан ДСИга солиқ ва тўловлар бўйича имтиёзларни ишлатилганлиги тўғрисидаги маълумотнома суммаси билан таққослаш ушбу маълумотномани тўғри ёки нотўғри тузилганлигини аниқлашга имкон беради. Бунинг учун ҳар бир солиқ ва тўлов тури бўйича қуйидаги шаклдаги ишчи хужжатни тузиш мумкин.

_____ корхонада 20__ йилда _____ солиғи
 бўйича берилган имтиёзларнинг ишлатилиши тўғрисидаги
 маълумотноманинг реаллигини текшириш натижалари

Нима мақсадда ишлатилган	Корхона маълумоти бўйича	Аудит текширувида	Четланиш

Солиқ ва тўловлар бўйича имтиёзларни ишлатилишига доир бухгалтерия ёзувларидаги камчиликларни қуйидагича расмийлаштириш мумкин:

**Солиқ ва тўловлар бўйича имтиёзларни ишлатилишига доир
 бухгалтерия ёзувларидаги камчиликлар
 реестри**

№	Хужжатлар		Ёзув берилган		Берилиши керак эди	
	№	Сана	Дебет	Кредит	Дебет	Кредит

Солиқ ва тўловлар бўйича мақсадли имтиёзларнинг ишлатилмай қолган қисмини бош китоб ҳамда бухгалтерия балансида тўғри акс эттирилганлигини текшириш учун текшириш учун 8840 «Мақсадли фойдаланиладиган солиқ имтиёзлари» счёти бўйича қуйидаги шаклдаги аудиторнинг ишчи хужжатини тузиш фойдадан холи бўлмайди.

_____ корхонада 20__ йилда _____ солиқ ва тўлови
 бўйича берилган имтиёзларнинг ҳисоб ва бухгалтерия балансида тўғри акс
 эттирилганлигини текшириш натижалари

Кўрсаткичлар	Бош қолдиқ		Йиллик оборот		Охириги қолдиқ	
	Дт	Кт	Дт	Кт	Дт	Кт
Корхона бўйича						
Аудит бўйича						
Четланиш						

Солиқ ва тўловларга доир имтиёзлар бўйича аудиторлик хатари ушбу имтиёзларнинг ҳисобланиши, ишлатилиши ва ишлатилмай қолган суммаларидаги четланишлар ва хатоликларни топмасликда ёки тўғри бўлган

маълумотларни нотўғри деб расмийлаштирилганлигида ҳисобланади. Ушбу аудиторлик ҳатарини камайтириш учун қуйидагиларга амал қилиш ўта муҳим ҳисобланади:

* солиқ ва тўловлар бўйича имтиёزلарни ҳисобланиши ва ишлатилишига оид исботу-далилларни тўлиқ тўплаш, бу кўрсаткичларни танлаб текширишга йўл қўймаслик;

* текширув натижаларини аудиторлик ҳисоботида атрофлича очиб бериш.

2. СОЛИҚЛАР БЎЙИЧА МОЛИЯВИЙ САНКЦИЯЛАРНИНГ АУДИТИ

Молиявий санкциялар солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик чораси бўлиб, пул ундириш (жарималар ва пеня) тарзида қўлланилади.

Юридик шахсларга - солиқ тўловчиларга молиявий санкциялар суд тартибидида қўлланилади, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддати ўтказиб юборилганлиги учун пеня ҳисоблаш, шунингдек солиқ тўловчи содир этилган ҳуқуқбузарликдаги айбини тан олган ва жаримани ихтиёрий равишда тўлаган ҳоллар бундан мустасно.

Солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар ва пеня материаллар судга берилган кундан эътиборан ўттиз кун ичида ихтиёрий равишда тўланган тақдирда тадбиркорлик субъекти - солиқ тўловчи ўзига нисбатан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўламаганлиги учун жарималар қўлланилишидан озод қилинади.

Қуйида солиқ ва тўловларни аудиторлик текширувларини ўтказишда аудиторлар учун ўта муҳим манба ҳисобланадиган қонун ҳужжатларида белгиланган молиявий санкцияларнинг турларини келтирамыз.

СОЛИҚҚА ОИД ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ТУРЛАРИ ҲАМДА УЛАРНИ СОДИР ЭТГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

113-модда. Давлат солиқ хизмати органида ҳисобга туришдан бўйин товлаш

Солиқ тўловчининг, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси норезидентининг, бундан бир вақтнинг ўзида давлат солиқ хизмати органларида ва давлат статистикаси органларида ҳисобга қўйилган ҳолда давлат рўйхатидан ўтказиладиган солиқ тўловчилар мустасно, давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга туришдан бўйин товлаши қуйидаги миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади:

агар фаолият кўпи билан ўттиз кун амалга оширилган бўлса, - энг кам иш ҳақининг эллик бараवари миқдорида, бироқ бундай фаолият натижасида олинган соф тушумнинг ўн фоизидан кам бўлмаган миқдорда;

агар фаолият ўттиз кундан ортиқ амалга оширилган бўлса, - энг кам иш ҳақининг юз бараवари миқдорида, бироқ бундай фаолият натижасида олинган соф тушумнинг эллик фоизидан кам бўлмаган миқдорда.

Солиқ тўловчининг, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси президенти ва вице-президенти давлат солиқ хизмати органида объектлар бўйича ҳисобга туришдан бўйин товлаши қуйидаги миқдорда жарима солиғига сабаб бўлади:

агар ҳисобга туриш бўйича белгиланган муддатдан кўни билан ўттиз кун ўтган бўлса, - энг кам иш ҳақининг эллик баравари миқдорида;

агар ҳисобга туриш бўйича белгиланган муддатдан ўттиз кундан ортиқ ўтган бўлса, - энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдорида.

114-модда. Қилинмаган товарларни сақлаш ёхуд товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушумни яшириш (камайтириб кўрсатиш)

Қилинмаган товарларни сақлаш, бундан уларнинг қонуний келиб чиқиши тасдиқланган ҳоллар мустасно, ёхуд товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушумларни яшириш (камайтириб кўрсатиш) -

қилинмаган товар қиймати ёки яширилган (камайтириб кўрсатилган) тушум суммасига тенг миқдорда жарима солиғига сабаб бўлади.

Яширилган (камайтириб кўрсатилган) тушум суммаси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш мақсадида ҳисобга олинмайди ҳамда мазкур солиққа оид ҳуқуқбузарлик юзасидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қайта ҳисоб-китоб қилинмайди.

Ушбу моддани қўллаш мақсадлари учун товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушумни яшириш (камайтириб кўрсатиш) деб қуйидагилар эътироф этилади:

товарлар (ишлар, хизматлар) реализация қилинганлиги ҳоллари ҳужжат билан тасдиқланганда товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушум суммасининг ҳисобга олиш регистрларида акс эттирилмаганлиги;

товарлар (ишлар, хизматлар) реализация қилинганлигидан далолат берувчи ҳужжатларнинг алмаштирилганлиги, сохталаштирилганлиги ёки йўқ қилинганлиги;

ҳисобда реализация қилинмаган деб кўрсатилган товарларнинг оморда ёки реализация қилиш жойида мавжуд эмаслиги.

115-модда. Солиқ ҳисоботини тақдим этиш тартибини бузиш

Солиқ тўловчининг мансабдор шахсига нисбатан маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил ичида такроран содир этилган солиқ ҳисоботини ўз вақтида тақдим этмаганлиги ёки камерал назорат натижалари бўйича аниқланган тафовутлар асосларини ёхуд аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини белгиланган муддатда тақдим этмаганлиги - муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун бир фоиз миқдорида, бироқ белгиланган тўлов муддатида тўланиши лозим бўлган тўлов миқдоридан тегишли ҳисобот даври учун илгари ҳисобланган тўловлар чегириб ташланган сумманинг ўн фоизидан кўп бўлмаган миқдорда жарима солиғига сабаб бўлади.

116-модда. Бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибни бузиш

Бухгалтерия ҳисобининг йўқлиги ёки бухгалтерия ҳисобини белгиланган тартибни бузган ҳолда юритганлик, ҳисобланиши лозим бўлган солиқлар бошқа мажбурий тўловлар суммасини аниқлаб бўлмаслигига олиб келганда - юридик шахс - солиқ тўловчига нисбатан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг микдорини аниқлаш имконияти бўлмаган даврда товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушум микдорининг би-фоизи микдорида, бироқ энг кам иш ҳақининг эллик баравари микдоридан кўп бўлмаган микдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Жаримани тўлаганлик солиқ тўловчини бухгалтерия ҳисобини тиклаш мажбуриятидан озод қилмайди.

117-модда. Фаолият турлари билан лицензиясиз ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларсиз шуғулланиш

Фаолият турлари билан лицензиясиз ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларсиз шуғулланиш -

фаолиятнинг ушбу турларини лицензиясиз ёки бошқа рухсат берувчи ҳужжатларсиз амалга ошириш даврида олинган соф фойда микдорида, бироқ энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан кам бўлмаган микдорда жарима солишга сабаб бўлади.

118-модда. Ҳисобварақ-фактураларни расмийлаштириш тартибни бузиш

Қўшилган қиймат солиғи солинмайдиган товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишда, шунингдек қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлмаган махсулот етказиб берувчилар томонидан товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишда қўшилган қиймат солиғини ҳисобварақ-фактурада акс эттирганлик - махсулот етказиб берувчиларга ҳисобварақ-фактурада кўрсатилган қўшилган қиймат солиғи суммасининг 20 фоизи микдорида жарима солишга сабаб бўлади. Бунда махсулот етказиб берувчи ҳисобварақ-фактурада кўрсатилган солиқ суммасини бюджетга тўлаши шарт.

Товарларни (ишларни, хизматларни) сотиб олувчиларга нисбатан жарима солиш қўлланилмайди ва улар қўшилган қиймат солиғи бўйича бюджет билан қайта ҳисоб-китоб қилмайди.

119-модда. Фискал хотирали назорат-касса машиналаридан ва тўловларни пластик карточкалар асосида қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларида фойдаланиш тартибни бузиш

Фискал хотирали назорат-касса машиналарини ва (ёки) тўловларни пластик карточкалар асосида қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларида ишлатиш мажбурий бўлгани ҳолда уларни ишлатмасдан савдони амалга оширганлик ва хизматлар кўрсатганлик, худди шунингдек сотиб олувчига қвитанциялар ёзиб бериш, талонлар, чеклар ёки уларга тенглаштирилган бошқа

ҳужжатларни бериш мажбурий бўлгани ҳолда бундай ҳужжатларни бермасдан товарларни реализация қилганлик ва хизматлар кўрсатганлик - энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар жарима қўлланилганидан кейин бир йил ичида содир этилганда -

энг кам иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Техник талабларга жавоб бермайдиган назорат-касса машиналаридан фойдаланганлик ёки фискал хотирасининг хизмат кўрсатиш дастури бузилган назорат-касса машиналаридан фойдаланганлик, шунингдек пластик карточкалар асосида тўловларни қабул қилишни рад этганлик - энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар жарима қўлланилганидан кейин бир йил ичида содир этилганда - энг кам иш ҳақининг икки юз баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

120-модда. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддатларини бузиш

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддатларини бузиш -

тўловнинг белгиланган муддатидан кейинги кундан эътиборан муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун, тўлов кунни ҳам шунга қиради, 0,05 фоиз миқдорида пеня ҳисоблашга сабаб бўлади. Бунда бошқа солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ортиқча тўланган суммага тенг бўлган қарз суммасига пеня ҳисобланмайди. Пеня миқдори тегишли солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарз суммасидан ошиб кетиши мумкин эмас. Пеня ундирилиши солиқ тўловчини солиқ мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди. Юридик шахс - тадбиркорлик субъекти ихтиёрий тугатилган тақдирда, юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилинган кундан эътиборан барча турдаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича пенялар ҳисоблаш тўхтатилади. Ихтиёрий тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таомили тўхтатилган ва фаолият қайта бошланган тақдирда, пеня белгиланган тартибда қўшиб ҳисобланади ҳамда ҳисоблашлар тўхтатиб турилган бутун давр учун ундирилади.

121-модда. Ер участкаларидан уларга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларсиз фойдаланиш


Ер участкаларидан ҳужжатларсиз ёхуд ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларда кўрсатилганидан каттароқ ҳажмда фойдаланиш ер солигининг суммасига эквивалент миқдорда: юридик шахсларга - икки баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Таъкидлаш жоизки, молиявий санкцияларни қўллаш давлат назорат органлари, чунончи солиқ органларининг ваколатига қиради. Бундай ваколат

аудиторлик ташкилотлари ва аудиторларга берилмаган. Аудиторларнинг ваколатига тузилган шартномага кўра давлат назорати органлари, шу жумладан ДСИ томонидан қўлланилган молиявий санкцияларни ҳисоб ва ҳисоботда тўғри акс эттирилганлигига баҳо бериш киради.

Солиқ ва тўловлар бўйича молиявий санкциялар аудитини қуйидаги кетма-кетликда олиб бориш мақсадга мувофиқ.

Солиқ ва тўловлар бўйича жарималар корхонага ҳамда унинг масъул шахсларига солинади. Корхоналар тўлаши лозим бўлган жарималар уларнинг харажатларига киритилади. Масъул шахсларга нисбатан солинган жарималар уларнинг шахсий даромадларидан, яъни иш ҳақидан ушлаб қилиниши лозим. Аудиторлик текширувида корхонада ушбу белгиланган тартибларга риоя этилганлик текширилиши лозим.



Солиқ ва тўловлар бўйича ДСИ томонидан ҳисобланган жарималар ҳамда пенялар, одатда, корхоналарнинг шахсий счётларида акс эттирилади ва инкассо тартибида ундириб олинади. Ушбу жарима ва пеняларни корхонада ҳисобга олишга асос бўлиб ДСИ билан ҳисоб-китовларни солиштирма далолатномаси ҳамда банк ҳужжатлари ҳисобланади. Аудиторлик текширувида ҳисобот даврига доир ушбу ҳужжатларнинг мавжудлиги ва улар асосида жарима ҳамда пеняларни тегишли равишда ҳисобда акс эттирилганлиги аниқланади. Жарима ва пенялар бўйича берилган бухгалтерия ёзувларини текшириш натижаларини қуйидаги шаклдаги аудиторларнинг ишчи ҳужжатида расмийлаштириш фойдадан холи бўлмайд.

**Солиқ ва тўловлар бўйича молиявий санкцияларга доир бухгалтерия
ёзувларидаги камчиликлар реестри**

№	Хужжатлар		Ёзув берилган		Берилиши керак эди	
	№	Сана	Дебет	Кредит	Дебет	Кредит

Солиқ ва тўловлар бўйича молиявий санкцияларни ҳисоб ва ҳисоботда тўғри акс эттирилганлигини аудит текшируви натижаларини қуйидаги шакллардаги ишчи ҳужжат лар билан расмийлаштириш мумкин.

_____ корхонасида _____ йилда солиқ ва тўловлар бўйича
молиявий санкцияларни текшириш натижалари

Молиявий санкция тури	Корхона бўйича ҳисобланган ва харажатларга олиб борилган		Аудит текшируви бўйича ҳисобланиши ва харажатга олиб борилиши лозим бўлган сумма		Четланиш (+,-)
	Счёт	Сумма	Счёт	Сумма	

Солиқ ва тўловлар бўйича молиявий санкцияларда аниқланган четланишлар корхоналарнинг молиявий натижалари кўрсаткичларига, фойдадан ундириладиган солиқларга бевосита таъсир кўрсатади. Шу боис, аудиторлик текшируви натижалари асосида молиявий ҳисоботга ҳам тегишли тузатишлар киритилиши лозим.

Солиқ ва тўловларга доир молиявий санкциялар бўйича аудиторлик хатари, кўриниб турибдики, улардаги четланишлар ва хатоликларни топмасликда ёки тўғри бўлган маълумотларни нотўғри деб расмийлаштирилганлигида ҳисобланади. Шу боис ҳам ушбу аудиторлик хатарини камайтириш учун қуйидагиларга амал қилиш ўта муҳимдир:

* солиқ ва тўловлар бўйича молиявий санкцияларни ҳисобланиши ва тўланишига онд исботу-далилларни тўлиқ тўплаш, бу кўрсаткичларни танлаб текширишга йўл қўймаслик;

* текширув натижаларини аудиторлик ҳисоботида атрофлича очиб бериш.

10-маъруза	СОЛИҚ ВА ТЎЛОВЛАР АУДИТИ НАТИЖАЛАРИНИ УМУМЛАШТИРИШ, РАСМИЙЛАШТИРИШ ВА ТАДБИҚ ЭТИШ
------------	--

Ўқув соати: 2 соат	Талабалар сони: 20 та
Ўқув машғулоти шакли: Ахборотли маъруза	
Маъруза режаси: 1. Солиқлар ва тўловлар аудити натижаларини умумлаштириш ва улар бўйича аудиторлик ҳисоботини тайёрлаш 2. Солиқ ва тўловлар бўйича аудит текширувида аниқланган хатоликлар ва камчиликларни тузатиш ҳамда амалиётга тадбиқ этиш усуллари 3. Солиқ ва тўловлар аудити натижалари бўйича аудиторлик ҳулосаси	
Ўқув машғулотининг мақсади: талабаларга солиқ ва тўловлар аудити натижаларини умумлаштириш, расмийлаштириш ва тадбиқ этиш тартиби тўғрисида тушунчалар бериш.	
Педагогик вазифалар: солиқ ва тўловлар аудити натижаларини умумлаштириш, расмийлаштириш ва тадбиқ этиш тартибларини тушунтириш.	Ўқув фаолияти натижалари: Талабалар солиқ ва тўловлар аудити натижаларини умумлаштириш, расмийлаштириш ва тадбиқ тартибларини билиб оладилар
Ўқитиш воситалари: видеопроектор, доска.	
Ўқитиш усуллари: Тушунтириш, ақлий ҳужум.	
Ўқитиш шакллари: Коллектив иш	
Ўқитиш шароити: Техник воситалар билан таъминланган аудитория.	
Мониторинг ва баҳолаш: Оғзаки, тест савол-жавоблари.	

1.СОЛИҚЛАР ВА ТЎЛОВЛАР АУДИТИ НАТИЖАЛАРИНИ УМУМЛАШТИРИШ ВА УЛАР БЎЙИЧА АУДИТОРЛИК ҲИСОБОТИНИ ТАЙЁРЛАШ

Ўтказилган аудитнинг характери, мақсади ва вазифаларидан келиб чикиб, солиқ ва тўловлар аудитининг натижалари турлича расмийлаштирилади. Агар, солиқ ва тўловлар аудити яхлит комплекс аудитнинг таркибий қисми сифатида ўтказилган бўлса, у ҳолда унинг натижалари комплекс аудит бўйича тузиладиган яхлит аудиторлик ҳисоботида махсус қисм ёки боб сифатида расмийлаштирилади. Бунда ҳар бир солиқ ва тўлов аудитининг натижалари алоҳида параграфларга ажратилиши мумкин. Агар, солиқ ва тўловлар аудити махсус савол тарзида тематик аудитдан ўтказилган бўлса, у ҳолда унинг натижалари махсус савол бўйича тузиладиган яхлит аудиторлик ҳисоботида сифатида расмийлаштирилади. Бунда ҳар бир солиқ ва тўлов аудитининг натижалари алоҳида қисмларга ёки бобларга ажратилиши мумкин.

Солиқ ва тўловлар аудитини қайси тарзда ўтказилишидан қатъий назар аудиторлик ҳисоботи республикамизнинг 70-сон АФМС «Аудиторлик ҳисоботи ва молиявий ҳисобот тўғрисида аудиторлик ҳулосаси»га мувофиқ қуйидаги таркибий қисмлардан ташкил топади:

а) номи («Аудиторлик ҳисобот» ёки «Аудиторлик ташкилотининг ҳисоботи» деган ҳар иккала ном бир хил маънога эга);

б) адресат номи;

в) кириш қисми;

г) таҳлил қисми;

д) якуний қисм.

Аудиторлик ҳисоботининг адресат қисмида буюртмачининг номи ва бошқа барча зарур реквизитлари кўрсатилади.

Аудиторлик ҳисоботининг кириш қисмида аудиторлик ташкилотининг реквизитлари, шу жумладан аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун берилган лицензиянинг рақами ва санаси, аудиторлар ва аудиторлик текширувида қатнашган бошқа шахслар ҳақида маълумотлар ҳамда аудиторлик текширувини ўтказиш учун асос ва ҳўжалик юритувчи субъект фаолиятининг умумий тавсифи кўрсатилади.

Солиқлар ва тўловлар бўйича аудиторлик ҳисоботининг таҳлилий қисми қуйидагиларни ўз ичига олади:

* корхона маълумоти бўйича ҳисобланган солиқ ва тўловнинг суммаси;

* аудит текшируви бўйича солиқ ва тўловнинг ҳисобланиши лозим бўлган суммаси ва унинг тафсилоти –расшифровкаси;

* солиқ ва тўлов суммасининг тўғри ҳисобланганлиги ёки унда қанча суммага кам (ёки кўп) томонга четланишга йўл қўйилганлиги;

* солиқ ва тўлов суммасидаги четланишнинг қандай омиллар (кўрсаткичлар) эвазига ёз берганлигининг баёни.

Аудиторлик ҳисоботининг якуний қисмида солиқ ва тўловлар бўйича аниқланган хато-камчиликлар ва қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича аудиторлик ташкилотининг тавсиялари акс эттирилади.

Аудиторлик ҳисоботида солиқ ва тўловлар аудитига доир барча корхона ҳамда текширув материаллари таҳлилий жадваллар қўринишидаги ишчи ҳужжатлар билан расмийлаштирилади. Ушбу жадваллар аудиторлик ҳисоботи матни ичида ёки унга илова тарикасида бериледи. Жадваллар (иловалар)нинг барчаси ўз тартиб рақамига эга бўлиши лозим.

Аудиторлик ҳисоботи камида икки нусхада тузилади, Унинг ҳар бир бети ҳамда унга келтирилган иловалар аудиторлик текширувини ўтказган аудитор(лар) томонидан имзоланиши лозим.

Аудиторлик ҳисоботининг барча нусхалари буюртмачига танишиш ва унда кўрсатилган далилларнинг тўғрилигига иқрор бўлгач, имзолаш учун тақдим этилади. Буюртмачи томонидан тўлиғича тўғри деб эътироф этилган ҳамда имзоланган аудиторлик ҳисоботининг бир нусхаси аудиторлик ташкилотига қабул қилиш-топшириш далолатномаси билан бирга қайтарилади. Агар, буюртмачи аудиторлик ҳисоботида солиқлар ва тўловлар бўйича ҳисоб-китоблардаги аудитор томонидан аниқланган четланишларга норозилик билдирса ҳамда тегишли исботу-далилни тақдим этса, у ҳолда аудиторлик ҳисоботида тегишли ўзгартиришлар киритилади ва тузатишлар аудиторлик ҳисоботи буюртмачига қабул қилиш ва имзоланиши учун қайта топширилади.

70- сон АФМСга мувофиқ аудиторлик ташкилоти тузилган аудиторлик ҳисоботи учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар ҳисобланади. Шунингдек, аудиторлик ҳисоботидаги ахборотлар махфий ҳисобланади ва уни ошкор этиш мумкин эмас. Ушбу ахборотларга алоқадор шахслар ахборотларни ошкор қилганлиги учун қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортилади.

2.СОЛИҚ ВА ТЎЛОВЛАР БЎЙИЧА АУДИТ ТЕКШИРУВИДА АНИҚЛАНГАН ХАТОЛИКЛАР ВА КАМЧИЛИКЛАРНИ ТУЗАТИШ ҲАМДА АМАЛИЁТГА ТАДБИҚ ЭТИШ

Солиқ ва тўловлар бўйича аудиторлик ҳисоботида акс эттирилган хато ва камчиликларни тузатиш ҳамда тузатилган солиқ ҳисоб-китоблари ва молиявий ҳисоботларни ДСИга қайта топшириш жараёни аудит натижаларини тадбиқ этиш, деб эътироф этилади. Одатда, ушбу ишлар аудиторлик текширувидан кейин қўпи билан 15 кун ичида ўтказилиши керак, чунки аудиторлик текширувидан ўтган ҳўжалик юритувчи субъект аудит текшируви ўтказилгандан сўнг 15 кун ичида аудиторлик ҳулосасини қонун ҳужжатларига мувофиқ тегишли органларга тақдим этиши лозим.

Аудит натижаларини тадбиқ этишга доир ишларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- аудиторлик текшируви натижаларини ҳўжалик юритувчи субъект раҳбарияти, мулкдорлар, Кузатув кенгаши аъзолари ва бошқа қизиқувчилар иштирокида муҳокама қилиш;

- аудиторлик текширувида аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш мuddатларини, аниқ маъсул ходимларни белгилаш;

- аудиторлик текширувида аниқланган камчиликларни ҳақиқатда бартараф этилганлигини назорат қилиш ва муҳокама этиш.

Аудиторлик текшируви натижаларини тадбиқ этишга маъсул бўлиб ҳўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарлари ҳисобланади. Раҳбар аудиторлик ташкилоти билан тузилган шартномага мувофиқ аниқланган хато ва камчиликларни текширувни ўтказган аудиторларнинг иштирокида ўтказиши мақсадга мувофиқ. Чунки, бир томондан, аудиторлар тўплаган исботу-далиллар асосида хатоларни қай даражадалигини, қимлар томонидан йўл қўйилганлигини, уларни қандай тузатиш кераклигини мутахассис сифатида чуқурроқ биладилар. Иккинчи томондан, аудиторлар иштирокида тузатилган хато камчиликлар тузатилган молиявий ҳисоботга расмий аудиторлик ҳулосасини олишни тезлаштиради. Аудиторларни қуйидаги хато ва камчиликларни бартараф этишда жалб қилиш ўта муҳим ҳисобланади:

- Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича қайта ҳисоб- китобларни тайёрлаш;

- Баланс ва ҳисоботнинг бошқа шакллари қайта тузиш;

- Бош китобга тузатиш ёзувларини киритиш;

- Корхонанинг ҳисоб сисъатининг асосий параметрларини белгилаш;

- Корхона ходимларига хато ва камчиликларга йўл қўймасликлари учун масъулатлар бериш ва бошқалар.

Солиқ ва тўловлар бўйича аниқланган четланиш суммаларига барча тузатиш ёзувлари 8710 «Ҳисобот йилнинг тақсимланмаган фойдаси (зарари)» ёки 8720 «Жамланган фойда (қопланмаган зарар)» счёти орқали амалга оширилади. Чунончи, барча солиқ ва тўловлар бўйича уларнинг қамайтириш томонга ўзгартирилган суммалари тегишли қайта ҳисоб-китоблар асосида Дебет 6410, 6520 Кредит 8710, 8720 ёзувлари билан акс эттирилади. Барча солиқ ва тўловлар бўйича уларнинг қўпайтириш томонга ўзгартирилган суммалари тегишли қайта ҳисоб-китоблар асосида Дебет 8710,8720 Кредит 6410, 6520 ёзувлари билан акс эттирилади.

Аниқланган хато ва камчиликларни ўз вақтида тўғриланиши, солиқ декларацияларини ва молиявий ҳисобот шакллари қонун ҳужжарига мувофиқ қайта тузилиши ҳамда тақдим этилиши аудиторларга молиявий ҳисобот бўйича ижобий ҳулоса беришларига асос бўлади.

3.СОЛИҚ ВА ТЎЛОВЛАР АУДИТИ НАТИЖАЛАРИ БЎЙИЧА АУДИТОРЛИК ҲУЛОСАСИ

Ўзбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонунга мувофиқ аудиторлик ҳулосаси молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги ва бухгалтерия ҳисоби юритиш тартибининг қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлиги тўғрисида аудиторлик ташкилотининг фикри ёзма

шаклда ифодаланган, хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботидан фойдаланувчилар учун очик бўлган хужжатдир. Молиявий ҳисобот тўғрисида берилган аудиторлик хулосаси бевосита солик ва тўловларга доир ахборотларга ҳам тегишлидир.

Аудиторлик хулосаси аудиторлик ҳисоботи асосида тузилади.

Аудиторлик хулосаси кириш, таъкидловчи ва яқунловчи қисмлардан иборат бўлади.

Унинг кириш қисмида қуйидагилар кўрсатилади:

- аудиторлик ташкилотининг реквизитлари, чунончи номи, давлат рўйхатида олиш тўғрисидаги гувоҳномасининг раками, юридик манзили, телефонлар, ҳисоб-китоб счёти, хизмат кўрсатувчи банк номи ва коди, СТИР, тармоқ коди ва бошқалар;

- лицензиясининг тартиб раками, ва берилган вакти;

- аудиторлик ташкилотини аудиторлик ташкилотининг текширувда иштирок этган барча аудиторлар ҳамда аудиторлик ташкилоти раҳбарининг насаби, исми-шарифи.

- аудиторлик текшируви ўтказиш учун асос ва хўжалик юритувчи субъектнинг умумий тавсифи.

Шу билан бирга аудиторлик хулосасининг кириш қисмида текширувдан ўтказилган молиявий ҳисоботлар рўйхати, санаси ва ҳисобот даври кўрсатилган ҳолда акс эттирилади. Шунингдек, аудиторлик хулосасининг кириш қисмида аудиторлик текширувдан ўтказиладиган ҳисоботнинг тайёрланиши ва ишончлилиги учун маъсулият хўжалик юритувчи субъект раҳбариятига юклатилиши, мазкур молиявий ҳисобот бўйича берилган аудиторлик хулосаси учун эса аудиторлик ташкилоти жавобгар эканлиги кўрсатилиши лозим.

Аудиторлик хулосасининг таъкидловчи қисмида аудиторлик хулосаси АФМСга мувофиқ ўтказилганлиги таъкидланиши, молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотларнинг ишончлилиги ва қонунчиликка ҳамда хўжалик юритувчи субъект молия-хўжалик фаолиятининг ҳақиқий аҳволига мувофиқлиги ва баҳолашга етарлича имкон бера олишлиги кўрсатиши керак. Шунингдек, бу қисмда ўтказилган аудиторлик текшируви фикр билдириш учун етарли асос бериши тўғрисида аудиторлик ташкилотининг тасдиғи акс эттирилиши лозим.

Аудиторлик хулосасининг яқунловчи қисмида хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерлик (молиявий) ҳисоботи ишончлилиги ва қонунчиликка мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги акс эттирилиши керак.

Аудиторлик хулосаси аудиторлик ташкилотининг раҳбари ва аудиторлик текширувини ўтказган аудитор (лар) томонидан имзоланади ҳамда аудиторлик ташкилоти муҳри билан тасдиқланади.

Аудиторлик хулосасининг иккита тури мавжуд: (1) ижобий аудиторлик хулосаси; (2) салбий аудиторлик хулосаси.

Ижобий аудиторлик хулосасида бухгалтерлик баланси ва молиявий ҳисобот кўрсаткичлари, чунончи солиқлар ва тўловларнинг ишончлилиги аудитор томонидан тасдиқланади. 70-сон АФМСга кўра ижобий аудиторлик хулосаси хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботи унинг мулкӣ ва

молиявий ҳолатини реал эттирган ҳолда, шунингдек юз берган молиявий хўжалик операциялари энг муҳим жиҳатлари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мос келганда берилади.

Салбий аудиторлик хулосаси молиявий ҳисобот қорхонанинг мулкӣ ва молиявий аҳволи тўғрисида ишонарли маълумот бермаганда, шунингдек ҳисоб ва ҳисоботда акс эттирилган молиявий хўжалик операциялари энг муҳим жиҳатлари бўйича республикамизнинг амалдаги қонунлари талабларига мос келмаган ҳолда берилади. Ҳисоб ва ҳисоботдаги хато-қамчиликлар аудиторлик тавсияларига кўра тузатилганда тузатилган молиявий ҳисоботга ижобий хулоса берилади.

Мижоз-қорхона маъмурияти молиявий ҳисобот маълумотларини асосан тўғри деб, аудиторлар томонидан аниқланган хатолар ва ноаниқликлар тўғрисидаги асосий хулосалар билан рози бўлмаганда, тегишли ҳисоб ёзувларини тузатишни батамом рад этганда, аудиторларнинг ўзлари молиявий ҳисоботдаги хато-қамчиликларни жиддий ва салмоқли эканлигига тўлиқ амин бўлганларида ва бошқа салбий ҳолатларда салбий хулоса беришлари ёки 70-сон АФМСга мувофиқ аудиторлик хулосаси тузишдан воз кечишлари мумкин.

Аудиторнинг хулоса тузишдан воз кечиши ёзма равишда, 70-сон АФМС да кўрсатилган шакл бўйича расмийлаштирилади.

Аудиторлик хулосаси тузишдан воз кечиш ариза кўринишида бўлиб, *«Аудиторлик ташкилотининг аудиторлик хулосаси тузишдан воз кечиш тўғрисидаги аризаси»* деб номланади.

Аудиторлик хулосаси қаида уч нусхада тузилади, унинг икки нусхаси аудиторлик текшируви бўйртмачисига тақдим қилинади, бир нусхаси эса аудиторлик ҳисоботи билан аудиторлик ташкилотида сақланади.

Хўжалик юритувчи субъектлар аудиторлик текшируви якунланганидан сўнг 15 кун ичида аудиторлик хулосасининг бир нусхасини ўзлари жойлашган ҳудуддаги солиқ органига тақдим қилишлари лозим.

Аудиторлик ташкилотлари мижоз-қорхоналарнинг молиявий ҳисоботлари барча кўрсаткичлари, қунончи солиқ ва тўловлари реаллиги бўйича берган хулосалари учун масъулдир. Қунончи, улар аудиторлик текширувларидан кейин солиқ органлари томонидан мижоз-қорхоналарда ўтказилган текширувларда солиқ ва тўловлар бўйича аниқланган четланишлар учун жавобгар ҳисобланадилар.

ФОЙДАЛАНИШГА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Меъёрий - ҳуқуқий ҳужжатлар

1.1. Ўзбекистон Республикаси Қонуллари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.—Т: Ўзбекистон, 2010.—10 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси—Тошкент. 2007 йил 25 декабр
3. «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» қонун. 1996 йил 30 август.
4. «Аудиторлик фаолияти тўғрисида» қонун. 2000 йил 26 май. (13.12.2002 йилда ўзгартиришлар киритилган)
5. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”. “СБХ” газетаси, №38 (115), 2007 й. 21 сентябрь. 7-8 бет.

1.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Қарорлари

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги ПФ-3594-сонли Фармони. 2005 йил 11 апрел.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги Қарори. 2005 йил 15 июнь, № ПҚ-100.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жиноят йўли билан топилган даромадларни легаллаштириш, молиявий – иқтисодий ва солиқ соҳасидаги жиноятларга қарши курашни кучайтириш чоралари тўғрисида»ги Қарори. 2006 йил 21 апрел, № ПҚ-331.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида»ги Қарори. 2007 йил 4 апрел, № ПҚ-615.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республика-сининг 2010 йилга асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги Қарори. 2009 йил 22 декабр, № ПҚ-1245.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республика-сининг 2011 йилга асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги Қарори . 2010 йил 24 декабрь. № ПҚ-1449
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республика-сининг 2012 йилга асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги Қарори . 2011 йил 30 декабрь. № ПҚ-1675

1.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, Халқаро ташкилотлар, Ўзбекистон Республикаси Вазирликлари ва Қўмиталари меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулот (иш, хизмат) ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори. 1999 йил 5 феврал. 54-сон.
14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширувларининг аҳамиятини ошириш тўғрисида»ги Қарори. 2000 йил 22 сентябр, № 365.
15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Статистик ва молиявий ҳисоботни янада такомиллаштириш борасида чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори. 2002 йил 25 июн, № 30.
16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар харажатлари ва молиявий натижаларининг шаклланиши ҳисоби тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори. 2003 йил 15 октябрь, № 444
17. «Бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларда хорижий валютадаги операцияларни акс эттириш тартиби тўғрисида Низом». ЎзР МВ, ИВ, ДСҚ, МББ, ДСҚ томонидан 2004 йил 2 сентябрда №98, 41, 2004-57, 257-В, 8 қарори билан тасдиқланган.
18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қорхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисида Низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори. 2006 йил 16 ноябр, № 215.
19. «Қварталлик ва йиллик молиявий ҳисоботларни тақдим қилишнинг муддатлари тўғрисида Низом». Ўз.Р. МВ 2000 йил 15 июндаги 47- сон буйруғи билан тасдиқланган. (12.06.2002 № 85).
20. «Солиқ ҳисоботининг шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида». Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 29 декабрдаги 111, 2007-66-сон қарори.
21. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари.-Т.: Ўзбекистон иқтисодчилар уюшмаси, 1994.–1-2-3 қисмлар.
22. Разъяснения международных стандартов финансовой отчетности. КМСФО. International Accounting Standards Board-Алматы, (МСФО «12) 2001. 243-273 с.
23. Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этишнинг Концептуал асослари. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 1998 йил 14 августдаги 475-сон билан рўйхатга олинган
24. 1-сон БҲМС «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот». ЎзР. АВ томонидан 1998 йил 14 августда рўйхатга олинган, № 474.
25. 2-сон БҲМС «Асосий хўжалик фаолиятдан олинган даромадлар». ЎзР. АВ томонидан 1998 йил 26 августда рўйхатга олинган, № 483.
26. 3-сон БҲМС «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот». ЎзР. АВ томонидан 1998 йил 26 августда рўйхатга олинган, № 484.
27. 5-сон БҲМС «Асосий воситалар». ЎзР. АВ томонидан 2004 йил 20 январда рўйхатга олинган, № 1299.

28. 10-сон БХМС «Давлат субсидияларини ҳисобга олиш ва давлат ёрдамининг ёритилиши». ЎзР. АВ томонидан 1998 йил 3 декабрда рўйхатга олинган, № 562.
29. 21-сон БХМС «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби Счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома» Ўз.Р.Адлия Вазирлигидан 2002 йил 23-октябрда рўйхатдан ўтган, № 1181.
30. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2002 йил 27 декабрдаги “Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 140-сон буйруғи. ЎзР АВ томонидан 2003 йил 24 январда рўйхатдан ўтказилган, №1209. (кейинги ўзгаришлар билан).
31. Хўжалик юритувчи субъектлар-экспортёрлар томонидан амортизацияни ўриятилган меъёрдан камроқ ҳисоблаш тартиби тўғрисида ВАКТИНЧАЛИК НИЗОМ. ЎзР АВ томонидан 2009 йил 5 февралда рўйхатдан ўтказилган, №1897.
32. Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айланиви тўғрисида НИЗОМ. ЎзР АВ томонидан 2004 йил 14 январда рўйхатдан ўтказилган, №1297.
33. 1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни хар йили қайта баҳолашни ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ. ЎзР АВ томонидан 2002 йил 4 декабрда рўйхатдан ўтказилган, №1192.
34. Юридик шахсларга солиқлар, божхона ва мажбурий тўловларни бюджетга тўлаш бўйича берилган имтиёزلарни расмийлаштириш ва бухгалтерлик ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисида НИЗОМ (янги таҳр463
35. Солиқ ҳисоботи шакллари тўлдириш бўйича методик кўрсатмалар. Т.: “Шарк”, 2009.15-63 б.

II. Президент Ислон Каримов асарлари ва сўзлаган нутқлари

36. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. 5 - том.-Т.: Ўзбекистон, 1997. – 384 бет.
37. Каримов И.А. Озод ва Обод Ватан, Эркин ва фаровон ҳаёт – пироворд мақсадимиз. 8 - том. - Т.: Ўзбекистон., 2000. -528 бет.
38. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатимизни ислох қилиш ва янгилаш». Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Олий мажлисининг Қонунчилик Палатаси ва Сенатининг қўшма йиғилишида сўзлаган нутқи. - Т.: Ўзбекистон, 2005. – 96 бет.
39. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш – барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислохотларимизнинг пироворд мақсадидир. - Т.: Ўзбекистон, НМИУ, 2007. - 200 бет.
40. Каримов И.А. Демократик ҳуқуқий давлат, эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқоралик жамияти асосларини қуриш – фаровон ҳаётимиз гаровидир.-Т.: Ўзбекистон, 2007.
41. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч.- Т.: Маънавият, 2008. - 176 бет.

42. Каримов И.А. Жахон молиявий-иктисодий инкирози, Ўзбекистон шароити-да уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. - Т.: Ўзбекистон, 2009. - 56 бет.
43. Каримов И.А. Асосий вазифамиз-ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир.-Т.: Ўзбекистон, 2010.- 56 бет.
44. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.:Ўзбекистон, 2010.-48 бет.
45. Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш-мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир 19-жилд.. –Т.:Ўзбекистон, 2011.-48 бет.
46. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2011 йил 8 декабрь.
47. Каримов И.А. 2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтариладиган йил бўлади. Ўзбекистон Республикаси И.А.Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистоннинг ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси// Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь, № 14 (5434).

III. Илмий монография, ўқув қўлланма ва дарсликлар

48. Аудиторлар учун қўлланма. М.М.Тулахўжаева ва Р.Д.Дўсмуратовлар тахрири остида. – Т.: Ўзбекистон Бухгалтерлар ва Аудиторлар Миллий Ассоциацияси босмохонаси, 2005. - 196 бет.
49. Аудит. Учебное пособие с практическими заданиями, разработанное по программе СРА на основе международных стандартов финансовой отчетности. – Т.: АПБД Узбекистана, 2010, 14 стр.
50. Байрашев А.З., Султанова Д.А. Введение в МСФО. Т. “Professional Development”, 2009 г. 276 стр.
51. Варонина Л.И. Аудиторская деятельность: основы организации. Учебно-практическое пособие.-М.: Эксмо, 2007. - 336 стр.
52. Вахобов А.В, Жўраев А.С. Соликлар ва соликка тортиш.- Т.: Шарк, 2009.-70 бет.
53. Дўсмуратов Р.Д. Аудит асослари. Дарслик.-Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2003. -296 бет.
54. Дўсмуратов Р.Д. Аудиторлик фаолияти: назария, услубиёт ва амалиёт. Монография.-Т.: Молия, 2007. - 276 бет.
55. Дўсмуратов Р.Д., Мусаев Ҳ.Н Файзиев Ш.Н, Қўзиев И.Н, Авлоқулов А.З., Пўлатов Ғ.Н, ва бошқалар. Аудит. I қисм.-Т.:Иқтисод-молия, 2008 йил.-15 бет
56. Завалишина И. А. Налоги : теория и практика .- Т.: “Мир экономики и права”, 2004 год. 169 стр.
57. Зайналов Ж. Соликлар ва соликка тортиш. – Самарқанд.:СКИ кутубхонаси, 2002.-41-62 бетлар.

58. Исроилов Б.И. Солиқлар ҳисоби ва таҳлили: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Монография. – Т.: Ўзбекистон, 2006.
59. Камышанов П.И. Практическая пособия по аудиту. – М.: ИНФРА, 1996
60. Мусаев Х.Н. Аудит. Дарслик. – Т.: Молия, 2003. – 186 бет.
61. Подольский В.И., Поляк Г.Б., Савин А.А. и другие. Аудит. Учебник. – М.: ЮНИТИ, 2000.
62. Санаев Н, Нарзиев Р. Аудит. Дарслик. – Т.: Шарқ, 2001. – 334 бет.
63. Тошмуродов Т. Солиқ назарияси ва тизими. – Т.: “Билим”, 2004 йил 112–бет
64. Тулаходжаева М.М. ва бошқалар. Аудит. II жилд. – Т.: NORMA, 2008 йил, 46 бет.
65. Уразов К.Б. Бухгалтерия ҳисобига аудит. Ўқув қўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 2004, 178-179 б.
66. Уразов К.Б., Вахидов С.В. Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари. Дарслик. – Т.: «АДИБ НАШРИЁТИ» МЧЖ, 2011.
67. Қурбанов З.Н. Солиқ ҳисоби. Монография. – Т.: “Фан”, 2006. 76 бет
68. Қурбанов З.Н. Солиқ аудити. Ўқув қўлланма. – Т.: Фан ва технология, 2007, 45-бет.
69. Яхёев Қ. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. – Т.: Ғофур Ғулом, 2000.-41-58 бетлар

V. Хорижий нашрлар

70. Суглобов А.Е., Жарылгасева Б.Т. Бухгалтерский учет и аудит. Учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2005. – 496 стр.

VI. Илмий мақолалар ва конференция тезислари

71. Абдуллаева Ш. Аудиторлик фаолияти: муаммо ва ечимлар. // Бозор, пул ва кредит. – 2006.-№2 - 27-29-бетлар.
72. Абдурахмонов Х. Жаҳон амалиётида солиқ имтиёзларининг қўлланилиши. // Ўзбекистон иқтисодиёт ахборотномаси. – 2002.-№3-58 бет
73. Пошохўжаева Д.Д., Фойда ва фойда солиғини таҳлил қилишнинг ўзаро боғлиқлиги. Магистрантлар ва иқтидорли талабалар илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. – Самарқанд, СамИСИ, 2007 йил, 4-9 апрел, – 45-49 бетлар.
74. Пошоходжаева Д.Д. Корхоналарнинг даромад (фойда) солиғи ва уни ҳисобини такомиллаштириш. «Сервис ва туризм: Бошқариш ва ривожлантириш муаммолари» мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. – Самарқанд, СамИСИ, 2007 йил, 4-6 сентябрь. 294-296 бетлар.
75. Пошоходжаева Д.Д. Фойда солиғи кўрсаткичлари аудитининг назарий асослари. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва аҳолини иш билан таъминлаш масалалари мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Самарқанд, СамИСИ, 2009 йил, 26 декабр, – 287-291 бетлар.
76. Пошоходжаева Д.Д. Фойда солиғига таъсир қилувчи харажатлар ҳисобининг методологик муаммолари ва уларнинг ечимлари. “Бухгалтерия ҳисоби,

- иктисодий таҳлил ва аудитнинг назарий ва методологик муаммолари” (2-қисм) мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами.-Самарқанд, СамИСИ, 2010 йил, 28 июн,-150-160 бетлар.
77. Уразов К.Б., Пошоходжаева Д.Д. Фойда солиғи кўрсаткичлари ва улар ҳисобининг концептуал жиҳатлари. Жаҳон молиявий-иктисодий инкирозининг оқибатларини бартараф этиш шароитида бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг сифатини ошириш мавзусидаги халқаро конференция материаллари. -Тошкент, 2009 йил, 8-9 октябрь, -32-35 бетлар.
 78. Уразов К.Б., Пашаходжаева Д.Д. О значении и порядке проведения аудиторского анализа показателей прибыли.// Теория и практика учета, анализа, аудита и статистики в России и странах СНГ. Материалы Международной научно-практической конференции - Тамбов 26 апреля 2011 год, -Стр.309-316
 79. Пашаходжаева Д.Д. Фойда солиғи кўрсаткичлари ва уларни таснифлаш асослари. // Иктисодиёт ва таълим. – Тошкент. 2010 йил. - № 6 - 77-80-бетлар.
 80. Пошоҳўжаева Д.Д. Фойда солиғи кўрсаткичлари ҳисобини уйғунлаштириш масалалари.//Бозор, пул ва кредит. - Тошкент. 2011 йил. -№1 – 50-53 бетлар.
 81. Қурбанов З.Н. Солиқ ҳисобини ташкил этишнинг жаҳон тажрибаси. //Солиқ солиш ва бухгалтерия ҳисоби. 3- сон (9),2007. -8-10 бетлар.
 82. Қурбанов З.Н. Солиқ ҳисоби: назария ва амалиёт. «Ўзбекистон
 83. Республикаси солиқ тизимини ислоҳ қилишнинг тамойиллари ва асосий йўналишлари» мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция материаллари. Тошкент, 2006 й. 29-30 май 42-44 б.
 84. Қурбанов З.Н. Солиқ ҳисоби ва аудитининг назарий ва методологик асослари. Аспирант, докторант ва тадқиқотчиларнинг Республика илмий-амалий анжумани маърузалар тўплами. II-қисм. 2007 йил 15-17 март, Тошкент. 2007. 152-154 б.
 85. <http://www.pravoteka.ru/lib/np/0038/39.html> - Характеристика налоговой системы Российской Федерации
 86. <http://www.soliq.uz/uz/regions/40/> Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар.
 87. <http://www.google.co.uz> Фойда солиғи ҳисоби ва аудити.
 88. <http://bankir.ru/dom/showthread.php?t=26868> - Положение по бухгалтерскому учету "Учет расчетов по налогу на прибыль" ПБУ 18/02 введено приказом Минфина России от 19 ноября 2002 г. №114н, зарегистрировано в Минюсте РФ 31 декабря 2002 г. за № 4090.
 89. <http://www.bestreferat.ru/referat-84638.html> - Название: Налоги в США

Уразов Комил Бахрамович

Худайбердиев Немат Умарович

СОЛИҚЛАР ВА ТЎЛОВЛАР АУДИТНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

**Замонавий педагогик технологияларга асосланган
кўргазмалар маъруза матилари тўплами
СамИСИ, 2012**

Буюртма № 3/1. Адади 100 нусха.
“Nafis poligraf servis” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Самарқанд шаҳри Буюк Ипакйўли, 67-А.

20000-00

65.9(2)26
Y683